

Д.А. ФАНИЕВА

ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШДА АХБОРОТ-РЕСУРС  
МАРКАЗЛАРИНИНГ РОЛИ



**Доно Фаниева**

**ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШДА АХБОРОТ-РЕСУРС  
МАРКАЗЛАРИНИНГ РОЛИ**

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2009

**78.34 (5Ў)**

**F21**

**Фаниева, Д.А**

Таълим мақсадларини амалга оширишда ахборот-ресурс марказларининг роли / Д. А. Фаниева; тўпловчилар: Д. А. Фаниева, Р. И. Ратнер, Д. Акрамова. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. - 332 б.

**ББК 78.34(5Ў)**

**Муаллиф:** Фаниева Д. А. Республика илмий педагогика кутубхонаси директори, педагогика фанлари номзоди

**Тўпловчилар:** Фаниева Д. А., Ратнер Р. И.  
Акрамова Д.

**ISBN 978-9943-06-256-6  
№ 7330-3266/2009.**

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2009 й.

## Сўз боши

Ҳозирги даврда мамлакатимизда интеллектуал ва маданиятли-маърифатли жамият куришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ташкил этади. Ушбу дастурнинг асосий вазифаларидан бири шахсни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали Ватанини севувчи, миллий истиқдол ғояларига содик, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Бинобарин, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошира бориб, умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини юксалтириш ва таълимни юқори сифатли ўқув адабиётлари ҳамда замонавий педагогик технологиялар билан таъминлаш бош вазифамиздир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга оширишда кутубхоналарнинг, янги ташкил этилган ахборот-ресурс марказларининг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимида ўқувчилар ва ўқитувчиларга, кенг китобхон оммасига 8502 мактаб кутубхоналари, 101 та мактабдан ташқари таълим муассасалари кутубхоналари, 1212 та ахборот-ресурс марказлари, 15 та ВХТМОМИ ҳамда 5 та педагогик олийгоҳ ахборот-ресурс марказлари хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг китоб фондида 26388705 нусха адабиётлар мавжуд. Китобхонлар сони 6587416 нафарни ташкил этмоқда.

Китобхонларга ахборот ва кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатиш ишини инновацион бунёдкорликлар иштирокчиси саналувчи 12964 нафар мутахассис амалга оширмоқда.

Республикамиз Халқ таълими вазирлиги тизимидағи кутубхоналар соҳасини ислоҳ қилиш принципиал янги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш, кутубхоначилик фаолиятининг асосий шакл ва методларини қайта кўриб чиқиши, анъ-анавий иш шаклларидан ахборотлаштиришни ҳисобга олган ҳолда янги, янада такомиллашган ва самарали иш шаклларини жорий этди ва улардан фойдаланишга доир методик тавсиялар тайёрлаш заруриятини туғдирди.

Мазкур ҳужжатлар тўплами ахборот-ресурс марказларининг ўқитувчи билан биргаликда олиб борадиган ишлари асослари ва мазмун-моҳиятини акс эттирувчи методик қўлланмани ўз ичига олади.

Тўпламга шунингдек, ахборот-ресурс марказларининг иш олиб бориши, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишидаги ҳуқуқий асосларни, ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, тарбиявий ишларни амалга ошириш масалаларини белгилаб берувчи ҳужжатлар ҳам сингдирилган.

Муаллиф.

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги ўтган даврда умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарининг фаолияти ва вазифаси тубдан ўзгариб, уларнинг ўқув-тарбия жараёнини методик жиҳатдан таъминлашдаги аҳамиятини кучайтириш, бунда янги ахборот технологиялари, электрон ахборот ташувчиларнинг ролини ошириш, шу тариқа кутубхоналарни китобхонларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш учун хизмат қиласидан институтга айлантириш мақсади кўзланди, ушбу соҳада янгилашибар сари дадил қадамлар кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июн-даги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли қарорида мамлакатимиз кутубхоначилик тизимини ислоҳ қилиш ҳозирги босқичда энг муҳим вазифа эканлиги давлат сиёсати даражасида эътироф этилди.

Бугунги ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг китоб ўқиши (мутолаа<sup>1</sup>) маданиятини ошириш мактаб кутубхоналарида фаолият кўрсатаётган кутубхоначи ходимларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш ва янги касбий вазифалар асосида ўз маҳоратини оширишигагина боғлиқ бўлмай, кўп жиҳатдан, педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг улар билан ҳамжиҳат ишлашларига ҳам боғлиқ. Ўқитувчиларнинг касбий билим ва маҳоратини эса педагогик ва методик адабиётлардан хабардор бўлиб боришига бўлган эҳтиёж ҳамда улардан фойдаланиш даражаси ва сифати, илғор педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишга бўлган имкониятлар белгилаб берадиган бўлди.

Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг халқимиз яратган маданий мерос ва замонавий илмий, адабий, маданий соҳага оид ахборотларни қурби етганча тўлароқ ўзлаштиришларининг муҳим омили сифатида, уларда мутолаа маданиятини шакллантириш, ёшларни ўқимишли фуқаролар этиб тарбиялаш жамиятнинг маънавий ва иқтисодий тараққиётида жиддий миллий му-

<sup>1</sup> Бугун босма китоблар сирасига ахборотнинг электрон ташувчиси келиб қўшилган бир даврда «китоб ўқиши» ўрнини «мутолаа» эгалай бошлиди. (Қаранг: А.А.Умаров. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолааанинг роли: Социология фанлари доктори... дисс. автореферати. – Т., 2005)

аммога айланиб қолаётгани ҳаммага аён. Зеро, ҳозирги кунда болалар ва ўсмирларда китобхонликни тарбиялаш, бошқача айтганда, уларни ахборот олишга ўргатиш муаммолари (уларнинг китоб ўқишидан узоқлашаётгандилари) ҳал этилмай қолмоқда ва бир бутун чора-тадбирлар мажмуасининг қабул қилинишини талаб этмоқда. Ана шундай чора-тадбирлар орасида, аввало, кутубхоначи, педагог, ўкувчи ва ота-оналарнинг ахборот олиш маданиятини ривожлантириш, бу борада кутубхоначи билан ўқитувчи ҳамкорлигини йўлга қўйишининг зарурлиги муҳим педагогик муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Бунга бир қатор ижтимоий, психологик, педагогик ва методик омиллар сабаб бўлмоқда.

Муаммонинг долзарблиги ҳамда унинг ижтимоий омиллари шундан иборатки, бугунги кунда китобхон мутолааси учун (китоб ўқишига) кулай шароит яратиб беришда қатор камчиликлар мавжуд. Босма маҳсулотларни нашр қилиш, тарқатиш, тарғиб қилиш, уларнинг ўкувчиларга етиб боришини таъминлашда муайян қийинчиликлар кўзга ташланади. Кутубхоначи фақат ахборотнинг электрон ташувчиларини ишга солиб, ўкув фанлари ўқитувчиларининг кўмаги ва ҳамкорлигисиз ўкув-тарбия жараёнига фаол ва самарали аралаша олмайди.

Шунингдек, педагогларнинг ахборот олиш маданияти ҳам талаб даражасида эмас. Ўкув фани ўқитувчилари бугунги кунда китоб дўконларида мавжуд бўлган методик кўлланмалар билан кифояланган ҳолда фаолият кўрсатадилар. Бу эса яратилаётган методик адабиётларнинг бир қисминигина ташкил қиласди. Айрим қўлланмалар эса оз адади нашрлар саналади. Методик мероснинг катта қисми марказий кутубхоналар фондида сақланади. Лекин ўкувчилар муайян масофа мавжудлиги туфайли кўп вақт бу адабиётлардан фойдалана олмайдилар, баъзилари эса мазкур адабиётлардан мутлақо бехабардирлар. Методик мероснинг катта қисми марказий кутубхоналар фондида сақланади. Малака ошириш институтларидағи маъruzаларда лекторлар зарур педагогик, методик адабиётлар рўйхатини ҳавола этмайдилар. Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш режаларида ҳам бу жараён ўз ифодасини топмайди. Бу ижтимоий муаммонинг ечими ахборот-ресурс марказларининг фаолиятини ахборот олишнинг янги технологияларини жорий этиш билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, ўкув жараёнини методик таъминлашда муҳим ўрин тутадиган бу жиҳат XXI асрнинг ибтидосида таълим жараёнини ахборотлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Натижада, кутубхоналар фаолиятига компьютер технологиялари жадал кириб келмоқда. Жумладан,

Йирик кутубхоналар қаторида мактаб кутубхоналари ҳам ахборот технологиялари тармоғига, компьютер коммуникация тизимларининг барча соҳаларига кириб бориш имкониятига эга бўла бошлади. «Кутубхона ресурсларидан фаол ва ижодий фойдаланиш муаммалари» мавзусидаги «Бетгер ўқишилари – 2004» давра сұхбати материалларига ёзилган «Сўз боши»да юзага келган янги имкониятларнинг қамровига баҳо берилиб, шундай дейилади: «Мамлакатимизда жаҳон ахборот маконининг инфратузилмаси ва ахборот-компьютер тармоғига мос келувчи миллий автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизимини яратиш бошқарув, иқтисодиёт, фан ва таълим санарадорлигининг муҳим омили ҳисобланади». Бу жараёнда кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчисининг ҳамкорликдаги фаолиятини замонавий ижтиомий, методик талаблар асосида ташкил этиш, бу жараённинг педагогик ва методик жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумки, янги ахборот технологиялари ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилиб, ўқув-тарбия жараёни, методик таъминотига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда янги ахборот технологиялари ўқув-тарбия жараёнига кириб бормоқда ҳамда ўқув фанлари ўқитувчиларининг методик таъминотини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятларини намоён этмоқда. Лекин кутубхоначи билан ўқув фанлари ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлиги қандай шакл ва кўринишда бўлиши, бу алоқадорликнинг метод ва усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, таълим жараёнининг замонавий талаблари таълимнинг методик таъминотида кутубхоначи билан фан ўқитувчилари ҳамкорлигини ташкил этишининг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқишина тақозо этади. Шунинг учун ҳам, ўқув фани ўқитувчиларининг методик таъминоти масаласида катта қийинчиликларга дуч келинмоқда.

## **«Шахснинг ахборот олиш маданияти» тушунчасининг талқини ва ахборот олиш билан боғлиқ билим, қўникма, малакалар**

Бугунги кунда жадал тарзда қўпайиб бораётган ахборотлардан хабардор бўлиш, керакли маълумотни ажратиб олиш ва ундан фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатда қайдлаш тезкорлиги ва сифати ҳар бир шахснинг ахборот олиш маданияти қай даражада шакл-

ланаёттанилигига боғлиқдир. Бу омил, айниқса умумий ўрта таълим мактаблари ўкув жараёнини ташкил этиш, хусусан, унинг методик таъминоти масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини ҳам замонавий талаблар ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этиш, такомиллаштириш заруриятини кун тартибига кўймоқда. Чунки улар таълим тизими мазмунан ва шаклан янгилаётган бир паллада ҳосил бўлаётган кучли ахборот оқимини қабул қилиш, жамлаш ва ўз ўрнида уларни кенг жамоатчилик, ўқитувчилар ҳамда ўкувчиларга энг манзур йўллар билан тақдим этишдек муҳим вазифани бажаришлари лозим. Ушбу ахборот манбаларига, биринчи галда, ўкув адабиётлари, меъёрий ҳужжатлар, методик қўйланмалар ва бевосита таълим жараёнига тааллуқли бўлган бошқа манбалар киради.

Республика мактаб кутубхоналари томонидан болаларни китобхонликка ўргатиш, ижодий фаолиятта жалб этиш орқали ўсиб келётган ёш авлодни билимли, маънавий баркамол шахс этиб шакллантириш борасида маълум ишлар бажарилмоқда. Жумладан, фанлар ҳафталиги, турли саналар муносабати билан ўтказиладиган анжуманлар, ташкил этиладиган кўргазмалар, янги китоблар тақдимоти каби оммавий тадбирлар ўкувчи ва ўқитувчилар диққатини қўпроқ жалб қилмоқда. Республика миқёсида бир неча йиллардан бўён «Энг яхши мактаб кутубхонаси», «Энг яхши китобхон – китоблар билимдони» кўрик-танловлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Бу мактаб кутубхоналари ўртасида соглом рақобат муҳитини вужудга келтиришда муҳим восита бўлмоқда, қолаверса, ўкувчиларнинг ахборот олиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Лекин таълим соҳасида кутубхоначилик фақатгина юқорида санаб ўтилган ишлар билангина такомиллашиб, ривожланиб қолмайди. Бу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Мактаб кутубхоналарининг китоб жамғармаларини тўлақонли шакллантириш ва уларни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, жараённи автоматлаштириш, шунингдек, мактаб кутубхоналари ходимларининг назарий ва техник малакаларини ошириш, уларда янги ахборот технологиялари билан ишлаш кўнималарини ҳосил этиш бутунги кунда олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамида таълимни модернизациялаштирилаётган жарайёnda жамиятни тезкор ахборотлаштириш, ўкув нашрлари бо-

зорини барпо этиш ахборот технологияларини ривожлантириш билан уйғун тарзда кечмоқда. Буларнинг барчаси умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарини мактаб таълим жараёнининг ажралмас қисми, чинакам ахборот таъминоти маркази, шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантирадиган базасига айлантиришни тақозо этади.

Ушбу вазифаларни бажариш йўлида 2003 – 2004 ўқув йили «Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили»да халқ таълими тизимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириш концепцияси» тасдиқланди. Унга мувофиқ равишда умумий ўрта таълим муассасаси кутубхоналарини ривожлантиришнинг асосий ғояси, таълим сифатини оширишда энг муҳим омил бўлган ягона ахборот муҳитини вужудга келтириш билан боғлиқ йўналишлар ва вазифалар мазмуни белгилаб олинди.

«2003 – 2004 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарини ривожлантириш дастури» доирасида умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарининг меъёрий-хукуқий базасини такомиллаштириш, уларни ахборотглаштириш, таълим жараёнини илмий-методик жиҳатдан таъминловчи марказларга айлантириш борасида амалий ишлар бошланди. Бу ишлар, ўз навбатида муайян илмий ғоялар, концепциялар ва назарий ишланмалар асосида ташкил этишни тақозо этди ҳамда мазкур муаммонинг ечимида қуидагилар диққат марказида бўлиши талаб этилади:

1. Халқ таълими вазирлигига Ўзбекистондаги умумий ўрта таълимнинг барча йўналишларини қамраб оладиган ягона замонавий ахборот муҳитини яратиш.

2. Замонавий ахборот муҳитини ривожлантиришда республикамизда мавжуд илмий-педагогик салоҳият ҳамда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш.

3. Мазкур вазифаларни бажариш учун электрон ахборот ресурсларини шакллантириш муаммоларини ҳал этиш.

4. Интернетдан фойдаланиш юзасидан кутубхоначилар ва фан ўқитувчилари орасида тўпланган тажрибаларни самарали оммалаштириш.

5. Дунё ҳамжамияти ўртасида ришталарни мустаҳкамлаётган виртуал ахборот оламига уйғунлашувини таъминлаш. Бу омиллар мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг ривожланиши ва замонавийлашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир таълим муассасаси глобал ахборот тармоғидан ўзига зарур бўлган маълумотларни олиши ва қайта ишлаб фойдаланиши лозим. Илгарилари моддий неъматлар жамғаришга катта аҳамият берилган бўлса, эндиликда ахборотлар ва билимлар жамиятнинг бош ресурсларига айланниб бормоқда, яъни ахборотга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, у жамият ва давлатни ривожланиришнинг табиий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларлари билан бир қаторда турган стратегик ресурс сифатида англана бошланди.

Замонавий ахборот ресурслари, ахборот тизимидағи ҳужжатлар оқимининг тавсиф ва хусусиятлари тобора ўзгариб бормоқда. Компьютер техникаси ривожланишининг бугунги даражасига кўра, қоғоз шаклидаги ахборот ташувчилар электрон воситаларга ўтказилмоқда. Бу ҳолат ҳужжатлар ва маълумотномаларгагина эмас, балки бадиий матнлар, назарий, педагогик ва методик адабиётларга ҳам тааллуклидир. Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти ахборотларни мислсиз тезликда, ер юзининг исталган нуқтасидан туриб узатиш ва қабул қилиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда китоб нашр қилиш кўлами кенгайди, журнallар ва газеталар (даврий нашрлар) микдори кун сайин ортиб бормоқда, сифати яхшиланмоқда. Компьютер техникаси туфайли ҳаётимизга Интернет кириб келди, китоблар ҳам, матбуот асарлари ҳам электрон вариантда тақдим этила бошланди. Ахборот оқимининг кўплиги у билан танишиш, қайд қилиш, унга ишлов бериш, ундан фойдаланишга бўлган муносабатни ўзgartариш, яъни ахборот олиш маданиятини эгаллаш заруриятини келтириб чиқарди. Энди кутубхона деганда ўқувчиларнинг китоб ўқиши ҳақидагина эмас, балки педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари, халқ таълими муассасалари ходимлари, бошқача айтганда, аҳолининг мутолаа маданияти тўғрисида фикр юритиш одат тусига айланди.

Жамиятимиз бекиёс даражада ахборотлашаётган щундай бир шароитда кутубхоначининг касбий тайёргарлигини тубдан яхшилаш, кутубхоначилар, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш, бу борада уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларини таъминлаш вазифаси юзага келди, бу вазифа давлат буюртмасига айланди.

Ахборотлашаётган жамиятда фуқароларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш долзарб ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Мана шу жараённинг самарали кечишида эса педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг ўрни бекиёс. Ўқувчининг китоб

ўқиши, педагоглар ва ўкув фанлари ўқитувчиларининг назарий, педагогик ва методик адабиётлар билан ўз вақтида танишиб боришилари, шу йўл билан ўз билимларини оширишилари, дунёқараши, ўқимишили кишиларга хос жиҳатларини тарбиялашлари, касб маҳоратларини юксалтиришилари бевосита ахборот олиш маданиятидинг шаклланиши билан боғлиқ. Вилоят марказлари ва вилоятларнинг ҳар бир туманидаги тегишли мактабларда ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши ўқувчиларга ахборот олишнинг замонавий, автоматлашган шаклини тақдим этади.

Ахборот-ресурс марказлари (бундан кейин — АРМ лар) замонавий мактаб кутубхонаси мисолида ахборот маконининг қуий бўғини сифатида шаклланиши лозим. Ушбу бўғин қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритиш алоҳида педагогик масаланинг ечимига олиб келади: чунки айрим олимлар томонидан ахборот ресурсларини парчалаб юбориш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин деган фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Тан олиш лозимки, мактаб кутубхоналарининг амалдаги китоб фонди нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчиларни ҳам қаноатлантира олмайди. Аслида бугунги кундаги ахборот макони ўқув-тарбия жарайёнини ахборот билан мунтазам таъминлаб туриш имконини бериши, шу билан бир қаторда ўқувчилар ва ўқитувчиларда ахборот олиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Мактаб кутубхонаси, АРМ лар, туман, шаҳар, вилоят марказларидаги кутубхоналар, малака ошириш институтлари, олий ўқув юртлари кутубхоналари, йирик кутубхоналар фонди тадрижий тарзда ўзаро фарқланади. Лекин бу фондлар келгусида Интернет сайтлари орқали ягона ахборот маконини ҳосил қила олади. Бундай ягона макон фонд ресурсларини янгилаш ва уларни ўз вақтида бойитиб туриш, Интернет сайтлари орқали хорижий давлатлардаги кутубхоналар, ахборот маконлари билан боғланиш эса мумкин қадар Ер юзининг ахборот маконидан хабардор бўлиб бориш имконини беради. Бирок бу имкониятдан меҳаник тарзда фойдаланиш, уни илмий асосланган ахборот (шу жумладан ўқув ахборотлари) олиш манбаи сифатида тақдим этиш мактаб кутубхоналарининг янги моделини яратишни тақозо этди. Ана шу дастур асосида Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятларида Осиё Ривожланиш Банки билан биргалиқда АРМ лар яратилган бўлиб, уларда кенг кўламли тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Республика илмий педагогика кутубхонаси ушбу марказлар фаолиятини методик

жихатдан ташкил этиш ва бошқариши лозимлиги боис. муайян назарий-методологик, ташкилий-педагогик тадбирлар, методик ишланмалар тақдим этилди.

Ушбу марказлар синов масканлари сифатида фаолият кўрсатиб, ўқувчилар учун мўлжалланган фондни бойитиш билан бирга назарий, педагогик ва методик адабиётлар ресурсларига эга бўлиш асносида кутубхоначи ва педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари ўргасидаги ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Зоро, кутубхона педагогик ва методик адабиётлар истеъмолчиларига кенг хизмат кўрсата оладиган ахборот-ресурс марказига айланмас экан, педагоглар, ўқитувчиларнинг унга нисбатан илгаридан шаклланган муносабатларида жиддий ўзгаришларни кутиш мумкин эмас.

Ахборот олиш маданияти ўзи нима ва у кутубхоначилар ва китобхонлардан қандай билим, кўнишка ва малакаларга эга бўлишни талаб этади? Педагог ва ўқитувчининг ахборот олиш маданиятини эгаллаш ўйлида кўрсатадиган ўкув-билив фаолияти ўз-ўзидан изга тушиб кетмайди, албатта. Бунинг учун маълум миқдордаги ресурслар юзага келтирилиши, муайян мазмундаги қўшимча таълим зарур бўлади. Методик адабиётларда илгари сурилган фикрларни умумлаштириш ҳамда уларни таҳлил этиш китобхонларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш заруритини келтириб чикувчи омиллар қуидагилардан иборатлигини эътироф этиш имконини беради:

- таълим модели ўзгариб, бир умрга етадиган билим олиш ўрнини умр бўйи таълим олиш эгаллай бошлаганлиги;
- ахборот кўламининг жадал ортиб бораётганлиги;
- жамиятнинг кенг миқёсда ахборотлашаётганлиги;
- ахборот олиш – у билан танишишнинг ўзи бўлмаслиги;
- ахборот олиш оз миқдордаги адабиётлар билан чекланишини ифода этмаслиги;
- ахборотни имкон қадар кўпроқ ўзлаштириш жамият тараққиётини таъминловчи энг муҳим омил эканлиги;
- тобора тараққий этаёттан ахборот техникаси ва технологиясидан фойдаланилаётганлиги.

Бугун компьютерга эга бўлган, Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган хонадонлар, ташкилотларга ахборот жадал кириб бормоқда. Бундай ахборотлашув жараёни жамиятнинг ахборот ресурслари заҳирасида, яъни ахборотлаштирилган маконнинг юзага келиши ва кутубхоналарнинг янги шароитда инновацион фаолият кўрсатиши ҳамда шунга яраша китобхоннинг ахборот

олиш маданиятини эгаллашида ўз ифодасини топмоқда. Замона-  
вий ахборот макони китобхонлар учун катта имкониятдир.  
И.Г.Захарованинг фикрича, «ушбу имкониятлардан жамиятнинг  
янги ахборот маконида мӯлжал ола билишга имкон берадиган  
зарур билимларга эга бўлган аъзоларигина оқилона фойдалана-  
дилар». Акс ҳолда, янгилик топиш илинжида ахборот уммонига  
шўнғиган китобхон ҳеч нарса тополмай чиқиши мумкин.

Н.И.Гендина тўғри таъкидлаганидек, «Бутун ахборот жамия-  
ти «таълим олувчи» жамият деб бежиз аталаётгани йўқ. Бундай  
дейишга қуидагилар асос бўла олади: ахборот ва билимлар –  
жамиятнинг бош бунёдкор кучи; янгилик, тезкорлик, жадалла-  
шув – бугунги куннинг энг тавсифли белгилари; хоҳ ишлаб чи-  
қариш, хоҳ ижтимоий ҳаёт бўлсин, технологияларнинг янгила-  
ниш мароми олти-етти йилни ташкил этмоқда; таълим олиш-  
нинг узлуксизлиги ва қайта тайёрловдан ўтишга қодирлик –  
шахснинг ўз ижтимоий мақомини сақлаб қолишнинг ажралмас  
қисми; ҳар бир инсоннинг тақдири ўз вақтида янги ахборотни  
қидириб топиш, олиш, мос равишда қабул қилиш ва ундан са-  
марали фойдаланишига боғлиқ».

Республикада «ахборот олиш маданияти», ахборот-ресурс мар-  
казларининг пайдо бўлиши муносабати билан эса, «ўкув жараёни-  
нинг методик таъминоти» тушунчалари кенг оммалашиб бормоқ-  
да. Мутахассисларнинг берган таъриф ва изоҳларига кўра, ахборот  
олиш маданияти қуидагиларни ўз ичига олади: жамиятнинг ах-  
боротлашув даражасини англаш; шахсда ахборот олишга интилиш-  
нинг вужудга келиши (шахснинг сифати); ахборот олишга доир  
билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаш; ахборот восита-  
лари манбаларидан самарали фойдаланиш; шахс эркинлиги, унинг  
ахборотлашган жамиятдаги хулқ-атвори, хуқуқий билимлари.

Жамиятнинг ахборотлашув даражасини англаш деганда: ах-  
боротнинг жамиятда амал қилиши; ягона ахборот маконининг  
юзага келиши; ахборот олиш имкониятларининг ортиши; аниқ  
бир жамият, ҳалқлар, миллатларнинг ахборотлашуви; муайян  
фаолият соҳаларининг ривожланиш даражасини ифодалаши  
назарда тутилади.

Демак, жамиятнинг ахборотлашув даражасини англаш унинг  
жадал ахборатлашуви ва ягона ахборот маконининг юзага кели-  
ши, жамият аъзоларининг ахборот оқимидағи ўзгаришларни анг-  
лашларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларидаги мактаб кутубхона-

лари аҳолига хизмат кўрсатиш, ахборот маконидан хабардор бўлиб туриш мумкин бўлган асосий институт, маданий-маърифий, маънавий муассасалардан биридир.

Шахснинг ички оламида ахборот олишга бўлган интилишнинг вужудга келиши: билимлар, кўникмалар, малакаларнинг муайян ахборот муҳити билан ўзаро таъсири натижасида шахсдаги рефлексив кўрсатмаларнинг ўзгариши; ижтимоий аҳамиятли ахборотнинг имкон қадар каттароқ ҳажмини ўзлаштириш давомида шахс ички оламининг гармоник ҳолга келиши; инсоннинг ижтимоий табиати; ижодий қобилиятларининг маҳсули; инсонда ахборот олиш сифатларининг шаклланиши; аксеологик характердаги ахборот олиш фаолияти, яъни қадриялар билан шартланган маданият; индивидуал ахборот олиш фаолиятини оптималь даражада амалга оширишни таъминловчи билимлар, кўникма ва малакаларнинг тизимга солинган мажмуидан иборат.

Шахснинг ички оламида ахборот олишга интилишнинг пайдо бўлишини ахборотлашаётган жамиятга монанд ахборот олишга қизиқиши, эҳтиёж сезиш, ҳам касбий, ҳам маънавий эҳтиёжларни қондиришга интилиш, ахборот яратиш ва уни узатиш, ахборотни сифатли ўзлаштириш ҳамда ундан самарали тарзда амалий фойдаланиш сифатларини намоён этиш, ҳукуқий саводхон бўлиш, ҳулқ-атвор меъёрларига амал қилиш тарзида таърифлаш мумкин.

Ахборот олишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш: инсоннинг ахборотни ўзлаштириш савияси ва ундан фойдаланиш сифати; ахборот олиш фаолиятининг сифат тавсифи (инсон ҳёт фаолиятининг ахборот олиш, узатиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги сифат тавсифи); ахборот устидаги иш турларида: уни олиш, тўглаш, кодлаштириш ва унга қайта ишлов беришда, шу асосда сифат жиҳатдан янги ахборот яратишда, уни узатишда, ундан амалий фойдаланишда инсон, жамият ёки муайян қисмнинг камол топғанлик даражаси; ахборот манбаларини онгли равищда танлаш ва уларга қайта ишлов бериш алгоритмини эгаллаш; кутубхоначилик-библиографик саводхонлик, мутолаа (китоб ўқиши) маданияти, ахборотлашув жараёни нима эканлигини ва уни кутубхона жойлашган туманда, ҳудудда амалга ошириш хусусиятларини билиш; ахборотлашув ҳукуқий майдонида, муаллифлик ҳукуқи муаммоларида, сўз эркинлигига, шахснинг ахборот жиҳатдан хавфсизлигига ва ҳоказоларда мўлжал ола билиш; «кутубхоначилик-библиографик билимлар», «китоб ўқиши маданияти», «кутубхоначилик-библиографик маданият»,

«ахборот олиш саводхонлиги», таълим жараённида ахборотнинг роли муҳим эканлигини англаб етиш, анъанавий, электрон, тармоқли ва бошқа ахборот ресурсларидан мажмууви фойдаланиш, ўзини ахборот ташувчиси ва тарқатувчиси деб билиш, фаол ахборот олиш; одамнинг ахборот жамиятидаги хулқ-автор қоидала-ри мажмууда намоён бўлади.

Умумлаштириб изоҳлагандан, у ахборот билан ишлашнинг турли шаклларида: уни олиш, тўплаш, кодлаштириш ва унга қайта ишлов бериш, шу асосда сифат жиҳатдан янги ахборот яратиш, уни узатиш, ундан амалий фойдаланишда инсон ва жамият аъзолари муайян қисмининг баркамоллик даражаси, кутубхоначилик-библиографик билимлар (саводхонлик), мутолаа (китоб ўқиш) маданиятининг ривожланганлигини анъанавий, электрон, тармоқли ва бошқа ахборот ресурсларидан мажмууви фойдаланиш имкониятига эгалик ҳолатини ифодалайди.

Ахборот воситалари ва манбаларини ишлатиш методларини эгаллаганлик: компьютер саводхонлиги; ахборот маконида, уни шакллантириш ва ўзаро ахборот алмашишда эркин мўлжал ола билиш имконини берадиган билимлар ва кўнилмалар; турли моддий ахборот ташувчилар ёрдамида қайд этилган субъект-субъект ва субъект-объект муносабатларининг моҳияти; замонавий ахборот ресурслари, айrim ҳужжатлар, ахборот тизимидағи кутубхоналар, архивлар, жамғармалар, маълумотлар банклари тавсия ва хусусиятларини тушуниш; турли хил ахборот ташувчилардан фойдаланиш имкониятлари, ахборотни тўплаш, тизимга солиш, сақлаш ва излашнинг анъанавий ва электрон воситалари афзаллilikлари ҳамда камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдалана билиш; сунъий интеллект тизими билан мулоқот қилиш, «ибрид интеллект» одам-машина тизимида диалогик мулоқот юритиш, телематика воситалари, глобал ва локал ахборот-ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш, оламдаги ахборот манзарасини рамзлар ва белгилар, бевосита ва акс ахборот алоқалари тизими сифатида англаш ва ўзлаштириш, ахборотлашган жамиятда эркин мўлжал олиш, унга мослашиш қобилияти, мактабда информатикани ва ахборот технологияларини ташкилий суратда ўқитиш ва ахборот узатишнинг замонавий электрон воситаларини ўқув-тарбия жараённига олиб кириш кабиларда намоён бўлади. Умумлаштириб таърифлагандан: у замонавий ахборот ресурслари, айrim ҳужжатлар, ахборот тизимидағи кутубхоналар, архивлар, жамғармалар, маълумотлар

банкларининг характеристи ва хусусиятларини тушуниш; турли хил ахборот ташувчиларини очиш имкониятлари, ахборотни түплаш, тизимга солиш, сақлаш ва излашнинг анъанавий ва электрон воситалари афзаликлари ҳамда камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдалана билишдан иборатdir.

Компьютер заводхонлигига маълум маънода ахборот олиш маданиятини эгаллаш ҳаракатларини таъминловчи асосий восита деб қарашиб лозим. Компьютер заводхонлиги, ахборотга асосланган жамиятда фаолият кўрсатиш мақсадида, компьютер билан ишлаш учун барча зарур билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда ахборот заҳираларини электрон ташувчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Ахборот олиш маданияти» тушунчаси таркибиға кирган «ахборотни сифатли ўзлаштириш ҳамда самарали тарзда амалий фойдаланиш»га шунчаки керакли адабиётларни ўқиши билангина эришиш мумкин эмас. Бу ўринда ахборотни тезкор қайд этиш, унга ишлов бериш катта аҳамиятга эга. Агар ахборот сифатсиз қайд этилса, кейинчалик ундан фойдаланиш имконияти чекланади. Масалан, педагог ёки ўқитувчи ахборот манбаини кўрсатмаган бўлса, кўчирмалар узуқ-юлуқ, илмий заминни тушириб қолдириб олинган бўлса, ушбу ахборотдан ўз ижод маҳсулини илмий асослашда (мақола ёки қўлланмада шу манбага илова сифатида таянишда) фойдалана олмайди, демак, касб маҳоратини оширишда кутилганидек натижага эришиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, ахборотни қайта излаш ва ундан кўчирмалар олиш муаммоси юзага келади. Сканер ва принтер компьютер орқали қисқа фурсатда кўчирмаларни олиш ва қайдлаш имконишини беради. Ушбу қайдлар компьютер хотирасидан ташқари, дискет ва компакт-дискларда сақланади. Булар шахснинг ахборотни «ўзлаштириш савияси», «ундан фойдаланиш сифати» ни таъмишлаб, уларнинг сифатли эгалланишини таъминлайди.

Ахборот олиш маданиятининг замонавий талқини эски, устун даражада китобий кутубхоначилик маданияти ҳамда янги ахборот технологиялари («экран маданияти», «компьютер маданияти») билан боғлиқ маданият синтезини кўзда тутгади. Шахснинг ахборот олиш маданияти бу, — инсон умумий маданиятининг таркибий қисмларидан биридир.

Ахборот олиш маданияти ахборот олиш фаолиятига бўлган қизиқиши каби руҳий ҳолатдан ташқари, қуйидаги тушунчаларни ҳам ўз ичига олади: — таълим жараёнида унинг муҳим аҳамиятга эга

эканлигини англаб етиш; – ахборот манбаларини онгли равища танлаш ва уларга қайта ишлов бериш алгоритмини эгаллаш;

– анъанавий, электрон, тармоқли ва бошқа ахборот ресурсларидан комплекс фойдаланиш;

– ўзини ахборотнинг ташувчиси ва тарқатувчиси деб билиш, фаол ахборот олиш кабилар.

Лекин бугунги кунда педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари учун ахборот манбаи бўлмиш кутубхонадан фойдаланишга қизиқишининг ўзи кифоя қилмайди, бунга қўшимча равища уларда керакли ахборотнинг топилишига ишонч ҳам бўлиши зарур.

Ахборот олиш маданияти – ахборотни тўплаш, тизимга солиш, сақлаш ва излашнинг анъанавий ва электрон воситалари афзалликлари ва камчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш фаолияти замирида қўлга киритилади.

Ўқитувчи ўтган асрнинг 90-йилларга қадар дарсликдаги билимларни тушунтирувчи, шу билимларни мустаҳкамлаш ва вақти-вақти билан тақрорлаш ишларини уюштирувчи, айрим ҳоллардагина муаммоли таълим асосида ушбу билимларни тадқиқ этиш вазиятини юзага келтирувчи сифатида иш кўрган бўлса, шу тариқа мактабни тамомлаган ёшларда мустақил мутолаа малакаси етарлича ҳосил бўлмаган бўлса, бугун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига эътиборни кучайтиришни шарт қилиб кўйди. Бунинг учун эса уларни таълим олувчи субъектга том маънода айлантириш кераклиги ҳаммага аён ҳақиқатта айланди.

Ўқувчи ахборот олиш маданиятига эга бўлиши керак. Буни педагогик жиҳатдан изоҳдайдиган бўлсак, у муайян билимлар мажмуи бўлган китоб (электрон манба)ни топа оладиган бўлиши, қаердан ва қандай излашни билиши, буни амалга ошириши, китобни саводли мутолаа қилиши, яъни уни қайта-қайта ўқиш ҳаракатини камайтириб, керакли маълумотларни бир ўқишдаёқ қўпроқ ола билишга бу маълумотларни қўпроқ қайд эта олишга улгuriши, уларни фойдаланиш учун қулай ҳолатга келтириши зарур. Албатта, ўқувчи, ҳатто ўқитувчи ҳам бу даражага бирданига эриша олмайди. Бунга муайян тажриба тўплаш асосида эришилади.

«Ахборот олиш маданияти» тушунчасининг талқини муаммога ойдинлик киритиш имконини берди. Навбатдаги масала – ахборот олиш маданиятини эгаллаш, ахборот ёрдамида ижтимоийлашув учун шахс қандай билим, кўникма ва малакаларни қўлга киритиши лозимлиги, уларни қаерда, қайси усувлар билан эгал-

лаш мумкинлиги, амалиётда қўллаш учун нималар қилиш зарурлиги масаласидир.

Китобхоннинг ижтимоийлашуви ахборот олиш маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. В.А.Бородинанинг берган таърифига кўра, «Кутубхона – ижтимоий институт, кутубхона хизмати эса – субъектларни кутубхоналар тизими орқали ижтимоийлаштиришга қаратилган фаолият». Бошқача айтганда, ижтимоий институт китобхонни ижтимоийлаштириш учун хизмат қилади. Бизнингча, китобхоннинг ижтимоийлашуви деганда, инсоният томонидан тўпланган китобхонлик тажрибасини эгаллаш жараёни ва шу жараёнда эришилган натижаларни ўзлаштириш тушунилади. Китобхонликнинг ижтимоийлашуви мураккаб педагогик-психологик ҳодиса бўлиб, мутолаа кўнікмаларининг шаклланишидан ташқари, унинг натижаси, усули, шахсада ахборотга нисбатан муносабатнинг ҳосил бўлишида ҳам ифодаланади.

Китобхоннинг ижтимоийлашуви – ижтимоий-тарихий ҳамда педагогик зарурат. Жадал ахборотлашаётган жамиятда шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш, ижтимоийлашувига эришиш зарурати китоб ва унинг ўрнини босадиган билим манбаларининг тобора ортиб бораётганлиги, ушбу манбалар сирасига Интернет тармоғи келиб кўшилгани сабабли мутолаа саводхонлигини эгаллаш ёшларда қисқа вақт сарфлаб, кўп нарсани билиб олиш кўнікмасини эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Яқин-яқинларгача бола дунёга келгач, аввал болалар боғчасида бўлиши, кейин мактабда таълим олиши, улғайиб ўрта маҳсус ёки олий ўқув юртида таҳсил қўриши, сўнгра мутахассис сифатида ҳар уч ёки беш йилда бир марта малака ошириб туриши, ўз устида ишлаши одатий бир ҳолга айланган эди, яъни мактабгача таълим муассасаларида ҳам, мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам унга билим берилар эди. Ахборотлашган жамиятда ахборот олиш маданияти таълим беришни эмас, таълим олиш йўлларини ўргатишни тақозо этмоқда.

Таълимнинг янги технологиялари, инновацион шакллари ўқув жараёнига чукурроқ кириб бормоқда. Инсоният томонидан яратилаётган билимлар захираси кўпаймоқда, уларни ўзлаштириш имконияти эса деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Зеро, ахборотнинг катта оқими ва у билан танишиш имкониятларининг ўзаро чегаралангандиги натижасида юзага келадиган зиддият ахборот олиш маданиятини эгаллаш орқалигина бартараф этилиши мумкин. Бунинг учун кутубхоначилар, таълим муассасалари мутахассислари, методист олимлар олдига таълим олувчиларга билим беришгина эмас,

балки, энг аввало, уларни билим олишга, яъни ахборотни топиш, ажратиб олиш ва улардан фойдаланишга ўргатиш масаласини ечиш вазифаси қўйилмоқда. Лекин бунинг учун педагогнинг ўзи ахборот олишга доир билим ва кўникмаларга эга бўлибина қолмай, уларни ўзгаларга узатиш борасида ҳам алоҳида кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак. Бугунги кунда ҳар бир инсонга ахборот олиш маданиятини эгаллаш зарурияти туғилган бир пайтда кутубхоначиларда ўргатувчилик имкониятининг ортиши, у ўқитувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам кутубхоначилик соҳасидаги янгиликларни етказиб туриши, анъанавий каталоглар қатори электрон каталогларнинг юзага келаёттанилиги, кутубхоначи бундай каталогларнинг имкониятларидан китобхонларни воқиф этиб бориши талаб этилади.

Истеммолчини юксак даражада автоматлашган ахборот муҳитидаги янгича иш шароити ва қасбий фаолият, ушбу муҳитда мустақил ҳаракат қилиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга ўз вақтида ўргатиш муаммоси мавжуд. Ана шу таълимий жараён пировардида шахснинг ахборот дунёқараши юзага келади.

Н.И.Гендини ахборот дунёқараши тушунчасига қўйидагича таъриф беради: «Ахборот дунёқараши – ахборот олиш, унинг ресурсларини билиш, ахборот тизимлари, технологиялари, ахборотлашув, ахборотлашган жамият ва инсоннинг ундаги ўрни, одамларнинг ўзларини қуршаб олган ахборотлашган муҳитга муносабати, умумлашган қарашлар тизими, шунингдек, билиш ва фаолиятнинг шу қарашлар билан шартланган эътиқодлари, идеаллари, принципларидир».

Ахборот олишга доир билим, кўникма ва малакалар тизимига кутубхоначилик-библиографик манбалардан тегишли адабиётлар ҳақидаги маълумотларни мустақил равишда қидириш ва топа олиш, анъанавий ва янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборотни таҳдил қилиш ва синтезлаш сирасида ахборот дунёқараши ахборот олиш маданиятининг муҳим компонентлари киради. «Ахборот дунёқараши, – деб ёзди Н.Гендина, – кишининг ахборот ва ахборот ресурслари, ахборотнинг ҳозирги замон жамияти ҳаётидаги ўрни, маҳсус ахборот олиш тайёргарлигидан ўтиш заруратига онгли муносабатини тавсифловчи қарашлар тизимидир».

Кутубхоначининг ахборот дунёқараши ўқув фани ўқитувчисининг ахборот дунёқарашидан анча кенг, чунки у муайян ахборот маконида яшайди ва ҳаммавақт янги ахборот янгиликларидан воқиф бўлиб туради. Мактаб кутубхоначисига анъанавий кутубхоначилик – библиографик манбалар, китоб фонди яқинdir.

Бугунги кутубхона унга электрон адабиётлар кириб келаётгандылыкта ишлери ва Интернет тармоғига уланиш ишлари жорий этилаётгандылыкты учун ҳам үзига хос аҳамият касб этмоқда. Лекин, С.И.Максимованинг таъкидлашича, «Электрон нашрлар ўз устуворликлари ва камчиликларига эга. Улар «емирилиш» ва эскиришдан холи тарзда буюртмачига дарҳол етказиб берилади. Уйдаги электрон кутубхона одатдагидан мақбул – кўп ўрин олмайди, парвариш талаб қилимайди, қулай: керакли китобни сониялар ичидаги топиш мумкин. Электрон матнлар иқтисодий фойдали – босмахона харажатлари йўқ, олиш ва сақлаш арzon тушади, экологик устунликлари бор. Бу матнларга аннотация ёзиш ва уларни таҳrir қилиш осон, ўз мuloҳазаларини ва шарҳларини киритиш – жўн».

Ахборот олишга эҳтиёж унга доир билимларнинг етишмаётгандылыгини англаш асосида юзага келади. Эҳтиёж китобхонни ахборот излашга ундейди. У ўз олдига ҳар доим «Ахборотни қаердан излаш мумкин?» деган саволни қўйиши лозим. Ахборотлар истеъмолчнинг шахсий кутубхонаси, худудий кутубхоналар, китоб дўконлари, ўрта ва йирик кутубхоналар ҳамда Интернетдан изланади.

Бугунги кунда замонавий кутубхонанинг жамият талабларига мос келадиган янги қиёфасини шакллантириш жараёни кечаяпти, таълимни ахборотлаштириш стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқиляптики, бу ўзгаришлар яқин келажакда таълим соҳасидаги мавжуд ахборот марказлари ва умумтаълим муассасалари кутубхоналарини ўзаро бирлаштирадиган ягона компьютер тармоғини яратиш ишларини амалга ошириш имконини беради.

Кутубхонанинг таркиб топиши кеча ва бугун билангина боғланмайди. Бу олис тарихга бориб тақалади. Узоқ ўтмишда, аниқроғи, темурийлар даврида мамлакат пойтахти Самарқанддаги сарой кутубхонаси жуда машҳур булиб, бу ерда юнон, лотин, араб, арман, форс ва бошқа тиллардаги энг нодир қўллэзмалар сақланган. Йирик давлат арбоби, олим, мутафаккир Амир Темур учун китоб улуғ тарбиячи ва устоз вазифасини ўтаган. Абу Али ибн Сино, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, буюк шоир Алишер Навоий кутубхонадан фойдаланиб камол топганлар.

Лекин бугунги кутубхона кечаги кутубхонанинг айнан ўзи эмас. Бугун ушбу маскан адабиётларга бойиб, китоб танлаш, китоб бериш жараёнлари маълум даражада автоматлаштирилиб борилмоқда. Кутубхонага электрон каталоглар ва хужжатларнинг кириб келиши эса ахборотлашув жараёнини яна ҳам жадаллаштирумокда.

Ахборотлашув – фуқароларнинг ахборот олишга бўлган эҳти-

Ҙжларини қондиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ҳамда педагогик жиҳатдан уюштирилган жараёндир. Шу мақсадда ахборотлашган макон юзага келтирилмоқда. Ахборотларнинг китоб, газета ва журналлардан ташқари, электрон хотираларга жойлаштирилаётганини ана шу маконнинг замон билан боғлиқ муҳим элементи саналади.

Методик адабиётларда таъкидланишича, ахборотлашув тушунчалиги компьютерлаштириш, электронлаштириш, автоматлаштириш тушунчаларига қараганда кенгроқдир. Ахборотлашув бугунги одамларнинг, географик омиллардан қатъий назар, ахборотга эркин, тезкор кириб боришлиарни таъминлаш ҳисобига уларнинг меҳнат ва турмуш сифатини яхшилашга қаратилгандир. Интернет тармоғи ахборотни иш жойидан узоқлашмаган ҳолда, республикамиздаги йирик кутубхоналар, ер юзининг турли чеккаларидаги кутубхоналар, сайлардан олиш имконини беради.

Лекин электрон адабиётлар билан ишлашнинг мураккаблиги шундаки, ҳамма ҳам электрон форматта кўчирилган матнларни ўқиш имконини берувчи персонал компьютер ва электрон китобларга эга эмас. Шу билан бир қаторда, китобхонларда электрон нашрлар билан ишлаш маданияти етарлича шаклланмаган, чунки улар асосан босма маҳсулотлар билан ишлашга одатланиб қолганлар. Экрандан ўқиш варакдан ўқишга қараганда баъзи нокулайликларга эга. Қолаверса, электрон нашрларнинг ўзи ҳали кўп эмас, бинобарин, уларни танлаш имконияти камроқ.

Шунга қарамай, бадиий асарлар, қомуслар, лугатлар, газета ва журналларнинг тобора катта қисми матний файллар кўринишида тарқалмоқда. Электрон ва босма нашрлар бир-бирини мустасно этмайди, балки бир-бирини тўлдиради, бинобарин, келаҗакда кутубхоналарда ҳам виртуал, ҳам анъанавий китобга жой топилади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, китобхон техник ва маълумотнома адабиётларни кўпроқ электрон шаклда олади, бадиий асарларни эса босма шаклда харид қиласди.

Ахборот жамғармалари муайян тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар бадиий асарлар кам бўлгани учун янги асар пайдо бўлиши билан улар алоҳида интиқлиқ билан ўқилар, кўлма-кўл бўлиб кетар эди. Чунки мавжуд бадиий асарлар фондидан аҳоли, жумладан ўқувчилар ҳам хабардор эди. Назарий, педагогик ва методик адабиётлар эса ниҳоятда кам микдорда яратилган. Бундай вазиятда кутубхоначилик-библиографик ишларнинг мактаб кутубхоналарига кириб бориши учун эҳтиёж

кам эди. Бугунги кунга келиб вазият тамоман ўзгарди. Бадий асарлар ҳам, назарий, педагогик ва методик адабиётлар ҳам кўпаймокда. Жамият ҳаётига Интернетнинг кириб келиши жаҳонда педагогика соҳасида олиб борилаётган изланиш натижаларидан фойдаланиш учун кенг йўл очди. Ўқув фани ўқитувчисининг ўкувтарбия жараёнини ташкил этиш сифати ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар кун сайин ортиб бормоқда. Илфор педагогик технология даражасида дарс бериш зарурати пайдо бўлди. Бу технологиянинг моҳияти шундаки, ўқитувчининг шунчаки методик қуроллангани эмас, балки таълим мазмуни ва методларини илмий асослаб бера оладиган даражада эгаллагани ҳисобга олина бошланди.

Кутубхоначи кутубхона фондини бойитишдан ташқари, кутубхоначилик-библиографик саводхонликни тарғиб қилиш борасида ўқув фани ўқитувчиси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитувчи олий ўқув юртида таълим олиш жараёнида кутубхонадан фойдаланиш ҳақида муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди. Шундай бўлса-да, ҳозир ҳар жабҳада кечётган техник-технологик тараққиёт, ахборотлаштириш, автоматлаштириш жараёни туфайли, бу борада ҳам янги билимлар билан қуролланиш тақозо этилади. Бу ўзгаришларга энг яқин турган, хабардор мутахассис – кутубхоначидир. Мактабда, айниқса, шаҳардан олисроқдаги умумтаълим мусассасида меҳнат қилаётган ўқитувчи эса булардан етарлича ва ўз вақтида хабар топмайди. Шундай экан, ахборот олиш маданиятини эгаллашга киришган ва уни педагоглар орасида тарғиб қилишга масъул бўлган кутубхоначи ва ўқув фанлари ўқитувчиларининг ҳамжиҳатлиқдаги фаолияти замон талабидир.

Кутубхоначининг касбий тайёргарлигини ошириш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш зарурлиги муносабати билан, даставвал, ўқув фанлари ўқитувчиларини ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишга ўргатиш мазмуни ва методларини белгилаш лозим. Зотан, эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар оз эмас, улар ҳал этиладиган муаммолар сирасида яхлит бир тизим ҳолида тақдим этилиши керак.

Мутолаа маданияти келгусидаги касбий тайёргарликнинг ажralmas таркибий қисмидир. Бугунги кунда ўқитувчининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам китоб ўқиши, маълумотлар сақланувчи электрон фондлардан фойдалана билиши, ахборотлашган маконда

мўлжал топа олиши узлуксиз таълим тизимининг мұхим унсури, таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг гарови ҳисобланади. Бу ишлар ўқувчилар, ўқитувчилар ва кутубхоначининг ҳамкорлиги орқали рӯёбга чиқарилади. Ушбу муаммо педагогик адабиётларда қай даражада ҳал этилганлиги, ёритилганлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда кутубхонага кирмай, китоб ўқимай, умумий ўрга таълим олмай, ҳаёт сари қадам кўяётган ёшларнинг ўзи йўқ. Ўз касбига оид адабиётлар, даврий матбуот материалларини кўздан кечирмай меҳнат қилаётган мутахассисни ҳам топиш қийин. Лекин асосий масала улар мавжуд ахборотлардан қанчалик унумли фойдалана олаётганликларидадир.

Муаммо давлат миқёсида ўз вақтида англангани учун ҳам кутубхона тармоқларини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг бир қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Зотан, бугунги кунда ахборот олиш маданияти умуман жамият, шунингдек, турли ижтимоий гурӯҳлар, айрим шахслар маънавий маданиятининг мұхим бир қисмига айланиши лозим.

Таҳлил ва талқинлар шахснинг ахборот олиш маданиятининг кўйидаги таркибий элементларга ажратиш имконини берди:

- 1) таълим субъектларининг кутубхоначилик-библиографик саводхонликка эга бўлиши;
- 2) компьютер саводхонлигини эгаллаш;
- 3) ахборот манбаларини танлаш, ахборот олишда саводхон бўлиш (мутолаа маданияти);
- 4) ўқув ва ўқув-билув фаолиятида ахборот манбаларига таҳлий-синтетик қайта ишлов бера олиш, таълим олиш жараёнида матндан фойдалана билиш;
- 5) кутубхоначилик-библиографик ва ахборот олишга доир билимларни тарғиб қилиш;
- 6) белгиланган стандартлар асосида ахборотлар мониторингини амалга ошира билиш;
- 7) ахборот маконидаги хулқ-атвор қоидалари мажмуига амал килиши.

Биз кўйида уларнинг ҳар бири устида алоҳида-алоҳида тўхтабиб ўтамиш.

Таълим субъектларининг кутубхоначилик-библиографик саводхонликка эга бўлиши.

Бугунги кунда кутубхоначи ҳам, ўқув фани ўқитувчиси ҳам, ўқувчи

хам биринчи навбатда кутубхоначилик-библиографик саводхонликка эга бўлиши шарт. Мактаб кутубхонасида китоб токчаларини бирма-бир кўздан кечириб, китобни варақлаб, шу йўл билан ўзини қизиқтирадиган китобни танлаш анъанавий усул сифатида сақланиб қолаётган бўлса-да, каталогглаштирилган АРМ ларида анъанавий ёки электрон картотека билан ишлаш, керакли адабиётларни у ҳақдаги маълумотлардан топа билишга ўрганиши зарур бўлади.

Кутубхоначи янги жиҳатлари билан танишиши зарур бўлган, истеъмолчилар эса янгидан эгаллайдиган кутубхоначилик-библиографик саводхонлик таркибига қўйидагилар киради: кутубхоначилик-библиографик билимлар, шу билимлар доирасида кутубхоначилик-библиографик тайёргарлик, адабиётлар қамровида кутубхоначилик-библиографик мўлжал ола билиш (кутубхоначилик-библиографик маданият); электрон каталогги автоматлаштирилган каталоглар билан ишлаш; ахборот истеъмолчиларига таълим бериш.

Шубҳасиз, ҳар бир йўналиш ўз таркибига эга. Лекин ахборот олиш маданиятини яхлит педагогик ҳодиса сифатида шакллантириш тақо祚 этилар экан, ана шу яхлитликнинг қисмларини яққол тасаввур этиш лозим. Биз бу қисмларни, ҳар бир қисмнинг ўз ички бўлинишларини ҳисобга олган ҳолда, қўйидаги расмда ифодалаймиз.

### 1-расм. Ахборот олиш маданиятининг таркибий қисмлари



Кутубхоначилик-библиографик саводхонлик – китобхоннинг маълумотнома-библиография аппарати ва фондидан самарали фойдаланишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуаси бўлиб, ахборот олиш маданиятининг асосий элементи саналади. Ўқувчи мактаб кутубхонасида ўзи учун зарур адабиёт, китобларни токчадан олиб, унга кўз юргутириш, айрим ўринларини ўқиб чиқиш ва бошқа жиҳатларига кўра (расмлари, муаллифи, асар жанри ва ҳоказолар) танлайди. Лекин, каталоглар жорий этилган кутубхоналарда у кимнингдир ёрдами, маслаҳати, йўл кўрсатишига муҳтоҷлик сезади. Маълумотнома-библиографик аппаратга доир билим, кўникма ва малакалар шаклланмас экан, баъзан китобларни кўрмай туриб, қайсиdir тавсифларига кўра улардан ўзи учун кераклисини танлаш анча мушкул ишдир. Бинобарин, бу борадаги таълимий тадбирлар муҳим аҳамият касб этиб, кутубхоначи ва ўқув фани ўқитувчиси ҳамкорлигига ечилиши мумкин бўлган муаммони ифода қиласиди.

Ахборот манбаи аниқлангач, ундан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилади: ҳукуқий масалалар, расмиятчилик жиҳатлари ва ҳ.к. Бунда кутубхоначи ўқувчи, педагоглар ва ўқитувчиларнинг ҳукуқий имкониятларини ҳам назарда тутади.

Янги унсурлар сирасига мавжуд ахборот маҳсулотлари ва хизматлари ассортиментини билиш киради. Бу ассортимент ва хизматлар кутубхона доирасидан ташқарига чиқади, кутубхоналарро ва ҳалқаро кутубхоналар абонементи имкониятларини ҳам ҳисобга олади.

Маълумотнома-библиографик хизмат усуслари кутубхоначиларни тайёрлаш дастуридаги муҳим бўлимлардан бири. Лекин бугун ахборот олишни истаган ўқувчи, ўқитувчи, умуман, ҳар бир искеъмолчи каталоглар, маълумотнома-библиографик кўрсаткичлар билан шуғулланиши керак бўлади. Бу иш қанча эрта бошлансанса, бўлажак касб эгаларининг мутолааси шунчалик муваффақият билан йўлга қўйилади.

Компьютер саводхонлигини эгаллаш ахборот олиш маданиятининг муҳим қисмидир. Уни кутубхоначи ҳам, ўқув фани ўқитувчиси ҳам эгаллаши керак. Кузатишлар шуни кўрсатадики, касбий тайёргарлиги ва хизмат кўрсатиш ассортиментига кўра, кутубхоначи ана шундай саводхонликка амалий жиҳатдан тезроқ эриша олади. Бунга шахсий компьютери бўлмаган ёки интернетга уланиш учун шароити бўлмаган ўқув фанлари ўқитувчиларидан тушидиган буюртмалар ҳам имкон беради.

Компьютер саводхонлигини эгаллаш жараёнида кутубхоначи, ўқувчи ва ўқув фанлари ўқитувчиларида ахборотни электрон каталогдан қидириш ва топиш, матнни кўчириш, ёзиш ва таҳрир қилиш, расм солиш ва ҳоказоларни амалга оширишда компьютердан фойдаланиш, оддий дастурлар, масалалар ечишнинг алгоритмларини тузиш малакалари шаклланади. Кутубхоначининг ўзи бундай малакаларни эгалламаса, уни бошқаларга ўргата олмайди.

Э.Р.Сукиасяннинг фикрича, «... ахборотлар жамиятида ахборот олишга доир билим, кўникма ва малакаларга устувор аҳамият берилади. Масалан, биз гуманитар билимлар ҳақида гапирганди, у ёки бу «кўникма» ва «малака»ларни тушириб қолдиришимиз мумкин бўлар, лекин ахборот олишга доир билимлар тўғрисида гап кетганда, компьютер ёки Интернетда ишлаш кўникмалари ўрам ҳолида тақдим этилган ахборотни топа олишдек етакчи ўринга олиб чиқилади».

Ахборот олиш маданияти икки томонлама жараён. Бир томондан, кутубхоначи ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини ўқув фани ўқитувчисига ўргатса, иккинчи томондан, ўқув фани ўқитувчиси турли манбалар орқали кутубхоначилик ишлари, айниқса, ахборотга ишлов беришга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллади.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам ахборот олиш маданиятини шакллантириш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар силсиласи маълум даражада шаклланган: рўйхати тушиб чиқилган, шу асосда ўргатиш ишларига муайян чегара қўйилган. Н.И.Гендина, Н.И.Колкова ва бошқалар белгилаган таълим мазмунига кўра, «Ахборот олиш маданияти асослари» курси кўйидаги мажбурий блокларни ўз ичига олади:

1-бўлим. Жамиятнинг ахборот ресурслари ва ахборот олиш маданияти.

2-бўлим. Ахборот олиш-излаш вазифаларининг асосий типлари ва уларни ечиш алгоритмлари.

3-бўлим. Ўқувчиларнинг ўқув ва ўқув-билув фаолиятида ахборот манбаларига таҳдилий-синтетик қайта ишлов бериш.

4-бўлим. Ўқувчиларнинг ўқув ва ўқув-билув фаолияти давомида бажарадиган мустақил ишлари натижаларининг тузилмаси, уларни тайёрлаш ва расмийлаштириш қоидалари.

5-бўлим. Ахборот олиш маданияти ва янги ахборот технологиялари.

Биринчи бўлимни ўрганиш орқали ўқув фани ўқитувчилари

мавжуд фондда сақланаётган ҳужжатларнинг асосий типлари ва турларини билган ҳолда, улар орасида мұлжал ола билишлари, кераклisisini топа олишлари, танланган ахборотни ихчамлаштиришнинг асосий методлари: библиография тузиш, таянч сұзларни белгилаш, аннотация ва рефератлар ёзиш, күчирмалар олиш методларини эгаллашлари керак. Маълумки, ахборот олиш маданияти деганда, керакли адабиётни топиб ўқиб чиқишининг ўзи тушунилмайды. Олинган ахборотга ишлов бериш, барча қоидаларга амал қилган ҳолда, күчирмалар олиш, ахборотдан амалда сифатли фойдаланиш, шу орқали ўқув-тарбия жараёнини янги, янада самарали иш усуллари билан такомиллаштириш (технологик малакаларни эгаллаш) керак.

Кутубхоначи булардан ўзига тегишиларини, ўқитувчи эса ҳаммасини эгаллайди.

Кутубхоначи назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини шакллантиради, шу орқали ўқув-тарбия жараёнинг қўшилади, бунда ана шу жараённинг ҳолатини ҳисобга олиб боради (мактабнинг бошқа мактаблар орасида тутган ўрни шундан далолат беради), ушбу ҳолатни яхшилашга хизмат қила оладиган адабиётларни кутубхонага олиб келиш ҳаракатида бўлади.

Кутубхоначи учун асосий муаммо фондни шакллантириш бўлса, ўқитувчи олдида турган муаммо ана шу фонддан самарали фойдаланишдир. Лекин фонд етарли даражада шакллантирилмас экан, ўқув фани ўқитувчиси кутубхонани методик таъминот мақони деб ҳисобламайди ва унинг фаолиятидан қониқмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, ахборотни топиш жараённинг ўзи осон кечмайди. Кутубхонада бор ахборотни китоблар орасидан ёки картотека орқали қидириб топиш мумкин.

Ахборот – ресурс марказлари, кейинроқ мактаб кутубхоналари китоб фондига йўл очиб берувчи каталоглар ва картотекалар тизимини яратади, адабиётни тарғиб этишга, маълумот бериш, библиографик ва ахборот ишларини олиб боришга, ёшларнинг китобхонлик ва библиография борасида саводли бўлишларига ёрдам беради.

Ахборот – ресурс марказларида абонемент ва қироатхона ажратилади. Бу ерда қўйидаги вазифалар ҳал этилади: китобхонларнинг китобга бўлган эҳтиёжини қондириш, адабиётни тарғиб этиш, тури тадбирлар ташкил қилиш, ўқувчиларнинг мутолаасига раҳбарлик қилиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мутолаасига ёрдам сифатида ахборот ишларини бошқариш ва ҳоказо. Кутуб-

хоначининг ўқув фани ўқитувчиси билан ҳамкорликда олиб борадиган ташкилий-методик иши айрим ҳолларда таълим сифатини белгилаш, таъминлашда ўқитувчининг билим беришга йўналтирилган фаолиятидан ҳам устувор аҳамият касб этади. Зеро, замонавий таълим концепциясида ўқувчиларни мустақил билим олишга йўналтириш илгари суримоқда, яъни замонавий таълимда бу оддий эҳтиёж бўлиб қолмоги лозим.

Юзага келаётган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, келажакдаги кутубхоналарда электрон ўқув зали, видеозал, овоз ёзиш студияси каби кутубхонашунослик ишларини юритиш ҳамда китобхонларнинг маънавий эҳтиёжларини қондира оладиган замонавий таҳсил воситаларини яратишга асосий эътибор қаратиш зарур. Зеро, бугунги китобхон, шу жумладан ўқув фани ўқитувчиси 10 – 15 йил илгариги китобхондан фарқ қилиб, у ахборот оламига кириб боришнинг хилма-хил усуслари ва воситалари ичидан ўзи учун мақбулларини танлаш имкониятига эга.

Эҳтиёжлардан келиб чиккан ҳолда, мактаб кутубхонасида куйидаги иш ўринлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир:

- истеъмолчилар компьютер дастурлари фонди, «Интернет» тизимидан фойдаланган ҳолда, мустақил равишда ахборот ола биладиган компьютер хонаси ёки компьютер майдони – дастурий таъминот, принтер, нусха кўчириш аппарати, компьютерлар билан жиҳозланган, CD – дисклар фондига эга бўлган жой;

- видеотекалар – видеоахборот билан гуруҳли ва якка ишлаш учун мўлжалланган, шунингдек, нусха олиш-кўпайтириш техникасида адад бериш аппаратлари сақланадиган иш ўринлари;

- деярли ҳар куни фойдаланиладиган китоблар, қомусий нашрлар, лугатлар сақланадиган жавонлар, маълумотнома-адабиётлар ва даврий нашрларга эга бўлган ўқув зали;

- слайдлар, диафильмлар, диапозитивлар ёки аудио ва видеофонли телевизор, видеомагнитофон билан жиҳозланган, видеоахборот билан гуруҳли ва якка ишлаш учун мўлжалланган ёпиқ видеомайдон;

- кутубхона – босма нашрларни (китоблар, даврий нашрлар), аудио ва видеоматериаллар, ахборотнинг ноанъанавий ташувчиларини ўз ичига оладиган хужжатларни сақлаш учун мўлжалланган жой;

- болалар бурчаги – қуи синфлар ўқувчиларига кутубхона-чилик хизматини кўрсатиш учун мўлжалланган ҳудуд;

- ахборот ресурс марказларининг таркибига ва компьютер-

ларни ишлатишдаги техника хавфсизлигига (намликнинг юқори даражада бўлмаслиги, хонанинг чангиб кетмаслиги, занглатувчи-фаол аралашмаларнинг бўлмаслиги) доир меъёрий ҳужжатларга мувофиқ зарур қўшимча ва ишлаб чиқариш хоналари;

— ахборот ресурс марказларининг техникаси ва асбоб-ускуналарини таъмиrlаш ҳамда унга сервис хизмати кўрсатиш, керакли дастурий маҳсулотлар етказиб бериш;

— дарсликлар омборхонаси.

Компьютер хонасида электрон почта орқали ахборот алмашиш, маълумотларнинг ахборот ва таълимий базаларидан фойдаланиш мумкин.

С.И.Раҳмонкулова, Ф.З.Розиевнинг фикрича, виртуал кутубхона қўйидаги афзалликларга эга:

- фойдаланишининг қулайлиги ва енгиллиги;
- оддий ва оператив қидириш тизимининг мавжудлиги;
- маълумот ҳажмининг чекланмаганлиги;
- маълумотни аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттириш мумкинлиги;
- вақтнинг тежалиши.

Бугунги кунда билим олиш жараёнини жадаллаштириш асосий вазифалардан биридир. Э.Р.Сукиасяннинг фикрича, «Моҳижатан гап билим олиш, уни мустаҳкамлаш, сақлаш, ундан фойдаланиш ҳақида бормоқда. Буларнинг ҳаммаси «билимларни уюштириш»дир». Билимларни уюштириш ахборот олиш маданиятини шакллантириш жараёнини ташкил этишда ҳам бўлиши керак. Муаллифнинг таъкидлашича, «...принциплар, усуllар ва қоидаларни билган, тегишли асбоб-ускуналар билан қуролланган киши, ўз интеллектини тўлдирган ва ривожлантирган ҳолда, билимларга каттароқ самара билан ишлов беради».

Ахборот манбаларини танлаш, ахборот олишда саводхон бўлишда (мутолаа маданияти) мактабда ахборот олиш маданиятига доир билимлар тизими ўргатилади.

Ахборот олиш саводхонлигини шакллантириш учун, энг аввало, шахснинг ахборотлашган жамиятга, ресурсларга оид дунё-карашини, кутубхона ва кутубхоначига нисбатан муносабатини ўзгартириш; уни ахборот маконини қадрият деб билишга одатлантириш, ўкувчиларга татбиқан айтганда, ахборот олиш маданиятини сингдириш орқали, уларда мутолаа (китоб ўқиши) маданиятини шакллантириш керак.

Методист олимлар томонидан «ахборот олиш маданияти» ту-

шунчасига берилган изоҳ ва таърифларни қўйидагича умумлаштириш мумкин: жамиятнинг ахборотлашув даражасини билиш; ахборот олишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; шахснинг ўз ички оламини бойитиш; ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш; ахборот воситалари, манбалари ва уларни ишлатиш методларини ўзлаштириш; шахснинг камол топганлик сифати; шахс эркинлиги.

«Ахборот олиш маданияти» тушунчаси таркибига кирган ахборотни «ўзлаштириш савияси», «ундан фойдаланиш сифати»га шунчаки керакли адабиётларни ўқиши билангина эришиб бўлмайди. Бу ўринда ахборотни тезкор қайд этиш, унга сифатли ишлов бериш катта аҳамиятга эга.

## **Ахборот-ресурс марказларининг ўқитувчи ва ўқувчилар ахборот олиш маданиятини шакллантириш борасидаги фаолиятининг мавжуд ҳолати**

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, хусусан таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга монанд тарзда ахборот-ресурс марказларидағи кутубхоначининг мавқеи тамомила ўзгарди. У бугунги кунда кутубхоналарда содир бўлиши лозим бўлган янгиланишларни биринчи бўлиб бошидан кечириб, синовдан ўтказмоқда. Юз бераётган ўзгаришларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кутубхоначининг касбий лаёкатига, сифатли жиҳозланиши учун куч-ғайратини сафарбар этадиган, ҳиссасини қўшадиган кутубхонанинг ҳолатига боғлиқ. Шунга кўра ҳам ахборот-ресурс марказлари кутубхоначисининг одатдаги мактаб кутубхоначисидан фарқи катта бўлиши керак. Чунки марказ кутубхоначиси зиммасига катта вазифалар юкланган. Шунга кўра унга катта талаблар кўйилмоқда. Бу ерда кутубхоначилик ишлари, хизмат кўрсатиш усул ва шакллари, бошқа кутубхоналар билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, улардаги бошқарув жараёнлари ўзига хосдир.

Агар бугунги кунда мактаб кутубхонаси турли хилдаги каталогларга эга бўлмаса, ахборот-ресурс марказларида шундай каталоглар вужудга келиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу ерда кутубхонасидан каталоглар ташкил этиш, китоб, электрон манбалар жамғармасини шакллантириш талаб этилади. Шунга кўра ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиси янги шароитга мос мустақил мутолаа қилини, малака ошириш курсларида мактаб кутубхоначиларидан фарқли таълим олиши көрак.

Унинг хизмат вазифаси кўлам жиҳатдан кенгайиб, бу вазифалар сирасига мактабнинг ўқув-тарбия жараёнини ахборот билан таъминлаш ҳам киради. У янги педагогик ва методик фоялар ва фикрлардан хабардор бўлиши, шу йўналишларда ахборот излаши, фондни бойитиши зарур. Кутубхоначининг мактаб педагоглари кенгаши йиғилишларида иштирок этиши унга ана шу йўналишларда олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлардан доимий воқиғ бўлиб бориш имконини беради.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиси янги мазмундаги хизмат вазифасига кўра, мактаб кутубхоналари кутубхоначиларидан илгарироқ ахборот олиш маданиятини ўзлаштириши, кутубхоналараро абонементга мурожаат этиб, йирикроқ кутубхоналардаги библиографик кўрсаткичлардан фойдаланиб ёки бошқа йўллар билан ўқитувчига имкон қадар ёрдам бериши лозим. Кутубхона Интернетга уланган бўлса, табиийки, ахборот топиш борасида ўқув фани ўқитувчисига қараганда кутубхоначининг имконияти кўпроқ бўлади. Чунки у касби тақозосига кўра барча ўқув фанлари, педагогика, дидактика, методика соҳасидаги янгиликларни излаш малакасини кўпроқ эгаллади.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, кутубхоналарни автоматлаштириш суръати тезлашиб бораётганлиги, компьютер билан жиҳозланаётганлигига қарамай, баъзи кутубхоначилар ахборот-компьютер технологияларидан фойдаланиш соҳасида ўқитувчилардан ортда қолаятилар, чунки айрим ўқитувчилар анча илгарироқ Интернетдан фойдалана бошлаганлар.

Интернет ягона ахборот маконига уланиш имконини беради. Бунда каталоглар катта аҳамиятга эга. АРМ ларининг ягона ахборот маконидан фойдаланиши Интернет сайтлари орқали амалга оширилади. Интернетда унинг ресурсларидан бир қисмигина каталогглаштирилган бўлиб, моҳияттан тўлиқ каталогглаштириш имконсиз. Бу кутубхоначилар учун ҳам, ўқув фанлари ўқитувчилари учун ҳам қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Ахборот-ресурс марказлари Низомининг «Асосий функциялар» қисмида эса, «таълим жараёни қатнашчилари учун мўлжалланган ўқув, методик, маълумотнома, бадиий, илмий-оммабоп ҳужжатларнинг анъанавий ва ноанъанавий ахборот ташувчиларидағи ягона универсал фондини комплектлаш» зарурлиги кўрсатилган.

Таълим-тарбия жараёнини методик таъминлаш мақсадида фондни жамғариш, Интернет ресурсларидан хабардор булиб ту-

риш кутубхоначининг кутубхоначи-мутахассис сифатида шаклланишини шарт қилиб қўяди. Ушбу модел бепул ва ҳақ тўланадиган хизматлар орқали жорий этилади.

Ахборот-ресурс марказлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти катта. Зеро, А.О.Умаров тъкидлаганидек, «...кутубхоналарнинг ижтимоий ўрнига бўлган эътибор замон талабларидан ортда қолса, китобхон учун ҳам, кутубхоначи учун ҳам, пировард натижада умумий тараққиёт учун ҳам баравар зиён келтириши мумкин».

Маълумки, ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари кутубхоначилик ишлари, ахборот технологиялари бўйича касбий тайёргарликдан ўтиш баробарида, ўзларининг ахборот-ресурслари билан педагогик соҳага ҳам кириб боришлари керак. Кейинги йилларда кутубхоначига ёрдам тариқасида чоп этилаётган методик қўлланмалар, вақтли матбуот нашрлари (илмий журналлар) кўпайди. «Информатика и образование» каби журнал саҳифаларида ахборот маданиятини ривожлантиришига қаратилган мақолаларга кенг ўрин ажратилмоқда.

Кутубхоначининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлашга доир касбий тайёргарлиги ҳолатини кузатиб қўйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида Республика илмий-педагогика кутубхонаси, педагогика олий ўқув юртларининг кутубхоналари, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ПХҚТМОИлари кутубхоналари, мактаб кутубхоналари, мактаб кутубхоналари базасида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари кутубхоналари мавжуд бўлиб, улар 10 мингга яқинидир.

Кутубхоначиларнинг маълумоти бугунги кун талаблари нуқтai назаридан таҳтил қилинадиган бўлса, шуни афсус билан тъкидлашга тўғри келадики, республикамизning мактаб кутубхоналарида меҳнат қилаётган кутубхоначи ходимларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда олий маълумотли эмас.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги ўқитувчилар ва ўқувчиларга, талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибига кутубхоначилик хизмати қўрсагиши ишини 11 мингта яқин кутубхоначи ходим амалга ошироқмокда.

Халқ таълими вазирлиги тизимидағи кутубхоначи ходимларнинг асосий қисмини ташкил этадиган мактаб кутубхоначи ходимлари мисолида қўйидаги рақамларни келтириш мумкин:

Уларнинг 23,3% и олий, 63,3% и ўрта маҳсус, 13,2 % и умумий ўрта маълумотга эга.

Олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган кутубхоначилар муайян даражада педагогик фаолиятдан хабардор бўлишдан ташқари, улар ахборот олиш, тўплаш, уларга ишлов бериш каби юмушларни бажара оладилар.

Ўрта маълумотли кутубхоначилар, педагогик фаолиятга тайёр бўлмаган ходимлар ҳисобланадилар. Улар компютерда ишлай олсалар-да, ахборотларга ишлов бериш, уларни тўплаш, ажратиш каби ишларни бажаришга қийналадилар. Педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари учун мўлжалланган ахборотларни Интернет сайтилари орқали топа олсалар-да, уларнинг истеъмолчилар учун нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги, зарурлигига баҳо бера олмайдилар.

Ихтисослиги кутубхоначилик бўлмаган ходимлар, олий маълумотли бўлгани ҳолда, кутубхоначилик-библиографик билимлардан етарлича хабардор бўлмаслиги мумкин.

Бугунги кунда ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари малака ошириш институтларида ўқиб, ўз билимларини ошириб қайтганлар. Лекин кутубхоначининг малака ошириши шу билан кифояланмаслиги лозим. Улар кутубхоначилик соҳасида нашр қилинаётган методик қўлланмалар, журналлар саҳифаларида эълон қилинаётган мақолаларни мунтазам равишда кузатиб боришлиари, тинмай ўз устларида ишлашлари кераклиги давр тала-бидир. Лекин, биз сұхбатлашган айrim кутубхоначилар бир-икки манба билан («Справочник библиотекаря» ва шу кабилар) чекланаётганининг гувоҳи бўлдик. Ахборот олиш маданияти шаклланмаган кутубхоначи китобхонларга шу хусусда етарлича хизмат кўрсата олишига умид қиласа ҳам бўлади. Шу ўринда кутубхоначиларга ёрдам сифатида кутубхоначилик ишлари бўйича яратилаётган монографиялар, маълумотномалар, қўлланмалар, мақолалар рўйхатини тайёрлаш ва тарқатиш мақсадга мувофиқ.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиси каталоглар ташкил этиши лозим. Бу борада ҳам муайян ютуқлар қатори, айrim нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш жараёнида каталог ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Э.Р.Сукиасяннинг фикрича, «Китобхонларга каталог билан муомала қилиши санъатини ўргатиш учун кутубхоначи кам деганда уни ўқув-билув қуроли сифатида эгаллаган бўлиши керак».

Кутубхоначи китобхонларда кутубхоначилик-библиографик

ишиларига оид кўнишка ва малакаларни таркиб топтириш, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантиришга ҳаракат қиласди. У ўз маслаҳатлари билан педагог ва ўкув фанлари ўқитувчиларида аста-секин фонддан фойдаланишга оид асосий кўнишка ва малакаларини ҳосил қиласди, уларни зарур ахборотни топишга ўргатади. Ахборот олиш маданиятини эгаллаш кутубхонадан фойдаланаидиган барча истеъмолчилар учун зарур умуммаданий кўнишка дир. У таълим жараёнида технологияларни самарали уйғунаштиришда ўзига хос тамоилига айланиши керак. Технологиядан фойдаланувчи кутубхоначилар ва ўқитувчилар, ўкувчилар ва аҳолига ахборот олишда ёрдам кўрсата олишга қодир мутахассислардир.

Кутубхоначи ўкувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ахборот олиш маданиятини тарғиб қилувчи шахс сифатида ҳам фаолият кўрсатиши лозим. Одатда, аксарият ўқитувчилар бирор методик адабиётни ўқигандаги маълумотларни чала қайд этадилар. Буни Республика илмий педагогика кутубхонасидан фойдаланиб, илмий-педагогик тадқиқот олиб бораётган ўқитувчи-тадқиқотчи, изланувчилар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бўлгуси ҳар бир касб эгасининг ахборот олиш маданияти мактабда, олий ўкув юргида шакллантирилди, меҳнат жамоаларида бунга муайян шароитлар яратилди. Мактабда ўкувчиларга кутубхоначилик ишилари сир-асрорларини ўқитувчидан кўра кўпроқ кутубхоначи ўргата олади. Бунга кутубхонада ўзига хос имкониятлар ҳам мавжуд.

Ўқитувчининг ахборот олиш маданиятига эришиш асосида касбий фаолиятини юксалтириш жараёни қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

- биринчи босқич — технологик усул ва жараёнларни эгаллаш, шу орқали ўкув жараёни таркиби ва компонентлари, дарсларни ташкил этиш шаклларини қайта англаш;

- иккинчи босқич — янги педагогик технологияни ўзлаштириш (таълим беришнинг илмий-назарий ва амалий асослари, таълим методологияси, мазмуни ва методларига доир адабиётлар мутолааси);

- учинчи босқич — касбий маҳоратни эгаллаш йўлларини лоийхалаш;

- тўртинчи босқич — эришган ютуқлари асосида касби бўйича ўз устида ишиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, касбий фаолият (маҳорат) чўққисини забт этиш сари интилиш.

Ўкув фанлари ўқитувчилари юқоридаги босқичлар асосида

ахборот олиш маданиятини эгаллар эканлар, улар инновацион фаолият билан ҳам шуғулланадилар. Е.Н.Никонорова таъкидлаб ўтганидек, «Инновацион фаолият – бу янгиликларни амалиётга жорий этишга қаратилган фаолиятдир». Ўқитувчининг бу фаолиятида кутубхонанинг хизматлари, ресурслари муҳим ўрин тутади. Зоро, Е.Н.Никонорова келтирган маълумотларга кўра, бугун жамият учун зарур бўлган ҳужжат ва ахборотнинг 95 % га яқини ана шу омборхоналарда сақланади.

Республикамизда ахборот-ресурс марказлари янги ташкил этилганлиги сабабли, кутубхоначилар фондни шакллантиришга киришдилар. Лекин фонднинг амалдаги ҳолатини ўрганиш натижаси, асосан, илмий, бадиий асарлар, матбуот нашрлари, дарсликлардан иборат эканлигини кўрсатди. Назарий, педагогик ва методик адабиётлар эса жуда кам. Ўтказилган сұхбатлар чоғида кутубхоначилар бундай китобларни дўконлардан топиш қийинлиги, борларини олиш учун маблағ зарурлигини таъкидладилар.

Баъзи кутубхоначилар мактабда ишлаб турган ўқитувчилардан, шунингдек, нафақадаги муаллимлардан илтимос қилиб, айрим педагогик, методик адабиётлар, илмий-услubий журналларни қабул қилиб олмоқдалар. Натижада ёш педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин бўлган фондга пойдевор қўйишга эришмоқдалар.

Бугунги кунда ноанъанавий фонд етакчи мавқе эгалламоқда, чунки Интернет сайтлари орқали педагогика ва хусусий методика соҳасида қандай адабиётлар борлиги, яратилаётганлиги билан танишиш, баъзиларини ўрганиш имкониятлари мавжуд.

Биз фаолиятини кузатган ахборот-ресурс марказларида компьютер мавжуд бўлиб, кутубхоначилар компьютердан сабоқ ўрганмоқдалар. Эътироф этиш керакки, компьютер технологиясини қисқа вақт ичida эгаллаш қийин. Матн ёзиш ҳали компьютерни ўрганиб олди деган гап эмас. Айниқса, Интернетдан фойдаланиш учун пухта билим, амалий кўникмалар зарур. Кузатишларимиз давомида Интернетдан фойдаланиб, ахборот фондини яратлаётган кутубхоначиларни ҳам учратдик. Чунончи, кутубхоначи Интернет сайтлари орқали Россия ва бошқа давлатларда таклиф этилаётган ахборотлар, электрон каталоглар, методик адабиётлар оқимида мактаб учун зарур, яроқли материалларни топа олиши, уларни библиографик кўrsatкичлар, файллар кўринишида тақдим этиши лозим.

Кутубхоначилар фондни тарғиб қилишда күпроқ китоб күргазмалари ва рўйхатлар тақдим этиш каби иш турларидан фойдаланадилар. Баъзан китобхонлик конференцияларини ҳам ташкил этадилар.

✓ Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиларида ахборот олиш маданиятини шакллантириш бўйича олиб борилиши керак бўлган ишлардан бири — китобхонларни ахборотни қайд этиш ва ундан фойдаланишга ўргатиш. Бу борада картотека ва библиографияларни қандай тузиш зарурлиги, кўчирмалар олиш тартиби, аннотация ва реферат тайёрлаш хусусиятларига доир маслаҳатлар катта ўрин тутади. Бу ишлар, энг аввало, стенлардаги намуналар кўринишида амалга оширилади. Қашқадарё вилоятидаги ахборот-ресурс марказларида баҳоли қудрат ана шундай стенд тайёрлашга киришилган. Бу ерда китоб ҳақидаги маълумотлар қандай тўлдирилиши тартиби, кўчирма, аннотациялардан намуналар келтирилган. Бизнингча, бундай маслаҳатлар бурчаги барча кутубхоналарда ташкил этилиши лозим.

Кутубхоначи ўқилган адабиётлардан кўчирмалар олиш учун ўзи саводли бўлиши, истеъмолчиларга ҳам тушунтиришлар бериб бориши лозим. Кутубхоначи ўқилган китоблар мазмунни юзасидан ўқувчилар билан, уларнинг иззат-нафсига тегмаган ҳолда сұхбатлар ўтказиши, таассуротларини сўраб билиши лозим. Бу ўринда кутубхоначининг маълумотидан ташқари, шу китобларни ўзи ўқиган-ўқимаганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асарни ўқимаган кутубхоначи унинг мазмунини сўзлаб берган ўқувчининг таассуротларини тўлдира олмайди. Ўрта маълумотли кутубхоначи ўқув фани ўқитувчисидан у ўқиган назарий, педагогик ва методик адабиётлар ҳақида кўп нарсани сўраб била олмайди. Чунки ўқитувчининг методик муроҷааларини етарлича англаб етмайди.

Биз ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиларига «Ўзингизни касбий жиҳатдан бугунги фаoliyятга тайёр деб ҳисоблайсизми?» деган савол билан мурожаат қилганимизда, уларнинг асосан кўпчилиги «Қисман» деган жавобда тўхталди. Чунки улар янтича иш мазмунидаги касбий тайёргарликни ўтаетганликларига унча кўп бўлгани йўқ.

Айрим кутубхоначилардан «Сиз ўқув фани ўқитувчилари билан кўпроқ қайси соҳада ҳамкорликка тайёrsиз?» деган саволга «Ўкувчиларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилиш соҳасида», деган жавобни олдик.

Бугунги кунда кутубхоначилардан муайян ҳукуқий билимлар

ҳам талаб этилади. Айниқса, назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини шакллантириш йўлида ўзларининг турли ҳуқуқий имкониятларини билишлари, шу имкониятлар доирасида турли ташкилот ва идоралар билан олди-сотди ишларини амалга оширишлари, икки томонлама шартномалар тузишлари, кутубхоналараро алоқаларни йўлга қўйишлари лозим.

А.О.Умаров таъкидлаганидек, «Кутубхоналарнинг асосий вазифаси кутубхоначилик ишининг уч жиҳати: китоб фонdlари тўлиқлигини таъминлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш имкониятларини уйғунлаштиришдан иборатdir».

Ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсата бошлаган давр мобайнида эришилган ютуқлар нималардан иборат, ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминотида қандай ўзгаришлар юз берди? – деган савол туғилиши табиий. Маълумки, биринчи навбатда, кутубхоначининг касбий тайёргарлиги, ахборот маконини ташкил эта билиши, ахборот олиш маданияти, шундай сабоқ бериш малакаси қай аҳволда эканлигига боғлиқ.

Кутубхоналарнинг бугунги ҳолати ҳақида фикр юритилар экан, қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- 1) кутубхонада ўқувчилар учун мўлжалланган китоб фондининг мавжуд ҳолати;
- 2) кутубхонада ўқув фани ўқитувчилари, умуман педагоглар учун мўлжалланган китоб фондининг аҳвали;
- 3) кутубхонада китобхонлар учун маҳсус хоналарнинг ажратилганилиги;
- 4) кутубхонанинг компьютерлаштирилганлик даражаси, Интернетга уланганлиги;
- 5) ахборотнинг электрон ташувчиларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги.

Ахборотлашув жараёни китобхонларга оператив ахборотни тақдим этиш имконини беради, мутахассисларнинг касбий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, бу эса, ўз навбатида, юртимиздаги ислоҳотларни ривожлантириш суръатини янада оширади. Шунга кўра Халқ таълими вазирлиги тизимидағи кутубхоналарга, айниқса, АРМ ларига муайян мажбуриятлар юкланди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдик, республикамизнинг халқ таълими тизимидағи кутубхоналарида ҳануз ахборот технологияларини жорий этиш борасида қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, жаҳон ахборот ресурсларига тезкор кириб бориш, шу жумладан Интернет тармоқларига уланиш суст кечмоқда. Баъзи ку-

тубхоналарда керакли техника, айниқса, нусха күчириш-күпайтириш техникасининг йўқлиги ёки кутубхона абонементи қошида эмаслиги сабабли, янги ахборот технологияларини жорий этиш асосида китобхонларга сифатли хизмат кўрсатиш мумкин бўлмаяпти. Шунингдек, бу ҳолат идоралар тасарруфидаги кутубхоналар фаолиятини кенгайтириш, хизматлар ассортиментини кўпайтириш, истеъмолчиларнинг талабларини тўлароқ қондириш имконини бермаяпти.

Ўзбекистонда ҳалқ таълим мининг истиқболдаги ривожланиши ахборот макони ва ушбу макондан фойдаланиш сифатига бевосита боғлиқdir. Педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари, ҳалқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаетган барча мутахассисларнинг касбий билимлари, маҳоратлари кўп жиҳатдан ўқитувчининг мутолаа маданияти, ўқимишлилик даражаси, янгиликлар билан ўз вақтида танишиб боришилари, ўз илғор тажрибаларини тўплашларига боғлиқ. Улар билим ва тажрибаларини ҳамкаслари орасида оммалаштиришда иштирок этишлари, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир.

Бугунги кунда педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши, касбий маҳоратларини ошириш ўйлида назарий, педагогик ва методик адабиётларни мутолаа қилишилари бир хил ҳолатда эмас. Ж.Ф.Йўлдошев «ўз-ўзига таълим бериш» муаммолари ҳақида гапирап экан, учинчи муаммони технологик муаммо деб атайди: у «Қандай воситалар ва йўллар билан ўқитувчи касбий ва инсоний нуқтаи назардан ўзини шакллантириши ва ривожлантириши мумкин?» деган саволни қўяди ҳамда бу саволга қуйидагича жавоб қайтаради: «Бунда ўқитувчини ҳар хил методик материаллар, китоблар, журналлар билан таъминлашдан тортиб, семинарлар, ўкув ва анжуманларга сафарбар этиш зарур». Муаллиф эътиборга лойиқ қуйидаги рақамларни келтиради: «...фаолияти ўрганилган 4000 дан ортиқ ўқитувчидан 18,3 фоизи ўз иш фаолиятида илмий-педагогик, илмий-методик адабиётлардан фойдаланадилар, холос». Колган 81,7 фоиз тингловчилар методик қўлланмаларга мурожаат қилмайдилар. Бунинг сабаби иккита:

– тавсия этилган илмий-методик қўлланмаларнинг савияси пастлиги;

– ўқитувчининг юқори савияда, замонавий дарс ўтиши учун ўкув муассасалари раҳбарларида талабчанликнинг йўқлигидадир.

Ўкув фани ўқитувчиси ахборот олиш маданиятини эгаллаш жараёнида янги педагогик технологиянинг моҳиятини англаб ети-

ши лозим. Зеро, янги педагогик технологияга кўра, ўқитувчи янгиланган таълим мазмуни ва методлари билан танишибгина қолмай, унинг илмий асосларини ҳам билиши, нима учун ушбу таълим мазмуни ва методларини танлагани ҳақида назарий мушоҳада юрита олиши зарур. Педагог, ўкув фани ўқитувчиси методик қўлланмадан бирор ноанъанавий, интерфаол усул билан танишиб, унинг назарий асосларини ўрганмай, айрим икир-чикирларига эътибор бермай, дарҳол уни қўллашга киришса, самарали деб тавсия этилаётган усул самара бермаслиги мумкин. Ахборот олиш маданиятини эгаллаган китобхонгина китобнинг мазкур жиҳатларини синчилаб ўрганади.

Тадқиқот натижаларида яна шу нарса аён бўлдики, ўқитувчиларнинг марказий кутубхоналарда сакланаётган айрим назарий, педагогик ва методик адабиётлардан бехабар эканликлари, Интернет сайтлари орқали жаҳон бўйлаб тарқалаётган касбий янгиликлардан воқиф бўлмаётганликлари каби омиллар ўқитувчиларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш борасидаги мавжуд камчиликлар сирасига киради.

Ўқитувчилар ва ўкувчиларнинг ахборот олиш маданияти тизимида уларнинг ўқиш тезлиги алоҳида аҳамиятта молик масаладир. Зеро, ҳар бир одамга нисбатан ахборотлар оқимининг миқдори ва ҳажми кескин ортиб бораётган бугунги кунда ўқитувчи даврий матбуот янгиликларини кузатиб бориши, катта миқдордаги адабиётлар билан танишиб туриши учун, энг аввало, ўқиш тезлигини ошириши лозим. Мутахассис бир дақиқада 250-350 сўз ўқий олиши зарур. Акс ҳолда у кўп ўқишининг уддасидан чиқа олмайди.

Айрим илмий-педагогик ва методик адабиётларни ўрганишда китобда баён этилган янги фикрларни илғаб олиш учун ўқиш тезлигини пасайтириш мақсадга мувофиқдир. Мутахассиснинг касбхунарга доир янги тушунчаларни эгаллаб, нутқига кўчира бошлишига асосланиб ўқиш суръати ҳам аста-секин ортиб боради. Шу билан бир қаторда ахборот олиш маданияти китоб ўқишдангина иборат эмаслигини улар англаб етишлари керак. Улар ўzlари учун мақбул бўлган фикрларни қайд қилиб боришлари лозим.

В.А.Бородина тадқиқотчилар тўрт типдаги китобхонларни ажратганликларига эътибор қаратади ва куйидаги йўналишлар бўйича тавсия беради: илмий китобларга қизиқиш; адабиётларни билиш; сўровларни англаш; кутубхоначилик тадбирларига қизиқиш; маълумотнома-библиография аппаратини билиш ва мутолаа маданиятининг айрим кўрсаткичларини англаш.

❖ Юқоридаги таҳлилларга асосан китобхонларни тұрт типта бұлиш мүмкін:

**Биринчи тип**, энг күп сонли (43,9%), юқори күрсаткічлар билан тавсифланған бўлади. Бундай китобхонлар учун китоб – меҳнат қуроли, ахборот, билимлар манбаи; мутолаа табиий эҳтиёж хисобланади, уларнинг ўз қизиқишилариға мос аниқ мавзулари, сўровлари бор; кўргазмалар ва бошқа кутубхона тадбирларида фаол қатнашадилар; кўп ўқийдилар; юксак мутолаа маданиятига эгалар; уларнинг меҳнати унумли ташкил этилган.

**Иккинчи тип** – (15,5%) нисбатан кам сонли. Биринчи типта қараганда айрим күрсаткічларнинг даражаси сал пастроқ. Иккала типни бирлаштириш ва ушбу күрсаткічлар асосида китобхонликнинг ривожланиш даражасини етарлича юқори деб қараш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчи тип** (24,8%) Бу типни китобхонлик ривожланишининг ўрта даражасига киритиш мүмкін. Унинг мұхим жиҳати шундаки, ушбу тип вакиллари мутахассислик бўйича кам ўқийдилар, улар фақат амалий фаолиятни мўлжаллаб китоб ўқийдилар.

**Тўртингчи типта** (15,8%) мансуб китобхонларни мантиқан ўрганилаётган күрсаткічлар бўйича энг паст даражага эга бўлган китобхонлар сирасига киритиш мүмкін. Уларнинг тавсифларида касбига ва мутахассислик бўйича адабиётларни ўқишга ҳавасларининг йўқлиги устун туради, китобхонлик фаолиятининг бошқа күрсаткічлари ҳам жуда паст эканлиги кузатилди.

Республика илмий педагогика кутубхонаси тажрибасидан маълумки, ушбу кутубхонада кўпроқ талаба ва аспирантлар шуғуллана дилар, ўқитувчиларнинг кутубхонага изчил ва доимий ташрифи нисбатан анча паст даражада. Демак, малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашлари, педагогика ва хусусий методика соҳасида яратилаётган янги адабиётларни мунтазам ўқиб боришилари алоҳида эътибор бериш зарур.

Китобхонлик ривожланишининг юқори даражасига кўра, ўқув фани ўқитувчилари ўз касбий фаолиятларини яхшилашни назарда тутиб катта миқдордаги ахборотни ўзлаштиришлари керак бўлади. Лекин таълим ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқитувчилари ўз она тилларида бунчалик кўп ахборот олиш имкониятига ахборотнинг ўзи камлиги туфайли ҳам эга эмаслар. Рус, инглиз ва бошқа тиллардаги адабиётлар мутолааси эса муайян қийинчиликлар туғдиради. Демак, ўқитувчининг ахборот олиш маданияти тизимида ўз соҳасига онд

хорижий тиілдеги манбалардан керакли маълумотни ола билиши учун хорижий тиілни билиши талаб этилади. Лотин ёзувиға асосланған ўзбек алифбосыға үтилгандан кейин янги дарсликлар тузылғанлығы муносабати билан шу ёзувода методик құлланмалар чоп этила бошланды. Бу нарса ўқитувчиларнинг кирилл ёзувидағи педагогик ва методик адабиёттарға камроқ мурожаат этишларига сабаб бўлмоқда.

Кутубхонада назарий, педагогик ва методик адабиёттар фондининг шаклланиш хусусиятлари кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг сўровларига боғлиқ. О.Г.Ярликова, Н.С.Редькина тўғри пайқаганларидек, «...китобхон-педагог кутубхоначи учун шунчаки ҳамкор эмас, балки бундан ҳам юқорироқ: ахир у ўз сўровлари ва эҳтиёжларига мувофиқ иш шарт-шароитларини айтиб туради ва иш йўналишларини белгилаб беради».

Бугунги кунда ўкув фани ўқитувчисига мўлжалланган ўкув блоки ёки дидактик портфелда услубий құлланмалар тилга олинади, лекин бу құлланмаларни ўқитувчига қай тарзда етказиб бериш мумкинлиги, бунда кутубхоначининг ўрни кўрсатилмаган. Талабалар ҳақида фикр юритилгандан ҳам қўпинча методик тайёргарлик сирасига методик адабиёттар билан кенг танишиш кўзда тутилмайди.

Педагогик маҳорат моделида «касбий билимлар» етакчи ўринини эгаллайди. С.Ф.Ражабовнинг аниқланыма, касб-хунар таълим муассасалари педагогларининг «Мустақил билим олишлари билан курс машғулотлари ўртасида ҳали боғланиш шаклланмаган».

Маълум бўладики, Б.А.Альмухамбетов педагогларнинг малака ошириш курсларидаги ўқиши даврида «қўшимча билимлар олиш»-ларини мўлжаллайди, ушбу билимларни эгаллашга педагоглар ҳавас билан ёндашиблари учун уларда «малака оширишга нисбатан ижтимоий мотивация» уйғотиши, «педагогларни методик ва методологик рефлексияга ўргатиш», «ўз-ўзини такомиллаштириш» сари йўналтириш масалаларини қўяди. Лекин бу ўринда малака ошириш курсларида педагогларнинг ахборот олиш маданиятини ривожлантириш маъносидаги мутолаа маданиятини шакллантириш ҳақида гапирилмайди. Педагоглар меҳнат фаолиятида ўз соҳалари бўйича назарий, педагогик ва методик адабиёттар билан танишиб борадилар. Бизнингча, ана шундай янгиликлар курсларнинг дикқат марказида бўлиши керак.

Е.М.Зуеванинг амалиётни ўрганиш асосида Интернет орқали эълон қилган холосасига кўра, педагогларнинг кутубхоначилик-

ахборот олиш маданияти юқори эмас: уларнинг кўпчилиги хужжатлар оқими хусусиятлари билан таниш эмаслар, тор соҳавий муаммо бўйича ахборотларни излаш стратегиясини аниқ туза олмайдилар, бинобарин, ундан ҳам ортиқ даражада, ахборотни кўлда ёки автоматлашган ҳолда излашга боғлиқ равишда қидириш стратегиясига тузатишлар кирита билмайдилар.

Бугунги кунда Интернетдан фойдаланмайдиган ўқитувчи жаҳон педагогик тажрибасининг энг яхши намуналаридан анчагина узилиб, узоқлашиб қолиши кузатилмоқда. Б.А.Альмухамбетовнинг кузатишларига кўра, педагоглар жамоатчиликгининг жаҳон тажрибасидан бундай узоқлашиб, узилиб қолиши куйидаги оқибатларга олиб келади: биринчидан, педагогларнинг касбий ва шахсий ўз-ўзини белгилаш вазиятларида психологик ноқулайлик сезиш кучаяди, иккинчидан, Қозогистон ва бошқа мамлакатлар ўқитувчиларининг бир-бирларини тушуниш жараёни қийинлашади.

Интернетдан маълумот олиш муайян қийинчиликларга эга. Истеъмолчи автоматлаштирилган ахборот ресурслари таркибини, очқичларини ва маълумот соҳибларини билиши керак. «Сайтлар таркиби ва иҷидагиларини билмаслик биргаликда қўшилиб автоматлашган ахборот излашнинг устуворликларини фойдаланувчилар учун эришиб бўлмайдиган ҳолатга туширади, реал ҳис этиладиган ижобий натижалар олиш имконини бермайди».

Ўқитувчининг ахборот олиш маданиятини шакллантиришда маълумотлар фондидан (масалан, ахборот-библиографик кўрсаткичлардан) фойдаланиш малакаларини таркиб топтириш муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам кутубхоначи ахборот-библиография, кутубхоначилик маълумотномалардан фойдаланишга истеъмолчилар (ўқувчилар, педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари) ни ўргатиб бориши керак. Албатта, бу борада олий маълумотли кутубхоначилар билан ўрта маълумотлилар ўртасида тенглик мавжуд деб бўлмайди. Ўрта маҳсус маълумотли кутубхоначилар бу ишни ўз имкониятлари даражасида бажара оладилар.

Е.М.Зуеванинг аниқлашича, ўқитувчиларнинг 65% библиографнинг ёрдамисиз каталоглар ва картотекалардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам, улар ахборот маҳсулотлари орасидан дайжестлар ва фактографик маълумотномаларни бажариш, яъни ўзларини мустақил равишда ахборот қидириш ва унга қайта ишлов беришдан халос этувчи хизмат турларини кўпроқ маъқул кўрадилар.

Олий ўқув юргларида ўқитувчиларни тайёрлаш муаммолари

борасида олимларнинг олиб борган йирик (фундаментал) тадқиқотлари малака ошириш тизимининг назарий базаси сифатида қаралади. Лекин бу каби аксарият ишларда педагогларни мустақил таълим олишга ўргатиш масалаларига етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки, умумий таълимнинг асосий ва ўрта бўғини учун ўқитувчиларни тайёрлашда турли хил адабиётлар билан ишлаш назарияси ва технологиясини ўргатиш—шахсни ривожлантиришнинг универсуми йўлга кўйилмаган. Таълим сифати бундан бўён китоб ўқиши маҳсулдорлигига боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг китоб ўқиши (мутолаа) маданиятини шакллантириш билан кутубхоначи ҳам, ўқув фанлари ўқитувчилари ҳам, ота-оналар ҳам шугууланадилар. Аммо уларнинг нимани қандай ўқиётганликлари кўпроқ кутубхоначига аён. Чунки агар ўқув фани ўқитувчилари болаларга нималарни ўқиши кераклиги ҳақида тавсия берсалар-у, буни ўз вақтида назорат қилмасалар, кутубхоначи болалар билан улар китобни кутубхонага олиб келиб топшираётган вақтларида суҳбатлашади. Ана шу суҳбат орқали китобнинг ўқилган ёки ўқилмаганлигини аниқлайди, ўқувчилар китобнинг эътибор бермаган жиҳатлари (муаллифи, қайси йилда, қаерда нашр қилингани ва б.)га эътибор берадилар. Бошқача айтганда, мутолаа маданиятини шакллантиришга ҳаракат қиласидилар.

Ўқувчилар ахборотлар оқими катта бўлган ҳозирги вазиятда қийинчилик билан мўлжал оладилар, улар ахборот манбаларига доир билимлар билан уларни кутубхонадан қидириб топиш алгоритмлари ёки ахборот хизмати ўргасидаги алоқадорликни англаб этишлари керак. Ўқувчиларнинг ахборот олишга оид билимлари тарқоқ ҳолда бўлиб, улар бу борада қийинчиликларга дуч келадилар...

Н.И.Гендина, Н.И.Колкова ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар щуни кўрсатадики, умумтаълим мактаблари битирувчилари ахборот излашнинг куйидаги автоматлашган энг муҳим операцияларини бажаришлари керак:

- ахборот сўровини таърифлаш;
- текшириш зарур бўлган аниқ ахборот кўлами (излаш ишларини олиб бориш керак бўлган маълумотлар базасини ва уларнинг конкрет файлларини)ни танлаш;
- маълумотлар банкига кириш ва излаш ишларини олиб бориш лозим бўлган атамалар, шунингдек, зарур ҳолларда сўровга аниқлик киритиш имконини берадиган атамалар таркибини белгилаш;
- излаш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши (қидирив аломатларини кенгайтириш ва лимитлаш);

— интернетнинг турли хил излаш механизмларидан фойдаланиб, қидирав ишларини режалаштириш.

Одатда, ўқувчиларнинг китоб ўқишилари устидан назоратни она тили ва адабиёт ўқитувчилари, шунингдек, синф раҳбарлари олиб борадилар. Улар ушбу ишларни ўз соҳаларига доир китоблар мутолаасини ташкил этиш, ушбу жараёнга бошчилик қилиш каби юмушларни ҳар бир бола билан якка тартибда амалга оширмайдилар. Аммо улар тавсия этажтган адабиётлар кўпинча дастур доирасидан четга чиқмайди. Масалан, айрим ўқитувчилар «Қизиқарли математика», «Қизиқарли физика» каби ўқув адабиётларини ўқишни ҳам кўпинча талаб қилмайдилар.

Мактабларнинг кутубхоначи ходимлари диққатини шу нарса-га қаратиш зарурки, китобхонлик кўрсаткичлари пастлигининг энг муҳим сабабларидан бири кутубхона фондини оммалаштириш, уни тарғиб қилиш, китобхонлар билан маълумотнома ва ахборот ишларини ташкил этиш билан боғлиқ тизимли, мақсад сари йўналтирилган ишларнинг олиб борилмаётганлигидир.

Ўқувчиларнинг китоб ўқишига раҳбарлик, уларга кутубхоначилик-библиографик билимларни ўргатиш ишларининг бүш ташкил этилиши, мавзуга оид ўлкашунослик картотекалари, мукаммал маълумотнома-библиографик аппаратнинг йўқлиги, адабиётлар бўйича китоб-иллюстратив кўргазмаларини ташкил этишининг касбий савияси пастлиги китобхонларга кутубхоначилик-библиография хизмати кўрсатишни ташкил этишда жиддий камчилик ва нуқсонларни келтириб чиқаради.

Ўқувчиларда ўсмирлик ёшида мустақил равишда китоб ўқишига бўлган қизиқишиларининг пасайиши, уларнинг китобхонликка ўргатилмаганликлари натижасида вужудга келади. Чунки китобхонликка қўнишка ва малакаларнинг етарли эмаслиги (китобларни билмаслик, ўз сўровлари ва имкониятларига татбиқан китобларга баҳо беришга қодир эмаслик, кўнглига ва кучига қараб китоб танлай билмаслик) шунга олиб келадики, ёш китобхон ё китоблар «уммони»да йўқолиб қолади, ёки ўзи учун қизиқарли китоблар фоятда кам ёки умуман йўқ, деган нотўғри фикрга келади.

В.А.Бородина ўқувчиларнинг китоб ўқишилари ҳақида қўйидаги қизиқарли маълумотларни келтиради: «20 йил муқаддам ўқувчилар учун биринчи синфдан ўнинчи синфга қадар ўқиш тезлиги меъёрлари таклиф этилган. Мактабни битирувчилар учун бир дақиқада 330 сўз белгиланган. Ўқиш сифати айтилмаган. Ҳозир юқори синф ўқувчилари бир дақиқада 160 – 180 сўз тез-

лигига ўқийдилар. Ўзлаштириш коэффициенти – ўқув матнини ўзлаштириш сифати ўлчови – 30% дан ошмайди. Парадокс, аммо кейинги 20 йил ичидә ўқиш маҳсулдорлиги кескин тушиб кетди. Агар илгари бемаҳсул китобхонлар 48% ни ташкил этган бўлса, ҳозир бу рақам 67% га етди. Халқаро дастур PISA – Programme for International Student Assessment: Monitoring Knowledge and Skills in the New Millennium – Таълим олувчиларга халқаро баҳо бериш дастури: Янги мингийиллиқда билим ва малакалар мониторинги доирасида ўтказилган тестлар китобхонлик даражасининг пастлигини тасдиқлади».

Катта ёшдагиларнинг сифатли ўқишига функционал саводхонлик контекстида қўйиладиган талаблар ўқувчиларни баҳолаш параметрларидан фарқланади.

Китоб ўқиш малакасини болалар айнан синфдан ташқари ўқиш машғулотларида қўлга киритадилар. Уни аввал ўқитувчига эрганишеб (тайёрлов босқичи), кейин ўқитувчи назорати остида (бошланғич босқич) ва, ниҳоят, китоб билан ишлашга доир амалий фаолият учун керакли тажрибани қўлга киритиб, мустақил (асосий ва якуний босқич) ҳаракат қилиган ҳолда, яъни индивидуал амалий иш фаолияти жараёнида эгаллайдилар.

Мактаб кутубхоналари қанча бой, унинг кутубхоналараро алоқаси қанчалик кенг бўлса, электрон каталоглардан фойдаланиш зарурияти шунчалик ортади.

Ушбу йўналишдаги билим ва малакалар структурасида технологик компонентларнинг амалда бутунлай йўқлиги ҳам салбий натижаларга сабаб бўлмоқда. Технологик компонент деганда «Қандай қилиб?» деган саволга жавоб изланади. Ўқувчи аннотация, реферат ва бошқаларни қандай қилиб тайёрлаш керак мазмунидаги технологик компонентларга муҳтожлик сезади. Ўқувчилардаги «ахборотлар захираси» бир хилда эмас. Буларнинг кўпии мустақил тайёргарлик ҳисобига шакланади...

Кутубхоначи билан ўқув фанлари ўқитувчилари ўз фаолиятларини бир-бирларидан ажralган ҳолда амалга оширадилар: кутубхоначи умумтаълим муассасасининг ўқув дастурларига сингдирилган ахборот билан ишлашда керак бўладиган адабиётларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олмайди, ўқитувчи эса, ўз навбатида, дастурий талабларни жорий этишда кутубхона имкониятларига таянмайди.)

Н.И.Гендинанинг чиқарган хуносасига кўра, ўқитувчилар «Ўқувчиларнинг ахборот олиш тавсифидаги амалий вазифаларни

бажаришга тайёр эмаслар». У бунинг сабаблари қуидагиларда деб билади: «ахборот олишга доир билим ва малакаларни шакллантиришда тизимлилик, изчиллик, технологияга риоя этиши тартибининг бузилганлиги, ахборот олиш таълимида назария билан амалиёт орасида узилиш мавжудлиги кабилар»

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиси ўқувчиларни каталог билан ишлашга (кутубхоначилик-библиографик билимлар асосларига) ўргатишдан ташқари, уларни реферат ва маърузалар тайёrlаш жараёнида китоб билан олиб борилиши керак бўлган рационал иш усулларидан ҳам воқиф этиши лозим. Лекин бу ишлар ҳали кенг оммалашганича йўқ.

В.П.Чудинова, А.И.Михайлова ўқувчиларнинг компьютердан қайси мақсадларда фойдаланишларини ўрганиб, қуидагиларни аниқладилар: «Болалар компьютердан маҳсус топшириқларни бажариш (88%), маълумотнома манбай сифатида (85%), ўз устидаги ишлаш (54%), уй вазифасини бажариш (55%), ўртоқлари билан мулоқот қилиш (43%), шунингдек, таълимий тестларга тайёргарлик кўриш (13%) учун фойдаландилар.

Бугунги кунда янги ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари Марказ низомида тақозо этилган касбий тайёргарликнинг бошлангич поғонасида турибдилар. Келажакда ушбу тайёргарликни ривожлантириш учун илмий-методик таъминот зарурлиги яққол намоён бўлмоқда.

## **Кутубхоначининг янгиланган касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик адабиётлар фондини тарғиб қилиш соҳасидаги фаолияти**

Бугунги кунда Ўзбекистондаги кутубхоналарда юз бераетган ижобий ўзгаришлар, хусусан, техник янгиликлар, ахборот технологияларининг жорий этилиши давр билан ҳамоҳанг равища давлатимиз томонидан жамиятни компьютерлаштириш борасида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасидир. Бу ерда китобхонлар ахборот олиш маданиятини мукаммал эгаллашлари учун зарур шартшароитлар яратилмоқда. «Манфаати мутолаа қилиш бўлган ўқувчилар тўпланадиган бу жойда кутубхоначилик ишларини жонлантириш орқали ахборот олиш маданиятини шакллантиришга қаратилган тадбирларга кенг ўрин ажратилади. Кутубхоначи ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчини танийди, эҳтиёжларини доимий ра-

вишда ўрганиб боради. Зеро, замонавий кутубхона барча китобхонлар, шу жумладан, ўқитувчиларнинг эҳтиёжларини қондириши керак», деб таъкидлайди Э.Исломов.

«Манифест школьных библиотек» ҳужжатида таъкидланишича, кутубхоначининг вазифалари беҳад кўпайди: «Ахборот макони узлусиз кенгайиб, ахборот тармоқлари ривожланиб бораётган бир шароитда мактаб кутубхоначиларига ўқувчи ва ўқитувчиларда ахборот билан ишлаш кўниммаларини шакллантириш вазифаси юкландики, бу уларда доимий равищда малака ошириб бориш ва ўзини касбий юксалтириш заруриятини юзага келтиради». Дарҳақиқат, кутубхоначи вазифаларининг кенгайиши, улардан масъулиятни ҳис этган ҳолда малака оширишни, янги касбий фаолиятга ҳозирлик кўришни талаб этади. Бугунги кунда касбий тайёргарликни ошириш тажрибалари АРМ лари мисолида амалга оширилмоқда. Зеро, келажакда АРМ ларидаги амалиёт орқали синалган усулларни оммалаштириш йўли билан мактаб кутубхонаси ҳам ўзининг масъулиятли вазифаларини бажаришга киришади, ўсиб келаётган ёш авлод, шунингдек, кенг аҳолининг ахборот олиш маданиятини шакллантириш ишига муносаб ҳиссасини қўшади.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун йўналтирилган дастлабки қадам сифатида аввал назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини юзага келтириш учун мақсадли тадбирларни амалга оширилмоқда. Токи шундай фонд яратилмас экан, кутубхоначи билан ўқитувчи ўргасидаги ҳамкорлик фақат ўқувчиларни китобхон сифатида тарбиялаш борасидагина бўлиб қолиши мумкин. Лекин бунда кутубхоначи мактабнинг ўкув-тарбия жараёнига самараали аралаша олмайди, унда фаол жараён иштирокчисига айланмайди.

Кутубхоначининг фаолияти «Таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази тўғрисидаги намунавий Низоми»га сингдирилган уч таянч вазифа (маданий, таълимий, ахборот бериш)нинг бажарилиши билан боғлиқ. Бугунги кунда кутубхоначидан кутубхоначи-педагог бўлиш, яъни педагогика ва методика соҳасидаги ўз тасаввурларини кенгайтириб бориш талаб қилинмоқда.

Кутубхоначи учун янги касбий тайёргарликни эгаллаш мураккаб жараёндир. Масаланинг малака ошириш билан боғлиқ жиҳатлари ҳам кўп. Бугун ушбу билим масканлари ана шундай ишга қанчалик тайёр эканлиги кутубхоначиларнинг ахборот олиш маданиятини қай даражада эгаллашлари, кутубхоначилик асосла-

ридаги янгиликлардан қанчалик хабардорлуклари, шунингдек, педагоглар ва ўкув фанлари ўқитувчиларига кутубхона кўрсатиши мумкин бўлган хизматлар доираси ҳақида етарлича билим, кўнишка ва малакаларга эгаликларига боғлиқдир.

Кутубхоначининг малака ошириш жараёнида педагогиканинг, таълим технологияларининг ўзига хос жиҳатлари, бу соҳадаги янги йўналишлар, янги педагогик технологиялар билан танишиш, педагогик ахборот истеъмолчиларига хос «ахборот эҳтиёжи» тушиунчаси моҳиятининг назарий жиҳатларини, назарий, педагогик ва методик адабиётлардан фойдаланиш мақсадини, тегишли маълумотларни олиш усусларини, талаб ва эҳтиёжни ўрганишда сўров (нома)ларнинг аҳамиятини, сўровнома тузишга доир талаблар кабиларни ўзлаштириш назарда тутилади.

«Бугун кутубхонада ишлайдиган мутахассис анъанавий кутубхоначилик-библиографик маданиятнигина эмас, балки янги ахборот технологияларини эгаллаш билан бирга, ахборот олишга доир мавжуд билим ва кўнишкалар йигинидисини мукаммал эгаллаган бўлиши керак» [46]. Булар, шубҳасиз, бир йилда кўлга киритилиши мумкин бўлган вазифалар эмас, балки узоқ давом эта-диган жараёндир.

Юқорида таъкидланганидек, кутубхоначининг касбий тайёргарлиги ва фаолиятида фондларни шакллантириш ва бойитиш энг муҳим масалалардан бири экан, уни бойитишда тасодифий йўл тутиб бўлмайди. Бунинг учун кутубхоначи сўровлар асосида тушган талаб ва эҳтиёжларни аниқлайди. Шу мақсадда мактаб маъмурияти билан ҳамкорлик қиласи, барча дастурларни ўрганади. Бунгунки эҳтиёжлардан келиб чиқиб, барча ўкувчилар ва педагоглар жамоаси манфаатлари ҳамда имкониятларига қараб режа тузади, тадбирлар белгилайди ва уларни амалга оширишга киришади.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначисининг вазифалари ниҳоятда кўп бўлиб, уларни ҳал этишга қуйидаги таълимий чора-тадбирлар орқали эришилади:

- касбий тайёргарликни амалга ошириш, янги ахборот технологиялари шароитида ишлай олиш, компьютер билан ишлаш маданиятини эгаллаш;

- педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларига ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти йўналишида хизмат кўрсатиш мазмуни ва методларини ўзлаштириш;

- педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари учун мўлжалланган педагогик ва методик адабиётлар фондини миқдор ҳамда сифат

жихатдан бойитищ, бунинг учун молиявий ва ҳуқуқий қонун-қоидалардан оқилона фойдалана билиш, электрон адабиётлар ва каталогларни жамгариш, Интернетга уланиш ва ундан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш;

— педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг илфор иш тажрибалари акс этган материалларни фондга қабул қилиш ва уларни бошқаларнинг фойдаланиши учун қулай ҳолатда сақлаш;

— кутубхонанинг фаолият кўрсатиш ҳудудини кенгайтириш, педагог-ўқитувчиларга зарур шароитларни яратган ҳолда, уни қайта жиҳозлаш;

— мониторинг юритищ, педагогик ва методик адабиётлар тарбиготи ва ташвиқотини йўлга қўйиш, бунда компьютер тақдимоти ва бошқа усуслардан фойдаланиш.

— педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг ахборот олиш маданиятини шакллантириш, кутубхоначилик иши технологиясини тарғиб қилиш соҳасидаги ишларни режали тарзда амалга ошириш.

Мазкур вазифаларни бажара олиш кутубхонасидан узоқ давом этадиган касбий тайёргарликни талаб қиласди. Шунга кўра ҳам, бу вазифалар яқин ва узоқ вақт мобайнида эгалланадиган ўқув ишлари орқали рўёбга чиқарилади. Бошқача айтганда, кутубхоначининг касбий тайёргарлигида тактика ва стратегия босқичлари учун мўлжалланган билим, кўникма ва малакалар ажратилиши, бунда муайян принциплар кўзда тутилиши зарур.

**Маданиятшунослик асосида ёндашиш принципи «ахборот» ва «маданият» даражаларининг уйғунлигини ифодалаб, ахборот олиш маданияти инсон умумий маданиятининг ажралмас қисми эканлигини билдиради.**

А. О. Умаровнинг уқтиришича, «Жамиятимизда рўй берадиган маънавий тикланиш, фан ва маданиятни юксалтириш жараёнлари давлат ва жамият курилишининг барча жабҳаларида юқори савиядаги таълим-тарбия натижалари ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланишини рағбатлантириш асосига қурилмоқда». Жадал ахборотлашаётган жамият ўз аъзоларидан ўқимишли бўлишни талаб этади. Шунга кўра ҳам маданиятилилк ва ўқимишлилик ҳар бир фуқаро ўзида шакллантириши лозим бўлган муҳим хусусиятлар сирасига киради.

**Тизимли ёндашув принципи** кутубхоначи, шунингдек, китобхоннинг ахборот олиш маданиятини ташкил этиши лозим бўлган унсурларни шакллантириш устида айрим-айрим эмас,

балки ўзаро алоқадорликда мажмуавий иш олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

**Интегративлик принципи** жамият, олий ўқув юрти, малака ошириш институти, мактаб раҳбарияти, кутубхоначи, педагог, ўқув фани ўқитувчиси, ўқувчининг ахборот олиш маданиятини шакллантириш борасида олиб борадиган маърифий ишларида ягона стратегия ва тактиканинг мавжуд бўлиши ва унга амал қилишини тақозо этади.

**Фаолиятли ёндашув принципининг моҳияти** шунда намоён бўладики, истеъмолчини кутубхоначилик-библиографик, ахборот ва компютер технологиялари сир-асрорларидан воқиф этишга киришган кутубхоначининг уларда ахборот олиш маданиятини шакллантиришда, ахборотдан фойдаланувчи, истеъмолчи мавқеини назарда тутиб, унинг ўқув, касбий ёки бўш вақтидаги фаолияти давомида ҳал этиши керак бўлган ахборот олиш вазифаларига асосланган ҳолда, ўз фаолиятини ташкил этиши лозим.

**Технологик ёндашув принципи** шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантиришда кутилган натижага эришишни таъминлайдиган метод ва воситаларнинг муайян йигиндинсини ўз ичига оладиган педагогик технология сифатида кўриб чиқиш имконини беради. У охирги натижани батафсил белгилаб чиқиш ва унинг аниқлигини берилган параметрлар бўйича маҳсулот олишнинг асоси сифатида мажбурий назорат қилишни назарда тутади. Ушбу талаблар бузилса, олдиндан белгиланган технологик занжирнинг ҳеч бўлмаганда бир элементи бўлмаса, натижалар сифати пасаяди.

**Узлуксизлик принципи** узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш учун фойдаланишни назарда тутади. Ахборот-ресурс марказлари ҳам ўзига хос ижтимоий институт, лекин бу институтдаги алоҳида ихтисослашган йўналиш – ўқув фани ўқитувчиларига назарий, педагогик ва методик адабиётлар билан хизмат кўрсатишdir. Ихтисослашув ҳам ижтимоийлашувнинг бир қисми сифатида қаралади.

Таълим тизимига қўйилаётган замонавий талаблар ахборот-ресурс марказлари фаолиятида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига йўл очди. Ахборот-ресурс марказлари ўз вазифаларига эга: у кутубхонани ўқув-ёрдамчи бўлинмадан, мактабнинг ахборот-кутубхоначилик таъминотини амалга оширувчи таркибий марказга, медиатальим, шахснинг ахборот олиш маданиятини уйғунликда таркиб топтириш базасига айлантиради.

О.Громова таъкидлаганидек, «Албатта, мактаб кутубхонаси-нинг бошқа ҳар қандай оммавий кутубхонага нисбатан эга бўлган катта ижобий жиҳати – унинг ўқув жараёнинг жалб этилганлиги ва ўқитувчилар билан алоқаси борлигидир». Муаллифнинг ушбу фикрини яқиндан бошлаб содир бўлаётган жараёнга нисбатан билдирилаётганлигини таъкидлаш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, АРМ лари ва умумтаълим мактаб кутубхоналарининг аҳоли турли қатламларига яқинлиги йирик кутубхоналар тўплаган фондларнинг жойларга етиб боришини таъминлайди. Айниқса, Интернет масофадан туриб таълим олиш учун йўл очганидек, жойларда аҳоли эҳтиёжларини қондира оладиган кутубхоналарнинг вужудга келиши учун ҳам кенг имкониятлар яратади.

✓ Кутубхоначининг касбий тайёргарлик тизимида аҳолининг аҳборот олиш маданиятини шакллантириш асосий ўрин тутади. Зеро, китобхон билим олишца мустақил бўлмас экан, мустақил билим олиш кўникма ва малакаларини эгалламас экан, ташқаридан бўладиган таъсирларнинг самараси бўлмайди.

Кутубхоначининг педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик усусларига қўйидагилар киради:

- а) кутубхоначилик-библиографик таъминот;
- б) умумўқув малакаларини шакллантиришга қаратилган тадбирлар.

- кутубхонани жиҳозлаш;
- семинар ва анжуманлар ташкил этиш.



Аҳборот – ресурс марказлари кутубхоначисининг педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорликни бошлаши учун зарур бўлган юқорида санаб ўтилган касбий тайёргарлик жиҳатларига қўйидаги йўллар билан эришилади: малака ошириш курсларида таълим олиш; ўз устида ишлаш; ҳамкаслар билан тажриба алмасиш.

Малака ошириш курсларида таълим олиш кутубхоначиликка доир янгиликлар билан танишиш имконини беради. Лекин кутубхоначи бу билан кифояланмаслиги лозим. Туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманлар, семинарларда, Халқ таълими вазирлиги тизимидағи кутубхоначи ходимларнинг халқаро касбий анжуманларида иштирок этишлари, бошқа давлатларнинг етакчи кутубхоналари базасида стажировкадан ўтишлари тақозо этилади. Республика касбий танловларида қатнашиш ҳам малака оширишга ундовчи омиллардан биридир.

Ўз устида ишлаш кутубхоначининг касбий тайёргарлигига сифат ўзгаришларига олиб келувчи омил ҳисобланади. Кейинги йилларда бир қатор методик қўлланмалар, касбий маълумотномалар нашр қилинди. Н.И.Гендина, Н.И.Колкова, И.Л.Скипор, Г.А.Стародубоваларнинг қўлланмаси, 2005 йилда чоп этилган «Справочник библиотекаря» («Кутубхоначи маълумотномаси») китоби бир қадар мукаммал билим бера оладики, бизнингча, булар кутубхоначининг иш столидан доимий жой олиши керак. Бундан ташқари, «Образование в современной школе» («Замонавий мактабда таълим»), «Педагогическое образование и наука» («Педагогик таълим ва фан»), «Библиотековедение» («Кутубхонашунослик»), «Школьная библиотека» («Мактаб кутубхонаси»), «Иновации в образовании» («Таълимда инновациялар») каби илмий-услубий журналлар саҳифаларида эълон қилинаётган материаллар янги маълумотлардан воқиф этади. Лекин кутубхоначининг педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари билан олиб борадиган ҳамкорлик шакллари иш мазмунига доир адабиётлар ниҳоятда кам бўлғанилиги учун йирик кутубхоналар (масалан, малака ошириш институтлари кутубхоналари, мактаб кутубхоналари, Республика илмий педагогика кутубхонаси) тайёрлаб тарқатётган методик тавсиялар бу ишларда алоҳида ўрин тутмоғи лозим.

Тажрибалар, таҳдиллар шуни кўрсатадики, тажриба алманиш ишларини очиқ мулоқот принципи асосида ташкил этиладиган семинарларда амалга ошириш мақсадга мувоғиқ. Бунда семинар ташкилотчиси бўлган мактаб кутубхоначиси қатнашчиларни кутубхонанинг иш жойлари, абонементдаги жиҳозлар, шу жумладан, китобхоннинг ахборот олиш маданиятини шакллантиришга хизмат қиласидиган стендлар, кўшимча хизмат ассортиментлари билан танишитиради, каталоглар, картотекадаги ўзгаришлар, Интернет сайтилари рўйхати, Интернетдан фойдаланиб олинган ахборотлар, педагогик, методик манбаларни намойиш этади ва ҳоказо.

Семинар машғулотларда китобхонларга кутубхоначилик-библиографик билимларни қайси шакллар ва методлар асосида ўргатиш кераклиги ёритилган методик адабиётларда оғзаки шакллар (якка ва гуруҳли маслаҳатлар, саёҳатлар, дарслар, амалий машғулотлар, лекциялар), кўргазмалар (библиографик кўрсаткичлар намойиши, плакатлар, маълумотнома-библиографик адабиётлар асосидаги иллюстратив материаллар), босма шакллар (ўкув-методик адабиётлар, ёзма кўрсатмалар, библиографик билимларни ўрганиш ва б.)га устувор аҳамият берилади. Биз ахборот-ресурс

марказлари кутубхоначиларининг касбий тайёргарлигини педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилиш сари йўллашни ахборот-ресурс маркази ҳақидаги Низомни ўрганиш, тегишли бандларни ажратиш ва кутубхонадаги стендлардан бирда акс эттиришни тавсия этишдан бошладик. Улар қуидаги-лардан иборат:

- назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини шакллантириш;
- фондни тарғиб қилиш; кутубхоначилик хизмати турларини кенгайтириш;
- китобхонларга кутубхоначилик-библиографик ишларни ўргатиш ва ахборот олиш маданиятини шакллантириш.

Кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчисининг ҳамкорлигини таъминлашда назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис бу борада аниқ мақсад билан иш тутиш лозим. Шундагина фонд таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган методик таъминотга эга бўлади. Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиси, кейинчалик мактаб кутубхоначиси ҳам икки хил фонд билан иш олиб бориши керак: анъанавий ва ноа́нъанавий фондлар.]

**Анъанавий фонд ва уни бойитиш.** Педагогика назарияси ва тарихи соҳасида адабиётларнинг янгиланиш жараёни Россия олимлари таъкидлаган 7-10 йиллик рақамга яқин келади. Лекин Ўзбекистонда айрим ўкув фанлари методикаси соҳасида бундай эмас. Эълон қилинган методик қўлланмаларга қарайдиган бўлсак, масалан, она тили таълими соҳасида ахборот алмашуви узоқ давом этадиган жараён бўлиб қолмоқда.

Мактаб кутубхоначилари, маълум даражада ҳали етарлича касбий тайёргарлик кўрмаган АРМ кутубхоначилари педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари га ўкув-тарбия жараёнининг методик таъминотида ёрдам кўрсатиш соҳасида катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу қийинчиликлар шундан иборатки, улар ҳар бир соҳа бўйича охирги 20-25 йил ичida яратилган назарий, педагогик ва методик адабиётлар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар.

Шунга ҳам эътиборни қаратиш жоизки, ҳозир ўкув фани ўқитувчисига мўлжалланган ўкув блоки ёки дидактик портфелда қандай методик қўлланмалар бўлиши кераклиги айтилади, лекин, Р.Жўраев таъкидлаганидек, «...бу қўлланмаларни ўқитувчига қай тарзда етказиб бериш мумкинлиги, бунда кутубхоначи-

нинг роли кўрсатилмайди». Ваҳоланки, мактаб кутубхоналарида педагогик ва методик адабиётлар фонди тўплана бошласа, ушбу методик қўлланмаларнинг қиммати, уларга муносабат, мавжуд бошқа эҳтиёжлар мониторинг юритаётган АРМ кутубхоначиларига бошқалардан кўра кўпроқ маълум бўлиб боради, чунки истеъмолчилар ўз мuloҳазаларини биринчи навбатда ўзлари меҳнат қилаётган мактабда турли хил методик манбалар жамғариш билан шуғуланаётган кутубхоначиларга айтишади, зарурият бўлганда, улардан ёрдам кутадилар.

Педагогик ва методик адабиётларнинг энг катта заҳираси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ва Республика илмий педагогика кутубхонасида сақланади. Мактаб кутубхоналарини ана шу марказий кутубхоналар даражасига етказиб бўлмаслиги аён. Лекин ушбу фондларнинг кейинги 30 йилда яратилган қисмини педагоглар ва ўкув фанлари ўқитувчиларига ҳавола этиш имкониятини қидириб кўриш зарур.

Биз дастлабки қадам сифатида айрим АРМ кутубхоначиларига Республика илмий педагогика кутубхонасидаги фондлари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, педагогик ва методик адабиётлар рўйхатини тайёрлаб тарқатдик. Бундан мақсад – мактаб жамоасини шундай адабиётлар борлигидан хабардор қилиш ва уларнинг қандай йўл тутишини амалда синаб кўриш эди. Ушбу тажриба шундан далолат бердики, мактаб педагоглари, ўкув фанлари ўқитувчилари рўйхатлар билан танишгач, бу рўйхатларда тилга олинган адабиётларни излаш ҳаракатига тушдилар. Албатта, дастлабки уриниш – кутубхоначидан сўраш бўлди.

Кутубхоначи олдида иккита йўл туради:

1. Рўйхатда акс этган адабиётлар қаерда сақланаётганини маълум қилиш.

2. Кутубхоналараро абонемент орқали сўралган китобни тошигга ёрдам бериш.

Ушбу йўналишда кўрилган дастлабки чора-тадбир ўз натижасини бера бошлади: педагоглар ва ўкув фанлари ўқитувчилари Республика илмий педагогика кутубхонасига, Миллий кутубхона нега мурожаат эта бошладилар. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти туман мактабларида ишлаётган ўқитувчилар ушбу кутубхоналардан фойдаланиш имкониятини қидириб топишлари мумкин экан. Лекин олис вилоятлардан келиб, кутубхона хизматидан фойдаланиш муайян қийинчилликлар туғдиради.

Кутубхоначи кутубхонада педагогик ва методик адабиётлар

фондини шакллантира бошлаши унинг фаолиятида муҳим қадам ҳисобланади. Анъанавий фондни шакллантиришда қуидагича йўл тутиш мумкин:

1. Китоб дўконларидан тегишли адабиётларни харид қилиш.
2. Қўшни кутубхонага келиб тушган адабиётлардан ксерокс йўли билан нусха кўчириш.
3. Педагог ва ўкув фанлари ўқитувчиларидан айрим китобларни турли шартлар асосида қабул қилиб олиш.

АРМ фондини комплектлаш учун ажратиладиган мақсадли маблағ, шунингдек, ҳомийлик ёрдами, ҳайриялар, марказ топ-ширган макулатура учун тушган пул маблағлари марказнинг моддий-техника базасини яхшилиш, касбий матбуот нашрларига обуна бўлиш, ҳужжатлар фондини комплектлашга сарфланади. Шунингдек, кутубхонада пуллик хизматлар преискурантини кенгайтириш мумкин. Масалан, тегишли манбаларни дискетта тушриб бериш, уларни принтердан чиқариб бериш ва ҳоказолар.

Шу муносабат билан мавзу доирасида қўйилган муаммоларнинг ечимларини икки гурухга ажратишга тўғри келади:

- яқин уч-тўрт йил ичида бажарилиши мумкин бўлган фонд яратиш ишлари (тактика);
- истикболда кутилаётган фонд ва у билан ишлаш йўллари (стратегия).

Яқин давр ичида кутубхоначининг касбий тайёргарлигини ошириб, компьютер саводхонлигига эриштириш, Интернет сайтилари орқали ахборот олишни йўлга қўйиш, кутубхона жойлашган хоналарни таъмирдан чиқариб, фонд ва иш жойларини таъминлаш лозим. Шунингдек, педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари учун мўлжалланган фондни ташкил этиш, кутубхоначининг улар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўкув-тарбия жараёнига яна ҳам яқинлашиши талаб этилади.

Истикболда кутубхоначи ҳам, педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари ҳам ахборот олишга доир билимларни қўлга киритишлири, ахборот олиш малакаларини ҳосил қилишлари зарур бўлиб қолди. Гап шундаки, ахборот тарқатувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам кутубхонадан китоб қидириш, танлаш билан кифояланмайдилар. Уларга энди автоматлашган (электрон) усулдан фойдаланиш шароитида фаолият олиб боришга тўғри келади. Ахборотни мустақил излашнинг «рационал усулларини эгаллаш»; «ахборотни аналитик-синтетик қайта ишлашнинг формаллашган методларини ўзлаштириш»; «ўзининг мустақил ўкув-билув фаолияти

натижаларини тайёрлаш ва жиҳозлаш учун анъанавий ҳамда компьютер технологиясини қўллаш» тақозо этилади, деб таъкидлайди Н.И.Гендина.

Е.Иванованинг таъкидлашича, «Бугунги кунда ахборот олиш маданияти таълимдаги технологияларни самарали равишда бирлаштирувчи тамойилга айланмоғи даркор. Технологиядан фойдаланаётган кутубхоначи-мутахассислар ва ўқитувчилар бошқаларга қараганда ўқувчиларга, педагогларга, маъмуриятга, ота-оналарга ва жамиятнинг бошқа аъзоларига ушбу малакаларни ривожлантиришда яхшироқ қўмаклаша оладилар». Шунга кўра ҳам, кутубхоначининг янги вазифаларидан яна бири кутубхонанинг ўз электрон ресурс базасини яратиш соҳасида ҳам меҳнат қилишидир.

Кутубхоначининг биринчи навбатдаги қиласидаги иши педагоглар ва ўқув фанлари ўқитувчилари учун аскотадиган фондни ташкил этишидир. Бу, бир қарашда, осон бажариладиган ишга ўштади. Лекин, у жуда мураккаб ва қийин юмуш саналади. Республика миз бўйича қанча кутубхона бўлса, ҳаммасида фондлар яратиш керак. Демак, ҳар бир педагогик ва методик китобдан шунча нусха топилиши зарур. АРМ асосий фондини комплектлаш мунтазамлиги ва сифатига, ўқув фондини Республика дарсликлар ва ўқув-методик нашрлар рўйхатига мувофиқ комплектлашга, АРМ фаoliyati учун зарур шарт-шароитларни яратишга бўлган жавобгарлик умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари зиммасидадир:

— таълим жараёнини таълим муассасасининг АРМ тўғрисидаги намунавий Низомида кўрсатилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ахборот-кутубхоначилик таъминоти шакллари, воситалари ва методларини мустақил равищда белгилаш;

— ахборот ресурсларини комплектлаш манбаларини аниқлаш, замонавий электрон ўқув материалларини оммалаштириш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш, уларнинг анъанавий ўқув қўлланмалари билан интеграциясини таъминлаш.

Кутубхоначи педагогик ва методик адабиётлар жамғармасини шакллантириш йўлида йирик кутубхоналар, китоб савдоси дўконлари, нашриётлар билан алоқа ўрнатиши керак. Бу ишлар масаланинг ҳуқуқий, иқтисодий томонларидан хабардорликни тақозо қиласиди. Айниқса, вилоятларнинг чекка туманларида, марказдан узокроқда меҳнат қилаётган кутубхоначи учун булар яна ҳам муҳимдир. Маълумки, педагогик ва методик адабиётлар кутубхонага ўз-ўзидан келмайди. Демак, кутубхоначи яхшигина иқтисодчи, ҳуқуқшунос, ташвиқотчи ҳам бўлиши керак.

Р.Келдиёровнинг фикрича, «Мактаб кутубхоначиларининг фолияти молиявий имкониятлар, мактаб дастурларининг хусусиятлари, ушбу аниқ бир мактабда мавжуд ўқув методикаларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ва давлат ҳуқуқ ва молия тизимлари доирасида жорий этилади. Мактаб кутубхоналари иш шароитларидаги хилма-хилликларга қарамай, ҳар бир кутубхоначи кутубхоначилик хизматларини самарали ривожлантириш учун эгаллаши лозим бўлган керакли билимлар тўплами мавжуд – булар ахборот ресурсларини, кутубхоначилик ишини, ахборот сиёсатини ва ахборот таълими методикасини билишдир».

Кутубхоначи ўзи ишләётган кутубхона доирасида чекланиб қолиши ҳам мумкин эмас. У педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларига керак бўладиган адабиётларни топиш мумкин бўлган жойларни (ахборот маконини) билиши, қидириш йўллари билан қуролланган бўлиши даркор. Хусусан, ундан кутубхоналараро абонемент ишини янги шароитга монанд йўлга қўйиш борасида фолият кўрсата олиш талаб қилинади.

Кутубхонада ҳар бир ўқув фани бўйича методик мажмуалар кўринишида қўйидаги адабиёт турлари мавжуд бўлиши керак:

– ўқув қўлланмалари – масалалар ва машқлар, назорат, амалий ва лаборатория ишлари тўпламлари, бошқа дидактик материаллар;

– қўшимча ўқув адабиётлари – бу бадиий адабиёт асарлари, қомуслар, лугатлар, илм-фан, санъат, иқтисодиёт, тиббиёт, педагогика, жисмоний тарбияга доир адабиётлар, маълумотномалар, рисолалар, ўқув кўрсатмали қўлланмалар (плакатлар, хариталар);

– методик адабиётлар – айрим фанлар, синфлар ва йўналишлар бўйича ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаш ва малака ошириш учун мўлжалланган ўқитувчи китоблари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Мактаб кутубхоналарида илмий-педагогик ва методик адабиётлар фондини ташкил этиш ҳақида»ги 76-сонли буйруғига биноандохим таълими органларининг раҳбарлари ҳар бир мактабда мавридида илмий-педагогик адабиётлар фондини вужуши, бевориши учун зарурый чоралар кўришлари шарт». «Китобамарадорлини тўлдириб борар экан, кутубхоначи ўқитувчилари, шу мақсадда зам суратда маслаҳатлашмоғи, болалар дастурлар оюланмай, керакбўлимларини қийин ўзлаштираётганликларига уланиб, электрон ўқувчиларга қандай китобларни ўқиш урга кўчириши, уларни ларини аниқламоғи лозим» деб таъкид йўл билан ишга солиши,

Кутубхоначи билан педагог, ўқув фани ўқитувчиси ўртасида-ги ўзаро ҳамкорликнинг доимий давом этиши учун керакли ада-биётларни топишда кутубхоначининг воситачилик ролини оши-риш даркор. Бунга қўйидагилар орқали эришилади:

– ўқув фани бўйича (ёки педагогика соҳаларига оид) адабиёт-лар рўйхатига эга бўлиш ва ушбу янги адабиётлар билан кенга-йиб борувчи рўйхатдан мунтазам тарзда ўқитувчиларни хабардор этиб туриш;

– ўқув фани ўқитувчисидан тушган талабларга кўра тегишли адабиётни топишда унга ёрдам бериш;

– турли каналлар ёрдамида, айниқса, Интернетдан фойдала-ниб шу адабиётларни ахтариб топиш ва ўқув фани ўқитувчисига фойдаланиш учун топшириш.

Сотувдаги ва босмахонадаги китоблар, нашр маҳсулотлари янгиликлари тўғрисида, ўқиш учун тавсия этилаётган китоблар борасида ахборот бериш тизими самарадорлигини таъминлаш мақсадида тегишли стандартларни ишлаб чиқиш лозим. Унда ил-мий-педагогик нашрлар ҳақида ахборот ва китоблар рекламаси тушунчаларини чегаралашга эътибор қаратиш зарур. Болалар учун илмий-оммабоп нашрларда «Бундан кейин нимани ўқиш керак?» типидаги китоб ичida келтириладиган библиографик рўйхатларни, айниқса, ўқув-билув, маълумотнома, қомусий, ўқув нашрла-рини жойлаштириш амалиётини кенг жорий этиш керак.

Кутубхонада турли хил марказлар очилиши мумкин: «Эколо-гик маданият маркази», «Хуқуқий ахборот маркази», «Методик ахборот маркази» ва ҳоказолар.

Кутубхоначи ахборотнинг ташқи ташувчиларига ҳам аҳамият бермоғи лозим:

– очиқ дарслар, семинарлар, конференцияларни акс эттирувчи видеокассеталар жамғармаси; бу жамғарма педагогнинг кас-бий фаолиятида иш тажрибаси билан алмашувни амалга оши-риш имконини беради;

– электрон вариантда маъruzалар мазмуни киритилган маг-нит ва компакт дисклар;

– ўқув материалига эга бўлган мультимедиа.

Ўқув фанлари бўйича методик мажмуалар Халқ таълими вазир-лиги томонидан тасдиқланган рўйхатларни ифода этади. Лекин ҳар бир соҳада қандай назарий, педагогик ва методик адабиётлар бор-лиги ҳамда янгиликларни олий ўқув юртларининг кутубхоналари-га, Республика илмий педагогика кутубхонасига, Алишер Навоий

номидаги Миллий кутубхонага мурожаат этган кишиларгина била оладилар. Ушбу масканлардан узоқроқда фаолият кўрсатаётган педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари бундай имкониятга доимо ҳам эга бўлавермайдилар. Лекин мактаб кутубхоначиси ана шу имкониятдан мунтазам фойдалана оладиган мутахассис саналади. У турли библиографик кўрсаткичлардан воқиф булиб туради. Шунга қарамай, юқорида тилга олинган йирик кутубхоналарнинг ўзлари мактаб кутубхоначиларга кўмаклашишлари лозим. Улар бу ишни кутубхоначи ва мактаб ўқитувчиларига тавсия сифатида ўкув фанлари кесимида назарий, педагогик ва методик адабиётлар рўйхатларини тузиш орқали амалга оширишлари мумкин.

Китоб нашр қилишнинг минтақавий модулини ҳам ишга тушириш зарур. Чунончи маҳаллий маблағлар ҳисобига, кутубхоначи-библиографларнинг таклифига кўра, айни шу вилоят ёки шаҳарда тарқатиш учун аниқ бир болалар китобларининг қўшимча нашрига буюртма беришлари мумкин. Улар нашриёт янгиликларни кузатиб, эксперт сифатида уларнинг сифатига баҳо беришлари, болалар ва ўсмирларнинг шу китобларни ўқишлирага йўл очишни таъминлаш зарурлигини статистик асослашлари мумкин.

Педагогга методик ёрдам кўрсатиш учун мактаб раҳбарияти ўкув фани бўйича методик манбаларни ўрганиб чиқади, сўнгра ўқитувчининг иш тажрибасини, ўз устидаги ишларини ўрганади, баҳо беради.

Ноанъанавий фонд ва уни бойитишда компьютер хотираси, ахборотнинг ташқи ташувчилари, Интернет сайтларидан фойдаланилади. Бундай фонд жадаллик билан юзага келади, шу туфайли ҳам кутубхоначи ва ўкув фани ўқитувчилари ҳамкорлигини йўлга қўйишида алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги йилларда электрон китоблар яратиш борасида, компьютер технологияси, Интернетдан фойдаланиш хусусида кўплаб назарий-методик қўлланмалар яратилмоқда. Зоро, компьютер ахборот олиш маданиятини эгаллаган кутубхоначининг касбий тайёргарлиги муҳим ўрин тутади.

Кутубхоначи энди ўкув-тарбия жараённига яқин туриши, бевосита шу жараён иштирокчисига айланиши, таълим самарадорлигини ошириш эҳтиёжларини кўзлаб иш юритиши, шу мақсадда кутубхонага китоб олиб келиш билангина кифояланмай, керакли ахборотни компьютер орқали Интернетга уланиб, электрон манбалардан излаши, ташқи ташувчиларга кўчириши, уларни истеъмолчиларга тарғиб қилиши, шу йўл билан ишга солиши,

буортмалар олиши ва бажариши керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, кутубхоначи ўзининг касбий тайёргарлигидаги янги йўналишларни забт эта бошлиши даркор. Айни шу ишларда у баъзан укувсизлик қилиши, педагоглар ва ўқув фанлари ўқитувчилари ни у берган маълумот қаноатлантирумаслиги мумкин. Шунинг учун уларнинг доимий ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш талаб этилади. Бу ҳамкорлик Интернетдан керакли маълумотларни истеъмолчилар билан биргаликда қидиришни тақозо этади.

С.Анохин кутубхонада Интернетдан фойдаланишининг қуйидаги афзалликлари борлигини алоҳида санаб кўрсатади: «Биринчидан, Интернет тармоғи технологияларидан фойдаланиш орқали меъёрий, ўқув, методик ахборотни тарқатиш нархларини пасайтириш истиқболлари аниқ кўринади...

Иккинчидан, зарурӣ ахборотнинг истеъмолчиларгача (мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига) етиб бориши учун кетадиган вақт анча қисқаради.

Учинчидан, кўпинча керакли майдон ва тегишли жиҳозлар етишмаслигидан заҳмат чекадиган омборхоналар сифими ортади.

Тўртингидан, нодир манбаларга (уларни рақамлаш туфайли) кириб бориш йўли кенгаяди, қофоз, кино ва видеопленкалар, дисклар, пластинкалар каби умри қисқа ташувчиларда сақланадиган манбалар билан бўлганидек ушбу манбалар йўқолмайди...

Бешинчидан, инновацион ахборот, илгор педагогик тажриба жадал ёйлади.

Олтинчидан, жаҳондаги мавжуд ахборотга тез кириб бориш орқали уни олиш имкониятлари доимо кенгайиб боради.

Кутубхоначининг Интернет сайтлари орқали мактаб таълим-тарбия жараёни учун зарур бўладиган ахборот олиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун қуйидаги омиллар яратилиши даркор:

- кутубхоначининг ўзида мактабнинг таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир ўтказишга кучли интилишнинг мавжудлиги;
- мактаб маъмурияти томонидан унинг шунга даъват этилиши;
- кутубхонада пуллик қўшимча хизматлар ташкил қилиниши;
- педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг кутубхонага Интернетдан олинаётган ахборотларни сўраб мурожаат этиб туришлари.

Кутубхоначида ўқувчилар билангина эмас, балки педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчилари билан ҳам иш олиб борадиган мутахассис бўлиш истаги туғилиши даркор.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этишга күмаклашиш мақсадида АРМ ишларини ташкил қилишда фаол иштирок этәётган Республика илмий педагогика кутубхонаси орқали кутубхоначиларга Интернет сайтлари рўйхати берилиб, шу сайкларга уланиш орқали қандай адабиётларни топиш мумкинлиги маълум қилинди. Булар:

1. Ўзбекистондаги Миллий кутубхона, Республика илмий педагогика кутубхонаси, олий ўкув юртлари кутубхоналари билан боғлиқ сайплар.

2. Россиядаги йирик кутубхоналарда мавжуд сайплар.

Бугун йирик кутубхоналар, шу жумладан олий ўкув юртлари кутубхоналарида ўкув-услубий адабиётлар электрон хотираларга кўчирилган, кутубхона фондидаги адабиётлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат электрон каталоглар шакллантирилган. Мактаб кутубхоналари ана шу кутубхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишилари муҳим аҳамият касб этади. Китобхон олис масофадан туриб йирик кутубхоналардаги электрон каталоглардан фойдаланиши мумкин.

Тегишли фондни шакллантириш ишлари юқоридан бўладиган кўрсатма асосида ҳам, кутубхоначининг ўз ташаббуси билан ҳам амалга ошади. Интернет тўлиқ мустақилликни талаб этади. Бу ерда кутубхоначи ахборотни мустақил равишда излаш оқилона усулларини эгаллаши; ахборотни аналитик-синтетик қайта ишлаш методларини ўзлаштириши; ўзининг мустақил ўкув-билув фаолияти натижаларини тайёрлаши ва расмийлаштириши учун компьютер технологиясини қўллаши лозим бўлади.

Шунингдек, Россия университетлари билан ҳамкорлик ўрнатиш асосида *distant/ru* портларини очиш имкониятига эга бўлиш орқали Россиядаги барча олий ўкув юртларининг кутубхоналари хизматидан фойдаланиш мумкин. А.Л.Тонкихнинг таъкидлашича, Интернетдан тегишли сайпларни топиш учун «Российское образование» порталларига қараш лозим. Чунончи, «Каталог», «Порталлар», «Сайтлар», «Олий ўкув юртлари», «Қонунлар», «Стандартлар», «Хужжатлар», «Глоссарий» (сўз ва иборалар изоҳи), «Янгиликлар», «Форум», «Аудиториум» ва бошқа порталлар.

Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналарида яратилаётган электрон каталоглардан Интернет орқали фойдаланиш узоқ масофа-ларни ҳам яқин қилиб кўяди. Интернет орқали жаҳон ахборот масканига уланиш ишини амалга ошириш учун йирик кутубхоналар томонидан «Ирбис» дастури сотиб олиниши зарур.

Бугунги кунда, У.Ш.Бегимқуловнинг таъкидлашича, «Замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, таълим жараёни қатнашчиларининг ўзаро алоқасини таъминлаш, таълим жараёнини педагогик ресурслар билан таъминлаш, ахборот ва замонавий таълим технологияларини ривожлантириш, уларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси педагогик таълим муассасаларининг ягона ахборот макони – [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz) портали яратилди».

Интернетдан фойдаланишининг асосий омили – мактаб таълимига алоқадор ахборот ресурсларининг максимал даражадаги кенг доирасининг ўқитувчи учун очиқ булишидир. Тармоқда ишлаш пайтида бошқа шаҳар ва мамлакатлар педагоглари билан боғланиш, сайтлардан, педагогик газета ва журналлардан ахборот олиш, йирик кутубхоналар билан боғланиш имконияти туфилади. Ўқитувчи нинг ахборот олиш борасидаги юксак маданиятида ўз шахсий ахборот сайтларини очиш имконияти ва зарурияти ҳам пайдо бўлади.

Ноанъанавий фонд қўйидаги материалларни ўз ичига олади:

– босма материаллар: китоб, журнал, рисола, қирқиб олинган парча, плакат ва афишалар;

– ноанъанавий ташувчилардаги материаллар: аудиокассета, лазер диск, мультимедиа (CD-ROM, CDI), компьютер дастурлари, видеокассета, стол ва электрон ўйинлар, маҳаллий, миллий ва халқаро компьютер тармоқларига кириб борувчи бошқа воситалар.

Кутубхоначи фаолиятида фондни тарғиб қилиш, аникрофи, педагогик ва методик адабиётлар тарғиботи ва ташвиқотини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Кутубхонада муайян фонд шакллантириш имкониятларининг туғилишига қараб янгиликлар тақдимотига тайёрланиш, тақдимотни ташкил этиш ва ўтказиш зарур.

Тақдимотнинг энг оммалашган шакли бу – педагоглар ва ўқув фанлари ўқитувчиларига кутубхонадаги янгиликлар ҳақида эълон тайёрлаштириш. Эълон тайёрлашда қўйидагиларга эътибор берилади:

– кутубхонага янги адабиётлар келиб тушганлиги;

– кутубхонанинг компьютер техникаси билан жиҳозлангани ва Интернетга уланганлиги;

– шу муносабат билан ташкил этилаётган пулсиз ва пуллик хизматлар ва ҳоказо.

Кутубхоначи педагогик ва методик адабиётлар жамғармасини юзага келтирас экан, педагогик мониторинг ҳам олиб боради. Педагогик мониторинг таълим муассасасида педагогик фаолият ҳақида ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва ом-

малаштиришни ифода этади. Кутубхоначи қайси назарий, педагогик ва методик адабиётлар түғрисида илиқ таассуротлар айтилаётганини қайдлаб боради, қайси манбалар нимаси билан қизиқиши уйғотаётганлигини аниқлады, китобхонларга ана шу жиҳатларни маълум қилиб, уларнинг ўқилиши учун туртки беради, истиқболда қайси адабиётларни харид қилиш зарурлигини лойиҳалайди.

Мониторингнинг методологик ва методик базасини яратиш учун мамлакатда турли ташкилотлар томонидан ўтказилётган социологик ва психологик тадқиқотлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Баъзан мониторинг даражасида ташкил этилмаса-да, адабиётлар түғрисида тўпланаётган фикрлар кутубхоначи томонидан маҳсус дафтарга ёзиб борилмоғи мақсадга мувофиқдир. Бу ёзувлар педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг кўпроқ нималарга қизиқиши, адабиётлардан нималарни амалиёт учун қабул қилаётганлиги ҳақида муҳим ахборот касб этадиган бўлади.

И.В.Дейненконинг «Презентация работы библиотеки» («Кутубхона ишлари тақдимоти») китобида тақдимот ва тарғибот ишлари методикаси бирмунча муфассал ёритилган. Унда кўрсатилишича, бугунги кунда кутубхоначилик-библиографик билимларни ёйиш ва китобхонларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган иш шаклларига қўйидағилар киради:

- библиографик кўрсаткичлардан керакли китобларни қидириб топиш ва адабиёт билан ишлаш методикаси бўйича алоҳида маслаҳатлар бериш;
- мамлакат ва жаҳон ахборот тизими, ундан фойдаланиш қоидалари ҳақида маслаҳат, сұхбат, маърузалар уюштириш;
- кутубхона бўйича экскурсия ташкил қилиш;
- анъанавий ва электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш юзасидан амалий машгулотлар ўтказиш;
- фойдаланилган адабиётлар рўйҳатларини тузиш методикасига ўргатиш бўйича библиографик дарслар ташкил қилиш;
- «Информина» («информатика»дан викториналар) — ўйинли тадбирлар ўтказиш — бу, аниқ бир мавзуга бағишиланган, ўқувчиларнинг кутубхоначилик-библиографик саводхонлиги, кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппарати, маълумотнома адабиётлари, библиографик кўрсаткичлари кабилардан фойдаланишга доир билим, кўнікма ва малакаларини аниқлайдиган кутубхоначилик ўйин-мусобақасидир.

Кутубхоначи бир ёки бир неча муаллиф ижодига мансуб жанр, нашр сифатига кўра сараланган китоблар кўргазмаларини ташкил этади. Семинарларда чиқишилар қиласди, эслатмалар ёзди, реклама варақаларини ҳозирлайди, бироқ янги китоб тақдимоти билан китоблар ташвиқоти бир-биридан фарқ қиласди.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини тўплай бошлаш баробариди, педагоглар ва ўкув фанлари ўқитувчиларига шу адабиётларни тарғиб қиласди. Тақдимот китоблар кўргазмаси шаклида ташкил этилади.

Фонд шаклланана бошлагандан кейин эса кутубхоначи ўкув фанлари бўйича рўйхатлар тузади. Зоро, ўкувчилар, педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларига кутубхоначилик-библиографик билимларни эгаллашда ёрдам бериш учун кутубхоначилар, биринчи навбатда, хилма-хил адабиётларнинг тавсияномаларини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир. Бундай рўйхатлар истеъмолчига марказда қандай китоблар, электрон манбалар мавжудлиги ҳақида маълумот беради. Китобхон рўйхатдаги адабиётларни номма-ном кўздан кечирар экан, ўзини қизиқтирган манбани аниқлайди ва унда ушбу манбани топиб ўқиш истаги пайдо бўлади. Истак эса амалий ҳаракатга ундейди.

Кутубхоначи китобхонга баъзан аннотацияли рўйхат бериши мумкин. Бундай рўйхатта кўра китобхон сарлавҳадангина эмас, аннотацияларда берилган адабиётнинг қисқа мазмунини ўқиб ўзи учун тегишли адабиётни танлаш имкониятига эга бўлади.

Ахборот-ресурс марказларида каталоглар юритилиб, картотекалар тўлдирилиши фонд йириклиша бошлаган даврга тўғри келади. Каталоглар, библиографик кўрсаткичларда бир манба, масалан, журналда эълон қилинган мақола икки, уч ёки ундан ортиқ рубрикаларда чиқиши мумкин. Бундай фонд китобхоннинг каталоглар билан ишлашга доир билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишини тақозо этади.

Э.Исломов ва Э.Йўлдошев кутубхона ишини ташкил этишда оммавий иш турларига эътиборни қаратадилар:

- а) адабиётни кўргазмали усуlda тарғиб қилиш;
- б) адабиётни оғзаки тартибда тарғиб этиш;
- в) китоб байрами;
- г) болалар ва ўсмиirlар китоб ҳафталиги.

Шунингдек, педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари назарий, педагогик ва методик адабиётлар фонди билан танишиб бори-

шига қараб тарғибот ишлари янги адабиёттар, нашр қилиниш араfasида турған китоблар тақдимоти юзасидан олиб борилади.

Кутубхонада унинг фаолиятини намойиш этиш, яъни китобхонларнинг китобларга ва қутубхонага бўлган дикқатини янги воситалар билан жалб қилиш зарурияти мавжуд бўлиб, бунда нималарни, қандай қилиб, нима учун тақдим этиш керак деган савол туғилади. Ана шунда мактаб маъмурияти, педагоглар, ўқувчилар, кутубхоначи-касбдошлар билан ўзаро мулоқот вужудга келади.

Кутубхоначи кутубхонада вужудга келаётган янги имкониятларини намойиш қилиб бориши керак. И.В.Дейненконинг фикрича, тақдимот қайси ташувчида бажарилганидан қатъий назар, вазифалар юзасидан бериладиган ҳисобга хос айрим унсурларга эга бўлади (математик, статистик таҳдил ва б.).

И.В.Дейненко мультимедиали компьютер тақдимотига эътиборни қаратади. Булар:

- матн, тасвир, товушни динамик синтезлаш;
- ёрқин ва ҳамманинг онгига етиб бора оладиган образлар;
- интерфайснинг энг замонавий дастурий технологиялари;
- ахборот ташувчилари ва жиҳозларининг мобиллиги ва компактлиги;
- ахборотни янгилаш, тўлдириш ва мослаштиришга қодирлиги;
- ахборотнинг арzonлиги.

Экранда бир-бирини алмаштириб турадиган слайдлар асосида тингловчиларнинг дикқатини жалб этиш осон. Диапроекторда ҳам кулай: истаган слайдга дарҳол қайтиш мумкин. Слайдлардаги ёзувлар режа вазифасини ҳам бажариб унда анимация, аудио ва видеолавҳалар бўлиши мумкин (дискетлар, плакатларга қараганда олиб юриш учун кулай.)

И. В. Дейненко тақдимот предметини қўйидагилардан иборат деб билади:

- кутубхонанинг умумий фаолияти;
- фаолиятнинг асосий йўналишлари (ахборот-библиографик ишлар, якка, оммавий, инновацион ва б.);
- кутубхоначилик хизматлари (анъанавий, қўшимча ҳақ тўлайдиган инновацион);
- кутубхоначилик шакллари, техника ва технологиялар йўллари (танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси, ТРИЗ-технологи, вебсайтлар яратиш технологияси, ИРИ методикаси ва б.);
- шахсий тақдимотлар (хужжатли фонд муаллифлари, энг яхши китобхонлар, педагоглар, кутубхоначилар ва б.).

Мактабга ёш педагоглар, ўқитувчиларнинг ишга келишини назарда тутадиган бўлсак, кутубхоначи мавжуд ва янги нашр этилган адабиётлар, ўқиш учун тавсия этилаётган китоблар ҳақида ахборот бериш тизимини яратиши лозим. Китобхонга Интернетдаги маҳсус сайтларда ҳам маслаҳатлар бериб турилади.

Кутубхоначи вақти-вақти билан янги келган китоблар муҳокамасини уюштириши, оғзаки тавсифлаши, имкон даражасида баҳс клублари ва гуруҳларининг ишини ташкил этиши лозим. Буларни баъзан педагоглар кенгашида ҳам ўтказиш мумкин. Ҳар бир ўқув фани методикасида бошқа ўқув фанлари билан муштарак янгиликлардан маълумот берилиши керак. Шундагина бундай китоб муҳокамаси мактаб педагогик жамоаси учун қизиқарли бўлади.

Кутубхоначи қўйидаги йўналишларда тадбирлар ўтказиши лозим: долзарб мавзулар ва муаммолар бўйича муҳим хотира ва саналар экспозицияларига доир анъанавий китоб намойиши қўргазмалари; ўқув жараёнига кўмаклашувчи ноанъанавий қўргазмалар: қўргазма – савол, қўргазма – фикр билдириш, бир портрет қўргазмаси, қўргазма – диспут, қўргазма – китобхон бенефиси; қўргазма – ребус, бир китоб қўргазмаси, қўргазма – диалог, қўргазма – викторина, қўргазма – хобби ташкил этиши ва тақдим қилиши, жонли қўргазма, қўргазма – тақдимот, қўргазма – кайфият; ягона жанр ёки муаллиф қўргазмаси, қўргазма – вернисаж, қўргазма – эртак, қўргазма – тақвим, ахборот стендлари; библиографик шарҳ кабилар.

Кутубхоначи билан ўқув фанлари ўқитувчисини ўқув жараёнини методик таъминоти тизимида бу жараённинг педагогик мониторинги дикқат марказида бўлиши лозим. Педагогик мониторингда ўқитувчининг ўз устида ишлиши, соҳасига оид адабиётлардан хабардорлиги, улардан фойдалана билиши, педагогик маҳоратини оширишда тинмай мутолаага мурожаат этиши кабиларга эътибор бериши зарур.

Т.А.Уколованинг таърифлашича, «Педагогик мониторинг – бу, таълим жараёни ҳолатининг узлуксиз кузатилишини таъминлаш, педагогик тизимнинг ривожланишини башорат қилишдир». Унинг натижалари асосида мактабдаги ўқув-тарбия жараённинг ҳолати – ютуқ ва камчиликлар, таълим сифати ва самарадорлигидаги ўзгаришлар, бунда кутубхона амалга ошираётган методик таъминотнинг аҳамияти аниқланади.

Педагогик мониторингда болалар ва ўсмирларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари, уларнинг китобхонликда нималарни маъқул

кўришлари, китоб танлаш мотивлари, ўқиганларни баҳолаш меъёрлари, китобхонлик кўлами тўғрисида маълумотлар тўплаш мақсадида социологик сўровномалар (фақат кутубхоналардагина эмас), психологик-социологик тадқиқотлар асосидаги материаллар етакчи ўрин тутади. Кутубхоначининг ана шу маълумотларни мунтазам кузатиб бориши китоб билан ишлаш амалиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, бу манбалар ўқитувчи, ўқувчи, шунингдек, бошқарув ташқилотлари вакиллари ҳамда турли йўналишлар бўйича олимларга зарур манба бўлиб хизмат қиласди.

Мактаб кутубхоналарининг ўқув-тарбия жараёнини методик жиҳатдан таъминлашга қаратилган ишлари янги йўналишдаги ихтинослашувни ифодалайди. Хусусан, мактаб ўқитувчиларининг очик дарслари ишланмалари, методик тавсиялари мактаб кутубхонаси методик таъминотининг яна бир муҳим жиҳатига айланishi зарур. Бу ерда мактабнинг ўзига хос илғор иш тажрибалари жамланади.

**Кутубхоначилик хизмати турларини кенгайтириш йўлида** кутубхоначи ахборотларни шакллантириш, тўплаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни таълим жараёни иштирокчиларига етказиш, шу мақсадда кутубхонада маълумотнома – излаш аппарати, каталоглар, картотекалар, маълумотлар базаларини ташкил этиш ва юритиш каби ишларни бажарар экан, бу хизматларнинг бир қисми пулли тарзда амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун эса у пуллик хизматларни ташкил этиш қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши лозим.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиси педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларига эълон қилинган хизмат турлари ва тартиб рўйхати асосида пуллик хизмат кўрсатиши ҳам мумкин. Бундай хизматнинг тахминий шакллари:

- бирор мавзу бўйича китоблар танлаш, библиография тузиб бериш;
- Интернетдан бирор маълумот топиш ва ундан принтер орқали нусха олиш;
- нусха кўпайтириш ёки сканер хизмати;
- кутубхоналараро абонементдан фойдаланиш.

Педагогларга кутубхоначилик-ахборот хизмати кўрсатиш иши, уларнинг манфаатларини максимал даражаланган ҳолда ташкил этилади. Бунга кутубхоначи-педагог қўйидаги йўллар билан эришади:

- сўровнома, суҳбат, кузатиш, сўровномаларни таҳлил этиш орқали ўқитувчининг эҳтиёжларини ўрганиш;

— масаланинг илм-фандаги ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш (илмий-педагогик адабиётлар, журнал, газета ва бошқа ахборот манбаларини кўздан кечириш);

— педагогнинг касб маҳоратини ўстиришга қаратилган асл кутубхоначилик хужжатларини яратиш — булар каталоглар, шу жумладан электрон каталоглар, мавзувий картотекалар, библиографик рўйхатлар, шарҳлар, кўргазмалар, замонавий таълим жараёни учун мўлжалланган маълумотларнинг электрон базалари ва ҳоказолардан иборат.

Бугунги кунда республикаизда ташкил этилган ахборот-ресурс марказларининг иши билан кўпгина ташкилотлар қизиқмоқда, уларга моддий ва ташкилий кўмак бермоқда. Кутубхоначининг китоб муаллифлари билан учрашувлар уюштириши ушбу йўналишда истиқболли тадбирлардан бўлиб ҳисобланади.

Кутубхоначи билан педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорлиги тизимида кутубхоначининг уларга бирор-бир тадбирга, масалан маъруза тайёрлаш учун зарур бўладиган ўкув материалларини топишда методик ёрдам бериш режалаштирилаётган таълимий жараённи самарали ўтишини таъминлайди. Бунда кутубхоначининг ўқитувчи учун:

— ўқилган методик манбанинг керакли жойларидан нусха кучириб бериш (бунда сканердан фойдаланилади);

— Интернет сайтлари орқали топилган маълумотларни қоғозга тушириб бериш (бунда принтердан фойдаланилади), дискет ёки дискка ўтказиш;

— мавзу бўйича библиография тузиб бериш;

— маъруза ёки мақолада келтириладиган адабиётлар рўйхатини таҳрир қилиш;

— мавзуга доир адабиётларни топиб бериш каби ишлардаги методик ёрдами мухимдир.

Ўкувчилар ва ўқитувчиларга ахборот манбаларини танлаш ва уларга аналитик-синтетик қайта ишлов бериш борасида кутубхоначининг маслаҳатлар билан кўмаклашиши катта аҳамиятга эга. Зоро, кутубхоначи учун таълим жараёни иштирокчилари — таълим олувчи, педагог ходим, ота-она ва ахборот-ресурс марказларидан фойдаланувчи бошқа кишиларнинг китоб фонди ва ахборотнинг бошқа ресурсларидан фойдаланиши орқали ахборот, билим ҳамда маданий қадриятларни эгаллашларини таъминлаш мухим вазифалардан биридир.

Педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларининг ахборот мухитига

кира олишлари, ахборотнинг янги ташувчилари имкониятларидан фойдалана билишлари, керакли материалларни тўплай олишлари, таҳлил қилишлари, умумлаштира билишлари кутубхоначининг уларга йўл-йўриқлар кўрсатиши, уларнинг ахборот олиш маданиятини эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун китобхонларга хизмат кўрсатиш комплекслилик тавсифига эга бўлиши лозим. Бунда кутубхона иши кундалик ўкув машғулотларига йўғунлаштирилади ҳамда ўкув режалари ва дастурларини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида ўкув жараёнига қўшилади.

«Ижтимоийлашув – умумжамиятга хос маданиятни (меъёрлар, қадриятлар, ғоялар, хулқ-атвор қоидалари ва англаш стереотиплари) ўзлаштириш жараёнидир» деб таъкидлайди А.Умаров. Шунга кўра, мавжуд маданий меросни ўзлаштириш жараёни ижтимоийлашув деб аталади.

Жамият аъзоларининг иштимоийлашувини таъминлашда кутубхоначилик хизмати алоҳида ўрин тутади. В.А.Бородина бу ҳақида шундай ёзади: «Кутубхоначилик хизмати кўрсатиш – бу, ижтимоий институт бўлмиш кутубхонанинг ижтимоий субъектларга, уларнинг турли хил эҳтиёжларини қондириш ва ривожлантириш учун ўз кутубхоначилик-библиографик ва ахборот фаолияти воситасида жаҳондаги ҳужжатлар ва электрон ахборот ресурслари билан кутубхоначилик-библиографик ва ахборот маҳсулотлари ҳамда хизматларини тақдим этиш юзасидан олиб борадиган фаолиятидир».

Жамиятда ахборот алмашинув ҳажми ортиши билан уларни кузатиб бориш, танлаш, тизимга солиш, сақлаш усуслари ҳам ўзгаради. Бу ҳолат кутубхонанинг фаолиятига таъсири этади. Кутубхоначи анъанавий фонд билан ишлаганда бир хил, ноанъанавий фонд билан ишлаганда иккинчи хил касбий билим, кўникма ва малакаларни намоён қилиши, китобхонларни ана шу ахборот турларидан фойдаланишга ўргатиши керак. Кутубхоначи хизматининг бу борадаги салмоғи яна ҳам ортади.

Кутубхоначининг касбий тайёргарлиги, янги шароитга хос билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, ўз навбатида, ўкувчилар, педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларининг, АРМ ларига яқин жойлашган аҳолининг ахборот олиш маданиятидаги ўзгаришларга ижобий таъсири кўрсатади.

Таълим-тарбия билан шуғулланувчи соҳа вакили бўлмаган киши, масалан, мактаб кутубхоначиси малака ошириш даврида йирик кутубхонага амалиёт ўташ ёки бирор семинарда иштирок

этиш учун келади, беҳисоб каталогларни кўради, китоб фондларида бўлади. Лекин бу ердаги босма методик адабиётлар, электрон ресурслар орасида қандай маънавий бойлик яшириниб ётганлигини тасаввур қила олмайди.

Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг кутубхоначилик-ахборот олиш маданиятини шакллантириш ишларини амалга ошириш, уларга ахборотлар билан ишлашнинг замонавий методларини ўргатиш, ҳамжамиятлар, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, таълим марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиш йўлларини кўрсатиш талаб этилади. Кутубхоначи истеъмолчининг ахборот банкига эркин кириб бориши учун имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилиши зарур. Чунки ахборот танқислиги, истеъмолчиларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Кутубхоналарро абонементдаги янги даража ҳамкорликни кооперациялаш ва интеграциялаш билан тавсифланади.

Кутубхоначи педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйишида, дастлаб анъанавий ва ноанъанавий фондни шакллантириши керак.

### **Ахборот олиш маданиятини эгаллаш ва тарғиб қилишда кутубхоначи ва ўқитувчилар ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни**

Методик адабиётларда ўқитувчиларнинг, айниқса, бўлгуси педагогларнинг китоб ўқиши маданияти, уларнинг мутолаасига раҳбарлик масалалари атрофлича ёритилган. Хусусан, олий ўкув юртлари талабаларини кутубхонадан фойдаланишга ўргатиш муаммолари, педагогларнинг малакасини оширишда ахборот олиш маданияти, педагогнинг ўз устида ишлаши, назарий, педагогик ва методик адабиётларни мутолаа қилиши, электрон ўкув қўлланмалидан фойдаланиш муаммолари педагогик, психологик ва методик адабиётларда тадқиқ қилинган. Шунингдек, таълимда ахборот технологиялари; кутубхонанинг илмий-педагогик таъминот воситаси сифатидаги фаолияти; педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларининг тадқиқотчилик ишлари; педагогларнинг малака ошириш муаммолари ва китобхонликнинг ижтимоийлашуви масалалари бирмунча ўрганилган.

З.Қ.Исмоилова мустақил Ўзбекистон давлатининг умуний ўрга таълим мусассасаларида ишлайдиган ўқитувчи қандай бўлиши кераклигини таъкидлаб, замонавий ўқитувчи, бу – «ихтисосли-

гига доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек, назарий илмларни мукаммал эгаллаган мутахассис» эканлигини уқтиради.

Албатта, ўқитувчининг ихтисослигига доир билимларини аниклашда унинг илмий-педагогик адабиётлар билан қай даражада танишиб бориши, улар ҳақида етарлича маълумотларга эгалиги, янги илмий-методик нашрлардан хабардорлик даражаси катта аҳамиятга эга.

Б.С.Нуридинов малака ошириш курсларида ўқитувчини фоллаштириш омилларига кўра самарали деб топилган: долзарблаштириш, тренинг, инвариант модулли 3 та дастурни тақдим этади. Р.Ш. Аҳлиддиновнинг тўғри таъкидлашича, «Тингловчи дидактик жараённинг субъектига айлансагина, олдиндан режалаштирилган натижаларни қўлга киритиши мумкин бўлади. Бунинг учун ўқув хонасида фан мавзуларига оид тўлиқ ахборотлар (дарслик, қўлланма, қўшимча ахборотлар манбай) бўлиши, аникрофи, тингловчилар учун зарурий ахборот «пакет»лари тайёрланиши керак ёки электрон курслар компьютер мониторида акс этиши лозим».

Педагогик фаолият кишидан мунтазам ижодий тайёрлик, но-стандарт касбий вазиятларда оқилона қарорлар қабул қилиш, узлуксиз изланишда бўлиш, ўз-ўзини ривожлантиришни талаб этади. С.И.Максимованинг қайд этишича, «XXI асрда Ер юзида ишлаб чиқариш қуроли ва воситаси сифатида ҳаттоқи капитал ҳам эмас, балки ахборот ва ундан фойдаланиш малакаси, уни қидириб топиш, баҳолаш, интерпретация қилиш асосий қадриятта айланади.

Хусусан, И.В.Дворецкая ва А.В.Рафаеванинг ҳақли равищда таъкидлашларича, «Интернет ресурслари ва имкониятларидан фойдалана олиш, хусусан, керакли ахборотни тез топа билиш — ўқувчиларга ҳам, педагогларга ҳам зарур бўладиган малакалардир». Педагог-ўқитувчини касбий қиёфасини белгилашда унинг ахборотлардан ўз малакасини оширишда фойдаланиши, меъёрий-маълумотнома ҳужжатлари билан танишиб бориши, даврий матбуот нашрларини кузатиб бориши, адабиётлардан тўғри конспект ола билиши, назорат материаллари тўплаши, тегишли дарслик ёки ўқув қўлланмаларга эгалиги, илмий-амалий педагогик анжуманларда иштирок этиши, тажриба алмашиши, ҳамфирк касбдошлар ўртасида касбий эътироф этилиши кабилар катта аҳамият касб этади. Рус методист олимаси Н.В.Никуличева ҳам-

Фикр касбдошлар тушунчасига аниқлик киритиб, Интернетнинг хусусиятларидан бири ижодкор ўқитувчилар ҳамжамиятини вужудга келтиришдан иборат, деб ҳисоблайди.

Кутубхоначилик-библиографик билим ва малакаларнинг катта қисми, шунингдек, китоб ўқиш маданиятини тавсифловчи умумўқув билим ва малакалар умумтаълим муассасаларида ўкув фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий омили ҳисобланниб, уларни шакллантириш педагогиканинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунингдек, умумўқув билим ва малакаларининг шаклланишидаги камчиликлар ўқувчиларнинг мактабда паст ўзлаштиришининг асосий сабаби сифатида қайд этилади.

Ўқитувчининг шахсий хусусиятлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: «билим борасида: кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, ўзининг педагогик маълумотини оширишга интилиш» деб таъкидлайди О.И.Ионова. У ахборот лаёқатлилигига алоҳида эътибор бериб, унга қуйидаги жиҳатларни киритади: мотивацион лаёқат; когнитив лаёқат (билим олиш усусларини эгаллаганлик ва улардан ўз касбий фаолиятида фойдалана билиш); операцион-фаолиятили лаёқат (ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш); рефлексив (ўз-ўзини таҳлил қилиш ва бошқариш асосида юзага келган муаммо ва вазиятларни ҳал этиш учун билимлардан оқилона фойдаланиш) кабилар. Н.Н.Абакумова эса ахборот олиш лаёқатига касбий фаолиятни таъминлашдаги интегратив бутунлик сифатида қарайди.

Илгари ўқитувчилар касб-хунар маълумотини олгандан кейин одатда ўз билимларини вақти-вақти билан тўлдириб туриш заруритинигина ҳис этар эдилар. Бу эҳтиёжни қондириш асосан соҳага оид янги методик адабиётларни ўқиб-ўрганиш воситасида амалга ошириб келинган. Н.И.Гендина ва Н.И.Колкова замонавий ўқитувчи шахсининг касбий сифатларини белгиловчи асосий хусусиятлар сирасига доимий мутолаага эътиборни қаратади. Янги жамиятда, табиийки, таълим олишнинг янги замонавий, жумладан инновацион, «илгариловчи» типи талаб этилади. Зоро, ҳадисларда айтилганидек, «Бешикдан қабргача илм изла», мутолаа қилиш инсон ҳаётининг охиригача узлуксиз давом этадиган машғулотта айланади». В.С. Лазарев ва Н.Н.Ставринованинг изоҳдашича, «Содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар «шахсиятга мўлжалланган», «тадқиқотчилик», «лойиҳачилик» деб аталаётган турли янгича таълим парадигмасининг қирраларини белгилаб беради. Унинг моҳи-

яти педагогнинг фаолиятига нисбатан бериладиган урғу эндиликда педагогик меҳнатнинг ижодий асосларини долзарблаштириш, фаолиятни ривожлантиришга нисбатан қўлланилаётганлигига кўринади». Муаллифлар ўз мушоҳадаларини давом эттириб, шундай ёзадилар: «Бугунги жамият янги гояларни қабул қилиш, ностандарт қарорлар чиқариш, инновацион жараёнларда фаол иштирок этишга қодир бўлган, мавжуд ва янгидан пайдо булаётган касбий тадқиқотчилик вазифаларини барқарор ва лаёқат билан ечишга тайёр турган педагогга муҳтоҷлик сезади».

Замон ўқитувчидан ҳар дарс, тарбиявий тадбирда маҳоратнинг юксак чўққиларини забт эта бориш, олий ўқув юритида танишган таълим-тарбия методлари доирасида қотиб қолмасдан, янгиликлар излашни, бугун кечаги натижаларни янада яхшилашни талаб этмоқда. Бунинг учун эса у доимий изланишда бўлиши, таълим-тарбия натижаларини такомиллаштиришга эътибор қаратиши керак. Иzlаниш, ўз ютуқларини тўплаб бориш, ҳамкасларининг илфор иш тажрибаларини ўрганиш, тинмай мутолаа билан шуғуланиш орқали намоён бўлиши мумкин.

Ўқувчи, педагог, ўқув фани ўқитувчисининг бугунги кундаги мутолааси илгарилардагиларидан маълум даражада фарқ қиласди. Бугун ахборот олиш ва ундан фойдаланиш сифати муҳим ижтимоий-педагогик аҳамият касб этмоқда. Ўқилган китобга кўп матораба қайтиш, лекин ундан ҳар гал оз нарса олиш, китобга камроқ қайтиб, мутолаани ахборот олиш маданиятига етказиш орқали ундан кўпроқ фойдаланиш мумкин. Илмий-педагогик ресурслар кўлами саводли мутолаани талаб этади. Шунга кўра ҳам педагог ва ўқитувчининг назарий, педагогик ва методик адабиётларни ўрганиши ундан пишиқ китобхонлик маҳоратига эга бўлишини тақозо қиласди.

Ўқитувчи ўзи ахборот олиш маданиятини пухта эгалласа, кутубхона хизматидан фойдаланиб турса, у ўқувчининг ахборот олиш маданиятини, коммуникатив малакаларини шакллантириш устидаги ишларда ўrnak бўла олади, бу ишларга раҳбарликни яхшилай билади. Бунинг учун ўқувчиларнинг зарур адабиётлардан фойдаланган ҳолда, тадқиқотчилик ва лойиҳалаш фаолиятини амалга оширишга қаратилган фаолият дастурини тузиш зарур, бу ахборот технологиялари ва таълим дастурлари асосида ўқувчиларда тадқиқот олиб бориш малакаларини шакллантиришни индивидуал режалар ва юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш индивидуал дастурларига кўра интеграци-

ялаш имконини беради. Шу сабабли ҳам, ахборот-коммуникатив технологиялар бугунги кунда катта қизиқиш үйғотмоқда. Ахборот ресурслари, яъни электрон дарсликлар, қомуслар, компьютер тестларидан фойдаланишга ўрганиш, шунингдек, Интернетдан фойдаланиш – бу замон талаби эмас, балки заруриятидир.

«Ахборот олишнинг қўйидаги бешта муҳим йўналишини кўриб ўтамиз»: (1) ахборотни яратиш ва узатиш, (2) ахборотни қидириш ва унга кириб бориш стратегиясини вужудга келтириш ва қўллаш (манбалар кўрсаткичи, алфавитли ва бошқа хил кўрсаткичлар), (3) ахборотни ташкил этиш (ўкув фани кўрсаткичлари, маълумотлар базаси), (4) ахборотни жисмоний-табиий ташкил этиш (кутубхоналардаги таснифий тизимлар), (5) ахборотга баҳо бериш педагог ва кутубхоначи касбини бирлаштиради ва уларнинг биргалиқда тайёргарлик қўриши ва қайта тайёрлов учун пой-девор яратади».

Ўқувчи ахборот олиш маданиятини эгаллаш асносида қўйидагиларни уddyдлай олиши зарур:

- ўзи учун керакли илмий-оммабоп китобни (электрон манбани) қисқа вақт сарфлаб топа оладиган бўлиши, уни қаердан ва қандай излашни билиши, бу ишни тўғри амалга ошириши;
- олинган китобни саводли мутолаа қилиши, яъни уни қайта-қайта ўқиши ҳаракатини камайтириб, керакли маълумотларни бир-икки ўқишищаёқ кўпроқ ола билиши, бу маълумотларни қайд қилишга улгуриши (кўчирмалар олиш, фактларни ажратиш ва б.);
- уларни фойдаланиш учун қулай ҳолатга келтириши (аннотация ва б.) ва амалда фойдаланиши лозим.

Бошланғич синфларда ифодали ўқиши кўнікмаларини шакллантириш, болалар адабиёти намуналарини ўқиб-ўрганишга одатлантириш, кейинги босқичда эса, ўкув фанлари бўйича матнлар мутолааси, улардан ахборот олишга ўргата бошлаш асосий мақсадга айланиши керак.

Бунда қўйидаги тадбирлардан фойдаланиш мумкин: баҳс-мунозаралар, китобхонлар танловлари, конференциялар, сухбатлар, адабий ўйинлар, викториналар, эрталиклар, кутубхоначилик ишлари бўйича адабий клублар ва тўғараклардаги ишларни ташкил қилиш; кечалар, оиласвий байрамлар ўтказиш, интеллектуал-ижодий ўйинлар, саралаш танловлари ташкил этиш; учрашувлар – сентябр учрашувлари, қизиқарли китоблар, муаллифлар, энг яхши китобхон, ота-оналар билан учрашувлар, учрашув-фантазиялар; «Очиқ эшиклар куни»; адабий кечалар, савол

ва жавоблар, совғалар кечаси, ифодали ўқиши; китоб импровизацияси; танловлар: «Йилнинг энг яхши китобхони», «Китоб ўқийдиган энг яхши синф», «Ижодий-адабий танловлар», «Шеърият ва наср қироатгўйлари танлови», «Сехрли мамлакат», «Адабий ринг», «Кроссвордчилар танлови», «Қомус» интеллектуал адабиётлар фестивали; саволлар, кутубхоначилик савол-жавоблари, шеърхонлик, амалий тавсиялар, фойдали маслаҳат соатлари.

Н.Н.Сметанникованинг фикрича, «...барча ўқув фанлари ўқитувчилари матн устида ишлаш фаолияти усуллари ва стратегиясини эгаллаган бўлишлари керак. Ўқув фанини ўқитиш хилма-хил ўқув материали, ранг-баранг ва турли-туман жанрдаги матнлар орқали ўқиш ва ёзув стратегиясига ўргатишни ўз ичига олиши лозимки, бу нарса ўқув-билив, ижодий (креатив), танқидий ва коммуникатив фаолиятни фаоллаштиради ва шу билан бирга, таълим жараёнининг бир бутунлигини таъминлайди».

Шу сабабдан ўқувчиларнинг китоб ўқишилари адабий материалларни мутолаа қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Кутубхонада турли ўқув фанлари бўйича нашр қилинган дарсликлардан ташқари қўшимча адабиётлар («Қизиқарли математика», «Қизиқарли грамматика» ва ҳоказо), айрим мавзу йўналишлари бўйича рисолалар («Ўзбек тили лексикологияси», «Ўзбекистон табиий бўйиклари» кабилар) бўлиши лозим.

Яқин-яқинларгача ўқитувчилар кутубхонани ўқувчилар китоб ўқийдиган маскан, деб тушуниб келганлар. Бугунги кунда ҳам ана шу фикр ҳамон ҳукмронлик қилиб келмоқда. Бунинг сабаби аниқ: яқин йилларгача у ерда педагогик ва методик адабиётлар фонди бўлмаган, кўп жойларда ҳали ҳам шундай вазият мавжуд. Кутубхонани мактабдаги ўқув-тарбия ишларини методик жиҳатдан таъминлаш масканига айлантириш вазифалари эндинигина кун тартибиغا қўйилди. Бу вазифалар жадаллик билан кенгайиб бормоқда. Айрим мактабларда ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган ва улар ўзига хос тарзда фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай бир вазиятда кутубхоначининг касбий мавқенини ошириш, унга кутубхоначи-педагог лавозимини бериш, касбий тайёргарлиги мазмунини тубдан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

Педагогларнинг ахборот олиш маданияти жамиятда муҳим ўрин тутади: ёш авлоднинг билимга чанқоқлигини тарбиялаш кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Китоб ўқимайдиган ўқитувчи ўқувчиларда китобга ҳавас уйғота олмайди. Кутубхона томонидан ахборот оқими ва ўқувчи ўргасида алоқа ўрнатилсагина, ўқитувчи

ана шу алоқанинг барқарорлигини таъминлай олади. Ёш авлодда ўқишига ҳавас уйғота олган ўқитувчи эса жамиятни ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ўқитувчининг ахборот олиш маданияти унинг касбий фаолиятида намоён бўлади. Педагогнинг кутубхонага тез-тез мурожаат этиб туриши, илмий-методик янгиликлардан хабардор бўлиб бориши, унинг янги педагогик технологияни эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

В.А.Метаева бўлғуси педагогларнинг касбий камолотини таъминлашга ёрдам берувчи қуидаги иш турларини тавсия этади: рефлексив видеотренинг, инновацион ўйинлар, рефлексив-инновацион семинарлар. Ушбу усуслардан ўқитувчиларнинг малакасини оширишда ҳам фойдаланилади.

Рефлексив видеотренингни ташкил этиш учун видеога туширилган дарс ёки таълим-тарбия бериш жараёни (вазият) намоийиш этилиб, касбий қийинчиликнинг сабаблари таҳлил қилинади, муаммоли вазиятлар ечилади (ҳар ким ўз вариантини айтади). Баҳс пировардида ушбу вазият учун мақбул янги қоида ва фаолият меъёрлари ишлаб чиқилади.

Инновацион (дидактик ва ижодий, шу жумладан иш ўйинлари – бошқарув ўйини) ва ролли ўйинлар (videotraining, ўйин психотерапияси, психодраматик коррекция ва б.) бўлғуси педагог ва ўқитувчиларнинг билим, қўникма ва малакасини шакллантириш ва қайта тайёрлашда қўлланилиши лозим бўлган таълим методлари сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Рефлексив-инновацион семинар қатнашчиларнинг шахсий фаолиятини ташкил этиш ва фойдаланилаётган ноаниқ ва самарасиз иш усуслари шароитларида ўзаро ҳаракат қилиш малакасини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади. Улар муаммолар билан-гина эмас, балки янги, нотаниш омиллар билан иш кўрадилар.

Кутубхоначи, педагог ва ўкув фанлари ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга ундейдиган мотивлар сифатида қуидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

- энг янги ахборот технологияларини эгаллашга ҳаракат қилиш;
- ушбу технологияларни ўз касбий фаолиятида педагогик вазифаларни ҳал этиш учун қўллашга интилиш;
- таълимни ахборотлаштириш соҳасидаги илфор иш тажрибаларни ўрганиш ва тажриба алмашишга эришиш;
- ахборот олиш маданиятининг юксак даражасини мўлжал қилиш;

— ахборот технологиялари асосида касбий фаолиятда муваффақиятга эришиш мотивациясини эгаллаш, натижада ўз ҳамкаслари ҳамда кенг педагогик жамоатчилик эътирофига сазовор бўлиш ва ҳоказолар.

Узлуксиз таълим тизимида педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари, ота-оналар, кутубхоначилар, умуман, жамият барча аъзоларининг ўз устларида муттасил иш олиб боришлари жадал ахборотлашув жараёни кечайтган бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Умумтаълим мактабларидағи таълим самарадорлиги кўп жиҳатдан педагог кадрларнинг билим савияси, янги ахборот технологияларини эгаллаш даражасига боғлиқ. Шунинг учун педагог ва ўкув фанлари ўқитувчилари ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб боришлари зарур.

Б.А.Альмухамбетов педагог кадрларнинг малакасини ошириш иши қайси йўналишларда бориши кераклиги ҳақида гапириб, В.В.Краевский таклиф этган концепциядаги айрим йўналишларни кўрсатиб ўтади:

- мугахассислик бўйича қўшимча билим олиш ва малакаларни такомиллаштириш;
- малака оширишга нисбатан ижтимоий мотивация;
- педагогларни методик ва методологик рефлексияга ўргатиш;
- малака оширишга қўйиладиган талаблар меъёрларини аниқлаш;
- педагогларнинг ўз-ўзини такомиллаштиришига эришиш.

Ахборот олиш маданияти ўз-ўзидан шаклланмайди. У кутубхоначилик-библиографик ишларни ўрганиш, компьютер технологиясини эгаллаш орқали таркиб топади. Бу ишда эса унга кутубхоначининг ёрдами зарур.

Кутубхоначи мактаб педагоглари, ўкув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорликни йўлга қўяр экан, улардаги илфорлардан ўзиб кетишига интилишни ифода этувчи руҳий ҳолатни назарда тутиши, кутубхонада илфор ўқитувчилар фаолиятига бағишлиланган стендлар ташкил этиши, китоб тақдимоти ва тарғиботини йўлга қўйиш умуман янги ахборот манбаларини истеъмолчига тақдим этишининг янги шаклларини тақдим этиб бориш ҳақида ўйлаши лозим. Бу ишлар табиий равишда истеъмолчиларнинг рефлексив маданиятини шакллантиришга ҳам қаратилиши зарур.

В.А.Сластенин ва В.К.Елисеев берган изоҳга кўра, «Ўқитувчининг культурологик, аксиологик, акмеологик ва психологик-педагогик феномен сифатидаги рефлексив маданияти ўзининг

рефлексивлик, касбий-шахсиятли ва қадриятли-маънавиятли имконияти, масъулиятлилиги каби педагогик фаолиятга хос ва ушбу фаолият субъектининг ички фаоллиги натижасида юзага келган таркибий компонентлари таркибидаги йўғунлашган шахсий ҳосиласидир.

Уларнинг тушунтиришларидан келиб чиқсан ҳолда, ўқитувчининг рефлексив маданиятини ривожлантириш жараёнининг функционал-даражали моделини қўйидаги кўринишда тавсифлаймиз: педагогик касбининг рефлексив йўналишлари, меъёrlари (**ўқишим керак**); ўқитувчи ушбу йўналишларни ўз хоҳиш истаклари ва интилишлари билан солиштиради (**ўқишинистайман**); ўзидағи рефлексив қобилияtlарнинг таянч имкониятлари ни англаб етади (**кўлимдан келади**); ўқитувчи ўзидағи мўлжални рефлексив қобилияtinинг ривожлангандик даражаси билан мувофиқлаштиради (**мана буларни биламан**).

В.А.Сластенин ва В.К.Елисеев ўқитувчининг рефлексив маданиятини ривожлантириш меъёrlарига кўра уларнинг қўйидаги олти даражасини ажратадилар: ноль даража, конвенционал (энг қуий), интенционал (қуий), потенциал (ўрта), поссиденционал (юқори), креатив (энг юқори) даражалар. Булардан поссиденционал даражада ўқитувчидаги ўз шахси ва касбий индивидуаллигини қарор топтиришга интилиш шаклланади ва амалга ошади. Креатив даражада унинг рефлексив-креатив (ижодий) имкониятлари тўлиқ жорий этилиб, шахсиятли ва касбий қадриятлар тизимида ўз-ўзини ривожлантириш жараёни амалга ошади.

Тажриба сифатида айрим мактаб кутубхоналарига ўкув фанлари бўйича 1980 йилдан кейин чиқсан назарий, педагогик ва методик адабиётлар рўйхатини (1-, 2-, 3-иловаларга қаранг) мактаб кутубхоначилари орқали педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларига тавсия этилганда педагог ва ўкув фанлари ўқитувчилари кутубхоначига рўйхатга кирган айрим китобларни топиб беришни сўраб мурожаат қилдилар. Айрим ўқитувчилар зарур методик маслаҳат ва тавсиялар мавжудлигини билдириб, китобни ўз шахсий кутубхоналарида туришини хоҳлайдилар. Бундай пайтларда кутубхонада нусха кўчириш, кўпайтириш аппарати (ксерокс) бўлиши фан ўқитувчиларини керакли методик манбалар билан таъминлашнинг муҳим шартидир. Бундан ташқари, стендларда келтирилган андозалар: «Кўчирма олиш тартиби», «Аннотация тайёрлаш тартиби» ва бошқалар ўқитувчини китоб устида ишлашни давом эттиришга ундейди. Шу тариқа,

педагог ва ўқув фанлари ўқитувчиларида ахборот олиш маданийти шакллана боради, бунда кутубхоначининг фаолияти катта аҳамият касб этади.

Ўқитувчи ўз соҳасига оид адабиётлар билан танишиб борар экан, қисман тадқиқот ишларига ҳам аралашади. В.С.Лазарев ва Н.Н.Ставринова тўғри пайқаганларидек, таълим шундай бир паллага кириб бормоқдаки, бунда педагогик тизимлар ривожлантирувчи бўлибгина қолмай, ривожланадиган бўлиши ҳам керак. Шунга кўра ҳам, таълим мазмуни ва педагогик технологияни ривожлантириш ниятидаги ахборот олиш маданияти ахборотдан фойдаланиш маданиятини ҳам ўз ичига олади. Зоро, назарий, педагогик ва методик адабиётлар библиографиясини тузиш, улардан бир қанчасини кўриб чиқишинг ўзи камлик қиласди. Адабиётларни ўрганишдан кўзланадиган асосий мақсад ўқув фани бўйича янги педагогик технологияни эгаллашдан иборат бўлгач, ўқилганлардан керакли маълумотларни ола билиш, уларни амалиётга жорий этиш ва тажрибадан ўтказиш, муносабат билдириш, хуносалаш каби талай тадбирлар ҳам амалга оширилиши зарур. Масалан, ўқитувчи ўзи ўқиган китоблари бўйича аннотация тузishi, кўчирмалар олиши, кўчирмалар юзасидан уларда билдирилган тавсияларга ўз муносабатини ифодалаб, изоҳлар ёзиши, анжуманда сўзга чиқиш учун маъруза тайёрлаши ёки конспект тузishi, янги педагогик технология учун асқотадиган фаразлар белгилаши, дайжестлар тузиши лозим.

Кутубхоначи кутубхонада ташкил этилган стендда тил ва адабиёт ўқитувчилари билан келишган ҳолда, «Адабиётлар рўйхати қандай тузилади?», «Кўчирмалар олиш тартиби», «Реферат қандай ёзилади?» каби маслаҳатлар бурчагини очади ва уни вақтвақти билан янгилаб боради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўқилган ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш, кўчирмаларни шакллантириш, маърузаларда манбаларни акс эттириш тартиби ва бошқа кўпгина юмушларда педагог, ўқув фани ўқитувчисига кутубхоначининг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари зарур бўлади. Бу ишлар кутубхоначи билан ўқитувчининг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади.

Адабиётлар ҳақидаги қайдлар турли даврларда турлича бўлган. Буни Ўзбекистон Республикасининг ОАҚ талаби, нашриётлар, кутубхоналар бўйича кўрсатмалардаги янгиланишлардан билиш мумкин. Лекин ўқитувчilar ҳам, ёш тадқиқотчilar ҳам қайдларни юритишда, китобхон ўзи учун ёзганда, маълумотларни

тұлиқ, яъни қисқартырмай күрсатиши, мақола ёки құлланма тайёрлаганда библиография тузишга оид мавжуд талабларға риоя қилиши зарур.

Маълумотлар тұлиқ ёзилгандың үқитувчи китоб муаллифи, нашриёт номи кабилардан тұлиқ воқиға бўлади.

Таъкидлаш жоизки, китобхоннинг китоб ҳақида ўзи учун ёзган маълумотлари мақола ёки методик құлланмада тегишли қисқартыришларни амалга оширган ҳолатда ёзиладиган рўйхат учун асос бўлиб хизмат қиласи. Кутубхоначи педагоглар ва ўқув фани үқитувчиларига ёрдам тариқасида ўқув залига (қироатхонага) ахборот олиш маданияти учун нимаики зарур бўлса, шулар бўйича намуналар берилгандан ташкил қиласи. Буларга китоб ҳақидаги маълумотни тўлдириш, китобдан кўчирмалар олиш ва уни қайд этиш тартиби киради.

Олинган маълумотлар асосида педагогнинг ахборот олиш маданиятини индивидуаллик ва шахсиятлиликнинг бирлиқдаги тавсифи сифатида тақдим этишга ҳаракат қилдик.

Ўтган асрнинг 90-йилларида кутубхона фондлари таркибида кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш борасидаги хужжатларнинг янги турлари, шу жумладан аудио ва видеоассеталар, компакт-дисклар, электрон нашрларнинг кўпайиши муносабати билан ноанъанавий ташувчилардаги ахборот билан ишлашни ўргатишига эътибор кучайди. Интернетнинг ҳаётга фаол жорий этилиши кутубхоналарни фойдаланувчиларда мамлакат ва жаҳоннинг олис масофаларида жойлашган ахборот-ресурсларида ахборотни қидириш, топиш кўникмаларини ҳосил қилиш юзасидан иш олиб боришга унади.

Ўқувчилар ўз чиқишлиари ва маърузаларини мустақил равишида тайёрлаш учун кутубхонанинг имкониятларини билишлари, керакли адабиётларни топа олишлари, режа тузишлари, кўчирмалар олишлари, ҳозирланган матнни талаб қилинган шаклдаги хабар тариқасида расмийлаштиришлари (иншо, реферат, тақриз ва б.) зарур.

Айни умум ўқув билим ва малакалари ахборотга қайта ишлов бериш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият: ўқув, илмий ўқув-билив, мустақил, бўш вақтдаги фаолиятнинг асоси ҳисобланади. Булар ўқувчиларга ўз устида ишлашни самарали амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга ушбу билим ва кўникмалариз шахснинг ахборот олиш малакаси таркиб топмайди.

Кузатишлардан маълум бўлишича, умумий ўрта таълим муас-

сасаларида ўқувчиларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантиришга маълум даражада барча ўқув фанлари хизмат қилади, лекин ўқув фанларининг бу соҳадаги аҳамияти бир хилда эмас. Ахборотта қайта ишлов бериш соҳасидаги билим ва малакаларни эгаллашда она тили ўқув фани катта аҳамияга эга. Ушбу ўқув фани кўмагида ўқувчилар матнларнинг типлари, жанрлари, услублари ҳақида тасаввурга эга бўладилар, турли хил матнлар билан ишлаш малакаларини эгаллайдилар.

Адабиётларда қайд этилишича, мактабда ҳосил қилинадиган умум ўқув билим ва малакалар анъанавий равишда кутубхоначилик-билиографик саводхонлик таркибига киритиб келинаётган тўрт йўналиш бўйича тақсимланади: ахборот манбалари (55%), ахборотта таҳлилий-синтетик қайта ишлов бериш (27,3%), кутубхоначилик иши (16,3%), янги ахборот технологиялари (0,9%).

Ҳар бир ўқитувчи ўзи дарс берадиган ўқув фани бўйича билиография тузиши мақсадга мувофиқдир. Библиография ўқилган ва ҳали топиб ўқилмаган адабиётларни ўз ичига олади. Унинг зарурлиги шундаки, тажрибали ўқитувчи ёш ўқитувчиларга ана шу адабиётларни кўриб чиқишини маслаҳат беради, ўз илмий-методик жиҳатидан билим захирасини ўйлаб, уни доимий тўлдириб бориш, янгиликлар билан бойитиш ғамида бўлади, мақола, маъруза, рисола ёки бирор қўлланма ёзиш истаги ва зарурияти юзага келганда ундан фойдаланади.

Библиографияга кирганд манбалар тўрт гурӯхга ажратилиб ёзилиши мумкин: 1) ҳукumat қарорлари, давлат қонунлари, айrim расмий ҳужжатлар; 2) назарий адабиётлар (тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, география ва бошқа соҳалар бўйича назарий китоблар); 3) педагогикага доир адабиётлар; 4) методикага доир адабиётлар, ўқув қўлланмалари, дидактик материаллар.

Ўқилган китобдан фойдаланиш ва олинган материалларга ишлов бериш ахборот олиш маданиятининг мухим таркибий қисми ҳисобланади. Одатда, китобхон ўзига тегишли китобни ўқиётганда унинг ўзига маъқул тушган ўринларига турли хил белгилар қўяди, ёзувлар ёзади, чизиклар чизади. Кутубхонадан олинган китобларга эса мутолаа чоғида белгиларни қаламда қўйиш, сўнгра нусха кўчиртириш ёки зарур ўринлардан кўчирмалар олиш йўли билан улардан фойдаланади. Кўчирмалар (иктибослар) қайси китобдан, унинг қайси саҳифасидан олинганлиги кўрсатиб берилади.

Кўчирма аниқ ва бехато ёзилиши зарур. Кейинчалик ундан маъруза, мақола ёки қўлланма ёзишда фойдаланилганда, ўқитувчи

ишенч билан иш бошлаши, тадқиқот ишини қайтадан излашга мажбур бўлмаслиги лозим.

Ўқилган асар муаллифининг исми-шариfinи кўрсатиш унинг илмий фаолиятини тўлиқ ўрганиш, муаллиф билан мулоқотда булиш, ушбу адабиёт ҳақида кўпчилик ўртасида эркин фикр билдириш имконини беради.

Китобда баён этилган айрим фикрларга муносабат билдириш, хulosаларини ёзib чиқиши ўқилган китобдан олинган кўчирмалар билан ишлаш босқичини ифода этади. Масалан, муаллиф томонидан билдирилган таърифга нисбатан кўчирма сўнгига ўқитувчи ўзида туғилган фикрлар, фаразларини ёзib кўйиши мумкин.

Ўқитувчи ўзида тўпланиб бораётган кўчирмалар, фикрлар, фаразлардан маъруза тайёрлаш, китобга тақриз ёзиш, мақола тайёрлаш, қўлланма охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини бериш, мақола ёки қўлланма саҳифаларида иқтибос кўрсатиш, дайжестлар тузишда фойдаланади. Баҳс-мунозаралар чоғида манба кўрсатган ҳолда фикрлар келтиради.

Интернет-мулоқотнинг моҳияти фақат электрон почта орқали ёзишмадан фойдаланишни эмас, on-line ва off-line тартибида конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларида иштирок этишини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Россиядаги сайтларда: педагогик, методик адабиётларга доир саҳифалар ташкил этилган. Масалан: биологлар учун ГПНТБ ([www.gpntb.ru](http://www.gpntb.ru)) каби. Интернет-мулоқот дастури доирасида Ўзбекистондаги сайтлар ҳам маълум бўлиши керак. Шунингдек, республиканинг энг йирик фондлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика илмий педагогика кутубхонаси, олий ўкув юртлари кутубхоналари фонди билан қандай танишиш мумкинлиги ҳақида тавсиялар берилиши лозим. Бу омил талабалар, педагоглар ундан фойдаланишлари учун қулаги яратади.

Ўкув-тарбия жараёнининг методик таъминотида кутубхоначи ҳамда ўқитувчи ҳамкорлигини йўлга кўйиш методикаси муаммолари бўйича қуидаги хulosаларни чиқариш имконини берди:

1. Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш учун даставвал назарий, педагогик ва методик адабиётлар фондини юзага келтиришлари керак.

2. Ахборот-ресурс марказлари олдида турган вазифаларни бажара олиш кутубхоначидан узоқ давом этадиган касбий тайёр-

гарликни талаб қиласи. Шунга кўра ҳам кутубхоначининг касбий тайёргарлигига тактика ва стратегия босқичларига мўлжалланган билим, қўнікма ва малакалар мавжуд бўлиши зарур.

3. Кутубхоначи касбий тайёргарлигини замон талаблари дарражасига етказиши, етарли даражада малака ошириши, ўз устидаги ишлашда умумметодологик принципларга асосланиши талаб этилади.

4. Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначисининг янгиланган лавозим вазифаларига кўра, у янги ахборот технологиялари шароитида ишлай олиши, компьютердан фойдаланиш қўнікмасини эгаллаши, педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларига ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти асосида хизмат кўрсатиш мазмуни, шакллари, воситалари ва методларини эгалламоғи, маҳсус фондни бойитишга интилмоғи, илфор иш тажрибалари акс этган материалларни фондга қабул қилмоғи ва уларни бошқаларнинг фойдаланиши учун қулагай ҳолатда сақламоғи, педагогик ва методик адабиётлар тарғиботи ва ташвиқотини йўлга қўймоғи, бу ишларнинг ҳаммасини ахборот олиш маданиятини шакллантириш билан уйғунликда олиб бормоғи мақсадга мувофиқдир.

5. Кутубхоначи ўқув-тарбия жараёнига яқин туриши, шу жараён иштирокчисига айланиши, таълим самарадорлигини ошириш эҳтиёжларини кўзлаб иш юритиши, шу мақсадда кутубхонага китоб олиб келиш билангина кифояланмай, керакли ахборотни, компьютер орқали Интернетга уланиб, электрон манбалардан излаши, ташқи ташувчиларга кўчириши, уларни истеъмолчиларга тарғиб қилиши, шу йўл билан ахборотларни истеъмолга киритиши, буюртмалар олиши ва бажариши керак. Шунингдек, кутубхоначи ахборотни, шу жумладан ўқув материалларини тақдим этишининг янги шаклларини тавсия этиб бориши шунчаки эҳтиёж эмас, ўқув жараёнининг методик таъминоти талаби сифатида қарамоғи, мазкур йўналишда китобхонларни электрон манбалардан маълумот олиш механизмлари билан таништириб бориш лозим.

6. Жадаллик билан ахборотлашаётган жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзида ахборот олиш маданиятини тарбияламоғи, бу борада кутубхоналар, Интернет тармоғи, электрон адабиётлар заҳирасидан унумли фойдаланишга доир билим ва малакаларни эгалламоғи зарур.

7. Ўқув жараёнининг методик таъминоти педагогик мониторингини ташкил этиш кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчиларининг

ҳамкорлигининг мавжуд ҳолати, йўл қўйилаётган камчиликлар, эришилаётган ютуқларни қайд этиб бориш, йўлга қўйилаётган ҳамкорликни лозим бўлган ҳолатларда коррекциялаш, истиқболли режаларини тузишга асос бўлади.

8. Кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчисини таълим-тарбия жа-раёнини методик таъминотидаги ҳамкорлиги доирасидаги барча тадбирлар ўқувчиларнинг умумўқув билим ва малакаларини ри-вожлантиришга йўналтирилиши лозим.

### **Ахборот-ресурс маркази ходимининг ўкув жараёнини методик таъминлаш соҳасидаги фаолиятига оид тажриба-синов ишлари**

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълимий омиллари таъсирида юзага келадиган болаларнинг китобхонлик эҳтиёжларини ўрганиш, уларда юз бераёттан китоб ўқиши жараёнидаги барча ўзгаришларни кузатиб бориш ва уларни талқин этиш таълим самарадорлигини амалга оширишда муҳим аҳамиятта эга. Бундай кузатишлар натижаларини таққослаш кўрсаткичлари бо-лалик соҳасига даҳлдор у ёки бу қарорларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Энг муҳими, кутубхонадан ўқувчи ўзига ёқадиган бадиий асар, илмий-оммабоп рисола топа олиши, ўқитувчи эса пе-дагогик адабиётлардан тезкор фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Э.Исломов ва Э.Йўлдошевнинг «Мактаб-лицей кутубхонаси ишини ташкил этиш» номли қўлланмасида таъкидланишича, «Мактаб кутубхоначиси, энг аввало, мактаб дастури бўйича ўрганилаётган ва дарсдан ташқари мутолаа учун тузилган рўйхатта киритилган китобларни тарғиб этиши даркор».

Электрон китобларнинг ахборот майдонига кириб келиши хусусида С.И.Максимова томонидан қатор фикрлар билдирилган. Унинг кузатишларига кўра, «...ҳозир компьютерга қизиқ-майдиган бола топилмайди. Ўқувчилар осонлик билан янги ах-борот технологияларини эгаллайдилар, бир-бирлари билан элек-трон почта орқали мулоқотда бўладилар, Интернет ёрдамида бир-бирлари билан танишадилар, халқаро телекоммуникацион лойиҳаларда қатнашадилар, соатлаб компьютер ўйинларини ўйнайдилар ёки тармоқ бўйлаб сайр қиласадилар. Виртуал оламда

улар ўзларини дадил ҳис этадилар, катталар ёрдамисиз иш тутишга одатланадилар. Замонавий болалар web-уста, дастурчи, хакер бўлишни орзу қиласидилар. Уларнинг кўпчилиги бугун компьютер дастурлари, тренинглар, ўйинлар муаллифлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар, Интернетда ўз саҳифаларига эгадирлар... Боланинг виртуал қизиқувчанлигидан педагоглар кундалик таълим-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда фойдаланиши керак. Масалага оқилона ёндашганда компьютерлар кичкитойнинг интеллектуал, ҳиссий ва шахсий ривожланиши учун қудратли импульс бўлиб қолиши мумкин».

**Мутолаа (китоб ўқиши) маданияти** китоб, электрон матн устида ишлашга доир билим, кўникма ва малакалар мажмуасини ифода этади. Муайян даврга қадар ўзбек тилида яратилган методик ва кутубхоначиликка доир адабиётларда болаларни китоб ўқишига қизиқтириш ҳақида фикр юритилган. Бугун адабиётларнинг электрон матнга кўчирилиши муносабати билан «китоб ўқиши маданияти» бирикмасидан китоб сўзини тушириб қолдириш зарурати туғилмоқда. Лекин ўзбек тилида «ўқиши маданияти» тушунчаси «ўқиши» сўзининг лугавий маъносидаги «китоб ўқиши» ва «таълим олиш» маънолари борлиги учун ҳам моҳияттан талабга жавоб бермаслиги маълум. Шуни назарда тутган айрим мутахассислар «мутолаа маданияти» тушунчасини маъқул кўра бошладилар. Биз ҳам ана шу бирикмани маъқуллаймиз.

Таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш принциплари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури»да илгари сурилган асосий принциплар сирасига киради. Кутубхона фаолиятини демократлаштириш китобхонлар мустақиллигини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Бу борада В.А.Бородинанинг қўйидаги фикрлари масалага ойдинлик кирита олади: «Китоб ўқишига раҳбарлик қилиш назариясига нисбатан қилинган ҳужумлар, ундан ҳолос бўлишга интилиш мономафкурани қайта кўриб чиқиши билан ҳам боғлиқдир. Энди бундан ўзгача назарий ёндашувларга қатъий риоя этиш кузатила бошланди. Уларда демократлаштириш принципларига мувофиқ шахсий ҳаёт фаолияти соҳаларида китобхонга, хилма-хил ахборотларни танлаш ва улардан фойдаланишда унинг суверен ҳукуқига бўладиган ҳар қандай таъсиrlарни барҳам топтириш гояси ўз ифодасини топади». Бизнингча ҳам, мактаб кутубхоналарида ўқувчиларнинг иззатнафсига тегадиган ана шундай таъсиr унсурлари ҳали ҳам мав-

жуд. Бу ҳолат китоб танлаш, китобни ўқиб чиқиб кутубхонага қайтараётган пайтларда содир бўлади. Бизнингча, ўқувчига бир-мунча эркинлик бериш, унинг қизиқишларига таяниб, суҳбатга тортиш йўлларини излаш лозим.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида олимлар ёш авлод ҳаётида китоб ўқишининг аҳамиятини ошириш йўлларини изламоқдалар. Чунки оиласа экран маданияти кириб келиши муносабати билан ёшларда китоб ўқишга қизиқиши ошириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, уларнинг ахборот манбаларига кириб бориш, Интернетдан фойдаланиш ва бошқа шу кабиларни таъминлашдек муҳим вазифалар турибди.

Е.О.Самохинанинг «Мактаб кутубхоналарида ёш китобхонда ижодкорликни шакллантиришнинг технологик асослари» номли ишида, болаларда адабий-ижодий қобилиятни ривожлантириш бўйича кутубхоначи ишининг муваффақияти ушбу йўналишда режали суратда ва мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиладиган машғулотларга боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Н.С.Егорова ёш мактаб ўқувчиларида ижодий ўқиш кўнникмасини шакллантиришда кутубхоналар фаолиятида ҳамкорлик педагогикаси тамоийларидан фойдаланиш муаммоларини ўрганиб, илғор шакл, усул ва воситаларини тақдим этади. Болалар адабиётини иллюстрациялар билан безаш воситасида уларнинг эстетик дунёқарашини ривожлантириш юзасидан эса Е.В.Полевина томонидан диққатга сазовор фикрлар илгари сурилди. Тадқиқот ишининг натижалари унинг «Иллюстрация детской книги в библиотечной работе с детьми» («Болалар билан кутубхона ишини ташкил этишда болалар адабиётини иллюстрациялаш») китобида акс этган.

Юқоридаги ишларда асосан мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги китобхонларни тарбиялаш муаммолари кўриб чиқилган. Ўсмирлар, юқори синф ўқувчиларининг китоб ўқиш масалалари жуда кам тадқиқ этилмоқда. Бу тоифа китобхонлар ўз ўқув-билив эҳтиёжларини жаҳон виртуал маконининг жадал ривожланиб бораётганилиги муносабати билан Интернетдан фойдаланган ҳолда компьютер экранлари ёрдамида қондиришга интиладилар. Ўсмирларнинг кутубхонадан фойдаланишлари ўзига хос. Улар бу ерда бадиий асарларнигина эмас, балки илмий-оммабоп адабиётларни ҳам қидирадилар.

Китоб ўқиш уни танлашдан бошланади. Бу иш ўқиш орқали юзага келадиган мулоқотнинг керакли соҳасини танлаш, сўнгра

талай китоблар орасидан китобхонни қизиқтираётган китоб, яъни «ҳамсұхбат»ни белгилаб олишни тақозо этади, бунинг учун китобхон китобларни варақтаб құздан кечиради. Мактаб кутубхонаси-нинг токчаларида турған китоблар шу зайлда бирма-бир нигоҳдан үтади. Лекин китоб фонди беҳад ортиб бораётган бугунги кунда бу усул қатори, каталоглар билан ишлаш усули ҳам жорий этилмокда.

Үтган асрнинг 70-йилларыда ёкюри синфларда адабиётдан үтказиладиган синфдан ташқари үқиши дарсларида кутубхоначилик-библиографик маълумотлар билан ишлаш тажрибалари йүлга қўйилган. Ана шундай машгулотлар Н.И.Шафалинованинг мақоласида баён этилган. Мақолада йирик кутубхоналарга экспурсиялар уюштириш, ўқитувчининг ўқувчиларга қайси китобларни ўқиши мумкинлиги ҳақидаги маслаҳатлари, китоб танлашда ундағи қайси маълумотларга эътибор бериш зарурлиги, «Адабий таҳлил», «Қисқача адабий энциклопедия» каби изоҳли маълумотномалар билан ишлаш масалалари қамраб олинган. Бундай ишларни муайян предметларни ўқитиш жараёнида ҳам амалга ошириш мумкин. Шунда кутубхоначи, ўқувчилар, педагоглар ва ўқув фанлари ўқитувчилари ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилади.

Китобхонлар ўзларини қизиқтирган китобларни ташқи кўринишлари (номи, кичик сарлавҳаси, сўз боши, шартли график ажратишлар, муайян серияга мансублик, нашриётта ишора ва б.) асосида қидирадилар. Ушбу воситалар тизимига эътибор бермай, асарнинг жанри, умумий тавсифи, ҳажми, сюжети, адабий қаҳрамонларини мўлжаллаб китоб танлайдиган ўқувчилар ҳам талайгина.

Китоб ўқиши методи китобнинг китобхон томонидан мустақил равишда тўлақонли ўқиб чиқилишини таъминлайди ва уни умумийдан хусусийга қараб боришга одатлантиради. Ана шу малакалар каталоглар билан танлашда кўл кела бошлайди. Ушбу метод китоблар олами билан тўлақонли мустақил муомалада бўлиш учун зарур бўлган умумий ва маҳсус билимлар, кўнишка ва малакаларнинг кенг ва мустаҳкам доираси тизимига кириб бориш имконини беради.

Болалар ҳам, катта ёшдагилар ҳам китоб ўқишидан кўзланган мақсадни аниқ тасаввур қила олиши керак. Демак, мутолаага раҳбарлик қилиш китобга муҳаббат уйғотиш, мутолаага нисбатан қизиқиш ва эҳтиёж ҳиссини намоён этиш демакдир. Болани мулоҳазали мутолаа қилиш ва ўқиганларидан амалда фойдаланишга ўргатиш лозим.

Мулоҳазали мутолаа ўқувчига саволлар бериш орқали тартибга

солинади. И.И.Тихомированинг фикрича, «Китобхоннинг матнга бўлган шахсий муносабатига таалуқли саволларни тайёрлаш амалиёти ҳар қандай саволга факат битта тўғри жавоб бор деган конвергент фикрлашдан келиб чиқади. Аслида ҳар бир саволга бир неча хил жавоб қайтариш мумкин. Дивергент фикрлаш ижодий фикрлашдир. «Ақлий хужумлар» шундан далолат беради».

Репродуктив ва муаммоли саволлар ўзаро фарқланади. Репродуктив саволлар боланинг хотираси ва диққатини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Бунда бола саволга китобдан хотирасида қолган тайёр фикрлар билан жавоб қайтаради. «Боланинг фикрлаш фаолиятини муаммоли ёки муаммоли-изловчи саволлар фоллаштиради. Улар ақлий қийинчилик вазиятини вужудга келтиради ва китобхон фикрини жавоблар ва тегишли исботлар қидириш сари йўналтиради».

С.И.Максимова ва О.В.Кузнецова электрон матнларнинг афзаллик жиҳатларини қайд этиб, куйидагиларни таъкидлайдилар: «Интернетдан ташқари, CD-ROM электрон матнлар манбаига айланиб бормоқда. Бугунги кунда катта тажрибага эга бўлган ўкувли китобхоннинг эътиборини қозонадиган электрон бадиий тўпламлар кам. CD-ROMдаги электрон матнлар Интернетдагига қаранганд яхши дизайн қилинган: ажойиб тарзда безалган ҳошиялар, ёрқин, кўпинча, анимацияланган иллюстрациялар кўп, мусиқий жўрлик, адабий асар мотивлари бўйича таълимий дастурлар ва ўйинлар талайгина. Каттароқ ёщдаги адабиёт ҳаваскорларини матннинг хуш келадиган безакларидан ташқари, кўп сонли маълумотнома материаллар, адабий танқидчилик, ёзувчиларнинг чизгилари, кундаликлари, хатлари, замондошларининг эсдаликлари, расмлар, фотосуратлар, маълумотномалар ва китобхонни давр мұхитига ошно этадиган мусиқа кутмоқда».

Бола учун бунчалик жозибали ҳисобланган электрон ташувчилар педагоглар томонидан эътиборсиз қолдирилмаслиги керак. Албатта, электрон адабиётлар мутолааси болаларнинг барқарор китобхонлик қизиқишилари ва саводли ўқиши кўнгилмаларига таянади. Шуни ҳам эслатиш жоизки, электрон матннинг ҳажми шифокорларнинг ҳам эътиборида бўлиши ва уларнинг хulosаларини назарда тутиб яратилиши лозим. Бунда ўкувчининг дисплей экранидан ўқиши пайтида кўзининг толикиши, танасининг орқа қисми, бўйнида чарчоқдан оғриқ пайдо бўлишини ҳам ўйлаш лозим.

С.И.Максимова олиб борган дастлабки тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «...электрон адабиётлар болаларда катта қизиқиши,

хаттоки ҳайрат уйғотади. Кичик ёшдаги үқувчиларни уларнинг күп қирралилиги, жиҳозланишининг файриоддийлиги, хушман заралилиги, матнни ўқишигина эмас, тинглаш ҳам мумкинлиги, ўқиши анимацион фильмни кўриш билан қўшиб олиб бориш ва компьютер билан ишлаш мумкинлиги ўзига ром этади».

Китобхонлик қизиқишининг сифат тавсифларига барқарорлик, чукурлик, сайланмалик кўрсаткичлари киритилган. Барқарорлик қизиқишининг қандай қилиб уйғотилганлигига боғлиқ. Қизиқиш ташқи рағбатлар (вазиятли қизиқиш) асосида уйғотилган бўлса, у вазият ўзгариши билан сўнади. Агар у одамнинг устувор маънавий ёки билув эҳтиёжи натижаси бўлса, у ҳолда барқарорлик анча юқори бўлади. Кутубхоначи үқувчиларда қизиқиши уйғотишнинг объектив вазиятини вужудга келтириши керак, бунда уларда илк бор китоб ўқиши, кейин эса китоб танлаш орқали қизиқиши уйғонгандигини синовчи вазиятларни юзага келтириш муҳим бўлиб, шунда китобхонлик барқарор тус ола бошлайди.

Мутолаа маданияти маълум даврга келиб функционал саводхонлик даражасига етиши лозим. Н.Н.Сметанникованинг фикрича, функционал саводхонлик юқори ўқиши тезлигига эга бўлишни тақозо қиласди. Муаллиф бутунги кунда функционал саводхонлик 15 ёшдан ошганлар учун хос деган хulosалар мавжудлигини эслатади. Бу хulosалар ёшлиарнинг меҳнат фаолияти, жамиятдаги вазифаларини бажаришларини назарда тутиб чиқарилган.

Шахсни макон ва замонда узатиладиган, оммавий ахборотнинг бошқа воситаларидан олиш мумкин бўлган айрим далил, назария ва маълумотлар оқимиidan кўра, кўпроқ одамлар ўргасидаги мураккаб, қарама-қарши ижтимоий-тариҳий муносабатлар, бугуннинг ижтимоий ва шахсий қадриятларини ўрганиш, ўз шахсий кечинмаларини ўзгартирган ҳолда, уни қабул қилиш, рад этиш, ҳисобга олиш имконини берадиган тажриба кўпроқ қизиқтиради. Үқувчи шунчаки ўқиши учун эмас, балки ўз вақтида ўзлигини англаб, «ўз» китобларини топиш учун ўқиши лозим. Бунинг учун у китоблар билан ишлашни билиши ва китоблар орасида тўғри ҳаракат қилишга доир кўнилмаларни эгаллаши лозим.

Адабий матндан ақлий ва нутқий, таълимий тренинг учун материал сифатида фойдаланиш, ўқилганларни англаб етиш, таҳлил қилиш, улардан ахборот олиш, тегишли хulosалар чиқариш, уларни сўз орқали ифодалаш каби ўқувчи эгаллаши зарур бўлган кўнилмалар таркибига киради.

Демак, дарсликларда күчирма, аннотация, реферат, тақриз, таҳлил кабилардан намуналар бўлиши, улар ёрдамида ўқувчилар ана шу фаолият турларини изчили ўрганишлари керак.

Бу ўринда биз О.Громованинг қўйидаги фикрига тўлиқ қўшиламиз. У ўқувчининг реферат ва маъруза ёзиши ҳақида бундай дейди: «Ўқувчи ушбу маъруза учун материални қандай қилиб топди, уни ахборотлар кўлами орасидан қандай қилиб танлаб олди... Булар ҳақида ўйлашга ўқитувининг вақти йўқ. У жараённи эмас, балки натижани баҳолайди. Лекин ушбу жараёнда кимдир ёрдам бериши керак-ку! Ахборот оқими билан ишлаш бўйича мўлжал берадиган, уни баҳолаш, кераклисини танлашга йўналтирадиган ёрдамчи вазифасини кутубхона ва кутубхоначи ўз зиммасига олади».

Олим ўқувчиларнинг мустақил мутолааси ҳақида гапириб бундай дейди: «Дарвоқе, кўпгина мамлакатларда буни аллақачонлар тушуниб етганлар. У ерларда таълим жараёни шундай қурилганки, унинг салмоқли ва маҳсулдор қисми болаларнинг кутубхонада ишлашидир». Лекин у масаланинг бошқа жиҳати борлиги ҳақида огоҳлантириб шундай дейди: «Болани кутубхонага ўтиргизиб қўйиш, унга: «Мана адабиётлар. Ўзинг қидир», дейишистарли эмас. Унинг ёнида ахборотнинг ушбу оқимидан фойдалана оладиган ва уни ташкил эта биладиган киши бўлиши керак».

Инсоннинг ахборот жамиятидаги хулқ-автор қоидалари мажмуи, ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий майдони, муаллифлик ҳуқуқи муаммолари, сўз эркинлиги, шахснинг ахборот жиҳатдан хавфсизлиги кутубхонадаги мутолаа жараёнида шаклланади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тадқиқотда илгари сурилган илмий-ёндашув, қараш ва тавсияларимизни амалиётда синаб куриш ҳамда самардорлик даражасини аниқлашга қаратилди. Тадқиқот мавзуси бўйича амалга оширилган илмий изланишлар ва тажриба-синов ишлари технологик ёндашув асосида ташкил этилди. Бунда муаммонинг моҳияти тўлақонли очиб берилди, ечимлари башорат қилинди, ахборот-ресурс марказлари кутубхона-чисининг янгиланган касбий тайёргарлиги, фондни бойитиш йўналишлари ва манбалари, ўқув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик, ўқувчилар мутолаасига мажмуавий раҳбарлик қилишининг мақбул шакл, метод ва воситалари мажмуи асосланди, тадқиқотдан кўзланган мақсад эришиладиган натижалар орқали лойиҳаланди. Муаммонинг назарий таҳлили, шунингдек, амалий тажриба-синов жараёни босқичлари (модуллар) асосида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқот жараёнидаги тажриба-синов ишлари босқичида Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг «Умумий ўрта таълим мактаб кутубхоналарининг янги моделини яратиш» лойиҳасига асосан республикамизнинг 8 та мактаб кутубхонасида тажриба-синовни ўтказиш тўғрисида»ги 2004 йил 9 март 36-сонли бўйруги ижросининг иккинчи йилида марказлар сони кўпайтирилиб, вилоят ахборот-ресурс марказлари (12 та), туман, шаҳарлар ахборот-ресурс марказлари (200 та) барпо этилди. Бугунги кунда мавжуд кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказларида компьютерлар сони республика миқёсида 756 тани ташкил этади; 141 та кутубхона Интернетта уланган, кутубхоналар ва АРМ лари 158 та нусха кўпайтириш аппарати, 139 та аудио, 129 та видеоаппаратурага эга бўлди. Тажриба-синов олиб борилаётган АРМ лари ҳам ана шу техник воситалар билан тўла таъминланди. Республика илмий педагогика кутубхонаси ушбу марказлар фаолиятини йилма-йил таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва қўрсатиш, методик жиҳатдан ташкил этишга қаратилган тавсиялар беришда бевосита иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли қарори замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, республика кутубхоначилик тармоғини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан ахборот-ресурс марказларини компьютерлар билан таъминлаш, Интернет тармоғига улаш, фонdlарни ўқув-методик адабиётлар мажмуалари билан таъминлаш ишлари жадаллашди. Биз кутубхоначиларни Республика илмий педагогика кутубхонаси ва бошқа йирик кутубхоналардаги фондлар, ўқув фанлари ўқитувчиларига мўлжалланган адабиётлар рўйхатлари билан таништириш, имкон мавжуд бўлган ҳолатларда ана шу адабиётлардан айримларини ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш каби ишларни амалга оширдик. Мақсадимиз – илмий, педагогик ва методик адабиётлар фонди шаклланана бошлиши билан ўқув фанлари ўқитувчиларининг кутубхонага мурожаат этишлари, ахборот олиш маданиятини эгаллашда кутубхоначилар билан ҳамкорлик қилишлари, кутубхоначиларнинг янги фаолият турига тезроқ киришишлари учун пойdevор яратишдан иборат.

Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахбо-

рот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида»ги буйруғининг 2-иловасида чизма ҳавола қилинган бўлиб, унда Республика илмий педагогика кутубхонаси етакчи мавқеда кўрсатилган.

Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 18 январдаги 14-сонли «Ахборот-ресурс марказлари раҳбарларининг малакасини ошириш тўғрисида»ги буйруғи асосида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилаётган умумтаълим мактаблари кутубхоначиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жадваллари ишлаб чиқилди. Мазкур малака ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жами 144 соат, 24 иш куни иш ҳажмида 2+2 схемаси асосида 12 кун малака ошириш институтида ўқитиш ва 12 кун тингловчиларнинг ўз иш жойларида мустақил ўқиб, билим ортиришлари шаклида амалга оширилди.

Семинарларда «Таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази тўғрисида намунавий Низоми», «Ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш Қоидалари»ни ўрганишга алоҳида эътибор берилди ва кутубхоначининг ўқув фанлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик усуслари тушунтирилди.

Муаммонинг амалий жиҳати ҳам тажриба ортириш мактаби вазифасини ўтайди. Чунончи, кутубхоналарни бойитиш ва китобхонларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ мавзуларда республика миёсида семинарлар ўтказилди, тажриба-синов ишлари жараёнида ахборот-ресурс марказлари фаолияти атрофлича ўрганилди, илгор иш тажрибалари оммалаштирилди.

Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 18 январдаги 15-сонли буйруғига биноан ахборот-ресурс маркази ходимининг ўқув жараёнини методик таъминлаш соҳасидаги фаолиятига оид тажриба-синов ишлари дастури асосида Самарқанд вилоятида «Мактаб – кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари» хайрия тадбири ўтказилди. Унда ахборот-ресурс марказларининг китоб фондини бойитишга йўналтирилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу тариқа Республика мактаб кутубхоналари фонди 603182629 сўмлик адабиётлар билан бойитилди.

Шунингдек, «Маърифат» газетасида тажриба-синов ишларининг натижалари асосида «Умумий ўрта таълим мактабларида

ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этиш» мавзусида маҳсус руҳи ташкил этилиб, унда соҳа бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ва услубий тавсиялар бериб бориш йўлга қўйилди. Унда «Ахборот-ресурс марказлари қандай бўлмоғи керак?», «Ахборот-ресурс марказлари ишини ташкил этиш: иш режаларини тузишга қўйилган талаблар», «Мактаб кутубхоначиларининг касбий тайёргарлигига замонавий ёндашув», «Оромгоҳ кутубхонаси ишини ташкил этиш ва китобхонлар билан ишлаш бўйича тахминий режа» каби услубий тавсиялар чоп этилди. Шунингдек, тажриба-синов натижалари асосида «Таълим муассасаси кутубхонасининг китоб фондини ҳисобга олиш ва сақлаш тўғрисида йўриқнома» ва «Таълим муассасаси кутубхоналарида бажариладиган ишларга ажратиладиган вақтнинг намунавий меъёrlари» ишлаб чиқилди.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначисининг ўз касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, кутубхонада анъанавий ва ноанъанавий фондни ташкил этиш, компьютер технологиясини эгаллаши асносида мактаб педагоглари, ўкув фанлари ўқитувчилари билан таълим-тарбия самарадорлигини оширишга йўналтирилган ўкув жараёнини методик таъминотидаги ҳамкорлигининг ижобий натижалари қўйидагиларда намоён бўлди:

- кутубхоначининг саъӣ-ҳаракатлари билан кутубхона фондида ҳар бир ўкув фани бўйича назарий, педагогик ва методик адабиётларнинг ўқитувчи билан ҳамкорликни бошлаш учун етарли миқдорда бўлиши;

- ахборот-ресурс марказларида ушбу адабиётлар тақдимоти билан боғлиқ тадбирларнинг ўтказила бошланганлиги: янги адабиётлардан воқиф этувчи кўргазмалар, адабиётлар янгилик маълумотномалари, эълонлар ташкил этилаётганлиги;

- ўқитувчи ва ўкувчилар, педагог ходимларнинг ахборот олиш маданияти нималардан ташкил топишини билган ҳолда, китобдан қай тарзда фойдаланиш кераклиги: библиография тузиш, кўчирмалар олиш, аннотациялар тузиш, кутубхона стендларида китобхон тўплаган материалларни маърузада, мақола ва қўлланма яратишда қўллаши билан боғлиқ намуналар акс этганлиги;

- педагоглар, ўкув фанлари ўқитувчиларининг АРМ ларига бирор назарий, педагогик ва методик адабиётни сўраб мурожаат қила бошлаганликлари;

- кутубхоначининг янги йўналишдаги лавозим вазифалари ва малака ошириш сир-асрорларини эгаллай бошлаганлиги, чунон-

чи, Интернет тармогига уланиш орқали ўқув-тарбия жараёнинг методик таъминотида фойдаланиш мумкин бўладиган материаллар топаётганлиги ва уларни ўқитувчиларга тавсия этаётганлиги;

– ўқитувчи ва ўқувчиларни маълумотнома-библиография хизмати мазмуни, каталоглар, ахборотларни қидириш ва топиш манбалари билан танишириб бориш, Интернетдан фойдаланиш йўлларини кўрсатиш ишлари амалга оширилаётганлиги;

– кутубхона фондини шакллантириш ишига ўқув фанлари ўқитувчилари жалб этилаётганлиги: уларнинг маъруза матнлари, дарс ишламмалари, мақолалари ва бошқа материаллари фондга олинаётганлиги;

– кутубхонанинг молиявий шароитини яхшилашга қаратилган пуллик хизматлар ташкил қилинаётганлиги;

– кутубхоналараро алоқа йўлга қўйилганлиги.

Тажриба-синов олиб борилган АРМ ларида юқорида баён этилган масалалар бўйича маслаҳатлар бериб борилди, зарур пайтларда аниқ методик ёрдамлар кўрсатилди.

Шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантиришга оид тавсиялар орқали кутубхоначиларнинг замонавий кутубхонанинг фаолияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсади кўзда тутилди. Шу орқали кутубхоначиларда бугунги кутубхоначи мақоми тушунчасини шакллантиришга ҳаракат қилинди.

Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначиларига айрим ўқув фанлари бўйича кейинги 20 йил ичida нашр қилинган назарий, педагогик ва методик адабиётлар, матбуотда чоп этилган илмий мақолалар рўйхатлари тақдим этилиб, ахборот-ресурс марказларини айрим китоблар билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчиларини ўқув жараёнини методик таъминотидаги ҳамкорлигида қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилди:

- ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари учун кўргазмали семинарлар, қисқа муддатли ўқишлиар ташкил қилиш; малака ошириш институтларининг ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда маҳсус малака ошириш курсларини ташкил этиш ва номутахассис кадрларни қайта тайёрлаш; Тошкент давлат маданият институтининг «Кутубхоначилик иши» ихтисослиги бўйича қабул квоталарини ошириш ёки маҳсус сиртқи бўлим очиш;

- ҳудудий ҳокимликлар томонидан ахборот-ресурс марказла-

ри китоб жамғармаларини шакллантириш, уларни замонавий мағкуравий тавсифдаги адабиётлар, жумладан, маълумотнома, қомусий адабиётлар, бадиий, илмий-оммабоп, педагогик ва методик нашрлар, шунингдек, юқори самарали электрон нашрлар ва ресурслар билан тұлдиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- ахборот-ресурс марказларида ўқувчи ва ўқытувчилар иштирокида китобнинг инсон ҳәётидаги үрнини, аҳамиятини очиб берувчи китоблар тақдимоти, китобхонлар конференцияси, давра сұхбатлари, савол-жавоб кечалари, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни таъсирчан ҳамда самарали усууларда күпроқ ұтказышни йўлга қўйиш;

- ахборот-ресурс марказларида ўқувчи ва педагогларнинг китобга бўлган талабини мунтазам ўрганиб бориш, қандай, қайси мавзудаги китобларга эҳтиёж борлигини аниқлаш мақсадида сўровлар ұтказиш ҳамда нашриётларга тавсия бериш;

- ёш авлод маънавияти ва маърифатини юксалтиришга хизмат қилувчи китобларнинг электрон варианtlарини яратиш ишларини янада жадаллаштириш;

- кутубхона – китоб савдоси – нашриёт ўртасида мунтазам алоқа тизимини яратиш.

\* \* \*

Билимдонлар сўзи бордир бу бобда:  
“Билимдон гўрда-ю, илми китобда!”  
Агар ёлғиз эсанг, ҳамдам китобдур,  
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

*Абдураҳмон Жомий*

\* \* \*

Китобни бирордан қарз сўраганни  
Оқиллар сафига қўшмай қўя қол.  
У тоҳ қўйинчадир, тоҳи бағрида,  
Китоб эгасининг маҳбуби мисол.

*Алишер Навоий*

\* \* \*

Кишилар савдоси бошимдан узоқ,  
Эрта-кеч бўлмишам китобга ўртоқ.

*Камолиддин Биноий*

\* \* \*

Тараққиётнинг умумий қўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша  
халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

*Э. Лабуле*

\* \* \*

Фоят доно хатти-ҳаракатлардан туғилувчи эзгу саховатлари-  
мизнинг асосий қисми учун биз китобдан қарздормиз.

*P. Эмерсон*

\* \* \*

Китоб фикрлаш қобилиятимизни ҳаракатга келтирувчи ихчам-  
гина қуролдир; у ақлий танбаллигимиз билан курашишимизда  
бизга қўмаклашувчи тафаккур қувватидир.

*Э. Фаге*

## **ИЛОВАЛАР**

**КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИГА ОИД  
МЕЬЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР,  
МЕТОДИК  
ҚҮЛЛАНМАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР**

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

## **Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъмин- лашни ташкил этиш тўғрисида**

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари хузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Куйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, ҳалқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириши.

### 3. Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишини таъминлаш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудио-визуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.

### 4. Қўйидагилар:

ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кутубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини яратиш топшириғи 2-иловага мувофиқ;

республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш:

бир ой мuddатда белгиланган тартибда кутубхоналарни, 4-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

икки ой муддатда барча кутубхона фондларини замонавий табларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

икки ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб берувчи тегишли норматив хужжатлар ишлаб чиқилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишлари таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг якунлари тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илгор ахборот технологияларини тадбиқ этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зимиасига:

ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда «ZiyoNET» ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юклансин.

8. 2006 – 2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялариуниверситетида «ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» таълим йўналиши бўйича бакалавриат кадрлари ҳамда магистратура тегиши-

ли мутахассислари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

10. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёв зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.А.Каримов**

**Тошкент шаҳри,  
2006 йил 20 июн**

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

## **Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаш- тириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрга таълим ўқув режалари ва дастурлари талай даражада такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, «Мехрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек, камтаъминланган оиласарнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан белул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тариқасида жорий этилмоқда.

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришни ҳисобга олган ҳолда бутун республика худудида чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюртмаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек, дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006 – 2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун

дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида ҳар йили ўтказиладиган ихтисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек, умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Ўзкитобсавдо» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили октябр – ноябр ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қўлсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили 2 – 4 синфлар учун – икки йилда бир марта ва 5 – 9 синфлар учун – тўрт йилда бир марта янгиланади.

Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С.Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарсликларни экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгилашнинг белгиланган муддатига риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмуни асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабргача: кейинги ўқув йилига тавсия этиладиган дарсликлар рўйхатини, шунингдек янгиланган вариант чиқарилгани муносабати билан бекор қилинган дарсликлар рўйхатини ота-оналарга маълум қилишни;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

навбатдаги ўқув йили учун ўқитиладиган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқитувчиларнинг ота-оналари фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўtkазиш натижалири асосида предметлар бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқариш ва сотишга прогноз квоталари шакллантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили шакллантирилладиган прогноз квоталари асосида ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқарилишини ташкил этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг нашриёт расмийлаштирувчи ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати давомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни нашр этиш чоифида фойдаланадиган қофоз ҳамда бошқа матбаа материалларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан талаблар оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

матбаа корхоналарида ўрнатилган стандартларга риоя этилиши устидан самарали ички назорат механизмини жорий этсин.

5. «Ўзқитобсавдо» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туман марказларида аҳолига дарсликлар сотиш учун ихтисослаштирилган ярмарка-савдо шахобчалари ташкил этилишини таъминласин, шунингдек олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдосини ташкиллаштириш чора-тадбирларини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактаблари кутубхона фондларидан ўқувчиларга дарсликларни их-

тиёрийлик асосида ижарага бериш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рафбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари ҳисобига кутубхоначиларнинг тариф ставкасига мансаб маошининг 20 фоизигача миқдорда вақтингачалик устама ҳақ белгилаш воситасида кутубхона фонди сақланиши учун ходимларни рафбатлантириш механизми жорий этилсин.

Бунда шу нарса назарда тутилсинки, кутубхоналардаги дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарслекларни авайлаб-асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим мактабларини дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби түғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қўйидаги-лар назарда тутилсин:

умумтаълим мактабларининг кутубхона фонdlари учун ҳамда ярмарка савдоси ва чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашга буюртманомани шакллантириш ва бажариш;

умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчилари-ни давлат бюджети маблағлари ҳисобига дарслеклар билан аниқ таъминлаш;

дарслекларни ижарага бериш тартиби;

кутубхоналардаги дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарслекларни авайлаб-асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари меҳнати натижаларига баҳо бериш мезонлари;

фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмаларни утилизация қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси Халқ таъ-

лими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда дарсликларнинг нархи ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатлар сунъий равищада оширилишига йўл кўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Косимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.А.Каримов  
Тошкент шаҳри,  
2006 йил 31 май**

*Халқ таълими вазирлигининг  
2006 йил 24 ноябрдаги № 280 сонли  
буйруғига 1-илова*

## **Таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази тұғрисида намунавий низом**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ахборот-ресурс маркази (кейинги ўринларда АРМ деб аталади) таълим муассасаси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июн «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тұғрисида» ги №381-сонли қарори асосида ташкил этилади.

1.2. АРМ таълим муассасаси раҳбариятига бүйсунади.

1.3. АРМ таълим муассасаси томонидан унинг таркибий бүлинмаси сифатида маблағ билан таъминланади.

1.4. АРМ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясыга, Қонунларига, таълим бошқарув органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларига, таълим муассасаси уставига, раҳбариятнинг буйруқлари ва фармойишларига, ички тартиб қоидаларига ҳамда ушбу Низомга амал қиласы.

1.5. АРМ ўз фаолиятида аҳоли барча қатламларини ахборот ресурслари ва кутубхона фондидан әрқин фойдаланишга хукуқини таъминлайди.

1.6. Ахборот-ресурслари ва кутубхона фондидан фойдаланиш тартиби, асосий хизматлар рўйхати, уларни кўрсатиш шартлари, фойдаланувчиларнинг хукуқлари ва жавобгарлиги АРМдан фойдаланиш қоидаларида белгиланади.

1.7. АРМга умумий раҳбарлик қилиш Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

1.8. Барча идораларнинг АРМлари ишларига умумий ташкилий-методик раҳбарликни, уларнинг ишларини мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш идоравий ва ҳудудий методик марказлар тизими орқали:

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – барча идоралар учун республика методик маркази, Идоралараро кенгашнинг ишчи органи орқали;

Республика илмий педагогика кутубхонаси – Умумтаълим ўқув юртлари АРМларининг методик маркази орқали амалга оширади.

## 2. Асосий вазифалари

2.1. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларнинг мунтазам таълим олишига ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашади.

2.2. Миллий маънавий-аҳлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имкониятлар яратади.

2.3. Ахборотларга бўлган талабларга мувофиқ ва АРМ маълумотлар қидириш аппарати тизими орқали ҳар қандай фондлардан кенг фойдаланган ҳолда янги ахборот технологиялари (маълумотларнинг электрон базалари, Интернет ресурслари) асосида аҳолига зарур даражада ахборот хизмати кўрсатади.

2.4. Кутубхона-ахборот маданиятини тарбиялаш, фойдаланувчиларни ахборотлар қидиришнинг замонавий методларига ўргатади.

2.5. Кутубхона-ахборот жараёнларининг замонавий технологияларини ва компьютерлаштиришни жорий этиш асосида та-комиллаштиради.

2.6. Таълим муассасаси соҳасига ва фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ахборот-кутубхона фондини шакллантириш. Маълумотлар қидириш аппаратини, маълумотлар базаларини, каталоглар ва картотекаларни ташкил этиш ва юритади.

2.7. Маданий, таълим, ахборот ва бошқа дастурлар, лойиҳалар, акцияларни биргалиқда амалга ошириш учун, шунингдек фойдаланувчиларнинг хужжатларга ва ахборотларга эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш учун АРМлар, ахборот-кутубхона марказлари (АКМлар), кутубхоналар, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий маданий марказлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва кооперациялашни ривожлантиради.

2.8. Кутубхона хизматлари рўйхатини кенгайтириш, АРМни техник жиҳозлаш, кутубхона-ахборот жараёнларини компьютерлаштириш асосида хизматнинг сифатини оширади.

### **3. Асосий функциялари**

**3.1.** Ўқув залларида, абонементларда ҳамда ягона китобхон билети бўйича якка тартибда ва гурухлар бўйича хизмат қурсатиш методларини қўллаган ҳолда, фойдаланувчиларга табақалаштирилган хизмат кўрсатади.

**3.2.** Таълим муассасаларида, ўқув марказларида, лабораторияларда шакллантирилган электрон ахборот ресурсларини тўплаш, тизимлаш, каталогглаштиришни амалга оширади. Электрон каталогларни шакллантириш ва узатишнинг халқаро форматлари (MARC форматлари) талабларига қатъий мувофиқ ҳолда олиб борилади.

АРМ фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида маълумотларнинг мавзу йўналишлари бўйича манбалар яратиш йўли билан умумтаълим муассасаларининг ахборот ресурсларини шакллантиради.

**3.3.** Фойдаланувчиларни асосий кутубхона-ахборот хизматлари билан белул таъминлайди:

каталоглар, картотекалар тизими ва кутубхона ахборотлари беришнинг бошқа шакллари орқали кутубхона фонди таркиби тўғрисида тўлиқ ахборот беради;

матбаа асарлари ва бошқа ҳужжатларни қидириш ва танлашда маслаҳат ёрдами кўрсатади;

кутубхона фондларидан ҳужжатларни вақтинча фойдаланиш учун беради;

бошқа АРМ, АКМ ва кутубхоналардан кутубхоналарро абонемент бўйича ҳужжатлар олади;

таълим муассасасининг илмий ва ўқув ишларига ёрдам сифатида библиографик кўрсаткичлар, адабиётлар рўйҳатларини тузади; мавзуй, манзилли ва бошқа библиографик маълумотлар беради; китобларнинг библиографик шарҳларини ўтказади; китоб кўргазмалари ташкил қиласди;

фойдаланувчилар, раҳбарият, ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар ва ўқувчиларга ахборотларга бўлган эҳтиёжи ни аниқлайди, ўрганади ва мунтазам равишда мувофиқлаштириб беради.

**3.4.** Фойдаланувчиларга АРМдан фойдаланиш қоидаларида белгиланган тартибда пулли хизматлар кўрсатади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, уюшмалар ва бошқа ташкилотларга шартномалар асосида кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни таш-

кил қиласи. Китобхонларга кутубхоналаро абонемент бўйича, шу жумладан электрон почтадан (интернет)дан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатади.

3.5. Ахборотларни қидириб топиш, уларни мустақил таълим олишда, ўкув жараёнида ва илмий ишларда қўллаш, кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппаратига, ахборот тизимларига ва маълумотлар базаларига таяниш кўнинмаларини шакллантиради.

3.6. Фойдаланувчилар учун информатика, кутубхонашунослик ва библиография асослари бўйича машғулотлар ташкил этади.

3.7. Минтақанинг бошқа АРМ, АКМ ва кутубхоналари билан мувофиқлаштирган ҳолда аҳолининг китобларга бўлган талаблари, шунингдек таълим – касб-хунар дастурлари, ўкув режалари ҳамда илмий тадқиқотлар мавзуларига мувофиқ фондни комплектлашни таъминлайди. Ўқув, илмий, даврий, маълумотнома, бадиий адабиётлар ва бошқа турдаги нашрларни сотиб олади.

3.8. Фондларни комплектлаш манбаларини раҳбарият билан келишилган ҳолда белгилайди. Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда АРМ, АКМ, кутубхоналар ҳамда республикадаги бошқа муассаса ва ташкилотлар билан китоблар айирбошлишни, шунингдек заруриятта кўра хорижий мамлакатларининг кутубхоналари ва ташкилотлари билан халқаро китоблар айирбошлишни амалга оширади.

3.9. Таълим муассасалари учун адабиётлар чиқаришни режалаштириш ҳамда фойдаланувчиларнинг ва фондлар таркибининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқлаштириш мақсадида китобхонлар талаби даражасини ўрганади. Барча тоифадаги фойдаланувчиларнинг ўкув ва илмий-оммабоп адабиётлар билан таъминланганлигини таҳлил қиласи. Илфор ахборот- кутубхона технологиясини, тадқиқот ишлари натижаларини жорий этади. Китобхонлар қизиқишиларини таҳлил қиласи.

3.10. Фондларни ҳисобга олиш ва жойлаштиришни амалга оширади, уларнинг сақланишини, сақлаш тартибини, ҳужжатлар нусхасини олишни ва микрофильмга кўчиришни таъминлайди.

3.11. Фондни амалдаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ кутубхона фондидан чиқаради. Раҳбарият билан келишилган ҳолда соҳага оид бўлмаган ва ортиқча, ўхшаш адабиётларни қайта тақсимлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда аҳолига китоб савдосини ташкил қиласи.

3.12. Фондларни анъанавий, электрон каталоглар ва картотекалар тизимини юритади.

3.13. Китобхонларга автоматлаштирилган тартибда тезкорлик

билин турли хизматлар кўрсатиши имконини берадиган республика йиғма каталогларини, шу жумладан электрон каталогларни тузишда қатнашади.

3.14. Бошқа АРМлар, илмий жамиятлар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, республика АКМлари билан ижодий ва ахборот алоқаларини ривожлантиради.

3.15. Кутубхоналар, архивлар, маълумотларнинг ахборот базаларига эга бўлган бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан амалдаги қонун хужжатларига, давлат дастурларига, шунингдек муассасалар ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ ўзаро ҳамкорлик қиласди.

#### **4. АРМларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

Низомда кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ўз фаолиятининг мундарижасини ва аниқ шаклларини мустақил равишда белгилайди;

АРМ тузилмасини, штат рўйҳатини ва ундан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни таълим муассасаси раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этади;

марказга берилган маблағларни тасарруф этади;

ягона тариф сеткаси асосида, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида лавозим маошларини; лавозим маошларига устамалар ва қўшимча тўловларни; ходимларни мукофотлаш тартиби ва миқдорларини белгилаш;

фойдаланувчиларга ноёб ва қимматли нашрларни беришда, шунингдек АРМдан фойдаланиш қоидаларида белгиланган бошқа ҳолларда гаровни (тегишли хужжат) белгилайди;

АРМдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ, фойдаланувчилар томонидан АРМга етказилган зарарни ундириш турлари ва миқдорларини белгилайди;

юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида АРМнинг кутубхона фондидан фойдаланиш шартларини белгилайди;

таълим муассасасининг таълим дастурлари, ўкув режалари, илмий-тадқиқот ишлари тематикаси билан танишади. Унинг таркибий бўлинмаларидан АРМ олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни олади;

турли муассасаларда, ташкилотларда таълим муассасаси номидан вакиллик қиласди, кутубхона ва ахборот-библиографик фаолият масалалари бўйича илмий конференциялар, йиғилишлар ва семинарлар ишида бевосита қатнашади;

бошқа АРМлар, кутубхоналар, ташкилотлар билан белгиланган тартибда ёзишмалар олиб боради;

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона бирлашмаларига киради;

ахборот-кутубхона ишини ривожлантиришнинг давлат ва минтақавий дастурларини амалга оширишда танлов ёки бошқа асосда қатнашади;

хорижий давлатларнинг АРМлари, кутубхоналари ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлари билан белгиланган тартибда ҳамкорликни амалга ошириш, шу жумладан заруриятга кўра, халқаро китоблар айирбошлишни юритиш, белгиланган тартибда халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш, халқаро кутубхоначилик ва бошқа дастурларни амалга оширишда қатнашади.

4.2. АРМ фондларнинг талаб дарајасида сақланиши учун жавоб беради.

4.3. Таълим муассасаси АРМга таалуқли функцияларнинг баражилмагани учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4.4. Кутубхона – ахборот фондларига зарап етказилишида айбдор бўлган АРМ ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

4.5. АРМ ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

## **5. Бошқариш тузилмаси ва штатлари. Моддий-техника таъминоти**

### **Бошқариш**

5.1. АРМга раҳбарлик директор (мудир) томонидан амалга оширилади, у таълим муассасаси томонидан, олий касбий маълумотга эга бўлган ва ихтисоси бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган мутахассислардан, меҳнат шартномаси (контракти) бўйича тайинланади.

5.2. Директор (мудир) ўз ваколати доирасида ишларнинг натижалари учун тўлиқ жавоб беради, барча ходимлар учун мажбурий бўлган фармойишлар ва кўрсатмалар чиқаради.

5.3. АРМ ходимлари шартнома (контракт) асосида ишга қабул қилинади.

5.4. АРМ ҳузурида маслаҳатлашув органи сифатида, ишларни бошқа АРМ, АКМ, кутубхоналар, таълим муассасасининг ил-

мий ва ўқув бўлинмалари билан келишиш учун кутубхона-ахборот кенгashi ташкил этилади. Кенгаш таркиби АРМ директори (мудири) тақдимига кўра таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Китобхонлар АРМ муассасаси билан кетобхонларнинг бошқа бирлашмалари фаолиятида қатнашадилар.

5.5. АРМ ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда хужжатларни юритади ҳамда ҳисоботларни, иш режаларини <sup>ва бошқа</sup> ахборотларни тақдим этади.

#### Тузилмаси ва штатлари

5.6. АРМ тузилмаси муайян таълим муассасаси учун якка тартибда ишлаб чиқилади ва анъанавий бўлинмалар (абонементлар, ўқув заллари ва бошқалар)дан ташқари инновация бўлимлари, секторлар, (автоматлаштириш, маркетинг бўлимлари <sup>ва бошқалар</sup>)ни ўз ичига олиши мумкин.

5.7. АРМнинг бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимлари сони таълим муассасаларининг АРМ намунавий штатлари асосида, АРМ олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда хизмат кўрсатиладиган аҳоли ва таълим муассасасининг ўқувчилари сонидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда шакллантирилади.

#### Молия-хўжалик фаолияти

5.8. Таълим муассасаси раҳбарияти АРМни амалдаги меъёргарга мувофиқ зарур хизмат ва ишлаб чиқариш хоналари, электрон-ҳисоблаш ҳамда нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси ва ташкилий техника билан таъминлайди.

5.9. АРМ таъминоти учун харажатлар таълим муассасасининг умумий харажатлар сметасида назарда тутилади.

5.10. АРМ ўзининг субҳисоб рақамига эга бўлиши мумкин, унга марказ томонидан пулли қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳисобига жалб этиладиган маблағлар киритилади.

### **6. АРМни қайта ташкил этиш ва тутатиш**

6.1. АРМни қайта ташкил этиш ва тутатиш (кўшиш, ажратиш, айриш, бирлаштириш, қайта ўзгартириш) Халқ таълими вазирлиги қарорига кўра амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. 6.2. АРМни қайта ташкил этишда барча хужжатлар (бошқарув, молия-хўжалик хужжатлари, шахлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда берилади).

*Халқ таълими вазирлигининг  
2006 йил 21 ноябрдаги № 280 сонли  
буйругига 2-илова*

## **Ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш қоидалари**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ахборот-ресурс маркази (АРМ) фаолияти демократия, инсонпарварлик, умумий фойдаланишга қулайлик, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, фуқаролик, шахснинг эркин камол тоши тамойилларига асосланади.

1.2. АРМдан фойдаланиш бепул, АРМ томонидан кўрсатила-диган пуллук хизматларнинг айрим турлари рўйхати, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **2. АРМнинг асосий вазифалари**

2.1. Универсал ахборот-ресурсларини, миллий ва чет эл нашрлари (босма, аудиовизуал, электрон нашрлар ва бошқалар) фондини шакллантириш, сақлаш ва бериш.

2.2. Фойдаланувчилар учун АРМда ҳамда минтақанинг ахборот-кутубхона маркази (АКМ)даги ҳужжатлар ва бошқа материалларни олиш имкониятини яратиш.

### **3. Фойдаланувчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

3.1. АРМдан фойдаланиш ҳукуқи мазкур АРМ хизмат кўрсатадиган худудда яшайдиган, фуқаролиги, ёши, ижтимоий ва бошқа жиҳатдан мансублигидан қатъий назар, барча аҳолига, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади. Ушбу ҳукуқ ахборот ресурслари билан жамлашнинг, ахборотларни, шу жумладан кутубхоналараро абонемент тизими орқали бериш, шунингдек кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишнинг бошқа шакллари билан таъминланади.

#### **3.2. Фойдаланувчилар қуидаги ҳукуқларга эга:**

– АРМ фондидан исталган ҳужжатларни вақтинча фойдаланиш учун олиш, шунингдек минтақанинг АКМдан ва бошқа кутубхоналардан ҳужжатларнинг босма ёки электрон нусхалари ҳужжатларини етказиб бериш тизими орқали узатиш;

– библиографик, маълумотнома-ахборот хизматидан ҳамда АРМ томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг бошқа турларидан фойдаланиш;

– АРМ томонидан ўтказиладиган ахборот-оммавий тадбир-ларда қатнашиш;

– АРМнинг жамоат кенгашига сайлаш ва сайланиш.

3.3. Фойдаланувчилар АРМга ёзилиш учун туғилғанлик тұғри-сидаги гувоҳномани, паспортини ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни, зарур миқдордаги фотосуратларини тақдим этадилар ҳамда китобхон билетини ҳамда рұйхатдан ўтказиш варақасини расмийлаштириш учун маълумотлар берадилар.

Бошқа фуқаролар вақтингчалик китобхон билетини паспортини ёки паспорт ўрнини босадиган ҳужжатни күрсатган ҳолда оладилар.

Бошқа мамлакат фуқаролари ўз мамлакати паспорти ёки белгиланған тартибда расмийлаштирилған шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида китобхонлик билетини оладилар.

3.4. Фойдаланувчиларга бирйұла фойдаланиш учун бериладиган ҳужжатлар сони АРМ томонидан якка ҳолда тартибға солинади.

Ноёб ва қимматли нашрлар ҳамда ҳужжатлар, шунингдек әзілон қилинмаган материаллар фойдаланувчиларга белгиланған тартибда берилади.

3.5. АРМ фондларида зарур ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда фойдаланувчилар уларнинг нусхаларини миңтақаһининг АҚМидан олиши мумкин.

3.6. Фойдаланувчилар АРМдан олинган ҳужжатларни ва бошқа материалларни эхтиёт қилиши шарт.

Фойдаланувчи ҳужжатлар ва материалларни олишда уларни кўздан кечириши ва уларда бирон-бир нуқсон борлиги аниқланганда, бу тұғрида АРМ ходимига маълум қилиши керак.

3.7. АРМ фондиға зарар етказған шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий, жиной ёки бошқача тарзда жавоб берадилар.

3.8. АРМ фондидан олинган ҳужжатлар ва материалларни йўқотган ёхуд уларга тиклаб бўлмайдиган даражада зиён етказған фойдаланувчилар уларни тегишли равишида ҳудди шундай ёки АРМ ходимлари томонидан тенг қимматли деб эътироф этилган (шу жумладан нусхалари билан) ҳужжатлар ва материаллар билан алмаштириши, алмаштириш мумкин бўлмаган тақдирда уларнинг қийматини бир неча баравар миқдорида тўлаши шарт. Қийматининг неча баравар миқдорда тўланиши АРМ мутахассислари ёки жалб этилган мутахассислар томонидан, йўқотилган ёки яроқ-сизлантирилған ҳужжатнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳамда амалдаги тартибга солувчи ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

3.9. АРМдан фойдаланиш қоидаларини бузганилиги учун фойдаланувчилар АРМдан фойдаланиш ҳуқуқидан (АРМ маъмурияти томонидан) белгиланган муддатга маҳрум қилиниши мумкин.

#### **4. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари**

4.1. АРМ фондларидағи ҳужжатлар ва материалларни уларнинг сақланишини таъминловчи белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳисобга олиш; сақлаш ва фойдаланишини амалга ошириш; маълумотнома-библиографик аппаратни, шу жумладан электрон каталогни юритиши; тавсиянома кўринишидаги библиографик қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

4.2. АРМ қўйидагиларга мажбур:

— фойдаланувчиларни АРМдаги ва имконият даражасида ундан ташқаридаги барча ахборот-ресурслардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

— фойдаланувчиларнинг истакларини ўрганиш ва тўлиқ қондириш;

— кутубхона, библиографик, маълумотнома-ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, ушбу мақсадларда фойдаланувчилар билан якка тартибда ва гурухлар бўйича иш олиб боришинг турли шаклларидан фойдаланиш;

— фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда юксак маданият ва малакани таъминлаш, зарур ҳужжатлар ва материалларни қидириб топиш ва олишда ёрдам кўрсатиш;

— фойдаланувчиларнинг қизиқишлири ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида турли манбалардаги ахборот ресурсларини берган ҳолда табақалаштирилган кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни амалга ошириш;

— зарур ахборотни қидириб топишга ўқитишида мустақил равишда таълим олиш кўнникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

— фондларда зарур ҳужжатлар ва материаллар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни қидириб топиш ишларини амалга ошириш ҳамда уларни кутубхоналараро абонемент, шу жумладан халқаро абонемент тизими орқали тақдим этиш;

— оммавий тадбирларни юқори савияда ўтказиш;

— АРМнинг ижобий нуфузини яратишга кўмаклашиш, АРМ фондларини ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматларни реклама қилиш, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда уларнинг хоҳишлирига мувофиқ янги хизматларни ташқил этиш.

*Халқ таълими вазирлигининг  
2008 йил 14 ноябрдаги  
№3 00-сонли буйругига  
1-илова*

**Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ах-  
борот-ресурс марказлари, кутубхоналари  
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро  
кенгаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш деб аталади) Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналари фаолиятини унинг йўналишларига асосан мувофиқлаштиришни амалга оширувчи Идоралараро орган ҳисобланади.

2. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, республика Ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий хужжатларига ва Халқ таълими вазирлигининг буйруқларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

3. Идоралараро кенгаш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари, кутубхона шохобчаларига эга бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

**II. Идоралараро кенгашнинг вазифалари,  
функциялари ва хуқуqlари**

4. Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Халқ таълими вазирлиги тизимидағи таълимий ва миллий ахборот-кутубхона фонди фаолият кўрсатиши ва ривожлантириши соҳасида ўрнатилган тартибда стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш;

тармоқлараро ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш, ахборот-ресурс марказларини, таълим кутубхоналарини улар фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналарининг, кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиш тизимининг мақбул фаолият кўрсатиши бўйича, мамлакатимиз ва хориждаги илмий-ахборот фаолияти ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тавсияномалар ишлаб чиқиш.

## **5. Идоралараро кенгаш қўйидаги функцияларни бажаради:**

Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот-кутубхона тизими сифатида ахборот-ресурс марказларини ва тизим кутубхоналарини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Ахборот-ресурс марказларини ва кутубхоналарни комплектлашнинг асосий йўналишлари, мамлакатимиздаги адабиётлар (шу жумладан ҳужжатларнинг мажбурий нусхалари), қоғоз ва электрон манбалардаги хорижий нашрлар (шу жумладан халқаро китоблар алмашиш), маълумотлар базалари ва банклари билан тўлиқ таъминлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади ва ишларни мувофиқлаштиради.

Ахборот-ресурс марказлари ва тизими кутубхоналар фондларининг физик ҳолатини нашрларнинг, айниқса ноёб фондлар ва маданий мерос ёдгорликларининг сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳамда тавсияномалар ишлаб чиқиш йўли билан назорат қилишни ташкил этади.

Республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналари учун мамлакатимиздаги ва хорижий нашрларга обуна бўлишга, шу жумладан бюджет маблағларини тақсимлаш, шунингдек кутубхона ишларини юритишнинг илфор технологиялари негизида кутубхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига киритади.

Республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналарида янги ахборот технологияларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштиради.

Республикада ахборот-кутубхона ишларини истиқболли ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради.

Республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналарнинг нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш чоратадбирларини ишлаб чиқади.

Республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналар фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, адабиётларни нашр этиш ва қайта нашр этиш ҳамда уларнинг тиражларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналарида меҳнат шароитларини яхшилашга ва уларни кадрлар билан мустаҳкамлашга йўналтирилган таклифлар тайёрлайди.

Республиканинг ахборот-ресурс марказлари шахобчаларини ривожлантириш, шу жумладан электрон каталоглар ташкил этиш тизимини ривожлантириш, электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланишнинг корпоратив тизимларини, ноёб фондларни рақамлаштириш марказларини ва шу кабиларни ташкил этиш бўйича илмий-техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ташаббус кўрсатади.

Иш тажрибаларини ўрганиш, халқаро кутубхоналараро аборнементни ривожлантириш, ахборотларни ўзаро айирбошлиш, халқаро кутубхона анжуманларида ва ташкилотларида қатнашиш учун чет эл кутубхоналари, нашриётлари, ахборот марказлари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади.

Халқаро ва республика кутубхона конференцияларини ва семинарларини ташкил этишда ва ўтказишида ташаббус кўрсатади.

## **6. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги хукуқларга эга:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини яхшилашга йўналиштирилган ўз фаолият доирасида таклифлар бериш;

бошқа вазирлик тасарруфидаги кутубхоналардан, маҳаллий

давлат ҳокимияти органларидан Идоралараро кенгаш ваколатига тааллуқли ахборот ва маълумотнома материалларини ўрнатилган тартибда сўраш ва олиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасалари вакиллариниг ахборот-кутубхона ишлари соҳасидаги ишларни таъминлаш ва такомиллаштиришнинг аҳволи ва чора-тадбирлари тұғрисидаги ҳисоботлари ва мәрузаларини тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар фаолиятининг энг муҳим масалалари бүйича таклифларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гурухлар ташкил этиш, шунингдек тегишли мутахассислар ва илмий ходимларни ушбу комиссиялар ва гурухларда ишлашга жалб этиш;

Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари шаҳобчаларини ривожлантиришга доир илмий-техник лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш бўйича тавсиялар ва хуносалар бериш;

Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради ва ҳар йили Халқ таълими вазирлигига ўрнатилган тартибда ҳисбот беради.

### **III. Таркиби ва ишларини ташкил этиш**

7. Идоралараро кенгашнинг шахсий таркиби ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўйруғи билан тасдиқланади.

8. Идоралараро кенгаш ўз мажлисларини заруриятта кўра, лекин ҳар йили камида икки марта ўтказади.

9. Ўзига юклантган асосий вазифаларга мувофиқ Идоралараро кенгаш ҳар йили ўз ишлари режасини тасдиқлади, шунингдек раис ўринбосарлари, маъсул котиб ва кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

10. Республика илмий педагогика кутубхонаси Идоралараро кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

11. Идоралараро кенгац мажлисини ўтказиш жойи, санаси ва тартиби раис ёки унинг ўринбосарлари томонидан белгиланади, қарорлар эса мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Идоралараро кенгаш мажлисда таркибидагиларнинг камида ярми қатнашган тақдирда масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлади.

12. Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари Идоралараро кенгаш билан келишган ҳолда, Идоралараро кенгаш таркибида шундай ҳудудий кенгашлар ташкил этади.

13. Идоралараро кенгаш қарорлари баённома билан расмий-лаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосарларидан бири, шунингдек маъсул котиб имзолайди.

14. Идоралараро кенгаш қарорлари Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот ресурс марказлари, кутубхоналари вазирлик тизимидағи ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

*Халқ таълими вазирлигининг  
2006 йил 30 ноябрдаги  
282 сонли бўйруғига илова*

**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги  
ахборот-ресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва  
ходимларини танловдан ўтказиш Ишчи гуруҳлари учун  
ЙЎРИҚНОМА**

**1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ 381-сонли қарори асосида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва ходимларини танловдан ўтказишининг мазмунини белгилайди.

2. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари ва ходимларининг танлови Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 321-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ 381-сонли қарори, Республикада амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бажарилишини таъминлашдаги фоллиги, таълим муассасасида олиб борилаётган маънавий-маърифий

ишлиар сифати ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини холис баҳолаш, муассаса ва ташкилотларда илмий, ўкув-методик ҳамда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириши мақсадида ўтказилади.

3. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва ходимларини танлови Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик ) томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади.

## **II. Танлов ишчи гуруҳи фаолиятининг ташкилий жиҳатлари**

4. Халқ таълими вазирлиги Кадрлар бошқармаси ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари, вилоят, туман халқ таълими бошқармалари раҳбарлари танловдан ўтказиш жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланадилар.

5. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика ташкилотлари, худудий халқ таълими бошқармалари мутахассислари танловдан ўтувчиларни танловни ўтказиш тартиб ва қоидалари билан таништиради, танловдан ўтувчилар рўйхатини тузади ҳамда тегишли ички бўйруқларини қабул қилади.

6. Жойлардаги танлов ишчи гуруҳ раҳбарлари танловдан ўтувчиларнинг қуидаги ҳужжатларини тўплайдилар:

- маълумотнома, сўровнома;
- маълумоти, тоифаси, илмий даража ва унвони ҳақидаги ҳужжатлар, малака оширганлик ҳақидаги гувоҳнома, қайти тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги ҳақидаги гувоҳнома нусҳалари.
- танловдан ўтувчининг охирги 5 йилдаги ўкув, услубий, илмий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича олиб борган ишлари ҳисоботи;
- ҳар бир танловдан ўтувчи учун алоҳида йиғмажиллар;
- раҳбар кадрлар учун ахборот-ресурс марказини ривожлантириш учун келгусидаги режалари ҳақида қисқача маълумот;

Комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари томонидан имзоланади. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг объективлигига имзо қўйган шахс масъул ҳисобланади.

7. Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар танловдан ўтказилмайди.

8. Танлов ишчи гуруҳининг таркиби 3 кишидан иборат бўлади ва аъзоларнинг барчаси қатнашганда унинг фаолияти ваколатли ҳисобланади;

9. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика ташкилотлари, халқ таълими бошқармалари раҳбарлари танловдан ўтказилиши ҳақида тегишли бўйруқлари асосида танловдан ўтувчи ходимларнинг сонини аниқлайди ва улар ҳақидаги маълумотномани вазирликнинг Кадрлар бошқармасига тақдим этади ҳамда уларни танловда иштирокини таъминлайдилар.

### **III. Танлов натижалари бўйича якуний хулосалар қабул қилиш ва ҳужжатларнинг расмийлаштириш тартиби**

10. Танлов ишчи гуруҳи танловдан ўтувчилар тўғрисида тақдим этилган маълумотлар, социологик сўров ва сұхбат натижалари асосида якуний хулосани қабул қиласди. Якуний хулосалар гуруҳ аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан аниқланади. Овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

11. Танлов ишчи гурухнинг хулосаси бевосита танловдан кейин эълон қилинади.

12. Танловда қатнашувчи:

- танловга узрли сабаб билан келмаган тақдирда, унинг танловда қатнашиши бошқа муддатга қўчирилади.
- танловда узрсиз сабабга кўра қатнашмаган раҳбар ёки ходим «Танловдан ўтмади» деб эътироф этилади.

13. Худудий халқ таълими бошқармалари, бўлимлари ўн кун муддат ичida танлов ишчи гуруҳига хулосалари асосида тегишли бўйруқларини қабул қиласди.

14. Танлов ишчи гурухининг хулосалари танлов варақасида қайд этилади ва баённома билан расмийлаштирилади. Танлов варақалари ва баённомаларга ўзгартириш киритиш қатъян ман этилади. Танлов варақаси ходимнинг шахсий ҳужжатларига қўшиб қўйилади, баённоманинг бир нусхаси Вилоят халқ таълими бошқармасида сакланади. 15. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика ташкилотлари, халқ таълими бошқармалари, ахборотресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва ходимларининг танлов комиссиясининг хулосалари бўйича шикоят ва эътиrozлар билан танлов натижалари эълон қилинган вақтдан кейин ўн кун муддатда комиссия раисига мурожаат этишлари мумкин.

16. Раҳбар кадрлар танлов жараёнидаги низолар амалдаги қонунчилик доирасида ҳал этилади.

**Халқ таълими вазирлигининг  
2006 йил 30 ноябрдаги  
82 сонли буйругига илова**

(Таълим муассасаси номи)

Танловдан ўтувчининг

Ф.И.Ш.

Туғилган

йили

Лавозими

Маълумоти

Мутахассислиги

Тамомлаган ўқув юртнинг номи ва тамомлаган вақти

Илмий даражаси ва унвони

Умумий иш стажи

Мазкур таълим муассасасидаги иш стажи

Бошқа қўшимчи

маълумотлар

(Давлат мукофотлари: орден, медаль, кўкрак нишони ва бошқалар)

Муассаса, ташкилот раҳбарининг хulosasi

Танлов комиссиясининг

хulosasi

Танлов комиссиясининг раиси

(фамилияси, исми ва имзоси)

Котиби

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва имзоси)

Ишчи гурӯҳ аъзолари: 1. \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва имзоси)

2. \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва имзоси)

3. \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва имзоси)

Муҳр ўрни

Танлов варақаси билан танишдим, 2006 йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (санас, ой)

\_\_\_\_\_ (имзо)

*Халқ таълими вазирлигининг  
2006 йил 30 ноябрдаги  
282 сонли буйругига илова*

### (Таълим муассасасининг номи)

## Рахбар кадрлар ва ходимлар таркибини танловдан үтказиш Ишчи гурух мажлиси

БАЁННОМАСИ

“ ” 2006 年

## Ишчи гурух раиси

(中英对照)

Котиби

卷之三

## Ишчи гурӯҳ раиси

— 5 —

Котиби

— (Имажин.)

*Халқ таълими вазирлигининг  
2006 йил 30 ноябрдаги  
282 сонли буйругига илова*

Туман халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва ходимларини танловдан ўтказиш бўйича II ишчи гурӯҳ

### ТАРКИБИ

1.	Раис ТХТБ бошлиғи ўринбосари
2.	Аъзо ТХТБ кутубхона мутахассиси
3.	Аъзо ТХТБ кадрлар бўлими мутахассиси

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва ходимларини танловдан ўтказиш бўйича

### I- ишчи гурӯҳ

### ТАРКИБИ

1.	Раис – ВХТБ бошлиқ ўринбосари
2.	Аъзо – ВХТБ кутубхона мутахассиси
3.	Аъзо – ВХТБ кадрлар бўлими мутахассиси

## **ЛОЙИХА**

### **Мактаб АРМ ходимларининг лавозим йўриқномалари**

#### **1. АРМ мудири**

##### **1.1. Умумий қоидалар**

**АРМ мудирининг асосий функциялари АРМнинг таълими, ахборот ва маданий муассаса сифатидаги ишини ташкил қилиш ва ўкув-тарбия жараёнини кутубхона ва ахборот хизмати воситалари орқали таъминлаш ҳисобланади.**

АРМ мудири мактаб директори томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади.

АРМ мудири бевосита мактаб директорига ва директорнинг маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринbosарига бўйсунади.

АРМ мудири ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, таълим муассасаларини бошқариш органлари қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий-хужжатлар, умумтаълим муассасаси Устави, раҳбариятнинг буйруқлари ва фармойишлари, АРМ фаолияти тўғрисидаги Низомда кўрсатилган ички тартиб-қоидаларига асосланади.

АРМ мудири АРМ фаолиятини ташкил қилиш учун жавобгар, у мактаб педагогик жамоаси аъзоси ҳисобланади, педагогик кенгаш таркибига киради.

АРМ мудири таътилда ва вақтинча меҳнатга яроқсиз даврида унинг вазифаларини АРМ кутубхоначисига (штат бор бўлганда) юкланиши мумкин. Бундай ҳолларда вақтинча вазифани бажариш мактаб директорининг меҳнат қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда чиқарилган буйруғи асосида амалга оширилади.

АРМ мудири қуидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Кутубхона иши соҳасида олий ёки маҳсус маълумотга ёки педагогик маълумотга ва АРМ, кутубхонада З йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши;

- шахсий компьютерлар, автоматлаштирилган кутубхона тизими ва Интернет билан ишлаш кўнимкамларига эга бўлиши;
- мактаб раҳбарияти билан ҳамкорликда жамғармани ком-

плектлаш, АРМни техникавий жиҳозлаш, бошқа кутубхоналар билан ўзаро муносабатларни ташкил қилиш ва шу каби масалаларни ҳал этиш учун етарли касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши;

– замонавий бошқарув методларини, маркетингни, АРМдаги ахборот технологияларини эгаллаш бўйича ўз касбий кўникмаларини мунтазам ошириб боришга интилиши;

– касбий фанлар (АРМ ва болалар кутубхоналари ишининг ўзига хос сифатларига тегишли кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик, информатика) соҳалари бўйича билимларга эга бўлиши;

– АРМ, кутубхоналар фаолиятининг қонуний асослари ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари бўйича билимларга эга бўлиши;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича касбий кўникмаларга эга бўлиши лозим.

## **1.2. АРМ мудирининг лавозим мажбуриятлари**

АРМ мудири қўйидаги лавозим мажбуриятларини бажаради:

### **1.2.1. АРМ ишини умумий ташкил қилиш масалалари бўйича:**

– мактабнинг ўқув-тарбия иши режасига мувофиқ режалар ва ҳисботларни, АРМнинг иш режими ва иш жадвалини ишлаб чиқади, уларни мактаб директори тасдиғига киритади;

– миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қиласди (китобхонлар сони, жамғарма ҳажми, қатнаш ва китоб беришлар сони, ўқиши, қатнаш, айланиш, китоб билан таъминланганлик, талабларнинг бажарилиши ва ш.к.);

– кутубхонанинг ҳисоб-молия ҳужжатлари юритилишини амалга оширади (якуний ҳисоб китоблари, Инвентарь китоблари, АРМ иши кундалиги, йўқотилган китоблар ўрнига қабул қилинган китобларни ҳисобга олиш дафтари, ҳужжатларнинг кирими ва ҳисобдан чиқарилиши бўйича далолатномалар ва юк хатлари, Инвентарьизация ва жамғарманинг текширувларини ўтказиш тўғрисидаги далолатномалар, жамғарма ҳаракати далолатномалари папкаси, маълумотларни ҳисобга олиш журнали, даврий нашрларни рўйхатга олиш картотекалари);

– АРМ хоналарининг безатилиши эстетикаси учун жавоб беради;

– мониторинг-сўровномаларини ўтказади, кўрсаткичлар ўзгаришларини таҳлил қиласди;

- АРМда ва сақлаш хоналарида хавфсизлик техникаси, санитария, ёнфинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишига жавоб беради;
- АРМ имиджини ошириш бүйича реклама ишини ривожлантиради: буклетлар, стендлар, кўрсаткичлар, таклифномалар, адабиётларни тавсия қилиш рўйхатлари ва ш.к.;
- тематик тўпламлар, китоб кўргазмалари, стендлар, ахборот бурчаклари ёрдамида хужжатлар, ахборотларнинг энг яхши науналарини илгари суришга кўмаклашади;
- педагогик жамоа билан ҳамкорликда АРМда бор ресурсларни ўкувчилар ўргасида тарғиб қилиш бўйича ҳар томонлама оммавий ишни ташкил қиласди.

### **1.2.2. Кутубхона жамғармасини шакллантириш ва сақлаш бўйича:**

- олинган хужжатларга илмий ва техникавий ишлов беришни (классификациялаш, каталогглаштиришни) ташкил қиласди;
- жамғарма таркибини ва ундан фойдаланилиш аҳволини ўрганиди ва таҳдил қиласди;
- очиқ олинадиган кутубхона жамғармасининг сақланиши бўйича олдиндан тадбирларни белгилайди, хужжатларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун чоралар кўради;
- жамғарманинг жойлаштирилиши тўғрилигини кузатиб боради;
- илмий ва билим бериш қийматини юйқотган (эскирган) ва яроқсиз ҳолга келган хужжатларни аниқлаш, уларни ўрнатилган меъёрлар ва қоидалар бўйича ўз вақтида ҳисобдан чиқарилишини амалга оширади;
- китобхонларга берилган хужжатларнинг назоратини таъминлади;
- жамғарманинг даврий текширувларини ўтказади;
- АРМнинг анъанавий ва машина ўқийдиган ташувчилардаги маълумотнома-библиографик аппаратини (каталоглар, картотекалар, адабиётларнинг тавсия қилинадиган рўйхатлари, ахборот материалларини) ташкил қиласди, юритади, таҳrir қиласди ва уларнинг аҳволига жавобгар;
- АРМда ва сақлаш хоналарида хавфсизлик техникаси, санитария, ёнфинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини назорат қиласди;
- мактаб ўкувчилари ва ходимлари томонидан АРМнинг ку-

тубхона жамғармасидан фойдаланиш, сақланишини назорат қилиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат олиб боради.

### **1.2.3. Янги ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича:**

- АРМдаги ҳисоблаш техникаси, оргтехника ва телекоммуникациялар воситаларининг техникавий ҳолатини кузатиб боради;
- АРМнинг электрон каталогини, АвКТдан фойдаланган ҳолда, библиографик ёзувларни киритиш ёки олиш йўли билан шакллантиради;
- электрон ресурсларни (электрони каталог, электрон дарсликлар, мақолалар, журналлар ва шу кабиларнинг маълумот базаларини) Интернетдан фойдаланиш ёки ахборотнинг магнит ташувчиларини (КД, флешка ва ш.к.) киритиш йўли билан мунтазам тўлдириб боради;
- ўқитувчиларга электрон таълим ресурсларини (электрон каталоглар, дарсликлар ва ш.к.) шакллантиришда ёрдам беради;
- педагог кадрларнинг электрон ахборот ресурслари бўйича ахборот эҳтиёжларини аниқлайди ва талабларини қондиради.

### **1.2.4. Ҳамкорлик бўйича**

- Жамоатчилик, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини бошқариш органлари, маданий марказлар билан ҳамкорликда маданий, таълимий, ахборот ва бошқа дастурларни амалга ошириш учун ҳамкорликни ривожлантиради;
- кутубхона фаолларини шакллантиради ва улар билан иш олиб боради;
- бошқа АРМлар, бошқа тизимлар ва идораларнинг кутубхоналари, кутубхоналароро алмашиш билан алоқалар ўрнатади ва олиб боради.

### **1.2.5. Консультация фаолияти соҳасида қўйидагиларга консультациялар беради:**

- ўқитувчиларга уларнинг мустақил ўқишлари ва ўқув-методик адабиётларни танлашларида;
- ота-оналарга ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишларини ташкил қилиш масаласи бўйича;
- фойдаланувчиларга уларнинг ўқув ва касбий фаолиятлари жараёнида келиб чиқадиган ахборот масалаларини ҳал этишда (консультация, амалий, якка, гуруҳли, оммавий) ёрдам кўрсатади.

- ўқувчилар ва педагог ҳодимларга АРМда компьютердан фойдаланиш қоидалари бўйича консультациялар беради;
- фойдаланувчилар учун ахборот консультация хизматларини ишлаб чиқади.

### **1.2.6. Ўқув ишлари соҳасида**

- ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши бўйича кутубхона дарсларини ташкил қиласди ва олиб боради;
- ўқувчиларни кутубхона-библиография саводхонлигига ва ўқиш маданиятига ўргатади;
- ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқа китобхонлар тоифалари ни анъанавий ва электрон каталоглар, электрон дарслерларнинг маълумотлар базалари ва бошқа тўлиқ матнли ахборотлар билан ишлашга ҳамда китобхоннинг автоматлашган иш жойида ва Интернетдан ахборот излашни ўргатиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қиласди ва олиб боради.

### **1.3. АРМ мудирининг ҳуқуқлари**

АРМ мудири ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- китобхонлар билан ишлаш шакллари ва методларини мустақил таъланаш ва уни мактабнинг умумий иш режасидан келиб чиқсан ҳолда режалаштириш;
- таълим олувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнини издан чиқарувчи ножӯя ҳатти-ҳаракатлари учун уларни рағбатлантириш ва жазолашлар тўғрисидаги Қоидалар билан ўрнатилган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш;
- умумтаълим муассасаси раҳбарига кутубхона хизматини тақомиллаштириш, илғор ахборот технологияларини жорий қилиш ва АРМ дизайнини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;
- тарбиявий ишларни тақомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- мактаб педагогика кенгаши мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- ўз ишига баҳо берувчи шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш, улар бўйича тушунтиришлар бериш;
- ўз фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан бевосита боғлиқ семинарлар ва кенгашлар ишида иштирок этиш;
- кутубхона жамғармаси ҳисоби бўйича йўриқномага мувофиқ жамғармадан ҳужжатларни олиб қўйиш ва сотиш;
- ҳар йили 24 иш кунлик меҳнат таътили олиш;

- хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш учун қўшимча ҳақ олиш, юқори иш сифати, унвонлар ва мукофотлар учун устамалар олиш ҳукуқига эга;
- курслардан ўтиш ва бошқа усууллар билан малакасини даврий ошириб бориш;
- умумтаълим муассасаси раҳбарига меҳнатга ҳақ тўлашни та-комиллаштириш бўйича, шу жумладан, АРМ ходимларига кутубхонанинг асосий мажбуриятлари доирасига кирмайдиган қўшимча иш учун, зарарли меҳнат шароитлари (кутубхона чангиги, компьютерда ишлаш меъёрининг ортиши) билан боғлиқ компенсация тадбирлари бўйича устамалар, қўшимча ҳақ ва мукофотлар тўлаш бўйича таклифлар киритиш;
- касбий шаъни ва обручини ҳимоя қилиш.

#### **1.4.АРМ мудирининг жавобгарликлари**

- АРМ мудири мактаб Уставини ва ички меҳнат тартиби қоидаларини, мактаб директорининг қонуний фармойишларини ва бошқа маҳаллий меъёрий ҳужжатларни, ушбу Йўриқнома билан ўрнатилган лавозим мажбуриятларини узрли сабабларсиз бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги, шу жумладан, берилган ҳукуқларидан фойдаланмагани учун меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилади;
- меҳнат мажбуриятларини қўпол бузганлиги учун интизомий жазо сифатида ишдан озод қилиш қўлланилиши мумкин;
- АРМ мудири таълим олувчининг шахсига жисмоний ёки психик зўравонлик ўтказиш билан боғлиқ тарбия методларини шу жумладан, бир марта қўллагани учун меҳнат қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ эгаллаб турган лавозимиidan озод қилиниши мумкин. Бу айб учун ишдан бўшатиш интизомий жавобгарлик чораси ҳисобланмайди;
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, АРМ ишининг санитария-гигиена қоидаларини бузганлик учун АРМ мудири, маъмурий қонунларда қўзда тутилган ҳолларда ва тартибда, маъмурий жавобгарликка тортилади.

### **2. АРМ кутубхоначиси**

#### **2.1.Умумий қоидалар**

**АРМ кутубхоначисининг асосий функцияси ўқув-тарбия жараёнини кутубхона ва ахборот хизмати кўрсатиш воситалари ор-**

қали таъминлаш ва АРМ раҳбарига АРМ олдига қўйилган асосий вазифаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

АРМ кутубхоначиси лавозимига мактаб директори томонидан тайинланади ва озод қилинади.

Кутубхоначи бевосита АРМ мудирига ва мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига бўйсунади.

АРМ кутубхоначиси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, таълимни бошқарув органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлари, умумтаълим муассасаси Устави, раҳбариятнинг буйруқлари ва фармойишлари, АРМ фаолияти тўғрисидаги Низомда кўрсатилган ички тартиб-қоидаларига амал қиласди.

Кутубхоначининг таътилда ва вақтинча меҳнатга лаёқатсиз даврида унинг вазифалари кутубхона мудирига юкланиши мумкин. Бундай ҳолларда вақтинча вазифани бажариш мактаб директорининг меҳнат қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда чиқарилган буйруғи асосида амалга оширилади.

**АРМ кутубхоначиси қўйидаги талабларга жавоб берishi лозим:**

- кутубхона иши соҳасида олий ёки ўрга маълумотга, ёки педагогик маълумотга эга бўлиши;
- шахсий компьютерлар билан ишлаш кўникмасига, автоматлаштирилган кутубхона тизими ва Интернет билан ишлаш бўйича асосий тушунчаларга эга бўлиши;
- касбий фанлар (АРМ ва болалар кутубхонаси ишининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик, информатика) соҳаларидан билимларга эга бўлиши;
- АРМ, кутубхоналар фаолиятининг қонуний асослари ва болалар хуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонун-хужжатлари юзасидан билимларга эга бўлиши.

## **2.2. АРМ кутубхоначисининг лавозим вазифалари**

АРМ кутубхоначиси қўйидаги лавозим вазифаларини бажаради:

### **2.2.1. АРМ ишини умумий ташкил қилиш масалалари бўйича:**

- АРМ раҳбарига миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишда ёрдам кўрсатади (китобхонлар сони, жамғарма ҳажми, қатновлар ва китоб беришлар сони, ўқиш, қатнаш, айланиш, китоб билан таъминланганлик, талабларнинг бажарилиши ва ш.к.);

- АРМ имижини ошириш бўйича реклама ишини ривожлантиради: буклетлар, стендлар, кўрсаткичлар, таклифномалар, адабиётларнинг тавсия қилинадиган рўйхатлари ва ш.к.;
- АРМ раҳбари билан ҳамкорликда тематик тўпламлар, китоб кўргазмалари, ахборот-бурчаклари ёрдамида хужжатлар, ахборотларнинг энг яхши намуналарини олдинга суришга кўмаклашади.;
- педагогик жамоа билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида АРМда бор ресурсларни тарғиб қилиш бўйича ҳар томонлама оммавий ишни ташкил қиласди.

### **2.2.2. Кутубхона жамғармасини шакллантириш ва сақлаш бўйича:**

- олинган хужжатларга техник ишлов беришни ташкил қиласди;
- жамғарма таркибини ва ундан фойдаланилишини ўрганади ва таҳтил қиласди;
- очиқ олинадиган кутубхона жамғармасининг сақланиши бўйича олдиндан тадбирларни белгилайди, хужжатларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун чоралар кўради;
- жамғарманинг тўғри жойлаштирилишини кузатиб боради;
- китобхонларга берилган хужжатлар устидан назоратни таъминлайди;
- АРМнинг анъанавий ва машина ўқийдиган ташувчилардаги маълумотнома-библиографик аппаратини (каталоглар, картотекалар, адабиётларнинг тавсия қилинадиган рўйхатлари, ахборот материалларини) юритади, таҳтир қиласди;
- АРМда ва сақлаш хоналарида хавфсизлик техникаси, санитария, ёнфинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини кузатиб боради.
- мактаб ўқувчилари ва ходимлари томонидан АРМдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини кузатиб боради ва АРМ кутубхона жамғармаси сақланиши устидан назоратни амалга оширади;
- мактаб кутубхоналари учун Кутубхона-библиографик класификациясига мувофиқ хужжатларнинг системали-алифболи жойлаштирилишини таъминлайди;
- кутубхона жамғармасини токчали ва ҳарфли ажраткичлар, токчали ва стендли кўргазмалар ёрдамида расмийлаштиради;
- АРМнинг китоб ва бошқа жамғармаларига китобхонларнинг (фойдаланувчиларнинг) айби билан ва китоблар камомади, уларни йўқотиш ёки бузиш билан боғлиқ етказилган зарарни ўрнатилган тартибда ундириб олиш чораларини кўради.

### **2.2.3. Янги ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича**

- АРМдаги ҳисоблаш техникаси, орттехника ва телекоммуникацияларнинг техникавий ҳолатини кузатиб боради;
- Интернет, Интранетдан фойдаланиш ёки магнитли ахборот ташувчиларни (КД, флешка ва ш.к.) киритиш йўли билан электрон ресурсларнинг (электрон каталог, электрон дарслклар, мақолалар, журналлар ва ш.к.)нинг тўлдирилишига мунтазам ёрдам кўрсатади;
- педагог кадрларнинг электрон ахборот ресурслари бўйича ахборот эҳтиёжларини аниқлайди ва талабларини қондиради;
- Интернет ресурслар, Ziyo Netдан қоғозли ва электрон кўринишда ҳар куни фойдаланишни ҳисобга олиш журналини юритади.

### **2.2.4. Ҳамкорлик бўйича:**

- жамоатчилик, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини бошқариш органлари, маданий марказлар билан ҳамкорликда маданий, таълимий, ахборот ва бошқа дастурларни амалга ошириш учун ўзаро ҳамкорлик олиб боради;
- кутубхона фаолларини шакллантиради ва улар билан ишларни олиб боради;
- бошқа АРМлар, бошқа тизимлар ва идораларнинг кутубхоналари билан алоқалар олиб боради.

### **2.2.5. Консультация фаолияти соҳасида**

Куйидагиларга консультациялар беради:

- ўқитувчиларга мустақил билим олишлари ва ўқув-методик адабиётларни танлаш масалалари бўйича:
- ота-оналарга ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишлигини ташкил қилиш масаласида:
- фойдаланувчиларга ўқув ва касбий фаолияtlари жараёнида келиб чиқадиган ахборот масалаларини ҳал этишда (консультация, амалий, якка, гуруҳли, оммавий) ёрдам кўрсатади;
- ўқувчилар ва педагог ходимларга АРМдаги компьютердан фойдаланиш қоидалари бўйича консультация беради;
- фойдаланувчилар учун ахборот-консультация хизматларини ишлаб чиқади.

### **2.2.6. Ўқув ишлари соҳасида**

- ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши бўйича кутубхона дарсларини ўtkазишда ҳамкорлик қиласи;

– ўқувчиларни кутубхона-библиография саводхонлиги асослари ва ўқиш маданиятига ўргатища ёрдам кўрсатади.

### **2.3.АРМ кутубхоначисининг хукуқлари**

Кутубхоначи ўз ваколатлари доирасида куйидаги хукуқларга эга:

- китобхонлар билан ишлашнинг АРМ иш режасида тасдиқланган шакллари ва усулларини қўллаш ва АРМ ишини режалаштирища иштирок этиш;
- тарбиявий ишни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- ўз фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан бевосита боғлиқ бўлган семинарлар ва кенгашлар ишида иштирок этиш;
- ҳар йили 24 иш куни меҳнат таътили олиш;
- хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш учун қўшимча ҳақ, юкори иш сифати, унвонлар ва мукофотлар учун устамалар олиш хукуқига эга;
- курслардан ўтиш ёки бошқа усуллар билан малақасини даврий равища ошириб бориш;
- касбий шаъни ва обрўсини ҳимоя қилиш.

### **2.4.АРМ кутубхоначисининг жавобгарликлари**

– АРМ кутубхоначиси мактаб Уставини ва ички меҳнат тартиби қоидаларини, мактаб директорининг, АРМ раҳбарининг қонуний фармойишларини ва бошқа маҳаллий меъёрий хужжатларни, ушбу Йўриқнома билан ўрнатилган лавозим мажбуриятларини узрли сабабларсиз бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги, шу жумладан, берилган хукуқлардан фойдаланмагани учун меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилади;

– меҳнат мажбуриятларини қўпол бузганлиги учун интизомий жазо сифатида ишдан озод қилиш қўлланилиши мумкин;

– АРМ кутубхоначиси таълим олувчининг шахсига жисмоний ёки психик зўравонлик ўтказиш билан боғлиқ тарбия методларини, шу жумладан, бир марта, қўллагани учун меҳнат қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин. Бу айб учун ишдан бўшатиш интизомий жавобгарлик чораси ҳисобланмайди;

– ёнгин хавфсизлиги қоидаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, АРМ ишининг санитария-гигиена қоидаларини бузганлик учун АРМ кутубхоначиси, маъмурий қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

2003 йил 2 май  
ХТВ ҳайъат мажлисининг  
43-сонли қарори

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ КУТУБХОНАСИННИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури»ни жорий этишининг II босқичида амалга ошириш кўзда тутилган талаб ва тадбирлар асосида кутубхоналар ишини қайта куриш, жамғармаларни тўлдириш ва сақлаш соҳасида туб ислоҳотлар ўтказиш, шу йўл билан умумий ўрта таълим муассасаси ходимларига, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига замонавий ахборотларни етказиш хизматини таъминлаш ва яхшилаш, таълимни бошқарув органларининг улар олиб борадиган ташкилий-методик фаолияти учун зарур ахборотлар билан таъминлаш, кутубхоначи кадрларнинг билим ва малакасини кутубхонани ахборотлаштириш даври талбларида мос даражага кўтариш мақсади билан яратилди.

Ахборотлаштириш – мактабга электрон дарслкларнинг кириб келиши, интернетга уланиш, ўқув-методик адабиётлардан хабардорликка бўлган эҳтиёжни қондириш кутубхоначилик техникасидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топиб, кутубхонанинг бугунги мавқеи ва мақомига киритиладиган ислоҳотларни белгилаб беради.

Концепциянинг бош мақсади – Ўзбекистондаги умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, йўналишларини белгилаб бериш ва месъерий-хукуқий асосларини тайин этишдан иборат.

**Умумий ўрта таълим тизимидағи кутубхоналар фаолиятининг бугунги ҳолати қўйидагилар билан тавсифланади:**

– кутубхоналарнинг таълим-тарбия жараёни қатнашчиларини ўқув, илмий-педагогик адабиётлар янгиликларидан хабардор этиш соҳасидаги фаолияти талабга жавоб бермайди;

– кутубхонани ахборотлаштиришда уни техник жиҳозлаш, мактабга электрон дарслкларни олиб кириш, интернетга уланиш масалалари суст ҳал этилмоқда;

– маълумотнома-библиографик хизмати китоб жамғармасини

ўкув, илмий-педагогик адабиётлар билан тұлдириш, шакллантиришнинг етарли амалга оширилмаслиги туфайли қуруқ реклама-га айланиб қолмоқда;

— кутубхоначилар ўкув фанлари концепциялари, стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда педагоглар жамоалирининг сұровномалари ва эхтиёжларини олдиндан күра билмайдилар;

— кутубхоначилук ишлари янги педагогик технология дара-жасига күтарилганича йўқ.

Давр талаби билан яратилган мазкур концепция Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тұғрисида»ги ва бошқа қонунларига, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг кутубхоначилук ишларини ташкил этишига доир меъёрий хужжатларига, «Бола ҳукуқини ҳимоя қилиш Конвенцияси»га, «ИФЛА-ЮНЕСКО мактаб кутубхоналари манифести»га таянади.

## 1. Умумий қондадар

Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонаси таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади; у ўқувчилар, мактабнинг педагоглар жамоаси, маъмурият ўртасидаги кундалик ўзаро таъсирни янги педагогик технология дараражасига күтаришдаги хизмати орқали амал қиласи.

Кутубхона күйидаги вазифаларни бажаради:

✓ — таълимий вазифа (ўкув органлари концепциялар ва мактаб дастурларида белгилаб қойилған таълимий мақсадларни қўллаб-куватлайди ва ўкув-методик жиҳатдан таъминлайди);

— ахборот бериш вазифаси (кутубхона ахборотдан унинг қай турда бўлишидан қатъий назар фойдаланиш имконини беради);

— маданий вазифа (ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари ривожига ёрдам кўрсатадиган маданий ва ижтимоий онгни тарбияловчи тадбирларни ташкил этади).

Хозирги даврда таълим соҳасига кириб келаётган ахборотлаштириш ўз навбатида умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасининг таълим-тарбиядаги ўрни ва ахборот тарқатиш вазифасини ошириб, ўкув жараёни барча қатнашчиларини ахборот билан тұлиқ, тезкор ва ўз вақтида таъминлашни янада юқори савияга кўчиришни тақозо этмоқда.

## **II. Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантиришнинг асосий концептуал фояларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалари**

- Республика мактабларида таълим ва тарбия сифати ҳамда самараадорлигини янада ошириш;
- ягона ахборот муҳитини яратишга кўмаклашиш;
- китобхонлик сўровномалари ва эҳтиёжларини максимал даражада тўлиқ қондириш;
- сўровномаларга ҳамда кутубхона имкониятларига мос хизмат кўрсатиш турларини вужудга келтириш;
- китобхонларнинг турли гуруҳларига хизмат кўрсатишда фарқли ёндашувни жорий этиш;
- кутубхона замирида медиатека унсурлари мавжуд бўлган анъанавий кутубхона сифатида фаолият кўрсатувчи умумий ўрта таълим муассасаси кутубхона-ахборот марказини тушиб;
- кутубхона-ахборот марказини умумий ўрта таълим муассасаси таркибий бўлинмаси сифатидаги мақомини ҳалқ таълими бошқаруви органлари меъёрий хужжатларida қайд эттирган ҳолда қарор топтириш;
- умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини туман, шаҳар ҳудудий тармоқларига киритиш;
- малака оширишни, касб маҳоратини эгаллашни, ижодий ташаббускорликни ривожлантиришни рафбатлантириш.

**Юқорида тилга олинган мақсад ва вазифаларни руёбга чиқариш учун қўйидаги тадбирлар бажарилиши керак:**

- умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасининг ҳолати: унинг моддий-техникавий таъминлангандиги ва инновацион фаолият олиб бора оладиган кадрлари мавжудлиги; жамғармалари, штатлари, ривожланиш истиқболларининг сифат ва миқдорий таҳлилини ўтказиш;
- умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарини ривожлантириш, шунингдек, уларни аста-секин кутубхона-ахборот марказларига айлантириш дастурларини ишлаб чиқиши;
- умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасига автоматлаштириш жиҳозларини, унинг йирик ахборот манбаларига киритиб боришини таъминловчи воситаларни, техник хизмат кўрсатиш материалларини ажратиш;
- кутубхонанинг ўкув-тарбиявий жараёнида тутган роли ва ўрнини белгилаб берувчи хужжатлар тўплами – умумий ўрта таълим

муассасаси кутубхонаси ходимларининг сифат жиҳатдан янги лавозим инструкцияларини ишлаб чиқиш;

— умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасининг янги штатлар жадвалини унга янгича лавозимларни киритган ҳолда тузиб чиқиш;

— кутубхоначининг мақоми ҳақидаги, уни кутубхоначи-педагог мақомига ўтказиш түғрисидаги масалани ҳал этиш ва ҳужжат орқали расмийлаштириб қўйиш;

— «Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхоначиси», «Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонаси мудири», «Кутубхоначи-педагог» лавозимларига доир талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— умумий ўрта таълим муассасаси кутубхоначисини аттестациядан ўтказишга доир ҳужжат ишлаб чиқиш;

— кутубхонанинг китоб жамғармасини меъёрий бюджет орқали молиялашга ўтиш йўли билан тўлдириш учун зарур маблагни кафолатли ажратиш тизимини яратиш;

— кутубхона фондлари мазмунини янги ижтимоий ўзгаришлар ва қадриятларга, замонавий кутубхонанинг янги билимлар манбаи бўлмиш ахборотларни оммалаштиришдаги вазифасига мувофиқ ҳолга келтириш;

— умумий ўрта таълим муассасаси кутубхоначи кадрларини ахборот технологиялари соҳасида ишлашлари учун қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

#### **Тайёргарлик соҳасидаги устувор йўналишлар:**

Файллар билан ишлаш операцияларини билиб олиш, таянч технологиялари билан қуролланиш, интернет тармоғини ишга солиб уни зарур ахборот сари йўналтириш ва керакли маълумотларни излаш технологияларини эгаллаш.

Асосий кутубхоначилик вазифалари: ахборотни автоматлаштирилган ҳолда олиб кириш, унга ишлов бериш ва оммалаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш мажбурий деб ҳисоблансан.

**Вариатив компонент:** тармоқча уланиб ахборот заҳиралари: электрон дарслклар ва нашрлар, луғатлар, маълумотномалар ва шу қабилар билан танишиш:

— ахборотнинг истаган ташувчиларидаги ҳужжатлар жамғармасини ўқув-тарбия жараёни қатнашчиларининг сўровномасига кўра шакллантириш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш;

— умумий ўрта таълим муассасаси кутубхоначилари қайта тайёрлов электрон ўқув комплексларини ўзлаштириш алоҳида ўрин эгаллашини ҳисобга олиб, Республика илмий педагогика кутуб-

хонаси базасида ўқув жараёнини ахборот ва илмий-методик қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган, дастлаб ахборот-методик ва маслаҳат бериш тартибидаги ишларни (мактаблар учун реклама хизматлари, методистлар, раҳабарларга маслаҳатлар бериш, хизмат кўрсатиш юзасидан буюртма-сўровномалар портфелини шакллантириш) ўтказадиган заҳиравий марказ яратиш;

- кутубхонанинг ахборот бериш вазифасини кучайтириш;
- ўқувчиларнинг ахборот олиш ва кутубхоначилик-библиографик маданиятини шакллантириш;
- кутубхоначи кадрлар таркибини таълимни ахборотлаштириш шароитларига мослаштириш.

### **III. Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантиришнинг концептуал гоясини жорий этиш механизмлари:**

- таълимни ахборотлаштириш шароитларида ўқувчилар, педагоглар, мактаб маъмуриятига кутубхоначилик-ахборот хизмати кўрсатишни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши;
- кутубхонани кутубхона-ахборот марказига айлантиришга оид ҳужжатлар: кутубхона-ахборот марказининг Низоми: кутубхона-ахборот марказининг штатлар жадвали; янги шароитларда иш ҳақига киритиладиган қўшимча тўловлар тизими ҳақидаги тавсияларни ишлаб чиқиши;
- бошқарув органлари томонидан умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасининг ўз-ўзини ривожлантиришига қарата амалга оширадиган модернизациялаш ишларидаги раҳбарий методик фаолиятини таъминлаш;

– идораларо ҳамкорлик асосида олиб бориладиган методик ишларни амалга ошириш; булардан қўйидагилар устувор йўналиш касб этади: касбий маъруза тингловлари, муаммоли семинарлар, конференциялар, баҳслар ва бошқа тадбирлар;

- кутубхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириш дастурини молиялаштириш учун қўйидаги манбалардан фойдаланиш: бюджет орқали молиялаштириш, умумий ўрта таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари, турли хилдаги хорижий фонdlар ва дастурларнинг ҳомийлик ёрдами; қишлоқ агросаноат корхона ва бирлашмалари, жамоа ва фермер хўжаликлари, саноат корхоналари, жамоат ташкилотларининг оталиқ ёрдами;

- мактабнинг таълим ахборот муҳити асосларини яратиш учун кутубхоналарни кутубхона-ахборот марказига айлантириш;
- янги технологияни қўллаш шароитларида умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини кутубхона-ахборот ишларини та-комиллаштириш.

#### **IV. Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириши концепциясининг жорий этилаётганлигини назорат қилиш ва баҳолашда қуйидагиларга устувор аҳамият берилади:**

- кутубхонанинг ахборотлаштирилганлик даражаси (электрон дарсلىкларнинг мавжудлиги, интернетга уланганлик, ўкув адабиётлари, илмий-педагогик адабиётлар, бадиий асарлар янгиликларининг тарғиб этилиши ҳамда таъминланиши);
- таълим-тарбия жараёни қатнашчиларининг кутубхона-ахборот марказидан фойдаланиш сифати;
- кутубхонадаги амалга оширилган ислоҳотларнинг қай босқичда ва савияда эканлиги.

**БҮЙРУҚ № 158**

**31.10.2001**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ КУТУБХОНАСИ  
Н И З О М И**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналари ўқувчиларга, ўқитувчиларга хизмат қўрсатадиган мустақил таркибий ўқув-методик, аҳборот ва маданий-оқартув бўлинмаси ҳисобланниб, таълим муассасасини дарслклар, ўқув қўлланмалари, қўшимча китоблар билан тўлиқ ва мунтазам равишда таъминлайди ҳамда зиё тарқатадиган маданий ва маърифий марказ ҳисобланади.

1.2. Кутубхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонунларига, республика ҳукуматининг бошқа қарорларига, Халқ таълими вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига, ўқув муассасасининг уставига ҳамда мазкур Низомга таянади.

1.3. Ёшлиарни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида маънавий-ахлоқий жиҳатдан комил шахс қилиб тарбиялашга кўмаклашиш кутубхона иш фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

1.4. Мазкур «Низом» мактаб кутубхоналарига қўйиладиган умумий талаблар даражасини белгилаб беради.

Халқ таълими тизимидағи барча кутубхоналар учун Республика илмий-педагогика кутубхонаси мувофиқлаштирувчи Марказ ҳисобланади.

1.5. Мактаб кутубхонасидан фойдаланиш тартиби ўқув муассасалари кутубхонасидан фойдаланишнинг намунавий тартиби асосида ишлаб чиқилади ва мактаб раҳбари томонидан тасдиқланиб, кўзга ташланадиган жойга илиб қўйилади.

**П. КУТУБХОННИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА  
ВАЗИФАЛАРИ**

**2.1. Кутубхонанинг мақсади:**

Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, давлатимиз, жамиятимиз томонидан эришилган ютуқлар акс эттирилган педагогика, маданият,

санъат ва фаннинг турли тармоқларининг энг илфор ютуқла-ри, гоялари акс эттирилган адабиётларни тарғиб қилиш.

2.2. Миллий мафкура, миллий гоялар сингдирилган адабиётлар асосида баркамол шахсни тарбиялаш ишида фаол иштирок этиш. Ўқув жараёни ва тарбиявий ишларга кутубхона-ахборот, библиографик хизматнинг ҳамма усул ва шакллари орқали ёрдам бериш.

2.3. Давлат таълим стандартлари ижросини таъминлаш ҳамда кутубхоналар эҳтиёжини қондириш мақсадида кутубхона-ахборот жамғармасини шакллантириш.

2.4. Ҳудуд, шаҳар, вилоят, шунингдек, бошқа тизимдаги ўқув муассасаларига тегишли бўлган кутубхоналар билан ўз иш фаолиятини мувофиқлаштириш.

#### **Кутубхона қўйидаги вазифаларни бажаради:**

2.5. Мактаб ўқувчи ўшлари ўргасида маънавий-маърифий тарбиботлар олиб бориш учун библиографик хизматни йўлга кўйиш, янги ахборотлар билан китобхонларни таъминлаш.

2.6. Президент асарлари, Олий Мажлис материаллари, республикамиз мустақиллиги, миллий мафкура ва миллий гоялари мужассамлаштирилган фан-техника ютуқлари, маданият ва санъат янгиликлари акс эттирилган адабиётларни тарғиб қилиш.

2.7. Мактабнинг фоявий-сиёсий, маънавий-маърифий ишларида, касаба уюшмалари ҳамда фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказишида қатнашиш.

2.8. Ота-оналардан эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда буюртма олиш, уни мактаб бўйича шакллантириш ҳамда тегишли ташкилотларга бериш.

2.9. Китобхонларга ўқув залида ва кутубхонанинг бошқа китоб бериш бўлимларида табақалаштирилган хизмат қўрсатиш.

2.10. Ўқувчиларнинг китобхонлигини ошириш ва китобга бўлган қизиқишини ўрганиш.

2.11. Мактаб фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда янги адабиётларнинг тавсия рўйхатларини тузиш.

2.12. Ҳомий ташкилотлар, турли ташкилотлар ва муассасалар, айрим фуқароларнинг ёрдамлари ҳисобидан кутубхона заҳирасини тўлдириб бориши.

2.13. Кутубхонага мунтазам қатновчи китобхонларни жалб қилинган ҳолда «Китобсеварлар клуби»ни ташкил қилиш.

### **III. ИШ МАЗМУНИ**

**3.1.** Ўқувчилар ва ўқитувчиларга иш режасига мувофиқ хизмат кўрсатиши ташкил этиш.

**3.2.** Мактаб кутубхонаси соҳалар таркиби бўйича универсал, узвий таълим бериш ва ахборот вазифаларига мазмунан жавоб берадиган кутубхона жамғармасини шакллантиради. Жамғарма дарсликларни, ўқув-методик, бадиий, маълумотнома характеристикидаги ўқувчилар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган илмий-оммабоп адабиётларни ўз ичига олади. Жамғарма китоблар, журналлар, газеталар, рисолалардан иборат, шунингдек, ноанъанавий ахборот ташувчилар, нота нашрлари, грампластинкалардан тузиленган бўлиши мумкин. Жамғарма таркиби ва унинг нусҳадорлиги мактаб турига, ўқувчилар контингентига, миллий ўзига хослигига кўра ўзгариб туради, зарур бўлганда мактабда ўрганилаётган чет тиллари бўйича ҳам адабиётлар комплектланади. Соҳага доир бўлмаган ва мазмунан бир-бирига ўхшаш адабиётларни қайта тақсимлаш мумкин.

Мактаб кутубхонаси ҳар йили дарсликларнинг етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида ёзма ҳисобот тузади. Бир йилда икки марта педагогик қенгащда ҳисоб беради. Кутубхоначи ва мактабнинг илмий бўлим мудири ўқувчиларнинг таркиби ва сонини ҳисобга олган ҳолда дарсликлар учун буюртма тузади ва туман (шаҳар) ХТБ га тақдим этади.

**3.3.** Кутубхона мактаб маъмурияти билан биргаликда кутубхона жамғармасини жойлаштириш ва сақлаш режимини амалга оширади. Кутубхоначи «Мактаб кутубхоналари учун кутубхоначилик техникаси минимуми»га мувофиқ жамғарма ҳисобини юритади, уларга ишлов беради, асрайди. Жамғарма дарсликларнинг ҳисоб-китоби мактаб дарсликларини ҳисобга олиш бўйича алоҳида китобда юритилади.

**3.4.** Ўқувчилар, ўқитувчилар, тарбиячилар, мактабнинг бошқа ходимлари, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) кутубхонага аъзо бўла оладилар. Мактаб кутубхонаси заруриятига қараб микрорайон (қишлоқ) аҳолисининг педагогика ва халқ таълимига оид мавжуд адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Китобхонларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш кутубхонанинг ўқув залида олиб борилади. Китобхонларга адабиёт танлашда ёрдам кўрсатилади, китоб билан ишлаш бўйича алоҳида ва оммавий тадбирлар ўтказилади. Мактаб кутубхонаси ўқувчилари-

ни китоб мутолаа қилишларини уюштириш, педагогик таълимини ташкил қилишда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га амалий ёрдам қўрсатади. Кутубхоналарро абонемент ва ички китоб алмашув усулларидан фойдаланади.

3.5. Кутубхона маълумотнома библиография аппаратини: ўқувчиларнинг турли ёш гуруҳлари ва ўқитувчилар учун каталоглар, картотекалар маълумотнома-библиография жамғармасини ташкил этади ва юритади, адабиётларнинг тавсиявий рўйхатларини расмийлаштиради.

3.6. Кутубхона мактаб педагоглар жамоаси ва ўқувчиларга ахборот-библиография хизмати кўрсатади, болалар билан китоб ўқиши маданиятини тарбиялаш ишларини ўтказади, китобхоналар орасида библиографияга доир билимларни тарғиб этади. Мактаб кутубхоначиси библиографияга доир билимларни тарғиб қилиш бўйича факультатив машғулотлар, муқовалаш иши бўйича тўгаракларни, кутубхоначилик касбига йўллаш ишларини олиб бориши мумкин.

3.7. Мактаб кутубхонаси мудири, кутубхоначи кутубхона фолларини тузади, ўқувчиларни кутубхона ишига жалб қилади.

#### IV. ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Мактаб кутубхонаси тегишли хона ва жиҳозлар, мактаб ўқувчилари контингентига мос дарсликлар жамғармаси, ўқув-методик, маълумотнома, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар мавжуд бўлганда очилади.

4.2. Мактаб кутубхонасининг ходимлари штатлар ва лавозим окладлари амалдаги штат нормативлари ҳамда маданий оқартув-муассасалари раҳбарлари ва мутахассислари учун ягона тариф ставкаларига мувофиқ белгиланади.

4.3. Кутубхонанинг иш тартиби меҳнат қонунчилигига биноан мактабнинг ички иш тартиби қоидаларига мувофиқ белгиланади. Кутубхоначиларни ўз вазифаларига алоқаси бўлмаган бошқа ишларга жалб этиш таъзиқланади. Бир ойда бир марта кутубхонада тозалик куни ўтказилади ва шу куни китобхонларга хизмат қўрсатилмайди.

4.4. Кутубхона ходимлари белгиланган қоидаларга мувофиқ китобларнинг, матбуот материалларининг ва бошқа асарларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан фойдаланишни таъминлайдилар. Улар амалдаги қонунчиликка биноан жамғарманинг қандай сақланганилиги учун моддий жавобгардирлар.

Мактаб маъмурияти адабиётларнинг, дарсликларнинг йўқол-маслигини таъминлаш ва китобхонларга хизмат кўрсатишни уюштириш учун зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида кутубхона га керакли жиҳозлар, кутубхона техникаси, техник воситалар, нусха олиш, кўпайтириш техникаси, компьютерлар, кўриқлаш ва ёнфинга қарши кураш воситалари билан жиҳозланган, санитар-гигиена мезонларига мос келадиган алоҳида хона ажратиб беради.

Дарсликлар жамғармасини сақлаш учун алоҳида хона ажратилиди. Мактаб маъмурияти жамғарма дарсликларини таъминлаш ва уларни сақлаш учун жавобгардир. Жамғарма дарсликларини ҳисобга олиш, сақлаш ва кутубхона ҳисобидан чиқариш, уларни синфлар бўйича қайта тақсимлаш ишини кутубхоначи мактаб маъмурияти раҳбарлигига амалга оширади.

4.5. Мактаб кутубхонасида «Мактаб дарсликларини ҳисобга олиш ва синфлар бўйича тақсимлаш китоби», шунингдек, мактаб дарсликларини ҳисобдан чиқаришга доир ҳужжатлар учун алоҳида папка юритилади. Бу ҳужжатлар мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланади.

4.6. Кутубхона мудири (кутубхоначи) моддий жавобгар шахс ҳисобланади.

4.7. Адабиётлар ҳарид қилиш ва кутубхонани таъминлаб туришга доир бошқа сарф-ҳаражатлар белгиланган нормативларга мувофиқ туман (шаҳар) ХТБ маблағлари ҳисобидан кўзда тутилади. Шунингдек, мақсадли маблағ билан таъминлаш (хомийлар, база корхоналари, жамоат ва оталиқ ташкилотлари) орқали ҳам амалга оширилади.

4.8. Моддий-техника базаси ва кутубхона жамғармасининг аҳволи мактабнинг янги ўкув йилига тайёрлигининг асосий кўрсат-кичларидан бири ҳисобланади.

4.9. Мактаб кутубхонаси мактабнинг номи кўрсатилган тўртбурчакли муҳрга ва бошқа зарур муҳрларга эга бўлади.

## V. КУТУБХОНАНИНГ ТУЗИЛИШИ. ШТАТЛАР ВА МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ

Кутубхона таркибида куйидаги бўлинмалар мавжуд бўлиши керак:

китоб сақлаш хонаси, китоб бериш хонаси ҳамда қироатхона.

1. Мактаб маъмурияти ўз кутубхонасини меъёрий ҳужжатларга биноан, керакли асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъмин-

лайди ҳамда кутубхона жамғармасини ва биносини ёнғиндан сақлаш, қўриқлаш, таъмиrlаш, тозалашни йўлга қўяди.

2. Кутубхонанинг таъминоти ва жамғармасини тўлдириш учун кетадиган маблағ мактабнинг умумий ҳаражатлар сметасида кўзда тутилади.

3. Кутубхонани бошқариш ваколати, жамғармани сақлаш учун жавобгарлик амалдаги қонунларга биноан кутубхона мудири зиммасида бўлади.

4. Кутубхона мудирлигига маҳсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлган, бундай мутахассис бўлмаган тақдирда истисно тариқасида педагогик маълумотга эга бўлган, кутубхоначилик соҳасида ишлаган ходим тайинланади.

5. Кутубхона мудирини ишга қўйиш ёки бўшатиш мактаб раҳбари томонидан амалга оширилади. Кутубхонанинг бошқа ходимлари кутубхонанинг мудири тавсиясига биноан мактаб раҳбари томонидан ишга қабул қилинади ёки бўшатилади.

6. Кутубхона мудири бевосита мактаб раҳбарига бўйсунади ва педагогик кенгаш таркибиға киритилади.

7. Кутубхона мудирининг иш режасини мактаб раҳбари тасдиқлади ва кутубхона мудири қилган ишлари бўйича мунтазам ҳисобот бериб боради.

8. Кутубхонанинг асосий иш кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар Халқ таълими вазирлиги, Республика илмий педагогика кутубхонаси, вилоят халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари, илмий-услубий комиссиялар сўровларига биноан тақдим этилади.

## VI. КУТУБХОНА КЕНГАШИ

Кутубхона фаолиятини мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишлар билан мувофиқлаштириш учун кутубхона кенгashi тузилади.

1. Кутубхона кенгashi китобхонларга кутубхона, ахборот-библиографик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қўмаклашади.

Кутубхона кенгashiга мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, отоналар, жамоат ташкилотлари вакиллари киритилади.

2. Кутубхона кенгashi раиси этиб, мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, унинг ўринбосари этиб кутубхона мудири тайинланади.

3. Кутубхона кенгashi таркиби мактаб раҳбари томонидан ку-

тубхона мудири тавсиясига биноан бир ўкув йили муддати билан тасдиқланади.

4. Кутубхона кенгашининг йифилиши ҳар чоракда бир марта ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

5. Кутубхона кенгашига қўйидагилар юклатилади:  
кутубхонанинг иш режасини тузишда қатнашиш, кутубхона иш режалари ва ҳисоботларини муҳокама этиш;

кутубхона жамғармасини бутлашга ёрдам бериш;  
кутубхона жамғармаси ҳисобидан чиқарилаётган адабиётлар рўйхатини кўриб чиқиш;

кутубхона ходимларининг китобхонлар билан ўтказадиган оммавий ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш.

## МАКТАБ КУТУБХОНА ЖАМГАРМАСИНИ ТҮЛДИРИШ ТАРТИБИ

### I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу тартиб мактаб кутубхоналари жамғармаларини түлдириш, ўқувчиларга, ўқитувчиларга ахборот, кутубхона хизмати кўрсатиш даражасини оширишни кўзда тутади.

1.2. Мактаб кутубхонаси мактаб ўқув-тарбиявий тузилмасининг таркибий қисми ҳисобланиб, таълим муассасасидаги ўқув-тарбиявий жараённи миллий истиқлол foяси билан сугорилган маънавий-маърифий адабиётлар-дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик ва бадиий адабиётлар ва бошқа нащрлар билан таъминлайди, ўқувчиларнинг шахсий китобхонлик талаблари, педагогик жамоанинг барча аъзоларини касбий, маданий қизиқишлирини, шунингдек, ота-оналарнинг мазкур адабиётларга бўлган эҳтиёжларини маълум даражада қондиради.

1.3. Мактаб кутубхона жамғармаси тузилиши унинг вазифалари, мактаблар типи, китобхонлар эҳтиёжлари Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талаблари билан белгиланади.

1.4. Мактаб кутубхона жамғармаси маҳаллий ва давлат бюджети, нодавлат ташкилотлар маблағлари, хайрия жамғармалари, маданий марказлар, хорижий давлатлар ажратган моддий ёрдам, алоҳида шахсларнинг ҳадялари, мактаб битирувчиларининг эсадалик совғалари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштироки ва мактаб томорқаларида қилинган меҳнат эвазига йиғиладиган жамғарма, ота-оналарнинг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан тўлдирилади.

1.5. Вазирлар Маҳкамасининг 4-сонли қарори (1998 йил, 05.01.)га кўра, барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтиносослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари ўқувчилари дарсликлар билан бепул таъминланиши вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари мактаб кутубхона жамғармасига киритилиб, барча ўқувчиларнинг улардан бепул фойдаланиши таъминланади.

Камтаъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг

2 – 11-синфларида ўқийдиган фарзандларини зарур дарслер билан таъминлаш мақсадида давлат, маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомий ташкилотлар, турли марказ ва жамғармалар ажратган маблағлар ҳисобига мактаб кутубхонаси жамғармаси учун сотиб олинган дарслик, ўкув адабиётларидан ўкув йили давомида бепул фойдаланиши таъминланади.

Таълим муассасаларининг раҳбарлари барча ўкув фанларидан кутубхона заҳирасини дарслер, ўкув адабиётлари билан мунтазам тўлдириб боришга масъулдирлар.

2 – 11-синф ўқувчилари учун ҳар бир дарслик шу синфдаги болалар сонига нисбатан камида 10 – 20% миқдорида заҳирада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мактаб кутубхона жамғармаси таълимнинг барча воситалари, шу жумладан, аудиовизуал воситалар билан ҳам мунтазам бойитиб борилиши лозим.

1.6. Аудиовизуал воситаларга буюргалар Республика «Таълим-савдотаъминот» ва унинг вилоятлардаги тегишли ташкилотлари орқали расмийлаштирилади.

1.7. Жамғармаларни тўлдириш ва фойдаланишда мактаб кутубхоналари ўзига яқин жойлашган бошқа кутубхоналар билан ўз фаолиятини мувофиқлаштиради ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

## **П. МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ ЖАМҒАРМАСИННИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ**

2.1. Умумтаълим мактаблари кутубхона жамғармаси ўқувчилар учун кўп ёқдамали (универсал-билимларнинг турли соҳалари бўйича) ва ўқитувчилар учун маҳсус бўлади.

2.2. Мактаб кутубхоналари жамғармасининг соҳалар бўйича таҳминий тузилиши: бадиий, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича адабиётлар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, тиббиёт, санъат, маданият, дин, педагогик фанлар, жисмоний маданият, спорт, фалсафа (мантиқ, ахлоқ, эстетика), турли мазмунга эга адабиётлар (библиографик қўлланмалар, маълумотнома нашрлари, тўпламлар, тавсияномалар), дарслик ҳамда ўкув қўлланмалари.

2.3. Мактаб кутубхоналари жамғармасининг фоиз ҳисобидаги тузилиши қўйидагича бўлиши мумкин: ижтимоий фанлар 8 – 9%, бадиий адабиётлар 55 – 60%, табиий фанлар 5 – 6%, техникага

оид адабиётлар 2 – 2,5%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига оид адабиётлар 0,5 – 1%, фалсафа йўналишидаги адабиётлар 2%, турлича мавзудаги адабиётлар (маълумотнома нашрлари, тўпламлар, кўчирма нусҳалар, ҳикматномалар, қўлда тайёрланган тўпламлар, тавсиялар) 1,3 – 2%.

1-синф дарслерлари 100%, 2 – 11-синф дарслерлари 10 – 20% дан иборат бўлмоғи керак.

2.4. Жамғарманинг тўлиқлик мезонлари бўлиб – китобхонлик эҳтиёжларини тезкор равишда 75 – 80%га қондириш ҳисобланади.

– китоблар билан таъминланишининг ижобий кўрсаткич меъри бўлиб, 1 ўқувчига 20 – 25 китоб тўғри келиши ҳисобланади. Китоблар билан таъминлашнинг ушбу меъёри ҳар йили мактаб кутубхона жамғармаси 1 ўқувчига 1 тадан китоб ҳисобидан тўлдириб борилсагина, бажарилиши мумкин.

2.5. Мактаб кутубхонаси асосий жамғарма ва ўқув жамғармасидан ташкил топади.

– ўқув жамғармаси – кутубхона умумий жамғармасининг бир қисми бўлиб, ўзида дарслерлар, методик қўлланмалар, уларга раҳбарликни таъминловчи директив ҳужжатлар (кўрсатмалар, йўриқномалар, тавсияномалар, тўпламлар), ўқув адабиётлари, дидактик машғулотлар, дарслерлар мазмунини кенгайтирувчи китобларни мужассамлаштиради;

– асосий жамғарма – синфдан ташқари ўқиш, барча ўқув фанлари учун ижтимоий-иқтисодий, илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда маълумотлар, библиографик, турлича мазмундаги адабиётларни қамраб олади;

– ўқув жамғармаси кутубхонада мавжуд барча адабиётлар жамғармаси билан ҳисобга олинади ва сақланади.

### **III. МАКТАБ КУТУБХОНА ЖАМҒАРМАСИНИ ЖАМЛАШ ТАРТИБИ**

3.1. Кутубхона жамғармасидаги адабиётларни мавзу ва турига кўра жамлаш режаси мактаб кутубхона жамғармасини тўлдириш, унинг бошқа кутубхоналар билан мувофиқлашган алоқаларини, ривожланиш йўналишини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Мазкур режа ўз мазмунига кўра кутубхонани адабиётлар билан тўлдириш соҳаларини, нашр турларини адабиётлар мавзулари ва қамраб олинадиган нашрларнинг тахминий нусҳалари қўламини ифода этади.

— кутубхона жамғармасидаги адабиётларни мавзу ва турига кўра жамлаш режаси 5 йилда бир марта тузилади. Ҳар йили тузатишлар, тўлдиришлар киритиб борилади. Кутубхона кенгашида муҳокама қилинади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади, жамлаш режаси мактаб кутубхонасида сақланади.

3.2. Мактаб кутубхонаси жамғармасини тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб, «Ўзбеккитобсавдотъминот» ва вилоятлар «Китобсавдотъминот», «Ўқувтаълимтаъминот» ташкилотлари, нашриётлар, китоб дўконлари ҳисобланади.

3.3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия қилинган дарслик, методик ва бошқа адабиётлар рўйхати асосида Ўздавматбуот қўмитасининг нашриётлари, «Шарқ» нашриёт матбаа концерни мавзули режаларидан, даврий нашрлар каталогларидан фойдаланиб, ўзларига бўлган буюртмасини халқ таълими бўлимларига топширадилар. Халқ таълими бўлимлари умумлаштирилган буюртмаларни вилоят халқ таълими бошқармаларига, улар эса, халқ таълими вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси ва «Китобсавдо» ташкилотларига етказадилар.

Ўқув адабиётлари халқ таълими муассасалари тақсимоти асосида олинади. Буюртмалар ўқувчилар контингенти асосида мактаб кутубхонасида ҳамда ўқувчилар қўлидаги фойдаланишга яроқли адабиётлар миқдорига қараб белгиланади.

3.4. Зарурӣ адабиётларнинг ўртача миқдори қўйидагича:

— умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар 1:1;

— 2 – 11 синфлар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар 1:3;  
— бадиий адабиётлар (кичик ёшдагилар учун) 1:10;  
— бадиий адабиётлар (урта ёшлилар учун) 1:15;  
— лугатлар, қомусий лугатлар, ахборотномалар 1:10;  
— ихтисослашган синфлар учун дарслик, ўқув адабиётлар 1:2 нисбатда белгиланади.

Катта ёшдаги ўқувчилар учун нашр нисбати қўйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир:

— Ўзбекистон Президенти асарлари ва асарлар тўпламлари 1:5;  
— дастурли ўқиш учун бадиий адабиётлар 1:2;  
— синфдан ташқари ўқиш учун бадиий адабиётлар 1:5;  
— физика, биология, география ва бошқа фанлардан илмий-оммабоп адабиётлар 1:10;

- ижтимоий фанлар ва тарихий адабиётлар 1:2;
- луғатлар, маълумотнома адабиётлар 1:2;
- педагогик, методик мазмундаги адабиётлар 1:1;
- мустақил ўқиши учун адабиётлар 1:10;
- дарслер, ўқув қўлланмалари 1:10;

— ихтиослашгани синфлар учун ўқув қўлланмалар 15 нусхадан кам бўлмаган ҳолда ҳар бир ўкувчига 1 нусхадан таъминлаш белгиланади.

Жамгармани бошқа адабиётлар билан тўлдириб бориш кутубхоначи ихтиёрида қолдирилади.

3.5. Ҳар йили нашр қилинадиган ўқув адабиётлари (жамгармадан ташқари) «Алифбо», «Букварь», «Чиройли ёзув», «Атрофимиздаги олам», «Ўкувчилар дафтари» ва бошқалар ўқувчиларга тарқатилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда жамгармадан чиқарилади.

3.6. Мактаб кутубхона жамгармасини тўлдиришда, маслаҳатбилиографик ёрдам кўрсатиш ва кутубхонани босма-техника буюмлари билан таъминлаш «Ўзқитобсавдотаъминот» томонидан амалга оширилади.

#### **IV. МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ ЗАҲИРАСИДАГИ ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛГАН АДАБИЁТЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

4.1. Мактаб кутубхонаси мудири ҳар йили кутубхонадаги мавжуд адабиётларни ўрганиш ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган дарслик ва ўқув адабиётларни ҳисобдан чиқаришга доир зарур ҳужжатларни тайёрлайди.

Мазмунан эскирган ва фойдаланишга яроқсиз нашрларни доимий равища рўйхатдан чиқариб бориш мактаб кутубхоналари ning жамгармасини сифат жиҳатдан янгилаш боришнинг шартшароитларидан ҳисобланади.

Рўйхатдан ўчириш «Кутубхоналар жамгармаларидан босма нашрларни ва бошқа маълумотнома-ахборотномаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги йўриқнома»га мувофиқ амалга оширилади. Кутубхоналарнинг китоблар ва маълумот-ахборот жамгармасини сақлаш юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Халқ таълими вазирлиги билан (1996 йил 4 январдаги №12-хат) келишилган 4 буйруғи (1996 йил 16 январ) асосида белгиланади.

4.2. Материалларни фан ўқитувчилари, кутубхона ходимлари ва кутубхона кенгаши аъзоларидан иборат маҳсус тафтиш гурухи хуло-саларига асоссан рўйхатдан чиқариш мумкин.

4.3. Эскирган ва фойдаланишга яроқсиз материалларни ҳисобдан чиқарувчи тафтиш гуруҳи таркибини ва китобларнинг ҳисобдан чиқарилгани ҳақидаги далолатномани мактаб директори ва халқ таълими бўлими вакиллари тасдиқлайди.

4.4. Нашрларни ҳисобдан чиқариш далолатномалар билан расмийлаштирилади.

## **V. МАКТАБ КУТУБХОНАСИННИГ ИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР**

Барча кутубхоналар учун йиллик иш режаси асосий ва мажбурийдир. Йиллик режалаштириш ўқувчилар ва ўқитувчиларга кутубхоначилик-библиография хизмати кўрсатишнинг талай варианларидан энг самарали методлари, шакллари ва воситаларини аниқлаб беради, кутубхоначининг келаси йилга мўлжалланган барча ишларини дастурлайди.

Кутубхонанинг йиллик иш режаси мактабнинг ўқув-тарбиявий ишлари ягона режаси асосида тузилади. У бутун педагоглар жамоаси олдида турган вазифалар билан қалин боғланган бўлиши керак. Режани ишлаб чиқиши иши жорий ўқув йилининг охирида, яъни янгисининг бошланишидан 2 – 3 ой олдин бошланади. Августнинг охирига келиб у тузилган ва тасдиқланган бўлиши лозим.

Мактаб кутубхонасининг йиллик иш режаси қуидагиларни ўз ичига олади:

- қисқача кириш, бу қисмда кутубхона фаолиятини тавсифловчи вазифалар ҳамда асосий йўналишлар белгиланади;
- ишнинг асосий бўлимлари бўйича миқдорий кўрсаткичлар;
- китоб тарифоти ва китобхонлар билан олиб бориладиган ишлар, фондни шакллантириш ва ташкил этиш, ахборот, маълумотнома-библиография ишлари ва бошқалар бўйича тадбирларнинг умумлаштирилган рўйхати.

Мактаб кутубхоналари режалар лойиҳаларини тузади, бу режалар қуидаги формага мувофиқ миқдорий кўрсаткичлар ва ишнинг асосий йўналишларини ўз ичига олади:

т/р	Иш турларининг номи	Ҳисобга олиш	Ҳажми	Ижро муддати	Ижрочилар	Ижро учун керакли вакът

## **VI. МАКТАБ КУТУБХОНАСИ ИШ РЕЖАСИНИНГ ТАХМИ- НИЙ СТРУКТУРАСИ**

I. Китобхонларга кутубхоначилик хизматини ташкил этиш ва адабиётларни тарғиб қилиш.

а) ўқувчи-китобхонлар билан олиб бориладиган ишлар мазмуни. Оммавий ишлар.

б) ўқувчиларга кутубхоначилик хизмати қўрсатишни ташкил этиш.

в) ота-оналар билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш.

II. Китоб фондини комплектлаш ва ҳисобга олиш.

а) китоб фондлари;

б) дарсликлар фонди;

в) даврий нашрлар;

г) маънавий эскирган адабиётлар ва дарсликларни ҳисобдан чиқариш.

III. Адабиётларга илмий ва техник ишлов бериш. Китоб фондларини ташкил этиш.

а) адабиётларга илмий ва техник ишлов бериш;

б) кутубхоначилик каталогарини юритиши;

в) фондни ташкил этиш.

IV. Маълумотнома-библиография ва ахборот ишлари.

а) китобхонларни янги келган адабиётлар ҳақида гуруҳли ва якка тартибда хабардор қилиш;

б) илмий-ўкув ва бадиий адабиётларнинг энг яхшиларини тарғиб этиш мақсадида библиографик обзорлар ўтказиш;

в) айрим ўкув фанлари ёки мактаб дастурлари бўйича синфдан ташқари ўқиши учун мўлжалланган адабиётларнинг тавсиявий рўйхатларини тузиш;

г) кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш;

д) кутубхоначилик дарсларини ўтказиш;

е) библиографик маълумотномаларни бажариш;

ё) маълум мавзу бўйича материалларнинг мавзувий танланиши;

ж) мавзувий картотекаларни юритиши.

V. Фонд дарсликларини сақлашга доир тадбирлар.

а) педагогик кенгашлар ва ота-оналар мажлисларида сўзга чиқиш;

б) дарсликларнинг қандай сақланадиганини текшириш бўйича рейд-кўриклар, энг яхши сақланган дарсликлар учун танловлар ташкил этиш ва ўтказиш;

в) танлов натижаларини акс эттирувчи экранлар, стендлар, жиҳозлар;

г) ўқувчилар билан сұхбатлар ўтказиш;

д) «Муқовалаш иши» тұғарагида машғулотлар уюштириш, «Китоб касалхонаси» бурчагини ташкил қилиш.

VI. Умуммактаб ҳамда кутубхонанинг ички ишлари.

а) ишлаб чиқариш мажлислари;

б) мактабнинг педагогик кенгашларида иштирок этиш;

в) кутубхоначи ходимларнинг малакасини ошириш бүйича тадбирлар (семинар машғулотлари, «Илғор тажриба мактаби» ишида қатнашиш, малака ошириш курслари).

\* \* \*

Китобсиз уй – жонсиз танадай гап.

*Цицерон*

\* \* \*

Қайси оиласындағы китоб ўқылмаса – у маънан тұлақонли оила бўлолмайди.

*П.А. Павленко*

\* \* \*

Китоб – ёлғизликда дўст. Ўқиши билан одам ўзлигини англайди.

*Ж.Дюамель*

\* \* \*

Китоб инсон күз ўнгига номаълум фалакларни очади.

*Ж.Гершель*

## ТАЪЛИМ МУАСАСАСИ КУТУБХОНАСИННИГ КИТОБ ФОНДИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА САҚЛАШ ТҮФРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

### I. Умумий қоидалар

1.1. Кутубхона фондини ҳисобга олиш жамғармага хужжатларнинг келиб тушиши, чиқиб кетиши, бутун кутубхона, унинг бўлинмалари фонди миқдорий катталигини акс эттиради ва кутубхонанинг ҳисобот топшириши, фаолиятини режалаштириши, фонднинг сақланишини таъминлаши, хужжатларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини назорат қилиши, статистик ҳисоб юритиш учун хизмат қиласи.

1.2. Ҳисоб юритишга қуйидаги талаблар қўйилади:

- хужжатларни ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги;
- фондга келиб тушган ва фонддан чиқиб кетган ҳар бир нарсани хужжатлаштирган ҳолда расмийлаштириш;
- кутубхона фондини ҳисобга олиш кўрсаткичлари номенклатурасининг сўралаётган статистика кўрсаткичларига мослиги.

1.3. Кутубхона фондини ҳисобга олиш – хужжатларни қабул қилиб олиш, уларни маркировкалаш, келиб тушганида, жойини ўзgartирганда, чиқарилганда, қайд дафтарига ёзиш, шунингдек, фондда хужжатларнинг мавжудлигини текширишни ўз ичига олади.

1.4. Таълим муассасаси кутубхонасидаги хужжатларни ҳисобга олиш турлари, усуслари ва бирликларини унификациялаш кутубхоначилик ишларига тааллуқли стандартларга, шунингдек, мазкур инструкция талабларига, кутубхоначилик фондига оид бошқа меъёрий хужжатларга риоя қилиш орқали таъминланади.

### II. Кутубхона фондини ҳисобга олиш бирликлари

2.1. Кутубхонага келиб тушаётган ва ундан чиқиб кетаётган хужжатлар, хужжат туридан қатъий назар, ҳисобга олиниши керак.

**Эслатма:** Хизмат учун мўлжалланган материаллар (кутубхоначи ходимларининг иш куроли саналмиш дастурий материаллар, шунингдек, кутубхонани жиҳозлаш учун, кутубхоначилик фондини комплектлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ёрдамчи ишлар учун харид қилинаётган материаллар) фондга киритилмайди ва ҳисобга олинмайди.

**2.2. Кутубхоначилик фондига келиб тушиш ва чиқиб кетишни ҳисобга олишнинг асосий бирликлари:**

- номланиши – ҳар бир янги ёки қайта нашр, бошқаларидан сарлавҳаси, охирида берилган маълумотлари ёки расмийлаштирилишининг бошқа унсурлари билан фарқланадиган бошқа ҳужжат;
- нусха – фондга киритилаётган ёки ундан чиқарилаётган ҳужжатнинг ҳар бир алоҳида бирлиги. Фонднинг умумий катталиги нусха ва номланишларда ҳисобга олинади.

**2.3. Фондни ҳисобга олишнинг қўшимча бирликлари:**

- йиллик мажмуа – даврий нашрларнинг (чиқаришларнинг) фонднинг ҳисобга олиши бирлиги учун қабул қилинадиган бир йиллик сонлари йифиндиси;
- метрополка – фондни ҳисобга олишнинг нашрлар ёки бошқа ҳужжатлар билан банд бўлиб ётган стелаж токчаларининг 1 м деб ўлчанадиган халқаро бирлиги;
- муқова бирлиги (подшивка) – муқоваланган ёки бошқа усул билан яхлит бир бутун қилиб тиркалган ва фонднинг бир ҳисобга олиш бирлиги деб қабул қилинадиган даврий нашрлар сонларининг йифиндиси.

**2.4. Келиб тушаётган ҳужжатларни ҳисобга олиш.**

- Фондга янги келиб тушган материалларни (нашрлар, ҳужжатлар) ҳисобга олишнинг асосий бирликлари нусха ва номланишлардир.
- Журналларни ҳисобга олишнинг асосий бирлиги нусха бўлиб, нусха деганда нашрнинг сони, чиқарилиши ва номи, унинг жамғармага келиб тушган барча йиллари учун нашр номи тушунилади.
- Йиллик комплект ва унинг жамғармага келиб тушган барча йиллари учун газета номи, газеталарни ҳисобга олишнинг асосий бирлиги саналади;
- Ноталар нашрининг нусхаси ва номи уларни ҳисобга олишнинг бирлиги саналади. Бир муқовага бирлашган мустақил ноталар нашри айрим нусха сифатида ва айрим номлар сифатида ҳисобга олинади.
- Аудиовизуал ҳужжатларнинг (АВ+) нусхаси ва номи уларни ҳисобга олишнинг асосий бирлиги саналади. Бунда нусха деганда қуидагилар тушунилади:
  - диск – грампластинкалар ва компакт-дисклар учун;
  - кассета – магнит фон ёзувлари учун;

- рулон – диафильмлар учун;
  - комплект –диапозитивлар комплектлари учун;
  - кассета – видеофильмлар учун.
- Ҳужжатларнинг бошқа турлари учун илова бўлмиш аудио-визуал ҳужжатлар алоҳида ҳисобга олинмайди.

Эслатма: Ахборотнинг асосий ташувчисини ва унга қилингани иловани аниқлашнинг қийин ҳолатларида матний ҳужжат ҳисобга олиниши керак бўлган асосий ташувчи деб қабул қилинади.

• Электрон нашрларни ҳисобга олиш бирлиги қуйидагилар саналади: дискета и оптик диск (CD – ROM ва мультимедиа), шунингдек, унинг номи. Агар илова дискетлар нашрга қўшимча киритма бўлса, алоҳида нусха сифатида ҳисобга олинмайди.

## 2.5. Кутубхона фондини ҳисобга олиш тартиби

2.5.1. Таълим муассасаси кутубхонаси қуйидагиларни амалга оширади:

- кутубхона жамғармасига келиб тушаётган ва ундан чиқиб кетаётган ҳужжатларни ҳисобга олишнинг белгиланган бирликларидаги жами ва индивидуал ҳисобга олиш.
- ҳисобга олинаётган ахборотнинг таққосланадиган бўлиши мақсадида ҳисобга олишни ташкил этиш узвийлигига риоя этилади;
- Инвентарь дафтарларида, фондни жами ҳисобга олиш дафтарларида қайдларни юритади; шунингдек, ҳисобга олинадиган ҳужжатларнинг узоқ муддатли сақланиши ва қайта юзага чиқарилишини таъминлайдиган дискетдаги ва бошқа ташувчилардаги компьютер шаклида ҳисобга олишга ҳақлидир.

### Эслатма

- (хоҳ анъанавий шаклда, хоҳ компьютер шаклида тақдим этилган, ҳисобга олинадиган ахборот бир хил юридик кучга эга).
- Фонднинг вақтинча сақланадиган ҳужжатларини сақлаш муддатлари ва таркибини белгилайди;
- амалдаги қонуншуносликка биноан фойдаланувчининг кутубхона фондига етказган заарини қоплаш усули ва миқдорини белгилайди.

2.6. Фондни ташкил этишининг тўғрилигига жавобгарлик лавозим вазифаларига мувофиқ кутубхона мудири ва ходими зиммасига юкландади.

2.7. Кутубхона мудири кутубхона фондини ҳисобга олишга доир меъёrlар ва талабларга риоя қилиниши устидан назоратни

амалга оширади, шунингдек, ҳисобга олиш қоидаларининг бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди. Таълим муассасаси маъмурияти билан биргаликда фондни ташкил этиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш учун керакли шарт-шароитларни таъминлайди.

### **3. Кутубхона фондига ҳужжатларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш**

3.1. Фондига ҳужжатларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш иши фарқли равишда уларни узоқ муддатли ва вақтингча сақла-надиган ҳужжатларга бўлиш йўли билан амалга оширилади.

3.1.1. Ҳужжатнинг тури, унинг ҳажми, мавзусидан қатъий на-зар, жорий ва бащоратли китобхонлик сўровини қаноатланти-риш учун мўлжалланган ҳужжатлар Инвентарь рақамини берган ҳолда узоқ муддатли сақлаш учун ҳисобга олиниши керак.

3.1.2. Қисқа муддатли аҳамиятта эга бўлган ахборотли ҳужжатлар қисқа муддатли сақлаш учун (Инвентарь рақамисиз) ҳисобга олинади, бундай ҳужжатлар узоқ бўлмаган вақт давридан кейин кутубхона фондидан чиқарилади.

3.1.3. Фондга киритилётган нашрлар, материаллар, ҳужжатларнинг барча турлари маркировка қилинади.

3.1.4. Ҳужжатларга белги қўйишда риоя этилиши керак бўлган асосий талаблар қўйидагилар: эстетика, маркировка белгиси-нинг абадийлиги, матнинг сақланувчанлиги. Таълим муассасаси кутубхонаси фондига келиб кираётган ҳужжатлар, нашрлар, материалларни маркировкалаш учун кутубхона штампидан фойдаланилади.

3.1.5. Асосий ташувчига илова саналган ҳужжатларнинг барча турлари ҳам маркировкаланади, уларга асосий ҳужжатдагидай белгилар (реквизитлар) қўйиб чиқилади.

3.1.6. Таълим муассасаси кутубхонасининг штампи титул вара-ғига, титул вараги бўлмагандаги эса, матнинг биринчи бетида, сарлавҳа остига босилади.

### **4. Ҳужжатларнинг ялпи ҳисобини юритиши**

4.1. Кутубхона фондига келиб тушаётган ёки ундан чиқиб кетаётган барча турдаги ҳужжатларни ялпи ҳисобга олиш иши партиялар бўйича, битта кўшиб юбориладиган ҳужжат (счёт-фактура, накладной, далолатнома, реестр) асосида амалга оширилади.

4.2. Ялпи ҳисобга олиш кутубхона жамгармаси, унинг ҳажми (нусхалар сони), билим соҳалари мазмунига кўра таркиби, нашр

тури, тили, нашрнинг нархи ҳақида умумий маълумот беради, шунингдек, фонднинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотни акс эттиради.

4.3. Кўшиб юбориладиган ҳужжат бўлмаган ҳолларда қабул қиласланлиқ ҳақида далолатнома тузилади. Етишмайдиган ёки Кўшиб бериб юборилган ҳужжатга мос келмайдиган нуқсонли нашр аниқланганда 2 нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси етишмайдиган нусхани етказиб бериш, янгиш юборилган ёки нуқсонли нусхани алмаштириш талаби билан нашрни жўнатувчиларга йўлланади, бошқаси кутубхонада қолади.

4.4. Кутубхона жамғармасини анъанавий ёки машинада ўқила-диган кўринишида ялпи ҳисобга олиш ялпи ҳисобга олиш шакли саналади.

Фонднинг ҳаракати ҳақидаги маълумотлар «Кутубхона фонди-ни ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг 3 қисмида қайд қилинади:

- I қилем. «Фондга келиб тушиш»;
- II қисм. «Фонддан чиқиб кетиши»;
- III қисм. «Фонд ҳаракатнинг якунлари».

4.5. Кутубхона жамғармасига келиб тушган ҳужжатлар ҳақида-ги маълумотлар «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафта-ри»нинг биринчи қисмида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича қайд-ланади: ёзув санаси ва тартиб рақами, келиб тушиш манбаси, қўшиб бериб юборилган ҳужжатнинг тартиб рақами ва санаси, келиб тушган ҳужжатлар миқдори (ҳаммаси бўлиб, шу жумладан турлари, мазмуни, туб халқнинг тили бўйича), олинган ҳужжат-ларнинг нархи.

4.5.1. Нарх Инвентарь дафтарига ёзиш керак бўлган китоблар учунгина кўрсатилади. Инвентарь дафтарига ёзиш керак бўлма-ган адабиётлар нархини кўрсатмаган ҳолда ялпи ҳисобга олиш дафтарнинг 1-қисмига ёзилади, сўнгра китоблар билан мазмуни-га қараб баравар тақсимланади.

4.6. Кутубхонадан чиқиб кетган ҳужжатлар ҳақидаги маълумот-лар «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг ик-кинчи қисмида чиқарилиш сабабини кўрсатган ҳолда акс этти-рилади. Ҳисобдан ўчирилган ҳужжатларни ҳисобга олиш ва назо-рат қилиш учун «Бериб юборилди», «Макулатурага топширилди» кўрсаткичлари киритилади.

4.7. «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг учинчи қисмида фонд ҳаракатининг якунлари чиқарилади, йил

бўйича якунлар чиқариш мажбурий саналади. Кутубхонада ҳисобга олишнинг қабул қилинган тартибига мувофиқ фонд ҳаракатининг якунлари чорак ва ярим йиллик бўйича чиқарилиши мумкин.

4.8. Машинада ўқиладиган ташувчилардаги (CD-ROM, мультимедиа, дискет) аудиовизуал ҳужжатлар, электрон нашрларнинг келиб тушганлиги «Ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг биринчи қисмида ҳужжатларнинг турлари бўйича кейинги деталлаштиришлар асосида акс эттирилади. «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг иккинчи қисмидаги ҳисобдан чиқиш ҳақидаги маълумотлар ҳам шунга ўхшашиб қайдланади. Фонд ҳаракати якунлари учинчи қисмда чиқарилади.

4.9. Шунингдек, даврий нашрлар ҳам ахборот ташувчисининг моддий асосидан қатъий назар ялпи ҳисобга олинади.

Даврий нашрларни «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари»га киритиш учун ушбу нашрларнинг жорий йилда келиб тушиши тугалланишига қараб олувчи томонидан тузиладиган далолатнома асос бўлади. Кутубхонада ҳисобга олишнинг қабул қилинган тартибига мувофиқ фонд ҳаракатининг якунларини чиқариш иши далолатномалар асосида чорак, ярим йиллик ёки йил бўйича бажарилиши мумкин.

4.10. Ялпи ҳисобга олиш дафтирида келиб тушиш ёки чиқиб кетиши ҳақидаги ҳар бир қайд бир сатрда бажарилади: қайд санаси қўйилади, қўшиб бериб юборилган ҳужжатнинг тартиб рақами, қайднинг тартиб бўйича рақами, қаердан келиб тушганлиги, келиб тушган ҳужжатлар сони, уларнинг билим турлари ва соҳалари бўйича тақсимланиши ёзилади.

## **5. Ҳужжатларни якка тартибда ҳисобга олиш**

5.1. Ҳужжатнинг ҳар бир нусхасини ёки ҳар бир номдаги ҳужжатни якка тартибда ҳисобга олиш иши ҳужжаттага индивидуал тартиб рақамини берган ҳолда Инвентарылаштириш йўли билан бажарилади.

Якка тартиб рақами ҳужжаттага унинг кутубхона фондида қанча турса, шунча вақтга бириктириб қўйилади.

5.2. Инвентарь дафтари ҳужжатларни якка тартибда ҳисобга олиш шаклидир. Автоматлаштирилган технологияда ҳужжатнинг якка тартибда ҳисобга олинишини шакллантириш учун барча керакли ахборотларни ўзида акс эттирадиган файллар яратилади.

**5.3.Хужжатларни якка тартибда ҳисобга олиш шакли мажбурий равищда қўйидаги кўрсаткичларга эга бўлиши керак: ёзув санаси, «Кутубхона фондини жами ҳисобга олиш дафтари»га қилинадиган қайд рақами, инвентарь тартиб рақами, муаллифи ва номланиши, нашр қилинган йили, баҳоси, текширилганлик ҳақида белги, ҳисобдан чиқариш далолатномасининг тартиб рақами, «Эслатма»да асосий хужжатга доир илованинг мавжудлиги ва бу илованинг тури кўрсатилади.**

**5.4.Аудиовизуал хужжатлар, электрон нашрларни якка тартибда ҳисобга олиш иши инвентарь дафтарда амалга оширилади. Юқорида санаб кўрсатилган хужжатларни якка тартибда ҳисобга олиш ишини амалга ошириш учун нашрнинг муйян турига тўлдириладиган қайд қилиш карточкасини қўллаш мумкин. Автоматлаштирилган аудиовизуал хужжатлар, электрон нашрларни якка тартибда ҳисобга олинишини шакллантириш учун барча керакли ахборотларни ўзида акс эттирадиган файллар яратилади. CD – ROM, мультимедиаларни ҳисобга олиш иши қайд қилиш карточкаларида юритилади.**

**5.5. Инвентарь дафтари ҳисобга олиш ишлари амалга ошириладиган асосий хужжат сифатида ҳисобот бериш хужжати тарзида доимий сақланиши керак.**

**Инвентарь дафтарини бошқатдан кўчириб ёзиш ман этилган ва фақат фавқулодда вазиятларда халқ таълими органлари томонидан ёзма берилган бўйруқقا мувофиқ йўл қўйилади.**

**5.6. Инвентарь дафтарга қайд қилиш лозим бўлган хужжатларни якка тартибда ҳисобга олиш иши аслида қайси тилда бўлса шу тилда юритилади. Инвентарь дафтарга қилинадиган қайдлар тушунарли дастхат билан батартиб бажарилади, бирор йул билан ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди.**

**5.7. Таълим муассасаси кутубхонаси мудири инвентарь дафтарнинг муқовасида ва титул варагида жойлашган реквизитларни тўлғазиш, ушбу инвентарь дафтарга қайси инвентарь тартиб рақамли хужжатдан қайси рақамли хужжатгача киритилганини кўрсатиши щарт.**

**6. Инвентарь дафтарга қайд қилиш лозим бўлмаган нашрларни ҳисобга олиш**

**6.1. Инвентарь дафтарга қайд қилиш лозим бўлмаган нашрларни ҳисобга олиш инвентарь тартиб рақамини бермаган ҳолда Инвентарь дафтирига қайд қилиш йўли билан амалга оширилади.**

**6.2. Қисқа мұддатлы аҳамиятта молик ахборотта эга бўлган ҳужжатлар инвентарь дафтарга ёзилмайды, лекин баҳосини кўрсатмаган ҳолда ялпи ҳисобга олиш дафтарида миқдор жиҳатдан ҳисобга олинади, бунинг оқибатида узоқ бўлмаган вақт-давридан сўнг кутубхона фондидан чиқарилади.**

**6.3. Инвентарь дафтарга қайд қилишга молик бўлмаган ҳужжатлар «Инвентарь дафтарга қайд қилиш лозим бўлмаган нашрларни ҳисобга олиш дафтари»да ҳисобга олинади, у ерда куйидаги маълумотлар қайд этилади: сана ва қайдлов тартиб рақами, нашрнинг муаллифи ва сарлавҳаси, нашр тили, нархи, ҳисобдан чиқарилиш ҳақидаги белги, изоҳ.**

**6.4. Ахборотнинг ҳажми ва характеристига кўра айрим нашр турларини вақтинчалик сақлашга оид ҳужжатлар қуйидагилар: рисолалар (48 бетгача), плакатлар, дастурлари, иллюстрацияланган каталоглар, буклет тарзида портретлар (4 б.т.гача ҳажмли); варақли материаллар; ҳисобдан чиқарилгандан кейин ўқувчилар ва педагогларга тарқатилиши лозим бўлган материаллар.**

**6.5. Вақтинчалик сақланадиган ҳужжатларнинг конкрет рўйхатини умумтаълим муассасаси кутубхонаси мустақил рашида белгилайди.**

## **7. Кутубхона фондидан ҳужжатларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олиш**

**7.1. Ҳужжатларнинг кутубхона фондидан чиқиб кетиши ҳисобдан ўчириш ҳақидаги далолатнома билан расмийлаштирилиб, «Ялпи ҳисобга олиш дафтари» ва «Инвентарь дафтар»да акс эттирилади. Ҳар бир далолатномада қуйидаги сабаблардан бирига кўра ҳисобдан ўчирилаётган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар қайд қилинади: титилиб кетганлик (жисмоний увалиниш), нуқсонларга эгалик, мазмунан эскириб қолганлик, дублет эканлик, соҳага мос эмаслик, йўқолганлик (очиқ фойдаланиш учун қўйилган жойдан йўқолганлик, китобхонлар томонидан йўқотилганлик, ўғирланганлик, табиий ёки техноген тавсифдаги оғат натижасида нобуд бўлганлик каби йўқолганлик сабабларини кўрсатган ҳолда), аниқланмаган сабабларга кўра (топширилмаганлик).**

**Изоҳ:** Ҳужжатларни кутубхона фондидан чиқариш ҳақидаги далолатномалар қуйидаги мазмунга эга бўлиши мумкин:

– «Узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни кутубхона фондидан чиқариш ҳақидаги далолатнома», «Вақтинча сақланадиган

хужжатларни кутубхона фондидан чиқариш ҳақидаги далолатнома», «Китобхонлар томонидан йўқотилган хужжатларни кутубхона фондидан чиқариш ва тенг қийматли деб топилган хужжатларни фондга қабул қилиш ҳақидаги далолатнома».

7.2. Аудиовизуал хужжатлар, электрон нашрларнинг фонддан чиқиб кетиши юқоридаги сабабларни кўрсатган ва уларни кутубхона фондидан ўчиришни асослаган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномага турли хилдаги, лекин бир сабабга кўра ҳисобдан ўчирилаётган аудиовизуал хужжатлар киритилиши мумкин.

7.3. Далолатномага ҳисобдан ўчириш лозим бўлган хужжатлар рўйхати илова қилинади.

7.4. Йўқолган, фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келган, ўғирланган, табиий ёки техноген тавсифдаги оғатда, фондга кириш очиб қўйилганлик натижасида ғойиб бўлган нашрларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси йўқолганликни тасдиқловчи тегишли хужжатлар (баённома, хulosा, далолатнома ва ш.к.) асосида тасдиқланади.

7.5. Йўқолганлари ўрнига китобхонлардан қабул қилинган хужжатлар «Китобхонлардан улар йўқотган хужжатлар ўрнига қабул қилинган китоблар ва бошқа хужжатларни ҳисобга олиш дафтари»да қайд қилинади. Унга қилинган қайдлар асосида фондга тушириш ва чиқаришга доир далолатномалар тузилади, бу далолатномалар «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг тегишли қисмларида қайд этилади. Китобхонлардан улар йўқотган ёки бошқа хужжатлар ўрнига пул қабул қилиб олишда кирим ордери тузилади ва китобхонга квитанция берилади.

7.6. «Китобхонлардан, улар йўқотган хужжатлар ўрнига қабул қилинган китоблар ва бошқа хужжатларни ҳисобга олиш дафтири»да қилинган ҳар бир қайд алоҳида тартиб рақамига эга бўлади ва китобхон ҳамда кутубхоначининг тушунтириш хати билан тасдиқланади.

7.7. Таълим муассасаси кутубхонаси фондидан хужжатларни ҳисобдан ўчириш ҳақидаги далолатномалар умумтаълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади.

7.8. Очиқ фойдаланиш учун қўйилган фонддан аниқланмаган сабабларга кўра йўқолган хужжатларни ҳисобдан ўчириш меъёrlари китоб бериш ҳажмининг 0,1%дан кўп бўлмаган қисмини ташкил этиши керак.

7.9. Эскириб кетгәнлик сабабли таълим муассасаси кутубхонаси фондларидан хужжатларни чиқариш иши иккى йилда 1 мартаңдан кам бўлмаган ҳолатда ўтказилади.

7.10. Кутубхонанинг амалдаги фондларидан чиқиб кетгән хужжатлар ҳақидаги маълумотлар «Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари»нинг иккинчи қисмидаги графаларга мувофиқ равишда қайд қилинади. Чиқиб кетган хужжатлар ҳақидаги ахборот ҳисобга олишнинг барча шаклларида: Инвентарь дафтар, каталоглар, картотекаларда акс эттирилади, бу ҳақда ҳисобдан ўчириш далолатномасида тегишли қайдлов бажарилади.

## 8. Кутубхона фондини текшириш

8.1. Кутубхона фондини текшириш иши фонд билан уни ҳисобга олиш хужжатларини тақдослаш орқали амалда мавжуд адабиётларни аниқлашни кўзда тутади.

8.2. Фондни мажбурий текшириш қуйидаги ҳолатларда ўтказилади:

- моддий масъул шахс алмашгандა;
- хужжатларнинг ўғирланиш, суистеъмол қилиниш ва яроқизиз ҳолга келтирилиш фактлари аниқланганда;
- табиий оғат юз берганда, ёнфинда ёки бошқа экстремал шароитлар туфайли юзага келган фавқулодда вазиятларда;

8.3. Кутубхона фондини текшириш иши туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан белгиланган, 5 – 7 йилда бир мартаңдан кам бўлмаган муддатларда амалга оширилади. Ўта қимматли нацрларни танлаб олиб текшириш иши кутубхона томонидан вақти-вақти билан ўтказиб турилади.

8.4. Фавқулодда ҳолатлар ёки фонд учун масъул шахснинг алмашинуви билан юзага келган текшириш режали текширишга тенглаштирилади.

8.5. Таълим муассасаси кутубхонасини текширишни ўтказиш методикаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

– фондни текшириш ҳақида буйруқ чиқариш ва таркибига қуйидагилар кирадиган комиссияни тайинлаш: кутубхона мудири (кутубхоначи), таълим муассасаси маъмурияти, жамоат ташкилотлари ва кутубхоначилар кенгаши, бухгалтерия вакиллари.

8.6. Фондни текшириш методикаси кутубхона томонидан унинг ўзига хос хусусиятлари ва Инвентарьизацияни ўтказиш-

га доир умумий талабларни, шунингдек, юқори органларнинг ушбу масала бўйича инструктив-методик ҳужжатларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади.

8.7. Текшириш тушунтириш хати ва мавжуд бўлмаган нашрлар рўйхати билан бирга далолатнома тузиш билан тугалланади.

8.8. Далолатномада қайд қилинган текшириш натижалари та-йинланган комиссия томонидан кўриб чиқилади. Қарорга муво-фиқ далолатнома тасдиқ учун топширилади.

8.9. Аниқланмаган сабабларга кўра ҳужжатларнинг йўқолиши тасдиқланган меъёrlардан ортиб кетган ҳолатларда етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилади.

### **9. Фондини ҳисобга олишни ташкил этишда иш юритиш**

9.1. Ҳисобга олиш амалга ошириладиган асосий ҳужжатлар қатъий ҳисобот юритиш ҳужжатлари сифатида доимий сақлани-ши лозим.

9.2. Кутубхона фондини ҳисобга олишга доир ҳужжатлар билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш ишлари иш қоғозларини юритиш қоидаларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

9.3. Ҳисобга олиш ҳужжатларини сақлаш муддатлари давлат архив ишини ташкил этиш қоидаларига биноан белгиланади. Фондларнинг ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминловчи ҳужжатларнинг баъзи тоифалари учун сақлашнинг қуидаги муд-датлари белгиланади:

— Кутубхона фондини ҳисобга олиш дафтари.

Доимо:

— Кўшиб бериб юбориладиган ҳужжатлар (накладнойлар, қайд-лар, счетлар, келиб тушаётган адабиётларга оид рўйхатлар)

Фонд текширилгандан кейин 5 йил ўтиб

— Кўшиб бериб юбориладиган ҳужжатларсиз олинган китоб-лар, журналлар, рисолалар ва бошқа ҳужжатларга доир далолат-номалар.

— Совфа сифатида олиш ҳақидаги аризалар, хабарномалар

— Китобхонлардан йўқотиб қўйилган нашрлар ўrniga қабул қилиб олинган нашрларни ҳисобга олиш дафтарлари доимо:

— Матбуот асарлари ёки бошқа ҳужжатларни, кутубхона

фондларини текшириш далолатномаларини ҳисобдан чиқариш ҳақидаги далолатномалар.

Доимо:

9.4. Кутубхоналар ҳисобга олиш ҳужжатларини сақлаш муддат-

лари ҳақидаги масалани малакали тарзда ҳал этиш мақсадида, архив хизматидан фойдаланишга ҳақлидир. Сақлаш муддатининг тугашига қараб ҳисобга олиш ҳужжатлари белгиланган тартибда йўқотилиши лозим.

9.5. Ҳисобга олиш ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар (янгилик қўйилган тартиб рақамлари, якка тартибдаги ҳисобга олишда хатолар бўлганда нашрлар ва бошқа ҳужжатларда қўйиб чиқилган Инвентарь тартиб рақамларини алмаштириш ва бошқа шу кабилар) мансабдор шахснинг (таълим муассасаси директо-ри) рухсати билан амалга оширилади ва ҳужжатлар билан (фармойиш, хизмат хати ва шу кабилар) расмийлаштирилади.

## 1-илова

Хужжатларни кутубхонага қабул қилиб олиш ҳақидаги  
далолатнома шакли  
далолатнома

Мазкур далолатнома 20 \_\_\_\_\_ йилнинг "\_\_\_\_"  
да

(далолатнома тузишда қатнашаётган шахсларнинг фамилиялари,  
исм-  
шарифлари)

умумий суммаси \_\_\_\_\_

бўлган  
(суммани сўз билан ёзиб тақрорлаш)  
нусха миқдоридаги адабиётларни кутубхонага  
қабул қилиб олиш ҳақида тузилди.

Китоблар (ёки бошқа ҳужжатлар) рўйхати илова қилинади.

Имзолар \_\_\_\_\_  
(кутубхона раҳбари)  
(ходим)

(китобларни ёки бошқа ҳужжатларни топширган шахслар)

• Далолатнома варафи шаклига ва Инвентарь дафтарига кутубхонанинг хоҳишига кура қўшимча графалар киритилиши мумкин.

**далолатномага илова қилинган китоблар ёки  
бошқа ҳужжатлар рўйхати**

Т/р	Муаллифи, китоб ёки ҳужжатнинг сарлавҳаси	Нархи сўм тийин	Нусха- лар сони	Неча сўмлик экани

**2-илова**

Даврий нашрларнинг кутубхонага келиб тушиш шакли

**далолатнома**

Мазкур далолатнома 20\_\_\_\_\_ йилнинг “\_\_\_\_”

да

(далолатнома тузища қатнашаёттан шахсларнинг фамилиялари,  
исм-шарифлари)

томонидан

шу ҳақда тузилдики, 20\_\_\_\_\_ й учун таълим муассасаси

кутубхонасига \_\_\_\_\_ нусха журналлар, газета  
комплектлари

келиб тушди.

Имзолар:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

### 3-илюва

Келиб тушган партияга оид ҳужжатлардаги етишмаслик ҳақидағи  
далолатнома шакли

Мазкур далолатнома далолатнома  
20 йилнинг "\_\_\_"  
\_\_\_\_\_ Да

(далолатнома тузишда қатнашаётган шахсларнинг фамилиялари,  
исм- шарифлари)

томунидан

Шу ҳақда тузилдики,

(китоблар ёки бошқа ҳужжатлар олинган муассаса номи)  
дан олинган китоблар (ёки бошқа ҳужжатлар) партиясини 20 \_\_\_  
йили

—рақамли \_\_\_\_\_ асосида қабул қилиб олища  
аңиқланди:

Имзолар:

Қабул қилиб олинаётган китоблар (бошқа ҳужжатлар) миқдори  
катта бўлмаганда рўйхат далолатнома матнининг ўзига киритилади.

## 4-илова

### Узоқ муддат сақланадиган ҳужжатларни кутубхона фондидан чиқариш ҳақидағи далолатнома шакли

20 \_\_\_\_ ийл "\_\_\_\_"

далолатнома

Мазкур далолатнома 20 \_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ да

йилнинг "\_\_\_\_"

(далолатнома түзишда қатнашаёттган шахсларнинг фамилиялари,  
исм-шарифлари)

томонидан  
Таълим муассасаси кутубхонасининг

фондидан

сўмлик

"\_\_\_\_" нусха

(хужжатлар тури кўрсатилсин)

сабабли  
(ҳисобдан чиқариш сабаби кўрсатилсин)

чиқариш ҳақида тузилди.

Ҳисобдан чиқдан "\_\_\_\_" варагълик \_\_\_\_\_

(хужжат тури кўрсатилсин) илова қилинади.

далолатнома бўйича рўйхат

Г/р	Инвентар тартиб рақами	Муаллифи, сарлавҳаси, нашр йили	Баҳоси сўм, тийин	Қайта пархлаш коэффи- циенти	Нусхалар сони	Нархи

Комиссия аъзолари:

Вақтингча сақланадиган ҳужжатларни кутубхона  
фондидан чиқариш ҳақидағи далолатнома шакли

20 \_\_\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_

далолатнома

Мазкур далолатнома 20 \_\_\_\_ йилнинг " \_\_ " \_\_\_\_\_ да

(далолатнома тузища қатнашаёттан шахсларнинг фамилиялари,  
исм-шарифлари)

томонидан

таълим муассасаси кутубхонасининг

фондидан

(хисобдан чиқариш сабаби күрсатилсін)  
сабабли \_\_\_\_\_ нұсха вақтингча  
сақланадиган

ларни чиқариш

(хужжат тури күрсатилсін)

ҳақида тузилди.

Комиссия аъзолари:

---

---

---

Китобхонлар томонидан йўқотилган ҳужжатларни кутубхона  
фондидан чиқариш ва тенг қийматли деб топилган ҳужжатларни  
фондга қабул қилиш ҳақидаги  
далолатнома шакли

20 \_\_\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_

далолатнома

Мазкур далолатнома 20 \_\_\_\_ йилнинг " \_\_ " \_\_\_\_\_ да

(далолатнома тузища қатнашаёттган шахсларнинг фамилиялари, исм-

шарифлари)

тomonidan

фондидан

(кутубхона номи)

сўмлик

нусха китобни (бошқа ҳужжатларни) китобхон  
йўқотганлиги сабабли чиқариш ва улар ўрнига \_\_\_\_\_

сўмлик

нусха китоб (бошқа ҳужжатлар)ни қабул қилиб олиш  
ҳақида тузилди.

Китоб (бошқа ҳужжатлар) рўйхати илова қилинади.

Комиссия аъзолари:

далолатномага доир напрлар ва бошқа ҳужжатлар рўйхати

Китобхон томонидан йўқотилган			Алмаштирилган				Китобхон фамилияси
Инвен- тар тартиб рақами	Муаллифи, сарлавҳаси, ҳужжатнинг нашр йили	Баҳоси сўм тийин	Инвен- тар тартиб рақам	Муаллифи, сарлавҳаси, ҳужжатнинг нашр йили	Баҳоси сўм тийин		

\*\*\*

Китоблар бизни ҳайратга солади, бизга сўзлаб беради, бизга маслаҳаттўй ва қандайдир жонли, мукаммал бир уйғунлик билан бизга боғланиб кетган.

*Ф.Петрарка*

\*\*\*

Китоблар ғоят зўр дўстларимиздир. Уларга ҳаётнинг ҳамма қийин дақиқаларида ҳам ишонса бўлади. Улар ҳеч вақт ҳиёнат қилмайди.

*A.Додэ*

\*\*\*

Китоблар жонсиз, аммо содик дўстлардир.

*В.Гюго*

**Кутубхона фондини текшириш ҳақидаги  
далолатнома шакли**

20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ "

далолатнома

20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ "

Биз, қуида имзо чекканлар, текшириш комиссиясининг раиси

(фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими)  
ва комиссия аъзолари

(фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими)

ушбу далолатномани шу ҳақда туздикки, биз 20 \_\_\_\_ йилнинг " \_\_\_\_ "  
дан " \_\_\_\_ " гача

(кутубхона номи)  
фондини \_\_\_\_\_  
текширдик.

(текшириш усули кўрсатилсан)

Қуидағи ҳужжатлар текширилди:

- Фондни 200 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ да ўтказилган олдинги текшириш далолатномаси;
- Кутубхона фондини ялпи ҳисобга олиш дафтари

в) Инвентар дафтари

г) Аввалги ва ҳозирги текширишлар оралиғида китоблар ва бошқа ҳужжатларни ҳисобдан ўчириш (чиқариш) далолатномалари

А) Китоблар ва бошқа ҳужжатларни китобларга берганликни тасдиқовчи  
ҳужжатлар \_\_\_\_\_

е) \_\_\_\_\_

ж) \_\_\_\_\_

Хужжатларни текшириш ва назорат талонларини якка тартибда ҳисобга олиш шакллари билан солиштириш натижасида аниқланди:

1. Ҳисобга олиш ҳужжатларига кўра ҳисобда:

АВД \_\_\_\_\_ китоблари \_\_\_\_\_ нусха

2. Мавжуд: АВД

kitoblari \_\_\_\_\_ nusxa

3. Етишмайди умумий қиймати \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сўм

тийин бўлган

(сўз билан)

Етишмайдиган китоблар, АВД ва бошқа ҳужжатлар далолатномага илова қилинади.

4. 20 \_\_\_\_ йилгача китобхонларга берилган китоблардан \_\_\_\_\_ нусхаси;

20 \_\_\_\_ йилгача берилганларидан \_\_\_\_\_ нусха қайтарилимаган.

5. \_\_\_\_\_ нусха китоб ва бошқа ҳужжатлар якка тартибда ҳисобга олиш шаклларида ҳисобга олинмаганилиги аниқланди.

6. Текшириш комиссиясининг хуносалари (ҳисобга олишнинг юритилиши, ҳисобга олиш ҳужжатларининг ҳолати, етишмайдиган ҳужжатлар, кўlda кўп ушланган китоблар ва ҳоказо).

7. Комиссиянинг таклифлари:

Имзолар:

Комиссия раиси \_\_\_\_\_

Комиссия аъзолари \_\_\_\_\_

*Халқ таълими вазирлигининг  
2009 йил 27 февралдаги  
«46» сонли буйругига 2-илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ПЕДАГОГ  
ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ АХБОРОТ-РЕСУРС  
МАРКАЗЛАРИ ТҮФРИСИДА**

**Н И З О М**

**I. Умумий қоидалар**

1. Халқ таълими вазирлиги тизимидағи педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ахборот-ресурс маркази – институтнинг илмий таркибий бўлинмаси саналади ва институт фаолиятидаги педагог ходимларнинг курсларда, курсгача ва курсдан кейинги фаолиятида уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ғоявий-сиёсий савиясини юксалтириш, ўқитувчи ва бошқа халқ таълими ходимларининг касб маҳоратини оширишга ёрдам беришга хизмат қиласди.

2. Ахборот-ресурс маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Халқ таълими вазирлигининг буйруқларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

3. Республика халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш, Республика илмий педагогика кутубхонаси, А. Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти Халқ таълими вазирлиги тизимидағи педагог ходимлар малакасини ошириш институтлари ахборот-ресурс марказлари устидан методик раҳбарлик қиласди.

## **II. АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

**4.Ахборот-ресурс марказининг асосий вазифалари кўйидагилар:**

вилоят Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг курс ва семинарлар тингловчилари, аспирантлар, маърузачи ва ўқитувчилар, хизматчилар ҳамда бошқа тоифа ўқитувчиларига уларнинг талабларига мувофиқ равишда, барча заҳиралардан фойдаланишга тўла ижозат бериш асосида тўлиқ ва зудлик билан тежамли равишда кутубхона, ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш;

якка тартибда ишлашнинг турли шакл ва методлари орқали тингловчиларнинг билимга бўлган қизиқишиларини ривожлантириш ва ўзига хослигини ўрганиш, фуқароликни, дунёқарааш маданиятини, яратувчилик меҳнати кўникмаларини ва ижодкорликни ривожлантириш учун қулай шароитни яратиш;

институт курс тингловчиларининг курс ва курс оралиқ таълим олишига кўмаклашиш;

Республика туман, шахар халқ таълими бўлимлари қошидаги услугият хоналари кутубхоналарига кутубхона — библиографик хизмат кўрсатиш ишини ташкил этишда услугубий ёрдам кўрсатиш;

ахборот-ресурс маркази фаолиятини институт кафедралари ва манфаатдор бўлимлар билан мувофиқлаштириш;

институт ходимлари, тингловчилар ва педагоглар жамоаси орасида миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларни, халқ таълим мининг ютуқлари, илғор таълимий тажрибалар ёритилган манбаларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имкониятлар яратиш;

ахборотларга бўлган талабларга мувофиқ ҳар қандай фондлардан кенг фойдаланган ҳолда янги ахборот технологиялари (маълумотларнинг электрон базалари, интернет ресурслари) асосида тингловчиларга зарур дараҷада ахборот хизмати кўрсатиш;

кутубхона-ахборот жарабёнларининг замонавий технологияларини ва компьютерлаштиришни жорий этиш асосида ишларни такомиллаштириш;

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасига ва фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ахборот-кутубхона фондини шакллан-

тириш, маълумотлар қидириш аппаратини, маълумотлар базаларини, электрон каталог ва картотекаларни ташкил этиш ва юритиш;

маданий, таълим, ахборот ва бошқа дастурлар, лойиҳалар, акцияларни биргаликда амалга ошириш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳужжатларга ва ахборотларга эҳтиёжларини яна да тўлиқ қондириш учун АРМлар, ахборот-кутубхона марказлари, кутубхоналар, таълим муассасалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий маданий марказлар билан ҳамкорликни, фаолиятни мувофиқлаштириш ва кооперациялашни ривожлантириш;

ахборот-ресурс маркази хизматлари рўйхатини кенгайтириш, уни техник жиҳозлаш, кутубхона-ахборот жараёнларини компьютерлаштириш асосида хизматнинг сифатини ошириш;

### **III. АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИННИГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ**

#### **5. Ахборот-ресурс марказининг асосий функциялари:**

таълим олувчиларнинг китобхонлик доирасини кенгайтириш, уларда китоб ўқиши маданиятини, нормаларини, муносабатини шакллантиришга кўмаклашади;

таълим муассасалари педагогик ходимларининг касбий даражаларини ошириш, уларнинг ижодий фаоллигига кўмаклашиш, улар кучини қўшимча таълим тизимини такомиллаштиришга бирлаштиради;

тингловчиларнинг билим эгаллаши, ижодий қобилиятларини кенгайтириш мақсадида ахборот-ресурс маркази жамғармасини шакллантириш, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ҳамда китобхонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди;

барча соҳа ва ихтисосдаги педагог ходимларнинг педагогик маҳоратини оширишга ёрдам берувчи адабиётларни тарғиб қилиш; таълим муассасалари раҳбарларини тарбиянинг миллий ўзига хослигига, миллий анъаналарга, маданиятга, кўп миллатли жаҳон маданиятига асосланган фаолият соҳасига доир адабиётлардан хабардор этиб туради;

tinglovchilar орасида кутубхоначилик-ахборотга оид билимларни тарғиб қилиш, педагогик ходимларнинг кутубхоначилик-библиография саводхонлигини оширишга ёрдам беради;

халқ таълими вазирлиги тизимидағи педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ахборот-ресурс марказлари педагогик ходимлар ва бошқа тоифадаги ишчиларга иш режасига мувофиқ хизматни ташкил қиласы;

ахборот-ресурс маркази ўз мазмунига кўра: таълим, тарбия ва ахборот вазифаларига жавоб берадиган соҳалар бўйича кутубхона жамғармасини шакллантиради. Ахборот-ресурс маркази жамғармасини китоблар, рисолалар, даврий нашрлар ва ахборотнинг бошқа ноанъанавий манбалари билан бойитади. Марказни педагог ходимлар учун нашр этилган синф ва синфдан ташқари ишлар, илмий-педагогик, методик адабиётлар билан (дастур, қўлланмалар), малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаси жамоалари фаолиятини ташкил этишга доир илмий, маълумотнома ва бадиий адабиётлар билан бойитади;

фондларни тўлдириш режаларига тузатишлар киритиш, Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ахборот-ресурс маркази учун адабиётлар чиқаришни режалаштириш ҳамда фойдаланувчиларнинг ва фондлар таркибининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқлаштириш мақсадида китобхонлар талаби қондирилиши даражасини ўрганади. Барча тоифадаги фойдаланувчиларнинг ўқув ва илмий-оммабоп адабиётлар билан тъминланганлигини таҳлил қиласы; Илфор ахборот-кутубхона технологиясини, тадқиқот ишлари натижаларини жорий этади. Китобхонлар қизиқишиларини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқотлар ўтказади;

ахборот-ресурс маркази ўз фондини жойлаштириш, уларни сақлаш ва сақланиши тартибини амалга оширади;

амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ мазмун жиҳатдан эс-кирган, соҳага тўғри келмайдиган адабиётлар тезкорлик билан фонддан чиқарилади;

фондларни кўп соҳали библиографик акс эттириш ёрдамида анъянавий ва электрон манбаларда каталоглар ва картотекалар тизимини юритади;

китобхонларга автоматлаштирилган режимда тезкорлик билан турли хизматлар кўрсатиш имконини берадиган республика йифма каталогларини, шу жумладан электрон каталогларни тузища қатнашади;

китобхонларга кутубхона хизматини амалга ошириш: китобхонларга қироатхонада фонддаги китоб, даврий нашрлар беришни йўлга кўяди. Пуллик кутубхоначилик-ахборот хизматларини

тақдим этади (пуллик хизмат турлари ва шакллари кутубхона раҳбари томонидан белгиланади. Ахборот-ресурс марказида кўрсатилган пуллик хизмат тўғрисидаги Низом институт ректори томонидан институт уставига мувофиқ тасдиқланади).

ахборот-ресурс маркази ўз фондида мавжуд адабиётларга эҳтиёж бўлган институт ходимларига, тингловчиларга, илмий ходимларга, жумладан, барча китобхонларга хизмат кўрсатади;

ахборот-ресурс маркази Халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти машғулотлари дастурини тарғиб қилиш ва такомиллаштиришга, шунингдек, муаллифлар дастурини чиқариш, бирлашмалар иш шакли ва мазмунини бойитишга қаратилган вазифаларни олиб боради.

#### **6. Ахборот-ресурс маркази қўйидагиларни амалга оширади:**

адабиётларни якка тартибда ва оммавий шаклларда тарғиб қиласди (тематик китоб кўргазмалари, адабиёт янгиликлари обзори, адабий савол-жавоб ўйинлари, кечалар, анжуманлар, учрашувлар);

халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимларини марказга янги келган адабиётлар кўргазмаси билан мунтазам ва гуруҳли ахборотлар бериб бориш ишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан таълим /Педагогика/ фани ва халқ таълим мининг долзарб муаммолари бўйича чоп этилган ретроспектив илмий-ахборот ва тавсиявий библиографик асарларнинг шартли нусхаларини олади;

мактаб дарслклари заҳиралари бўйича туман, шаҳар ХТБ қошидаги услубиётчилар, мактаб кутубхоналари назоратчилари малакасини оширишга кўмаклашади. Улар билан мактаб кутубхонаси ишини мувофиқлаштириш, педагогик адабиётларни тарғибот қилиш, ахборот-ресурс марказларига услубий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича иш олиб боради;

ахборот-ресурс марказлари ходимлари малакасини ошириш ишларида иштирок этади: курсларнинг ўқув-мавзувий режалари ва дастурлари ишлаб чиқишга кўмаклашади, марказни юритишнинг алоҳида муаммолари бўйича курсларга маърузачи – ўқитувчилар таркибини тайёрлашда қатнашади;

ҳар йили услубиёт ишлари режаларини мувофиқлаштиради;

ахборот-ресурс марказлари ходимларининг тажриба алмашуви ва малака ошириш бўйича семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этади;

малака ошириш институтлари ахборот-ресурс марказлари, республика ахборот-ресурс марказлари ва тизим кутубхоналар фаолиятининг энг муҳим масалалари бўйича таклифларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гурӯҳлар ташкил этади, шунингдек мутахассислар ва илмий ходимларни ушбу комиссиялар ва гурӯҳларда ишлашга жалб этади;

малака ошириш институтлари ахборот-ресурс марказларини ривожлантиришга доир илмий-техник лойиҳаларни қўллаб-куватлаш ёки рад этиш бўйича эксперт хулосалари ва тавсиялар беришга кўмаклашади;

Институт ахборот-ресурс маркази ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради ва ҳар йили Республика илмий педагогика кутубхонасига ҳисобот беради.

#### **IV. БОШҚАРУВ. ИШ ЎРИНЛАРИ. МОДДИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЪМИНОТ**

7. Ахборот-ресурс марказининг иш ўринлари, бошқаруви ва моддий таъминоти:

ахборот-ресурс маркази мудири институт ректорининг бевосита раҳбарлигида марказ ишини назорат қиласди. Ахборот-ресурс маркази иш тартиби меҳнат қонунчилигига биноан институт раҳбарияти томонидан белгиланади;

марказ ходимларининг штатлари халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари штат жадваллари таркибида бўлиб, лавозим маошлари амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ тайинланади;

ахборот-ресурс маркази учун ~~төнишли~~ маблағлар институтнинг харажатлар сметасида кўзда тутилади;

марказ мудири олий маълумотга ҳамда 5 йил кутубхоначилик соҳасида амалий иш тажрибага эга бўлиши шарт;

марказ мудири кутубхонадаги барча жиҳозларга моддий жавобгар ҳисобланади ва ўзига топширилган барча ишларга масъуллариди;

марказ мудири ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш ва китоб фондини сақлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мақсадида марказ (қироатхона, абонемент, ом-

борхона) учун белгиланган санитария-гигиена қоидаларига мос кўриқлаш ва ёнинга қарши воситалар билан таъминлаш юзасидан чоралар кўради;

халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этиш ишларини марказ мудири ёки иш натижаларига жавобгар бўлган кутубхоначи вазифасини бажарувчи шахс амалга оширади;

марказ иш режаси Халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти таълим-тарбиявий ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор мувонидан тасдиқланади;

марказ мудири ўз малакасини А.Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтида З йилда бир марта мунтазам ошириб боради, семинарларда доимий равишда қатнашади;

мехнат интизомини бузган тақдирда марказ ходимлари меҳнат қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

марказ ходимлари фаол меҳнатлари учун халқ таълими ходимлари учун кўзда тутилган мукофотлар билан тақдирланадилар.

## V. АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИННИГ ҲУҚУҚЛАРИ

институтдан турли муассаса, ташкилотларга вакил бўлиш, кутубхоначилик ва ахборот — билиографик масалалар бўйича илмий конференциялар, кенгаш ва семинарларда бевосита қатнашиш;

институтнинг ўқув режаларида, дастур ва мавзуномалари, илмий услубий ва илмий тадқиқот ишлари билан танишиш. Унинг бўлимларидан марказ олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни олиш;

бошқа ахборот-ресурс марказлари, кутубхона ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда ёзишмалар олиб бориш;

марказга тақдим этилган ажратма маблағларни тасаррuf этиш;

ходимларнинг белгиланган умумий миқдори ва иш ҳақи умумий заҳираси доирасида тузилма ва штат тўлдирмаси тўғрисида институт ректори томонидан тасдиқланган таклифларни ишлаб чиқиш;

белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш заҳираси ва амалдаги жадвалларга мувофиқ лавозим маошларини белгилаш ва ўзgartириш;

## VI. КУТУБХОНАЧИЛИК КЕНГАШИ

Ахборот-ресурс марказларига, кутубхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш ва марказ ишига доир долзарб масалаларни кўриб чиқиши учун маслаҳат кенгашини тузиш мумкин. Кенгаш ҳақидаги Низом институт томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Кенгаш таркибиға институт ва марказ ходимлари, педагоглар жамоасидан вакиллар киради;

кенгаш ўз фаолиятида, институт тингловчиларига, ходимларига, курсларнинг фаол аъзоларига, уларнинг маслаҳатли ишларида иштирок этиши, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, жамғармани шакллантириш каби жараёнларга жалб этади.

\*\*\*

Педагогик эътиқодимнинг асосларидан бири – китобнинг тарбиявий кучига чексиз ишонишимда. Мактаб, энг аввало, китоб демакдир. Тарбия – энг аввало яхши сўз, китоб, жонли инсоний муносабатлардан иборат. Китоб – қудратли қурол. Доно, қўтарики руҳ билан ёзилган китоб кўпинча инсон тақдирини ҳал этади.

*B.A. Сухомлинский*

\*\*\*

Китобни қадрламоқ керак, бу тафаккур қасрига иззат-эҳтиром билан қадам қўймоқ лозим.

*A.И. Герцен*

\*\*\*

Ким китобни севса, у ҳеч қачон содик дўсти, халоскор маслаҳатгўйи, кувноқ биродари, ҳақиқий юпатгувчиси йўқлигини сезмайди. Ўқиши, ўрганиш, фикр юритиш билан одам ўзини беихтиёр овутади ва бўш вақтини ҳамиша, ҳатто тақдирнинг барча кутилмаган ҳолларида ҳам кўнгилли ўтказади.

*I.Барроу*

*Халқ таълими вазирлигининг  
2003 йил 22 июлдаги  
«119» сонли буйруғига 2-шлова*

## **МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ КУТУБХОНАЛАРИ ТҮГРИСИДА Н И З О М**

1. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари қўшимча таълимнинг таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараёнларни китоблар, ҳужжатлар, ахборотлар билан мумкин қадар тўла ва самарали таъминлаб туради.

2. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим түгрисида»-ги қонунига, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг кутубхоначилик ишларини ташкил этиш, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб бориш масалаларига доир чиқарган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга, муассаса ҳақидаги Низомга, мазкур Низомга амал қиласди.

3. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари таълим, маданият муассасалари билан, мактабнинг педагогик ходимлари ва болалар тарбиясига мутасадди жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида, китобхонларнинг ахборот эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ахборотлар билан тўла ва тезкор қондириш мақсадида иш олиб боради.

4. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналарига методик раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика илмий педагогика кутубхонаси амалга оширади.

5. Ушбу «Низом» мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналарига қўйиладиган умумий талаблар даражасини белгилаб беради. Шунга кўра ҳар бир йўналишдаги таълим муассасаси олдида турган вазифалар ва иш мазмуни, хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда аниқлаштирилади.

## **II. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР**

2.1. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари: якка тартибда ишлашнинг турли шакл ва методлари орқали ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишлиарини ривожлантириш ва раф-

батлантириш учун ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва ўзига хослигини ўрганади, фуқароликни, дунёқараш маданиятини, яратувчилик меҳнати кўнималарини ва ижодкорликни ривожлантириш учун қулай шароитни яратади.

2.2. Тарбияланувчиларнинг индивидуал ва ижодий қобилиятларини кенгайтиради, уларнинг ўз-ўзини англаши, тарбиялашини рагбатлантиради.

2.3. Китоб мутолаа қилиш орқали бола шахсини ривожлантириш, билимга ва ижодга бўлган қобилиятини ўстириш, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш учун шароитлар яратади.

2.4. Тўтарак аъзолари ва педагоглар жамоаси орасида республикамиз эришган кўп асрлик маданий, тарихий ва илмий ютуқларга асосланган ҳолда анъанавий миллий тарбияни ривожлантиришга ёрдам берувчи адабиётларни тарғиб қиласди.

2.5. Таълим олаёттганларнинг китобхонлик доирасини кенгайтириш, уларда китоб ўқиш маданиятини, нормаларини, муносабатини шакллантиришга кўмаклашади.

2.6. Таълим муассасалари педагогик ходимларининг касбий даражаларини ошириш, уларнинг ижодий фаоллигига кўмаклашиш, улар кучини қўшимча таълим тизимини такомиллаштиришга бирлаштиради.

2.7. Ўқувчиларнинг билим эгаллаши, ижодий қобилияtlарини кенгайтириш мақсадида кутубхона жамгармасини шакллантириш, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ҳамда китобхонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди.

2.8. Барча соҳа ва ихтисосдаги педагогик ходимларнинг педагогик маҳоратини оширишга ёрдам берувчи адабиётларни тарғиб қилиш; Болалар жамоалари раҳбарларини тарбиянинг миллий ўзига хослигига, миллий анъаналарга, маданиятга, кўп миллатли жаҳон маданиятига асосланган фаолият соҳасига доир адабиётлардан хабардор этиб туради.

2.9. Тўтарак аъзолари орасида кутубхоначилик-ахборотга оид билимларни тарғиб қилиш, педагогик ходимларнинг кутубхоначилик-библиография саводхонлигини оширишга ёрдам беради.

2.10. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари педагогик ходимлар ва бошқа тоифадаги ишчиларга иш режасига мувофиқ хизматни ташкил қиласди.

2.11. Кутубхона ўз мазмунига кўра: таълим, тарбия ва ахборот вазифаларига жавоб берадиган соҳалар бўйича кутубхона жамгармасини шакллантиради. Кутубхона жамгармасини китоблар, рисо-

лалар, даврий нашрлар ва ахборотнинг бошқа ноанъанавий манбалари билан бойитади. Кутубхона, болалар ва педагог ходимлар учун нашр этилган синфдан ташқари ишлар, илмий-педагогик, методик адабиётлар билан (дастур, қўлланмалар), мактабдан ташқари таълим муассасаси жамоалари фаолиятини ташкил этишга доир илмий маълумотнома ва бадиий адабиётларни жамлайди.

2.12. Кутубхонани адабиётлар билан жиҳозлашда «Вилоят китоб савдоси» ҳиссадорлик жамияти, шунингдек «Вилоят ўқувтаълимтаъминот» корхонаси, китоб дўконларидан фойдаланади. Муассаса кутубхонаси китоб жамғармасини тўлдиришда, йўқолгандарни учун айирбош қилинган китоблар, ҳомийлик ёрдами маблағлари ҳисобидан олинган адабиётлар ёрдамчи манбалар бўлиб хизмат қиласди.

2.13. Кутубхона ўз жамғармасини жойлаштириш, уларни сақлаш ва сақланиш тартибини амалга оширади.

2.14. Амал қилинаётган меъёрий хужжатларга мувофиқ мазмун жиҳатдан эскирган, соҳага тўғри келмайдиган адабиётлар тезкорлик билан жамғармадан чиқарилади.

2.15. Кутубхона каталоглар, картотекалар ва маълумотнома-библиографиялар жамғармасини ўз ичига оладиган маълумотнома-библиография аппаратини ташкил этади ва юритади.

Кутубхонага кўйидаги маълумотнома-библиография аппаратини ташкил этиш тавсия этилади:

- алфавит каталоги;
- систематик каталог (соҳа каталоги);
- болалар учун мўлжалланган адабиётларнинг тизимли каталоги (гуруҳларнинг ёши бўйича);
- болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилувчиларга мўлжалланган адабиётлар тизимли каталоги;
- ҳалқ таълими муаммолари бўйича газета-журнал мақолаларининг тизимли каталоги.

2.16. Китобхонларга кутубхона хизматини амалга ошириш: китобхонларга қироатхонада жамғармадаги китоб, даврий нашрлар беришни йўлга кўйиш.

2.17. Кутубхона ўз жамғармасида мавжуд адабиётларга эҳтиёж бўлган мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимларига, болалар жамоалари аъзоларига, жумладан барча китобхонларга хизмат кўрсатади.

2.18. Кутубхона мактабдан ташқари таълим муассасаси машгулолари дастурини тарғиб қилиш ва такомиллаштиришга, шу-

нингдек, муаллифлар дастурини чиқариш, бирлашмалар иш шакли ва мазмунини бойитишга қаратилган вазифаларни олиб боради.

**2.19. Кутубхона қўйидагиларни амалга оширади:**

— адабиётларни якка тартибда ва оммавий шаклларда тарғиб қиласи (тематик китоб кўргазмалари, тўгараклар, адабиётлар янгиликлари обзори, адабий савол-жавоб ўйинлари, кечалар, анжуманлар, учрашувлар);

— атрофдаги мактабларда, маҳаллаларда, болаларнинг ёзги таътили даврида соғломлаштириш оромгоҳларида кутубхоначилик ишини ташкил этади;

— мактабдан ташқари таълим муассасаси ходимларини кутубхонага янги келган адабиётлар кўргазмаси билан мунтазам ва гуруҳли ахборотлар бериб бориш ишини амалга оширади.

**2.20. Кутубхона китобхонларга доимий хизматни амалга оширади.** Тўгараклар йўналишига, ёшига, қизиқишига қараб ўқувчилар китобхонлигига бошлиқ қиласи; уларда ўз билимини мустақил бойиши, адабиётлар ва маълумотномалардан фойдалана билиш кўникмасини шакллантиради.

**2.21. Таълим муассасалари кутубхоначилари кутубхона фаолларини жалб этган ҳолда, ўқувчиларни кутубхона ишига жалб этади.**

### **III. БОШҚАРУВ. ИШ ЎРИНЛАРИ. МОДДИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЪМИНОТ**

**3.1. Кутубхоначи муассаса директорининг бевосита раҳбарлигига кутубхона ишини назорат қиласи.** Кутубхона иш тартиби меҳнат қонунчилигига биноан муассаса раҳбарияти томонидан белгиланади.

**3.2. Мактабдан ташқари таълим муассасалари кутубхоначи ходимларининг штатлари ва лавозим маошлари амалдаги хужжатлар, маданий-оқартув муассасалари раҳбарлари ва мутахассислари учун белгиланган ягона тариф ставкаларига мувофиқ тайланади.**

**3.3. Кутубхона мактабдан ташқари таълим муассасасининг тегишли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**3.4. Кутубхона мудири (кутубхоначи) олий маълумотга эга бўлиши шарт.**

**3.5. Маъмурият ишларини ташкил этиш ва жамғармани сақлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ку-**

тубхона (қироатхона, абонемент, омборхона) учун белгиланган санитария-гигиена қоидаларига мос қўриқлаш ва ёнфинга қарши воситалар билан таъминлаш юзасидан чоралар кўради.

3.6. Кутубхона мудири (кутубхоначи) кутубхонадаги барча жиҳозларга моддий жавобгар ҳисобланади ва ўзига топширилган барча ишларга масъулдир.

3.7. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари фаолиятини ташкил этиш ишларини кутубхона мудири ёки иш натижаларига жавобгар бўлган кутубхоначи вазифасини бажарувчи шахс амалга оширади.

3.8. Кутубхона иш режаси мактабдан ташқари таълим муассасаси таълим-тарбиявий ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор муовини томонидан тасдиқланади.

3.9. Кутубхона мудири ўз малакасини ўқитувчилар малакасини ошириш институтида 5 йилда бир марта мунтазам ошириб боради, семинарларда доимий равишда қатнашади.

3.10. Меҳнат интизомини бузган тақдирда кутубхона ходимлари меҳнат қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

3.11. Кутубхона ходимлари фаол меҳнатлари учун халқ таълими ва маданият ходимлари учун кўзда тутилган мукофотлар билан тақдирланадилар.

#### IV. КУТУБХОНАЧИЛИК КЕНГАШИ

4.1. Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналарида амалий ёрдам кўрсатиш ва кутубхона ишига доир долзарб масалаларни кўриб чиқиши учун маслаҳат кенгашини тузиш мумкин. Кенгаш ҳақидаги Низом муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Кенгаш таркиби кутубхона ходимлари, педагоглар жамоасидан вакиллар, тўғарак аъзолари, фаол ота-оналар киради.

4.2. Кенгаш ўз фаолиятида мактабдан ташқари таълим муассасалар ходимларига, тўғаракларнинг фаол аъзоларига, уларнинг маслаҳатли ишларида иштирок этиши, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, жамғармани шакллантириш каби жаёнларга жалб этади.

*Д. Фаниева Республика  
иимий педагогика кутубхонаси директори*

## **АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ҚҰЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

Таълим мазмуни комплекс билимларни ўз ичига олади. Уларни пухта ұзлаштириш күплаб ахборот манбаларига асосланади. Айниқса, ҳозирги компьютерлар, интернет каби алоқа воситалари таълим жараёнинга кенг кириб бораёттан бир вақтда ахборотлар билан яқындан ошно бўлиш муҳимдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларида ахборот хизматини йўлга қўйиш таълим дастурларини амалга ошириш билан бирга, умумий кутубхоначилик тармоғини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ахборот-ресурс маркази мактаб ичидаги янгиликларни ёйища мактаб билан жамият ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Шу тариқа у ўкувчиларни зарур ахборотлар билан куроллантириб боради.

Ахборот-ресурс маркази деганда мактабда марказлаштирилган ҳамда тўпланган босма ва аудиовизуал материаллар йиғиндиси тушунилади. У компьютер ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида қўшимча ахборот манбалари ва материалларига кириш имконини беради.

Ахборот-ресурс маркази фаолияти дастури ўқитувчи ва ўкувчилар томонидан ўқув дастурига мувофиқ тўпланган аудиовизуал материалларни ўз ичига олади ҳамда мактабдаги педагогик ишларнинг асосий қисми ҳисобланади. Ахборот-ресурс маркази дастуридаги индивидуал ва технологик манбалар ўқитувчилар, мединатека мутахассислари ҳамда ўкувчилар ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлайди.

Мактаб фаолияти мақсадларига қаратилган дастурларни амалга оширишда Ахборот-ресурс маркази асосий восита бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Унинг аҳамияти қуйидаги ҳолатларда шаклланади:

1. Таълимни такомиллаштириш мақсадида ўқитувчилар билан Ахборот-ресурс маркази мутахассислари ҳамкорлиги.
2. Барча ўқитувчи ва Ахборот-ресурс маркази мутахассисларининг ахборотлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш ҳамда шу асосда уларни ўкувчиларнинг зарур эҳтиёжига татбиқ этишининг умумий мактаб стратегияси.

3. Ўқишига ўргатиш, шунингдек, визуал тарбия беришни йўлга кўйиши.

4. Ўкув вазифалари ва индивидуал эҳтиёжни адо этиш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчиларни зарур материаллар билан ўз вақтида куроллантириш.

5. Таълимий ва индивидуал эҳтиёж ҳамда қизиқиши қондириш мақсадида ахборотлар ва уларнинг фойдалилигини баҳолашга оид ахборотларни таҳлил қилиш тажрибасини такомиллаштириш.

6. Ўқувчилар ҳаёт тажрибасини бойитиш ҳамда уларни маданият бойликлари билан таништиришга хизмат қилувчи тадбирларни (адабиётлар ёрдамида) ўтказиши.

Бу каби фаолият турлари ўқитувчи ва ўқувчиларни билимларнинг барча соҳаларига доир энг яхши босма ва аудиовизуал материаллар билан таништиришга ёрдам беради, ҳалқимизнинг маънавий-ахлоқий мероси, аждодларимизнинг илмий меросини ўрганишга ҳамда уларни ўқув-тарбия жараёнларига татбиқ этишига ёрдам беради.

Ахборот-ресурс маркази ўкув жараёнига ахборотларни татбиқ этишда ўқитувчи ва ўқувчиларга кўмаклашади, педагогик масалаларни белгилаш учун хизмат қиласиган материалларни тайёрлашда ўқитувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Шунингдек, турли ахборот характердаги материаллардан фойдаланилган ҳолда синф тадбирларини тайёрлашга эришилади.

Бошлангич мактабданоқ Ахборот-ресурс маркази дастурларни татбиқ этиш, ахборотларни излаш ва ўзлаштириш кўникмасини барвакт шаклантиришга олиб келади. Ахборот-ресурс маркази ишларини ташкил этиш ва такомиллаштириш учун ҳар йили зарур маблағ талаб қилинади. Шу сабабли молиявий бюджет ташкилоти Ахборот ресурс марказини ривожлантиришга мақсадли маблағларни ажратиб бориши керак.

Ахборот-ресурс марказини тузишдаги биринчи муҳим босқич Ахборот-ресурс марказини ташкил этиш ва унинг ишларини реjalаштиришни таъминлашга қобилиятили бўлган малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳисобланади.

Ахборот-ресурс маркази мутахассиси таълим соҳасидаги методик ишлар талабларини яхши биладиган бўлиши, кутубхоначилик ишидан тажриба орттирган, шунингдек турли ахборот ва менежментдан яхши хабардор бўлиши: адабиётларни менежментдан яхши хабардор бўлиши: адабиётларни менежментлик бўйича ўрганувчи ҳамда компьютерда иш юритишни билиши керак. Ахборот-ресурс маркази раҳбари бюджет буюртмаларини асосли ра-

вишда туза билиши ва ажратилган молиявий маблағларнинг сар-фланиши тұғрисида ҳисобот беришга тайёр бўлиши даркор.

Кўшимча ўқиши ва амалий кўникмадан ўтган малакали кутубхоначи талаб даражасида ишлаши мумкин. Мактаб кутубхонаси бўйича кўшимча ўқиган ва малака ҳосил қилган ўқитувчи ҳам малакали мутахассис сифатида фаолият кўрсата олади. Ортирилган тажриба Ахборот-ресурс марказида таълимий вазифаларни адо этишда намоён бўлади.

Ахборот-ресурс марказида мактаб ўқитувчилари ва ўкувчила-рининг кўнгиллик ёрдамлари унинг фаолиятини юргазишида са-марали ёрдам беради. Бу эса ўқитувчиларнинг шу соҳа бўйича индивидуал иш кўникмаларини ўстиришида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Ахборот-ресурс маркази мактабнинг ахборотлар маркази ҳисобланади. Ахборот-ресурс маркази ўкувчиларда ахборотларни тўплаш, уларда ахборотларга мурожаат қилиш ва ахборот манбалари билан ишлаш кўникмасини ўстиришида муҳим ўрин тутади. Ҳар бир ало-ҳида ўкувчининг билимини кенгайтириш ҳамда таълим жараёнида ахборотларни излаш ва улардан фойдаланиш мақсадида ахборот-ларнинг келиб тушишини таъминлаш марказнинг асосий вазифа-си ҳисобланади. Кўплаб ахборот манбаларига эга бўлиши учун ки-тобхонларни турли ахборот манбалари билан муомала қилишга ўргатиш марказ ходимига қўйиладиган касбий талабдир.

Шунга мувофиқ марказ мутахассислари ахборотлар бўйича мутахассис сифатида даъват этилганлар.

Ахборот-ресурс маркази мутахассисининг ахборот фаолияти-ни адо этиши учун қўйидаги малакали талаблар қўйилади:

- мактаб ўкув дастури талабига жавоб берувчи ахборот манбаларини танлашни таъмин этувчи режани ёзма равишида баён эта билиш;
- мактабда ахборот хизматини ривожлантира билиш;
- ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ва қизиқишини ўрганиш ва баҳолай билиш;
- ахборот хизматининг муқобил тизимини режалаштириш;
- ўкувчи ва ўқитувчиларга ёрдам тариқасида ахборот манба-лари ва библиографияси бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш;
- ўзлаштирилган ахборотларни сақлашда илфор технология ютуқларидан фойдалана билиш;
- ахборотларни излаш жараёнида ўкувчилар эҳтиёжини ўрга-нишни таҳлил қилиш кўникмасини ўстириш;
- ахборот кўникмаларига мунтазам ўргатиш воситасида ах-

борот манбаларидан самарали фойдаланишда ўқитувчи ва ўкувчиларга ёрдам күрсатиш;

– рисола, мақола, иллюстрация, фотонусча каби материаллар асосида жамгармани бойита билиш;

– мактабдан ташқари ахборот манбаларидан биргаликда фойдаланиш имконини берувчи ахборот тармоғи билан Ахборот ресурс марказини боғлаш.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, Ахборот-ресурс маркази учун китоблар, даврий нашрлар, журналлар, микрофильмлар, слайдлар, грампластинкалар, аудио ва видеоёзувлар муҳим ахборот манбалари бўлиб қоладилар.

Марказнинг вазифаси мактабнинг ахборот жҳтиёжини қондириш учун кулай шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Ана шу ўкув муҳитини яратиш учун Ахборот-ресурс марказининг низоми бўлиши лозим. Мактаб марказидаги асосий ишлар ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг эътиборини ўзига тортадиган масалаларга қаратилмоғи керак. Бинобарин, асосий фондлари ўқитишида марказий, билимлар эса жамият ривожида муҳим ўрин тутади.

## **Ахборот-ресурс марказини режалаштириш ва жойлаштириш**

Ахборот-ресурс маркази имкониятига қараб, бинонинг биринчи қаватида, шовқинли жойлардан (ўйин майдончалари, мусиқа машғулотлари ўтказиладиган синфхоналар ва ҳоказолар) узоқроқда жойлашган бўлиши керак. Унда иситиш, вентиляция ва сантехника тармоқлари намунали ишлаётган бўлиши шарт. Марказ оқшомлари ҳамда таътил кунлари ҳам фаолият кўрсатиши учун, унинг кулай ва хавфсизлик чора-тадбирларини мактаб маъмурияти олдиндан кўриб қўйиши керак.

Ахборот-ресурс маркази учун табиий ёруғликнинг ўзи етарли бўлмайди. Сунъий қўшимча ёруғлик қия ва тўғри нурлар орқали ўтиб, юқоридан берилиши лозим.

Ахборот-ресурс маркази тоза, кенг, айни вактда тартибли кўринишга эга бўлиши керак. Ахборот-ресурс маркази ички қисмини бадиий қилиб безаш муҳимdir. Ўсимликлар, аквариумлар, санъат асарлари билиш ва дам олиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, хоналарнинг ички кўринишини бойитади.

Марказда хоналар катта ва кичик зоналарга бўлинib, китобхонларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун кулай шароит яратиш керак.

Ахборот-ресурс марказининг энг катта хонаси қироатхона ҳисобланиб, ўқишидан ташқари мусиқаларни тинглаш ва телевизор, видео кўрикларни ўтказиш хонаси сифатида ҳам фойдаланилади. У квадрат ёки тўғри бурчакли шаклда бўлиб, томошаларни кўриш учун қулайлик туғдиради.

Айтайлик, бир вақтнинг ўзида столларга мактаб ўқувчилари нинг ўн фоизи ўтирадиган бўлса, бир китобхонга 3,72 кв.метр майдон ажратилади. Марказ ходимининг столи хонага киришидан кўриниб туриши ҳамда маълумотнома-библиографик аппарат қаторидан ўрин олмоги керак.

Нусха кўчириш аппарати учун кенгроқ жой ажратилиши даркор.

Ўқув зали ёнида фойдаланувчилар компьютер дастурлари жамғармасидан фойдаланиб ўз билимларига аниқлик киритиш ва умумлаштириш бўйича мустақил равишда ахборот олишлари мумкин бўлган компьютер зонаси. Бу ерда электрон почта орқали ахборот алмашиш, маълумотларнинг ахборот ва таълим базаларидан фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқариш зонаси бажариладиган ишга қараб, бир кишига 3 квадрат метр майдонни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Видеоахборотлар билан гуруҳли ва якка тартибда ишлаш учун мўлжалланган видеотека. Слайдлар, диафильмлар, диапозитивларни якка тартибда кўриб чиқиш ҳамда фондо ва магнит ёзувлари билан ишлаш учун мўлжалланган фототека майдончаларининг бўлиши ҳамда кичик ёщдаги болажонлар учун алоҳида бурчакнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Китобхонларга бериладиган ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш учун бир ходимга мўлжалланган 10 – 12 кв.метр майдонча ҳамда уларга мослаштирилган турли шкафлар ҳам жойлашади. Мазмунан ҳамда жисмонан эскирган адабиётларни сақлаш учун алоҳида хона, дарсликларни сақлаш учун алоҳида хонанинг ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ахборот-ресурс маркази мебели мустаҳкам, енгил, ташқи кўриниши эътиборли, фойдаланувчилар учун жуда қулай бўлиши керак. Стол, стул, ёзув столи, шкаф ва жавонлар, компьютер учун маҳсус стол асосий мебель предметлари ҳисобланади.

Ахборот-ресурс марказида, секцион конструкцияли (каталогли бюро) шкафи олиниши зарур.

Марказни тузишга киришиш жараёнида ишлаб чиқариш зонасига кўйидаги жиҳозлар сотиб олинган бўлиши керак: 6 та компьютер принтери билан, нусха кўчирувчи аппарат, телевизор, видео-аудио аппаратура, кондиционер, видеоплеер ва видеока-

мера, эълонлар учун доска, проектор экрани билан, электрон дарсликлар, дастурлар керак бўлади.

## Жамғармалар

Марказ китоб жамғармасини ҳажмига қараб жамлаш муҳим вазифалардан биридир. Айни вақтда жамғарма турли босма ва аудиовизуал материалларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Материалларни танлаб олиш марказ мутахассислари билан биргалиқда мактаб директори, ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирокида амалга оширилади.

Ахборот-ресурс маркази энциклопедик, изоҳли, соҳавий луғат нашрлари, ўқув дастурига тааллуқли ўқув адабиётлари билан таъминланиши даркор. Бундай адабиётлар рўйхатига географик, сиёсий, иқтисодий, тарихий атласлар, календарлар, библиографик маълумотнома, турли билимларга доир маълумотнома нашрларини киритиш мумкин. Мактаб дастурларига мувофиқ таълимиy ва dam олиш мақсадларида самарали фойдаланиши мумкин бўлган даврий нашрлардан бир нечтасини олиш тавсия қилинади. Бинобарин, бу хил нашрлар мактабда ўқитиладиган фанларга мумкин қадар мос келиши керак.

Олинадиган газеталар маҳаллий кундалик, пойтахт, минтақа, миллий ва чет тиллар газеталаридан иборат бўлмоғи даркор. Улар бир нусхадан бўлади.

Рисолалар, нусха қилиб кўчириб ёки қирқиб олинган мақолалар, хариталар мажмуаси, географик ёки иллюстратив материаллар қофоз қутича ёки полкаларда сақланади. Улар тематик рангбаранг бўлиб, долзарблиги билан ажralиб туради, узоқ вақт сақланмайди ҳамда Инвентаръизация қилинмайди ва каталогларга киритилмайди. Коллекцияларга янги материаллар ва даврий нашрларни киритиш китоб фондини бойитади. Марказларга расмий нашрлар жуда кам олинади.

Атласлардаги хариталардан ташқари марказда муайян ҳудуд, минтақа, Ер юзининг сиёсий ва физик хариталари тўплами бўлиши лозим. Марказ ўқитувчилари ва мутахассисларига ёрдам тарикасидаги материаллар – ўқув режалари ҳамда касбий малакаларни оширишга бевосита хизмат қилиши керак. Мактаб китоб фонди ўқув курсларига доир адабиётларни, кўргазмали қўлланмаларни, методик материалларни, дарслик ва ўқув қўлланмаларни, даврий нашрларни, рисолаларни, видеокассеталар ва бошқа хилдаги материалларни ўз ичига олиши мумкин.

*P.Ратнер Республика илмий педагогика  
кутубхонасининг илмий методика  
бўлими бошлиғи*

**УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАСИ АХБОРОТ-РЕСУРС  
МАРКАЗИ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ:  
АНЬАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР**

Тавсияларда умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг иш режасини тузиш методикаси кўриб чиқилмоқда; ушбу методика шунингдек, вилоят ахборот-ресурс марказининг, унинг таркибий бўлинмаларининг иш режасини тузишда татбиқ этиш мумкин. Тавсияларда ахборот-ресурс маркази фаолиятининг устувор йўналишила, кутубхоначилик ва ахборот хизматлари ассортименти, марказдан ўкув юрти ўқувчилари, аҳоли барча қатламларининг фойдаланиши учун очиқ бўлишини таъминлаш бўйича анъанавий ва инновацион иш шакллари ва методлари белгилаб берилмоқда; режа тақдимоти ва жорий этилиши ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий қайта қуриш, ахборот жамиятини ривожлантиришнинг янги таълим стратегияси ва объектив куртаклари республикамиздаги кутубхоналар тармоғи ишига ҳам янги технологияларни жорий этиш зарурлигини олдиндан белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона таъминотини ташкил этиш тўғрисида»-ги 2006 йил 20 июнь ПҚ – 381 рақамли Қарори республика кутубхоналар тармоғини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришнинг мұҳим босқичи бўлиб қолди. Мазкур қарорга мувофиқ принципиал жиҳатдан янги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадрияларни сақлаб қолишга, шунингдек, аҳолини янада кенг ва системали равишда ахборот билан таъминлаш учун зарур шароитларни яратиб беришга қаратилган ахборот марказлари барпо қилинмоқда.

Марказнинг истиқболдаги ва жорий мақсад ҳамда вазифаларини, шунингдек, уларни бажариш шакл ва методларини белги-

лаб берувчи йиллик иш режалари ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштиришга оид асосий ҳужжатлардан бири саналади. Марказнинг бундан кейинги фаолияти самарадорли булиши иш режаси нечоғлик саводли ва профессионал даражада, сифатли тузилишига боғлиқ.

Режа – истиқболдаги ва жорий мақсад ҳамда вазифаларини белгилашга қаратилган ахборот-ресурс маркази бутун фаолиятнинг асоси.

Умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг вазифаларини бажаришга кетадиган вақт, меҳнат сарфлари ва сифатининг оптимал нисбатини белгилаш, шунингдек, бунинг учун барча зарур ресурсларни максимал бирлаштириш режалаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Таълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг иш режаси кўйидагиларни белгилаб бермоғи даркор:

- фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишлари;
- марказ ишининг мавзулари, мазмуни, шакллари, методлари, технологияси;
- режали статистик кўрсаткичларда ўз ифодасини топадиган иш ҳажми;
- марказ ресурслари: молиявий, моддий-техник ресурслар, кадрлар ва вақт ресурси.

Умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг йиллик иш режасида марказнинг асосий функцияси: ахборот, таълимий, маданий функциялари жорий этиладиган хилма-хил иш шакллари, методлари акс эттирилмоғи лозим.

Кутубхона ва ахборот фаолиятини режалаштириш ишлари бир неча босқични ўз ичига олади.



Юқорида баён этилганларга кўра ахборот-ресурс марказининг йиллик иш режаси структураси тахминан куйидагича бўлиши мумкин:

## **Умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг йиллик иш режасининг тахминий тузилиши**

I. Таълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг миссияси-ни аниқлаш. Мақсад ва вазифаларни белгилаш.

1.1. Марказ ишининг асосий йўналишлари бўйича асосий ра-қамли кўрсаткичларнинг мажмуаси (тўплами).

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунлари, Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, хукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўйруқларини ўрганиш, ижро этиш ва жорий қилишни ташкил этиш.

III. Фойдаланувчиларга кутубхоначилик хизмати кўрсатишни таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар мазмуни ва бу ишларнинг ташкил этилиши.

3.1. Якка тартибдаги ишлар.

3.2. Оммавий ишлар.

IV. Китоб фондини шакллантириш ва уни ҳисобга олиш, маълумотнома аппаратида акс эттириш.

4.1. Китоб фондини шакллантириш, ҳисобга олиш ва саклаш.

4.2. Адабиётларга илмий ва техник ишлов бериш.

V. Ахборот-библиографик ва маълумотнома ишлари.

5.1. Ахборот-ресурс марказининг СБА ни ташкил этиш ва юритиш.

5.2. Фойдаланувчиларга маълумотнома-библиографик ва ахборот хизмати кўрсатиш.

5.3. Ахборот олиш маданиятини шакллантириш.

5.4. Ахборот-ресурс марказининг реклама фаолияти (ахборот-ресурс марказини, фондни, хизматларни реклама қилиш).

VI. Таълим муассасалари, мувофиқлаштирувчи ва методик марказларнинг бошқарув органлари меъёрий-хукуқий ҳужжатларини жорий этишга доир тадбирлар.

VII. Таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази олиб борадиган ташкилий-методик ишлар.

7.1. Анжуман ва семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш.

7.2. Кўрик-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

7.3. Ахборот-ресурс марказининг инновацион фаолияти.

- VIII. Моддий-техник ва технологик базани ривожлантириш.  
IX. Ахборот-ресурс марказининг бошқаруви.  
9.1. Режалаштириш ва ҳисобот бериш.  
9.2. Малака ошириш.  
9.3. Бошқа ташкилотлар ва муассасалар билан олиб бориладиган ишларни мувофиқлаштириш.

Режанинг ҳар бўлимни муфассалроқ кўриб чиқамиз.

## I. Таълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг миссиясини аниқлаш Мақсад ва вазифалар қўйиш

**Миссия кенг ва тор тушунилади...**

Кенг маънодаги миссия – бу ахборот-ресурс марказининг нима учун мўлжаллангани, яшаш маъно-моҳияти. Нима учун мўлжалланганлик ахборот-ресурс марказини амалга оширмоқчи бўлган ҳаракатларни белгилаб беради..

Тор маънодаги миссия – бу ахборот-ресурс маркази нима учун мавжудлигининг таърифланган таъкиди, яъни миссия марказининг мавжудлик маъно-моҳияти сифатида тушунилади.

Миссия фойдаланувчиларга ахборот-ресурс марказининг нима эканлиги, унинг нимага интилиши, ўз фаолиятида қандай мақсадлар ва воситалардан фойдаланишга тайёрлиги ҳақида умумий тасаввур беради.

Миссия фойдаланувчиларнинг тасаввурида ахборот-ресурс марказининг маълум имиджини шакллантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, марказининг мақсадларини белгилаш учун база бўлиб хизмат қиласи, шунингдек, уни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишига кўмаклашади. Яхши шакллантирилган миссия марказ фаолиятини амалга ошириш усуllibарини ойдинлаштиради, иш имкониятлари, технологияси, шакл ва методларини акс эттиради. Миссия ахборот-ресурс маркази ишининг асосий йўналишларини кўрсатади. Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб – таълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг миссиясини тахминан куйидагича таърифлаш мумкин:

Ахборот-ресурс маркази ахборотнинг янги ташувчиларини кутубхоначилик ишига интеграцияловчи, ўқув муассасаси ва аҳолига ахборот хизмати кўрсатишнинг мажмуавий ҳарактерини таъминловчи, шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантирувчи структурadir.

Шундай қилиб, ахборот-ресурс марказининг миссияси аниқ-

лаб олинди. Режалаштиришнинг кейинги босқичи — ахборот-ресурс марказининг фаолиятини ташкил этишдаги асосий мақсад ва вазифаларни акс эттириши керак. Улар конкрет, вақт билан мұлжалланған, зриңса бұладиган бұлмоғи даркор. Мақсад ва вазифалар ахборот-ресурс маркази фаолиятининг барча йұналишларига: фойдаланувчиларга хизмат күрсатиш, маълумотнома-библиография ва оммавий ишларни ташкил этиш, фонdlарни шакллантириш, янги ахборот технологияларини жорий этиш, методик ишлар, малака ошириш, марказнинг моддий-техника базасини тұлдиришга нисбатан белгилаб чиқылади.

Йиллик режанинг вазифалари «Таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази тұғрисида намунавий Низом» да баён этилган асосий вазифаларни ҳисобға олган ҳолда шакллантирилади, лекин уларни такрорламайды.

Низомда умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг узоқ муддатли даврдаги фаолиятига мұлжалланған умумий вазифалари тақдим этилған, ҳар йилги вазифалар эса марказ ишини ташкил этишдеги үзгаришлар, шунингдек, вилоят, шаҳар ҳалқ таълими бошқармасининг умумий кутубхоначилик сиёсатидаги үзгаришларға биноан аниқланмоғи ва конкретлаштирилмоғи даркор.

Умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг йиллик иш режасида күрсатылған вазифалар тахминан қыйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ўқув юрти ўқувчилари ва аҳолининг ахборотга, билимларга, маданий-тарихий меросга кириб бориш йўлининг очиқдигини марказнинг турли ташувчиларидағи кутубхоначилик-ахборот ресурсларидан фойдаланиш орқали таъминлаш;
- мустақил кутубхона фойдаланувчиси кўникмаларини шакллантириш; ахборотни қидириш, танлаш ва баҳолашнинг замонавий методларини ўргатиш;
- ахборот-ресурс маркази тақдим этаётган хизматларни янги ахборот технологиялари ва кутубхоначилик-ахборот жараёнларини компьютерлаштириш асосида такомиллаштириш;
- қулай кутубхоначилик мұхитини шакллантириш; кутубхоначилик-ахборот фаолияти шакл ва методлари ассортиментини кенгайтириш;
- фойдаланувчиларнинг мунтазам таълим олиши ва ўз устида ишләшими таъминлаш.

Ахборот-ресурс маркази фаолиятининг асосий йұналишлари бўйича кўрсаткичлар асосий вазифаларни тұлдириши керак.

## **1.1. Ахборот-ресурс маркази фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бош рақамли кўрсаткичлар мажмуаси**

Ахборот-ресурс маркази иш режасида тақдим этилган кўрсаткичлар системасига қўйиладиган энг муҳим талаб – барча дараҷалар учун бирлик ва мажбурийлик, қиёсланувчанлик ва жамлаш мумкинлиги, комплекслилик.

Иш режасида ахборот-ресурс маркази фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича кўрсаткичлар кўрсатилган булиши керак. Кўрсаткичларнинг куйидаги турлари мавжуд.

– якуний – истиқболдаги мақсадларга эришишга мўлжал белорувчи;

– миқдорий – ахборот-ресурс маркази ривожланишини миқдорий томондан характерловчи (китобхонлар сони, фонднинг ҳажми, келиб-кетиш ва китоб бериш сони ва ҳоказолар);

– сифат кўрсаткичлари – кутубхоначилик-библиографик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини белгилаб берувчи (ўкувчанлик, серқатновлик, мурожаат этувчанлик, китоб билан таъминланганлик);

– ахборот (маълумотнома) – «аҳоли жон бошига ҳисоблаганд» типидаги, масалан, аҳолини қамраб олиш фоизи, аҳолининг китоб билан таъминланганлиги ва бошқаларни акс эттирувчи.

Асосий миқдорий статистик кўрсаткичларни назорат кўрсаткичларининг жадвали кўринишида тақдим этиш мумкин:

№	Кўрсаткичларнинг номи	Ҳаммаси бўлиб	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1.	Китобхонлар сони					
2.	Келиб-кетишлар сони					
3.	Китоб бериш сони					
4.	Янги олинган адабиётларнинг режалаштирилган миқдори					
5.	Кўрсатилган ахборот-библиографик хизматлар сони					

Сифат кўрсаткичлари нисбий катталик бўлиб, ахборот-ресурс маркази йиллик иш режасида куйидаги кутилганларни акс эттириши керак:

1.Китоб ўқувчанлик.

2.Келиб-кетиш.

3.Аҳолининг китоб билан таъминланганлиги.

4.Аҳолини қамраб олиш фоизи.

5.Китоб фондининг айланувчанлиги.

**Ахборот-ресурс маркази фаолияти шакллари, методлари ва технологияларини белгилаш** – режалаштиришнинг навбатдаги босқичи бўлиб, у амалда марказнинг устувор йўналишларини белгилаш саналади. Ушбу бўлимда анъанавий йўналишлар ва ушбу йил учун ўзига хос йўналишларни акс эттириш зарур.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунлари, фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари,**

**Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлигининг буйруқлари, раҳбарий ҳужжатларини ўрганиш, ижро этиш ва жорий қилишни ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунлари, Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг буйруқларининг ижро этилиши ва жорий қилиниши бажарилиши қандай бораётганлигининг систем мониторингини таъминлаш учун ахборот-ресурс маркази иш амалиётига ушбу бўлимда қуидагиларни акс эттириш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг далолатномалари ва ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг буйруқларини ўрганишни таъминловчи тадбирлар.

- Ахборот-ресурс маркази иш режаси таркибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунлари, Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг буйруқларининг бажарилишининг боришини ўрганишга доир бўлимни шакллантириш.

Идораларга қарашли ахборот-ресурс марказларидаги, умумтаълим мактаблари кутубхоналаридаги иш аҳволини ўрганиш мақсадида қуидагиларни таъминлаш керак:

- жойларга чиққан ҳолда иш аҳволини ўрганиш;
- жойлардаги иш аҳволини ўрганиш учун ишчи гуруҳларга саволномалар тузиш;
- ҳажжатларнинг бажарилиши қандай бораётганлиги таҳлилини ўтказиш;

- ўрганиш натижаларини коллегияда, вилоят халқ таълими кенгашларида мұхокама қилиш бүйича тадбирлар;
- қабул қилингандан қарорларнинг бажарилиши ва системали мониторинги устидан назоратни амалга ошириш чоралари;
- зарур маълумотлар банкларини шакллантириш.

### **III. Фойдаланувчиларга кутубхоначилик хизмати кўрсатишни таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар мазмуни ва бу ишларнинг ташкил этилиши**

Кутубхоначилик хизматлари ассортиментини белгилаш, амалий фаолият шакл ва методларини оптималлаш – режалаштиришнинг энг мураккаб ва масъулиятли босқичи. Бу босқич мутахассислардан юксак профессионализмни, эпчилликни, излаш ва танлаш кўникмаларини талаб этади. Бугун ахборот-ресурс марказидан фойдаланувчиларнинг маданий ва фуқаролик ўз-ўзини англашини тарбиялашга, уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган фаолият шакл ва методлари биринчи планга чиқиши керак. Ташкил этилаётган оммавий тадбирлар шахснинг умумий ахборот ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга мўлжалланган бўлиши, фикрлашини ўстиришга, медиамаконни ўзлаштиришга ёрдам бериши керак.

Ушбу бўлим ишларини режалаштиришда Республика илмий педагогик кутубхонаси томонидан тайёрланган ва «Маърифат» газетасининг 2006 йил 2 ва 5 август 60 – 62-сонларида зълон қилингандан «Ибратли тақдирлар, баркамол шахслар, мухим ва уни-тилмас воқеалар ушбу саналарда» деган Муҳим ва хотира саналари тақвимидан фойдаланиш зарур.

Тақдим этилган тақвим халқимизнинг миллий маънавий-ахлоқий қадриятларини кенг тарғиб қилишни таъминловчи материалларни танлашда катта ёрдам беради.

Ушбу бўлимда маданий, таълимий, ахборот ва бошқа дастурлар, лойиҳалар, акцияларни ҳамкорликда амалга ошириш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳужжатларга ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ахборот-ресурс, ахборот-кутубхоначилик марказлари, кутубхоналар, таълим муассасалари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий маданий марказлар билан бўладиган

фаолиятни, ҳамкорликни ривожлантириш, мувофиқлаштириш ва коопeraçãoциялашни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар акс эттирилиши керак.

Мисол учун ушбу бўлим мазмунини очиб берадиган ишларнинг баъзи йўналишларини келтирамиз.

### **1.1. Китобхонларга якка тартибда кутубхоначилик хизмати кўрсатиш**

Якка тартибда хизмат кўрсатишга доир масалалар доираси жуда кенг: китоб ўқиши мавзуларини аниқлаш, аниқ бир китобни танлашда ёрдамлашиш, ўқилган китобни, китобхонлик қизиқишиларини аниқлаш ва шакллантириш ҳамда сўровларга аниқлик киритиш мақсадида муҳокама қилиш, китоб ўқиши маданиятини тарбиялаш, матбуот асарини излашда кўмаклашиш ва библиографик манбалар ва маълумотномалар билан таништириш.

**1.2. Китобхонларга гурӯҳли кутубхоначилик хизмати кўрсатиш** – бундай хизмат умумий манбаатлар билан бирлашган кичик жамоалар (гурӯҳлар) маданий-ахборот олиш эҳтиёжларини қаноатлантиришни кўзда тутади.

**1.3. Китобхонларга ялпи (оммавий) кутубхоначилик хизмати кўрсатиш** – ахборот-ресурс марказидан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги учун характерли бўлган маданий-ахборот олиш эҳтиёжларини қондирадиган қилиб қурилади.

Ушбу бўлимни режалаштиришда фойдаланиш мумкин бўлган айrim иш шакллари ва методларини санаб кўрсатамиз.

**Иш шакллари ва методлари:** сұхбатлар, баҳслар, мунозаралар; адабий, ролли, интеллектуал, касбга йўналтирувчи ўйинлар; ўйинлар – саёҳатлар, викториналар, танловлар – адабий, энг яхши оммабоп китоб учун, энг яхши уй кутубхонаси учун; клублар – тарихий-ўлкашунослик, адабий ва б.; анжуманлар, тақдимотлар – журналлар, китоблар, мақолалар, альбомлар, дисклар, сайтылар; дақиқалар – саволлар, кутубхоначилик савол-жавоблари, амалий тавсиялар, фойдали маслаҳатлар.

Ахборот-ресурс марказининг кўргазмалар фаолияти кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг муҳим таркибий қисмидир. Бу фаолият кўрсатмалилик принципига таяниб, уни жорий этишнинг таъсирчан усулларидан бирини ифода этади. Иш жараёнда қўйидағиларни ташкил этиш мумкин: долзарб мавзулар ва муаммолар бўйича адабиётларнинг китоб-иллюстратив кўргазмалари; муҳим ва хотира саналарга доир, ўқув жараёнига ёрдам сифатидаги экспозициялар; шунингдек, ноанъянавий кўргазмаларни ташкил этиш:

саволномалар кўргазмаси, фикр-мулоҳазалар кўргазмаси, бир портрет кўргазмаси, кўргазма – баҳс, кўргазма – китобхон бенефиси; кўргазма – ребус, бир китоб кўргазмаси, кўргазма – диалог, кўргазма – викторина, кўргазма-хобби, кўргазма – тақдимот, кўргазма – кайфият; бир жанр, бир муаллиф кўргазмаси; кўргазма – вернисаж, кўргазма – эртаклар; кўргазма – тақвим.

Экспонатга қўйилган адабиётларга йўлнинг очиқлиги умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг кўргазма билан боғлиқ фаолиятининг мажбурий шартидир.

Интернет-ресурслардан ва нусха кўчириш-кўпайтириш техникасидан фойдаланиш имконияти **материалларнинг мавзувий ажратмалари** каби маҳсулотлар ассортиментини анча кенгайтириш имконини беради. Бундай ажратмалар ҳажми нисбатан кичик ҳужжатлар – газета ва журнал мақолалари, китобдан олинган бўлим ва ҳоказо матнларнинг нусхаларидан иборат компилектларни ифода этади. Улар қўйидаги шартларга кўра электрон ёки анъанавий кўринишда яратилади:

- агар ушбу муаммонома кўпчилик китобхонларда қизиқиш уйғотса;
- ушбу муаммонома бўйича эълон қилинган ишлар катта миқдордаги манбаларда жойлашган бўлса.

Телекоммуникацион технологиялар ва тармоқли ўзаро таъсирнинг ривожланиши умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг иш тажрибасига янги ахборот технологияларини жорий этиш ва кутубхоначиллик жараёнларини компьютерлаштириш асосида янги хизматларни ишлаб чиқиши ва жорий этишга ёрдам беради.

Ахборот-ресурс маркази компьютерли жиҳозлар ёрдамида ўз фаолиятига олиб кириши мумкин бўлган айрим иш шакллари ва хизматларини белгилаб чиқамиз.

**Иш шакллари:** интернет-таътиллар; Интернетдаги янги ресурслар шархи; электрон кўргазмалар; слайд-лекция; компьютер тақдимоти; янги ахборот технологияларини жорий этиш бўйича устасинф (фойдаланувчилар учун); дисклар премьераси; мультимедиа-кўздан кечиришлар; танлов, электрон маълумотнома-библиография маҳсулотлари бўйича уста-синф; медиалекторий; мультимедиа-иншолар ва б.

**Хизматлар:** компьютер саводхонлигини, ахборотни қидириш кўнинмаларини ўргатиш; умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг тармоқ ахборот ресурслари; Интернет-хизматлар (электрон почта, телеконференциялар); ресурслар бўйича йўл

кўрсаткичлар; мавзувий электрон файллар ва папкалар; фойдаланувчилар учун мўлжалланган инструкциялар; кутубхоначилик веб-саҳифаси; кутубхоначилик сайти; матбуот мониторинги.

#### **IV. Китоб фондини шакллантириш ва уни ҳисобга олиш, маълумотнома аппаратида акс эттириш**

Мазкур бўлимда китоб фондининг таркибини ўрганиш масалалари очилади, комплектлаш йўналиши белгилаб берилади; унинг сақланишига доир тадбирлар мўлжалланади; маълумотнома-излаш аппаратини такомиллаштириш ёритилади.

Китоб фонди умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс марказида унинг аъмоллари ва вазифаларига мувофиқ равишда сақлаш ҳамда марказ фойдаланувчиларига тақдим этиш учун тұпландыган хужжатларнинг тартибга солинган жамаламасини ифода этади.

Ахборот, таълимий, бўш вақт, маданий-маърифий амоллар ахборот-ресурс маркази китоб фондининг энг муҳим амоллари ҳисобланади. Ушбу аъмолларнинг бажарилишини таъминлашга фондни шакллантиришнинг технологик жараёнлари: комплектлаш, ҳисобга олиш, хужжатларга ишлов бериш, фондни жойлаштириш ва жой-жойига қўйиб чиқиш, сақланиши ва ундан фойдаланилишини ташкил этишга ёрдам беради.

##### **4.1. Китоб фондини шакллантириш, ҳисобга олиш ва сақлаш**

4.1.1. Китоб фондининг шакллантирилишини бошқариш мақсадида унинг таркиби ва ундан фойдаланилишини ўрганиш.

4.1.2. Таълимий-касбий дастурлар, ўкув режалари, илмий тадқиқот мавзуларига биноан бошқа ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхоначилик марказлари, вилоят кутубхоналари билан мувофиқлаштирган ҳолда ўкув юрти ўқувчилари ва аҳолининг китобхонлик сўровларига кўра фондни комплектлаш.

4.1.3. Фондни комплектлаш манбаларини белгилаш, бошқа ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхоначилик марказлари, вилоят кутубхоналари ва республиканинг бошқа муассасалари ва ташкилотлари билан китоб алмашинувини таъминлаш.

4.1.4. Фондни бадиий, маълумотнома, илмий-оммабоп, ўкув, методик хужжатлар (китоблар, рисолалар), даврий нашрлар, шунингдек, ахборотнинг анъанавий ва ноанъанавий ташувчилари-даги бошқа нашр турлари билан комплектлаш.

4.1.5. Фондни Интернет тармоги ахборот-ресурслари, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари билан тўлдириш.

4.1.6. Китобхонлик сўровларини қондириш мақсадида фойдаланувчиларнинг ўкув, илмий-оммабоп, маълумотнома, бадиий, методик, илмий адабиётлар билан таъминланганлигини таҳдил қилиш.

4.1.7. Бадиий, маълумотнома, илмий-оммабоп, методик, ўкув адабиётларини жойлаштириш, жой-жойига қўйиб чиқиш ва улардан фойдаланиш.

4.1.8. Фондга ҳужжатларнинг келиб тушганини, фонд чиқиб кетганини, бор кутубхонанинг, унинг бўлинмаларининг фонди миқдорини, фонднинг қандай сақланганлигини, статистик ҳисоблашни акс эттирувчи кутубхоначилик фонди ҳисобини таъминлаш.

4.1.9. Ҳисобга олиш ҳужжатларининг тўлиқдиги ва ишончлилиги, фондга келиб тушган ва ундан чиқиб кетган ҳар бир ҳужжатнинг ҳужжатлаштирилганини таъминлаш.

4.1.10. Кутубхоначилик фондига келиб тушаётган ва ундан чиқиб кетаётган ҳужжатларнинг белгиланган ҳисобга олиш бирликларида жамлама ва якка тартибда ҳисобга олишни амалга ошириш; ҳисобга олиш ҳужжатларини узоқ муддат сақлаш ва очиш имконини берадиган дискет ва бошқа ташувчиларда компьютер шаклида жамлама ва якка тартида ҳисобга олишни таъминлаш.

4.1.11. Ҳисобга олиш ҳужжатларида машинада ўқиладиган аудиовизуал, электрон нашрларни (CD-ROM, мультимедиа, дискета) акс эттириш.

4.1.12. Ҳисобга олиш ҳужжатлари билан солиштириш йўли билан фонддаги адабиётларнинг амалда мавжудлигини аниқлаш мақсадида кутубхоначилик фондини текшириш ишини амалга ошириш.

4.1.13. Ҳужжатларнинг кутубхона фондидан чиқиб кетишини амалдаги меъёрий ва ҳуқуқий актларга мувофиқ таълим муассасаси раҳбарияти билан келишган ҳолда ҳисобдан чиқариш тартибига кўра ҳисобдан чиқарилишини таъминлаш.

4.1.14. Иш қоғозларини юритиш қоидаларига мувофиқ кутубхона фондини ҳисобга олиш ҳужжатлари билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш.

4.1.15. Фондда сақланаётган ҳужжатларнинг бус-бутунлигини ва нормал жисмоний ҳолатини таъминлаш, яъни китоб фондининг сақланишини таъминлаш.

## **4.2. Адабиётларга илмий ва техник ишлов бериш**

4.2.1. Ҳужжатта умумий тавсиф бериш ва уни таниш учун мұлжалланған кутубхоначилик маълумотлари йиғиндисиниifo-да этувчи библиографик баёнини тузиш.

4.2.2. Ҳужжатнинг мазмунини етарли даражада тұлиқ ва аниқ-лиқда акс эттирадиган системалаштиришнинг таснифий индекс-ларни аниқлаш йүли билан амалга ошириш.

4.2.3. Ахборот-ресурс маркази китоб фондини күп аспектли библиографик очиб бериш мақсадида анъянавий ва электрон ташувчиларда каталоглар системасини юритиши.

4.2.4. Кутубхоначилик каталогларини: алфавит, систематик каталогларни ташкил этиш, уларнинг ички расмийлаштирилиш жараёнларининг йиғиндисини акс эттириш.

4.2.5. Ахборотни машинада ұқыладиган шаклда фойдаланувчи-лар ихтиёрига тақдим этадиган, библиографик қайдларнинг ки-ритилишини таъминловчи электрон каталогни яратиш; библио-график қайдларни таҳрир қылиш ва, зарур бўлганда, уларни элек-tron каталог хотирасидан ўчириш; ахборотни китобхонлар сўро-вига қараб қидириш ва уни сайлаб оммалаштириш, шунингдек, ахборотни бошқа библиографик маълумотлар базалари билан ал-маштириш, шу жумладан Интернет тармоғига уланиш имкони-ни таъминлаш.

4.2.6. Вилоят, республика йиғма каталогларини, шу жумладан китобхонларга автоматлаштирилган ҳолда турли хил хизматлар-ни оператив тақдим этиш имконини берувчи электрон каталогларни яратища қатнашиш.

4.2.7. Бадиий, илмий-оммабол, ўкув, методик, илмий адаби-ётларга, даврий нашрларга ва кутубхона фондига ахборотнинг анъянавий ва ноанъянавий ташувчиларида келиб тушаётган бошқа ҳужжатларга техник ишлов беришни амалга ошириш.

## **V. Ахборот-библиографик ва маълумотнома-ишли**

Ахборот-библиографик ишлар таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, куйидагиларни ифода этади: маълумотнома-библиографик хизмат кўрсатиш, библиографик ахборот бериш, библиографик рўйхатлар тузиш, кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш.

Библиографик ва ахборот хизмати кўрсатиш аҳоли назарида марказ образини ҳосил қиласидиган замонавий ахборот-ресурс марказларининг етакчи аъмоли ҳисобланади, унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради.

## **Ушбу бўлимнинг мазмунини очиб берадиган ишларнинг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтамиз**

5.1. Китобхонларга керакли ахборотни излаш учун хизмат кўрсатиш чоғида фойдаланиладиган анъанавий ва электрон маълумотнома ва библиографик нашрлар, кутубхоначилик каталоглари ва картотекалар йиғиндисини ифода этувчи маълумотнома-библиографик аппаратни ташкил этиш ва юритиш.

5.2. Танишиш, вақтичалик ва домий фойдаланиш учун турли хил ташувчилардаги – қофоз, электрон, компакт-диск, аудио ва видеокассеталардаги нашрларга кириб боришни таъминловчи ахборот-ҳужжатли хизматларни бажариш. Ушбу йўналишдаги ишлар қуидаги йўллар билан қўлга киритилиши мумкин:

- ҳужжатларни уйга бериш, ҳужжатларни ўкув залидаги фойдаланишга тақдим этиш;

- моддий ташувчига мустаҳкамланган электрон ҳужжатларни харид қилиш;

- Интернет тармоғида жойлаштирилган тўлиқ матнли электрон ҳужжатларга кириб боришни ташкил этиш;

- ҳужжатларнинг фойдаланувчиларга электрон элтиб боришни ташкил этиш.

- ксероксада нусха кўчириш, ҳужжатларни сканер қилиш буйича хизматларни бажариш;

- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда комфорт бўлишини ташкил қилиш.

5.3. Фойдаланувчиларнинг библиографик ва фактографик сўровларини: оғзаки, ёзма, электрон почта орқали таъминловчи библиографик, фактографик банклар ва маълумотлар базасига кириб боришни тақдим этиш.

Ушбу маълумотнома хизматларни қуидаги йўллар билан таъминлаш мумкин:

- сўровларни электрон почта орқали бижариш;

- библиографик кўрсаткичлар, қўлланмалар, рўйхатлар, турили хилдаги ахборот ташувчиларида дайжестлар чиқариш;

- мамлакатнинг электрон кутубхоналарига, маълумотлар базалари ва банкларига кириб боришни ташкил этиш;
- электрон кутубхоначилик каталогини ташкил этиш;
- Интернет тармоғидаги маълумотнома маълумотлар базаларидан фойдаланиш.

5.4. Янги нашрлар тўғрисида ахборот тақдим этувчи долзарб ҳодисалар ва мавзулар ҳақидаги хабарларни таъминлаш, шу жумладан телекоммуникацион каналлар орқали, бу нарса қўйидаги нашрларда ўз ифодасини топиши мумкин:

- прайс-варақлар;
- Ахборот кунлари, Мутахассис кунини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ғоялар ярмаркаларини, янги келиб тушган нашрлар кўргазмасини уюштириш;
- ҳар хил тақдимотларни ташкил қилиш.

5.5. Фойдаланувчиларнинг ахборотга кириб бориш имкониятлари билан таништиришга ёрдам берувчи ўкув-маслаҳат хизматларини амалга ошириш: оғзаки, онлайн режимида, электрон почта орқали.

Бу ерда фаолиятнинг қўйидаги қаби турлари мумкин:

- консультациялар, семинарлар, лекциялар, дарслар, эксперсијалар, компьютер курсларини ташкил этиш;
- «шахснинг ахборот олиш маданияти» дастури бўйича олиб бориладиган ишларни ташкил қилиш;
- «Ахборот-ресурслари...» типидаги ахборот маҳсулотларини чиқариш.

5.6. Ахборотни турли хил режимларда ва фойдаланувчиларнинг ҳар хил гуруҳлари учун етказиши таъминловчи ташқилий-ёрдамчи хизматларни амалга ошириш; бунга қўйидаги йўллар билан эришиш мумкин:

- маълумотлар базаларини оммалаштириш ва прокатга қўйиш;
- хизмат кўрсатиш зоналарини: компьютер, видео зоналар, аудио зоналарни ва б.ни ташкил қилиш.
- факс юбориш;
- сўровларни телефон, электрон почта орқали қабул қилиш;
- ахборотни фойдаланувчиларнинг дискетлари ёки кассеталариға ёзиб бериш;
- муқовалаш ишларини амалга ошириш;
- ахборотга адад бериш.

5.7. Кутубхоначилик-ахборот маданиятини тарбиялаш, фой-

даланувчиларни ахборотнинг замонавий излаш методларига ўргатиш, бу нарса кутубхоначилик-библиографик саводхонликка ўргатишни ҳам, мутолаа маданиятини тарбиялашни ҳам ўз ичига олади, шунингдек, фойдаланувчиларнинг бир бутун комплекс қўшимча билимлар, қўникма ва малакаларни эгаллашларини кўзда тутади:

– турли даражадаги кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари имкониятларини билиш;

– ахборот-ресурсларида мўлжал олишга ёрдам берувчи қидириш аппаратидан фойдалана олиш (ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарнинг СБАси; Интернетнинг излаш системаси, маълумотлар базалари, библиографик нашрларнинг маълумотнома аппарати ва б.).

– компьютер саводхонлиги;

– ахборотни қидириш, уни ўз устида ишлаш, ўқув жараёни ва илмий ишда қўллаш малакалари;

– ўқиш учун манбаларни танлаш хусусиятлари.

5.8. Ахборот-ресурс марказининг реклама фаолиятини тъминлаш.

Кутубхоначилик рекламасининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу, аввало, ахборот-ресурс марказининг фондлари, унинг фойдаланувчиларнинг турли гуруҳларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ҳақидаги ахборотdir.

Реклама фаолияти бир нечта йўналишни ўз ичига олади:

– вилоят, туман, шаҳар кутубхоналар тармоғи ҳақидаги ахборот;

– ахборот-ресурс маркази, унинг таркибий бўлинмалари ҳақидаги ахборот;

– кутубхона фонди, унинг таркиби ва структураси ҳақидаги ахборот;

– ахборот-ресурс маркази тақдим этадиган хизматлар, унинг интеллектуал маҳсулотлари тўғрисидаги ахборот.

Кўйидаги реклама турлари ажратилади:

– фойдаланувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган, кутубхона ресурслари ва хизматларидан оммавий фойдаланишга қаратилган оммавий реклама;

– фойдаланувчиларнинг муайян қатламига йўналтирилган гуруҳли реклама;

– персонал, индивидуал реклама.

## **VI. Таълим муассасалари, мувофиқлаштирувчи ва методик марказларнинг бошқарув органлари меъёрий-хукуқий хужжатларини жорий этишга доир тадбирлар**

Ушбу бўлимда таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари иш тажрибасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика ахборот-кутубхоначилик системаси фаолиятини мувофиқлаштириш идоралараро кенгаши, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика илмий педагогика кутубхонаси, марказлар фаолиятини тартибга солувчи таълим муассасалари бошқарув органларининг меъёрий-хукуқий хужжатларини жорий этишга доир тадбирлар белгиланади

## **VII. Ахборот-ресурс марказининг идораларга қарашли муассасаларга ёрдам сифатида олиб борадиган ташкилий ва методик фаолияти**

Ахборот-ресурс марказининг методик ишлари икки мустақил таркибий қисмни ўз ичига олади. Улардан бири ахборот-ресурс маркази жамоасида олиб бориладиган методик ишларни ифода этади. Бошқаси идораларга қарашли ахборот-ресурс марказлари ва умумтаълим муассасаси кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

Методик ишларнинг асосий мақсади – ахборот-ресурс марказлари ва умумтаълим муассасаси кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш, янгиликларни етказиш, ходимларининг малакасини ошириш. Ахборот-ресурс маркази жамоасидаги методик ишлар ва идоралараро муассасаларга методик ёрдам кўрсатиш айни бир мақсадни – уларнинг ягона тамойиллар: илмийлик, фаоллик, тавсиявийлик, оперативлик, фарқли ёнлашув тамойиллари асосида амалга ошириладиган фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш.

Методик фаолият қуйидагича бўлмоғи лозим: иш тажрибасига янги, прогрессив шакл ва методларни жорий этишга қаратилган фаол; оператив – маслаҳат-методик ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш, идоралараро муассасалар ишини уларнинг иш режаларидағи барча моддаларнинг сифатли бажарилишига ёрдам берадиган методик тавсиялар билан ўз вақтида таъминлаш.

Методик таъминотда ахборот-ресурс маркази, идораларга қарашли муассасалар ходимларини замонавий кутубхоначилик

назарияси ва амалиёти ютуқлари ҳақида библиографик ва фактографик жиҳатдан ўз вақтида ва тұлиқ хабардор қилишга қаратылған ахборот хизматига мансубдир. Таşкілтік хизмат ҳам ката аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу усул методик таъминотта методик тавсияларни жорий этишга амалий ёрдамни киритиши күнде тутади.

Ахборот-ресурс маркази ва умумтаълим муассасаси идоралар аро кутубхоналари ходимларининг малакасини ошириш методик ишларнинг йұналишларидан бири ҳисобланади.

Ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, идоралараро муассасалар ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш, бу ишни уларнинг касбий билимларини көнгайтириш ва чукурлаштиришга қаратиш ушбу бўлимнинг муҳим жабҳаси саналади.

Юқорида баён этилганларга кўра методик ишларни ташкил этиш бўлимида куйидаги йұналишларни акс эттириш тавсия қилинади:

- ахборот-ресурс маркази ва умумтаълим муассасаси кутубхоналари, туман (шаҳар) умумтаълим муассасалари кутубхоналарига ягона ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга методик ва амалий ёрдам кўрсатиш;

- умумтаълим мактаблари кутубхоначиларининг туман (шаҳар) методбирлашмаси фаолиятини фаоллаштиришга доир ташкилий ишларни ўтказиш;

- ахборот-ресурс марказлари, туман (шаҳар) умумтаълим муассасалари кутубхоналари фаолиятининг устувор йұналишларини белгилаш;

- инновацион кутубхоначилик иш тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш ва жорий этишга кўмаклашиш; бу тажрибаларнинг асосий меъёрлари – юқори натижалилик (билимларнинг тұлиқлиги, мустаҳкамлиги, тегишли малака ва кўнималарнинг мавжудлиги), илмий асосланганлик, ижодий янгилик, долзарблик, юксак натижаларга эришиш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш, барқарорлик (тажрибанинг муқимлиги, узоқ вақт амалда бўлиши);

- ахборот-ресурс марказлари, идораларга қарашли муассасалар ходимларига, ёш мутахассисларга маслаҳатлар билан ёрдам кўрсатиш;

- ахборот-ресурс марказлари, умумтаълим муассасалари кутубхоналари фаолиятига меъёрий ҳужжатларни, етакчи методик

марказларнинг методик тавсияларини жорий этиш, ахборот-кутубхоначилик марказлари, бошқа тизим ва идоралар кутубхоналари билан методик ишларни мувофиқлаштириш юзасидан мажмавий ишларни ўтказиш.

## **7.1. Конференция ва семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш**

Методик ишларнинг йўналишларидан бири — ахборот-ресурс марказлари, умумтаълим муассасалари идораларга қарашли кутубхоналари кутубхоначи кадрлари малакасини оширишдир.

Ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, идораларга қарашли кутубхоналар ходимларининг касбий билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган малакасини ошириш ишларини ташкил этиш ушбу бўлимнинг муҳим жабҳаси ҳисобланади.

Ахборот-ресурс марказлари, туман (шаҳар) умумтаълим муассасалари кутубхоналари кутубхоначи ходимларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш ва ишлаб чиқиш куйидагиларни ўз ичига олади:

- кутубхоначилик ва ахборот ишлари асослари бўйича илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, тренинглар ўтказиш;
- умумтаълим мактаблари кутубхоначиларининг методбирлашмалари иши доирасида умумтаълим муассасалари кутубхоналари кутубхоначи ходимларининг ялпи ўқишини ташкил қилиш;
- энг яхши ахборот-ресурс марказлари, вилоят, туман (шаҳар) умумтаълим муассасалари кутубхоналари базасида «Илғор тажриба мактаби» машғулотларини ўтказиш;
- танловлар, баҳс-мунозара, «Давра суҳбати», стажировкалар, иш ўйинларини ўтказиш.

## **7.2. Кўрик-танловлар ташкил этиш ва ўтказиш**

### **7.3. Ахборот-ресурс марказининг инновацион фаолияти**

Бугунги шароитларида ахборот-ресурс марказларини улар фаолиятининг турли хил томонларини: янги хизматлар ёки маҳсулотлар тақдим этиш, янги технологиялар, марказ фаолиятини бошқаришнинг янги методларидан фойдаланиб такомиллаштирмасдан туриб ривожлантириш мумкин эмас.

Инновацион фаолият — бу ахборот-ресурс марказининг етак-

чи йўналиши бўлиб, у ўз мақсадига эга: кутубхоначилик янгиликларини баҳолаш, ишлаб чиқиш ва қўллаш.

Кутубхоначилик инновациялари технологик, бошқарувга ва маҳсулотга оид инновациялар деган турларга бўлинади.

**Технологик янгиликлар** кутубхоначилик технологик жараёнларни модернизациялашга, янги ахборот-кутубхоначилик технологияларини жорий этишга қаратилган.

**Бошқарувга оид инновациялар** ахборот-ресурс марказини бошқариш методларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

**Маҳсулотта оид инновациялар** деганда янги кутубхоначилик хизматларини такомиллаштириш ёки ўзлаштириш, уларнинг асортиментини кенгайтириш тушунилади.

Ахборот-ресурс марказларига татбиқан айтганда янги киритмаларнинг амалий мисоллари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтказиш;
- кечалар, оиласий байрамлар ташкил этиш, интеллектуал-ижодий ўйинлар, ўқув-билув таъловлари ўтказиш;
- ўлкашунослик лекторийлари, ёшлар учун оммабоп методика бўйича лекторийлар ташкил қилиш ва ўтказиш;
- ишга ахборотни излаш, унга ишлов бериш, уни тақдим этишнинг янги техник воситаларини жалб қилиш;
- ахборот ташувчиларининг янги турлари билан комплектлаш;
- ахборотни ҳисобга олиш, унга ишлов бериш ва система-лаштиришнинг кутубхоначилик-библиографик воситаларини автоматлаштириш;
- хизмат кўрсатиш методларини такомиллаштириш, қулайликларни, кутубхоначилик хизматлари ва маҳсулотларининг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш;
- ҳужжатларни комплектлаш, ташкил этиш ва сақлашнинг янги ёки бошқа кутубхоналарнинг тажрибасидан олинган усуллари ва методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- секторлар, хизматлар, зоналар, вақтли лойиҳавий жамоалар барпо қилиш;
- ахборот-ресурс марказини лойиҳавий фаолиятга қўшиш;
- бозорни ўрганиш ва баҳолаш, ресурслар сўрови (имкониятлари) методикасидаги ўзгаришлар;
- болаларни мактабга, олий ўқув юртига тайёрлашни амалга ошириш.

## **VIII. Моддий-техник ва технологик базани ривожлантириш**

Ушбу бўлимда кутубхоначилик жиҳозларини, кутубхоначилик техникасини, техник воситаларини, транспорт воситаларини харид қилиш тадбирлари; бино ва хоналарни таъмирлаш ва қайта жиҳозлашга доир тадбирлар белгилаб чиқилади.

## **IX. Ахборот-ресурс марказини бошқаришни такомиллаштиришга доир тадбирлар**

Ушбу бўлим жамоада меҳнат қилиш жараёнларини такомиллаштириш, бошқариш аппарати структурасини тартибга солиш, айrim ходимларнинг вазифаларини ўзгартириш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Ахборот-ресурс марказини бошқариш – марказнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш, иш самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантиришга қаратилган фаолиятдир.

Марказни бошқариш соҳасидаги энг муҳим аъмолларга куйидагилар киради: режалаштириш, ташкил қилиш, ишларни мувофиқлаштириш, назорат, ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш, рафбатлантириш ва қарор қабул қилиш.

Марказни бошқариш вазифаларига қуидагилар киради: таркибий бўлинмаларнинг ахборот-ресурс маркази олдида турган вазифаларни бажариш бўйича олиб борадиган фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган режаларига тузатишлар киритиш ва ўзаро келишиб олиш.

Ахборот-ресурс маркази фаолиятини режалаштириш марказнинг жорий йилга ва истиқболга мўлжалланган асосий иш йўналишларини белгилаган ҳолда, бошқариш тизимида марказий ўрин эгаллаши керак.

Йиллик комплекс режалардан ташқари, айrim иш йўналишлари бўйича режалар – маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш режалари; кутубхоначилик дастурлари, масалан, шахснинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш дастури; йиллик режага илова бўладиган кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш дастурлари тузилиши мумкин.

Режа бўлимлари матнли, жадвалли-рақамли ва аралаш шакларда очиб берилиши мумкин.

**Ахборот-ресурс маркази иш режасининг таҳминий шаклини тақлиф қиласиз:**

№	Фаолият мазмуни	Тайёрлаш муддати	Ижро этиш муддати	Масъул	Иш шакли
1.	2.	3.	4.	5.	6.

Ахборот-ресурс марказининг иш режаси амалда тайёр. Кейинги қадам — уни тақдим қилиш. Режа қуидаги тақдим этилиши мумкин:

- ахборот-ресурс марказида экскурсия пайтида, «Очиқ эшиклар куни» ни ўтказишида;
- мактаб кутубхоначиларининг туман, шаҳар методбирлашмаларида; кутубхоначилик режаларини ҳимоя қилишида, энг яхши кутубхоначилик ғоялари тақдимотларида; туман, шаҳар касбий танловларида;
- жойларга чиқишида, семинарларда, уста-синфларда, анжуманларда, кўргазмаларда;
- мактабда — педагоглар кенгашида, директор хузуридаги кенгашларда.

Таълим муассасаси ахборот-ресурс марказининг иш режаси стенди тақдимот, компьютер тақдимоти, босма шакл воситасида, матбуотда эълон қилиш орқали тақдим этилиши мумкин.

*Халқ таълими вазирлигининг  
2009 йил 27 февралдаги  
«43» сонли буйргуга 2-илюва*

## **«Мактаб – кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ўтказиш бўйича методик тавсиялар**

Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқдол фояларига садоқат руҳида маънавий-ахлоқий жиҳатдан комил инсон қилиб тарбиялашга кўмаклашиш, уларнинг китобхонлик саводини шакллантириш, дунёқараашларини ўстириш, кутубхона иш фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

Мактаб кутубхоналари фондларини тўлдириш ишини ўрганиб, шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг тўлдириш ишлари бўйича фаолият даражаси замонавий талабларга, ўкув-тарбия жараёнини яхшилашга жавоб бермайди. Кутубхоналарнинг китоб фондлари қониқарсиз бўлиб, уларнинг кўпчилигида, дастурли ўқиш учун, маълумотномали, илмий-билув, сиёсий-оммабоп ва бадиий адабиётлар етарли эмас. Лотин ёзувида нашр этилган адабиётларнинг етишмаслиги кескин кўзга ташланади.

Кутубхона китоб фондларини қониқарсиз аҳволдалигининг асосий сабаби маблағ ажратишнинг чегараланганилиги ва тўлдириш ишларининг тартибга солинмаганлигидadir. Бунинг оқибатида:

– умумтаълим мактабларининг кўпчилигида ўқишга раҳбарлик қилиш ишлари ниҳоятда паст даражада қолиб келяпти; ўқитувчи ва ўкувчиларни ўқишга жалб этиш ишларига эътиборсизлик билан қаралаяпти: республика миқёсида олиб қаралганди, давомат ва китоб ўқишининг ўрта қўрсаткичи жуда паст бўлиб қолмоқда.

2007 йилда республика умумтаълим муассасалари кутубхоналарининг китоб фонди – 19860229 нусхани, 2008 йилда эса, 19403456 нусхани ташкил этди, бу қўрсаткич 2007 йилга нисбатан 456773 нусхага, яъни 2,3% камайганини билдирамоқда.

Бу ҳолат айниқса Жizzах вилоятида – 57,6% га, Самарқанд вилоятида 30,4 % га, Бухоро вилоятида 13,7% га камайгани кескин кўзга ташланмоқда. Натижада, ушбу ҳолат республика бўйича умумий китоб фондининг тушиб кетишига олиб келмоқда.

2008 йилда республика умумталим мактабларида ўқувчиларнинг «китоб ўқиши» кўрсаткичлари 8,9 нусхани ташкил этди. Бир ўқувчи йил давомида 20-25 нусха китоб ўқиши меъёр ҳисобланиншини таъкидлаб ўтадиган бўлсак, ушбу кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида – 2,3 нусхани, Самарқанд вилоятида – 2,5 нусхани, Қорақалпоғистон Республикасида – 5,5 нусхани ташкил этмоқда, яъни ушбу вилоятларда бир ўқувчи йил давомида борйўғи 2 тадан 5 тагача адабиёт олиб кутубхонадан фойдаланган.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, мактаб кутубхоналаридаги китоб фондини тўлдиришга алоҳида эътибор қаратиб, мактаб жамоаси, битирувчилар, ота-оналар, чет эл жамғармалари, давлат ва нодавлат ташкилотларини жалб қилган ҳолда «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ўтказиш лозим.

«Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ўтказишдан асосий мақсад:

- мактаб кутубхонаси фондини бадиий, илмий-оммабоп, услубий ва маълумотномали адабиётлар билан тўлдириш, китобларни таъмирлаш ва фондни сақлашни йўлга кўйилишига эришиш;
- мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш;
- мустақил мутолаа қилиш жараённида экологик, иқтисодий, хуқуқий билимга эга бўлиш;
- мактаб кутубхоналарида таълим-тарбиявий ишни бошқариш ва ички назоратни ноанъанавий услубларини жорий этиш, ўрганиш;
- ўқувчиларда кутубхона-библиографик саводхонликни шакллантириш, уларда китобга бўлган муносабатни, ахборот олиш маданиятини тарбиялашдан иборат.

**Тадбир қатнашчилари.** Тадбирда Халқ таълими вазирлиги, унинг жойлардаги бошқарув органлари, мактаб жамоаси, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, мактаб битирувчилари, маҳалла қўмитаси, туман, шаҳар ҳокимликлари, чет эл жамғармалари иштирок этишлари мумкин.

**Тадбирии ўтказиш тартиби.** Ушбу методик тавсия асосида Халқ таълими вазирлиги, унинг жойлардаги бошқарув органлари ва мактабларда ташкилий қўмиталар тузилади.

Ташкилий қўмита таркибига халқ таълими бўлими вакили, мактаб директори, кутубхоначи, жамоат ташкилотлари вакиллари киради.

Жойлардаги ташкилий құмита раислари тадбирнинг мақсади, вазифалари ва самараси ҳақида түшунтириш ишларини олиб боради.

Тадбирни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб боради ва энг фаол туман, мактаб ёки синфни тадбир якунида эсдалик совғалари билан тақдирлайди.

Тадбир ұтказищга тайёргарлик ишлари 20 февралдан 25 майгача мактабларда ұтказилиб унга халқ таълими бошқарув органи ходимлари ва мактаб директори масъулдирлар.

Ташкилий құмита раислари «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» ҳаракатини қуидагилар билан таъминлашлаты зарур:

— ұтказилаёттан тадбирга тайёргарлик күриш ва уни ташкил этишнинг асосий ишлари, методик ишлари тұғрисидеги методик тавсияларни етказиши;

— китоб-илюстратив күргазмалар ташкил этиш ва ұтказищ, китобнинг ақамиятига доир сұхбатлар, конференция, мунозара, викторина, оғзаки журналлар уюштириш орқали китобхонликка қизиқиш үйғотишиңа қаратылған тарбиявий ишларни кучайтириш;

— жамоат ташкилотлари, маҳалла құмиталари, ота-оналар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши;

— тадбирни ұтказиши бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиётлари, ҳомий, донор ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритиши;

— мазкур тадбир бўйича оммавий ахборот воситаларида реклама компаниясини ташкил этиши;

— ұтказиладиган тадбирларга бағишлиланган рекламаларни чиройли безатилган плакатлар, эълонлар, нашрлар орқали ёритиши;

— хайрия тадбирининг бориши ҳақида жойларда 2009 йилнинг 20 майига қадар ҳар ҳафтанинг шанба кунлари умумтаълим мұассасаларининг синф раҳбарлари тўпланган китоблар, маблағлар ҳисоботини олиб бориши, мактаб кутубхоначилари эса ҳафтанинг ҳар душанба куни маълумотларни умумлаштириб, туман ташкилий құмитасига, ўз ўрнида туман ташкилий құмитаси вилоят ишчи гуруҳига тақдим этиб бориши;

— мазкур буйруқнинг бажарилиши ҳамда хайрия тадбирининг бориши ҳақида жойлардаги ахборот-ресурс марказларини масъул котиб этиб белгилаш ҳамда жорий йилнинг 20 майига қадар ҳар ҳафтанинг пайшанба куни вазирликнинг Маянавий-аҳлоқий тарбия бошқармасига ахборот бериб бориши;

Ҳомий, донор, жамоат ташкилотлари, алоҳида шахслар томо-

нидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Наврӯз байрами арафасида ҳам «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ташкиллаштириш.

Тадбирнинг якуний босқичи 2009 йил 24 – 25 май кунлари туман (шаҳар) таълим муассасаларида тантанали йиғилишлар, оммавий тадбирлар, китоб тақдимотлари, ёзувчилар, меҳнат фаҳрийлари билан учрашувлар ўтказиш, ҳомийлардан тушган совғалар, маблағларни сарҳисоб қилиш билан якунланади.

Шу куни новаторлик, ноанъанавийлик, қизиқувчанлик ўкувчилар жамоалари ўргасида ўз аксини топмоғи лозим. Таълим муассаса кутубхоналарининг хайрия тадбирини ўтказищдаги иш шаклларидан бири болалар адабий-бадиий ижодкорлиги байрамларини ўтказиш, бу тадбир орқали ўкувчилар ижодий қобилиятини намойиш қилишдан иборатдир. «Голиб китобхон» деган танловни ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. «Синфнинг энг яхши китобхони» танлови ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хайрия тадбири ёпилиши тантанасида ана шу каби танловларга якун чиқарилиши, натижасини мактаб радиоси орқали оммалаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

«Мактаб кутубхонаси фаҳрийси китоби»ни ташкил этиш ҳам айни муддаодир. Унга юқорида айтилган танловлар голиблари номлари ёзиб кўйилади ҳамда мактаб кутубхонаси тарихидан муносиб ўрин олади.

«Фаҳрий китоб» асосида мактабда «Энг яхши китобхонлар» галереясини яратиш мумкин.

Шу куни кутубхонада, мактаб фойесида китоб-иллюстратив кўргазмаларни ташкил этиш жуда муҳимдир. Унда босма материаллардан ташқари мурожаатнома, картиналар репродукциялари, расмлар, коллекциялар, рефератлар, журнал мақолалари ҳам ўз аксини топиши мумкин. Кўргазмаларни ташкил этишда викторина, танловлар каби ўйинлар усулларидан фойдаланишга ҳам эътибор берилади. «Саёҳат» кўргазмаси, «Савол-жавоб» кўргазмаси, «Мулоқот» кўргазмаси, «Энг яхши болалар китоби» кўргазмаси кабилар ҳам ўкувчиларда қизиқиш уйғотади.

Шу ўринда «Китобга меҳр тўғрисида» деб номланган кўргазма ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу кўргазма у ёки бу ўкувчининг тақризи материалларидан иборат бўлади. Ўкувчилар томонидан қизиқиш билан ўқиб чиқилган китоблар бу кўргазмага кўйилади. Ёзилган тақризлар орқали бу китобларни бошқа ўкувчилар ҳам ўқиб чиқиши тавсия этилади.

Мактаб кутубхонасида китобхонларининг «Бизнинг ўлка» деб ном-

ланган ижодий иши күргазмасини ташкил этиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Ўқувчилар орзуси бўйича ёзилган иншолар, шеърлар, ҳикоялар энг яхши экспонат сифатида кўргазмада ўз аксини топади.

Хайрия тадбири кунларида кўйидаги мавзуларда китоб-иллюстрация кўргазмаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

### **I. Ўқувчиларни дарслеклар билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича:**

1.1. 6,7,8 синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида «Дарслек – доно қўмакчи» мавзусида викторина, мусобақалар ўюштириш, барча синфларда дарслек таъминотини таҳлил этиш, умумтаълим мактаблари бўйича дарслек таъминоти рейтингини ишлаб чиқиши;

1.2. 4,5,9 ва бошқа синф ўқувчилари орасида «Дарслекни авайлаб-асрайлик» шиори остида дарслеклар кўригини ўтказиш ва ўқувчиларда китобни тоза ва озода сақлаш бўйича масъулият уйғотиш;

1.3. Маҳалла ва ота-оналар иштироқида дарслекнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги бўйича тарғибот ишлари олиб бориш ва камтаъминланган оиласалар фарзандларини ҳомийлар томонидан дарслеклар билан таъминлашни ташкил этиши;

1.4. Умумтаълим мактабларида дарслеклар ва бадиий адабиётлар сотувини ташкил этиши. Бунда ўқувчилар томонидан ўтган ўкув йилида фойдаланилган дарслекларни кўйи синф ўқувчилари ишлатиши учун кутубхонага тақдим этишлари ёки арzon баҳолардаги сотувларини ўюштириш орқали дарслек таъминотини ривожлантириш.

### **II. 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» бўйича: Қишлоқ ривожи – юртимиз ободлиги ва ҳаётимиз фаровонлиги» номли библиографик кўрсаткичда қўйидаги мавзудаги материаллар ўз ифодасини топиши мумкин:**

«Қишлоқ файзи – мактаб билан»;

«Қишлоқдан таралаётган нур».

**«Тезкор картотекалар учун мавзулар: «2009 йил- Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»;**

«Қадрдон далалар- ёзувчилар ижодида»;

«Меҳнат – меҳнатдан келар бойлик».

### **III. Мустақиллик байрами бўйича: «Истиқлол ва мактаб» номли китоб кўргазмаси қўйидаги рукнларда ўз ифодасини топади; «Таълим-тарбия соҳасида истиқлол одимлари»; «Таълим – мустақиллигимиз пойдевори»;**

«Мустақиллик маънавияти»; – «Истиқлол офтоби».

Папкалар учун мавзулар:

«Қишлоқда – болалар спорти»;

«Қишлоқда она ва бола саломатлиги»;

«Қишлоқ ёшлари ижодидан»;

«Маданий ва маърифий ишлар – юксаклиқ тимсоли».

**23- апрел – Бутунжаон китоб куни бўйича:** «Китоб – содик дўст» номли китоб кўргазмаси қўйидаги мавзулардаги материаллардан иборат: «Бугунги болаларимиз ва китоб»; «Китобга меҳр кўйинг»; «Вақтингиз бехуда ўтмасин»;

«Китоблар дунёни танитар».

Тезкор картотекалар:

«Китобсиз ҳаёт йўқ»,

«Китоб билим замини»,

«Китоблар – ақдимизнинг чархи».

**IV.1. Мактаб кутубхоналари – XXI асрда...» номли китоб кўргазмаси қўйидаги мавзулардаги материаллардан иборат:**

«Мактаб кутубхонаси ислоҳотлар жараёнида»;

«Мактаб кутубхонаси – маънавият ва маърифат ўчофи»;

«Мактаб кутубхонасига янги технологиялар».

**V. 2. Тезкор картотекалар:**

«Халқаро мактаб кутубхоналари куни»;

«Китоб ўқишга иштиёқ, уйғотиш – эзгу иш»;

«Мактаб кутубхоналари – маърифат маскани»;

«Мактаб кутубхоналарига ёрдам».

Юқорида хайрия тадбирини ўтказиш билан боғлиқ кутубхоначилик ишларини кўрсатиб ўтдик. Булар, шубҳасиз, китобхонни кутубхонага етакловчи муҳим омиллардир.

**Тадбир хуносаси.** Тадбирнинг учинчи босқичи «Мактаб – кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирига келиб тушган маблагни сарфлаш ишларини йўлга қўйиши. Тадбир якунига оид ҳисоботлар тузиш ва уларда асосий кўрсаткичларга мос келувчи ҳаққоний маълумотларни акс эттириш лозим. Ҳисоботда ташкилий қўмита аъзоларининг исм-шарифлари, фамилияси, мактаб рақамлари ва манзилини тўлиқ кўрсатиш керак. Тадбирдан тушган маблаг ва унга харид қилинган адабиётлар ҳамда техник жиҳозларнинг юк хати бир-бирига тўлақонли мос келиши шарт.

*Халқ таълими вазирлигининг  
2009 йил 27 февралдаги  
«44» сонли буйруғига 2-шлова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ КУТУБХОНАЧИСИ»  
ҚЎРИК-ТАНЛОВИ  
НИЗОМИ**

«Йилнинг энг яхши таълим муассасаси кутубхоначиси» қўрик-танлови ҳар йили Республикадаги энг яхши илфор таълим муассасаси кутубхоначисини аниқлашда ва иш тажрибасини оммалаштиришда, таълим муассасалари жамоалари мөҳнатини муносиб тақдирлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Мазкур қўрик-танлов Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кўрсатилган вазифаларни бажаришни таъминлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва ҳаётга татбиқ этишни ташкил этади.

Қўрик-танловнинг барча босқичларини юқори савияда ўтказиш, таълим-тарбия ишидаги янги педагогик технологияларни жорий этиш, таълим муассасалари кутубхоналарининг илфор иш услублари ва тажрибаларини оммалаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг муҳим вазифасидир. Қўрик-танлов Халқ таълими вазирлиги, бошқарма ва бўлимлари ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотлар иштирокида ўтказилади.

**I. ҚЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ**

Қўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», Давлат таълим стандартлари талаблари асосида янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган, инновацион ишларни кенг тарғиб қилаётган ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшаётган таълим муассасаси кутубхоначиларини аниқлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг энг илфор, ташаббускор таълим муассасаси кутубхона-

чиларини аниқлаш, муассаса раҳбарияти ва ўқувчилар ижодий ташаббускорлиги, изланишларини юқори савияга кўтариш.

Таълим муассасаларида миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни ва анъаналарини қадрлаш ҳамда таълим-тарбияда улардан фойдаланишни йўлга кўйишга эришиш.

Мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтириш.

Мустақил мутолаа қилиш жараённада экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа билимларга мукаммал эга бўлиш.

Таълим муассасаси кутубхоналарида таълим-тарбиявий ишларни бошқариш ва кучайтириш.

Софлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш.

Миллий мафкура ва мустақиллик ғоясини кенг тарғиб қилиш йўли билан ўқувчилар билимини орттириш, улар фаоллигини ошириш.

Даврий нашрлар ва китобларни мақсадли ҳамда тизимли ташвиқот қилишни ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараённинг самарадорлигини ошириш, мактабларнинг педагогик жамоалари малакаларини оширишда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишини таъминлаш.

Китобхонларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш, кутубхона заҳира фонdlарини тезкор ва сифатли тўлдириш йўли билан айрим мактаблар жамоаси дастурини педагогик йўналтириш ва маънавий-маърифий ишларни амалга оширилишини таъминлаш.

Халқнинг урф-одат ва анъаналари, миллий маданияти, тарихий ва маънавий қадриятларини тиклаш, халқ таълими соҳасидаги ютуқларни кенг ташвиқот қилишга йўналтирилган ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида китоб билан ишлашнинг турли-туман индивидуал ва оммавий шаклларини ташкил қилиш ва ўтказиш.

Ўқувчиларда кутубхона библиографик саводхонликни шакллантириш, уларда китобга меҳр-муҳаббатни, ахборот олиш маданиятини тарбиялаш.

## II. КЎРИК-ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Кўрик-танловда барча турдаги умумий ўрта таълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, «Мехрибонлик» уйлари кутубхоналарида камида беш йил кутубхоначилик иш тажрибасига эга бўлган кутубхоначилар қатнашади.

2-босқичда иштирок этиш учун туман халқ таълими бўлими тақдимномаси ва якунловчи Республика босқичида иштирок этиш учун эса, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирли-

ги, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар ҳалқ таълими бошқармалари тақдимномаси асос бўлади.

Вилоят, Республика тасарруфидаги мактаблар кутубхоначилари тўғридан-тўғри жойлашган худудлари босқичида (2-3 босқичларда) иштирок этишлари учун ариза беришлари мумкин.

Ушбу кўрик-танловнинг Республика босқичида қатнашган кутубхоначи беш йилдан сўнг қайта иштирок этиши мумкин.

### Ш. КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар ҳалқ таълими бошқармалари томонидан буйруқ билан тасдиқланган ташкилий қўмита томонидан мувофиқлаштирилади.

Ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзолари кўрик-танловда иштирокчи сифатида қатнашиш ҳукуқига эга эмас.

Туман босқичига ҳар бир мактабдан (педагогик кенгаш қарори, директор буйруғи билан) бир нафардан кутубхоначи тавсия этилади.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи тумандада 2009 йил 1 июндан 20 июнгача ўтказилади. Биринчи босқич фолиби кўрик-танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун вилоят ташкилий қўмитасига тавсия қилинади.

Кўрик-танловнинг туман босқичига номзодлар куйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

Номзод фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси педагогик кенгаш қарори ҳамда ушбу кутубхоначининг ўз касби бўйича ўзлаштириш сифат даражаси мониторингининг 3 йиллик натижалари мактаб директорининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда;

Кутубхоначининг фаолияти ҳақида маълумот;

Иштирокчининг аризаси.

Туман босқичи 2 турда ташкил этилади:

**1-тур:** тест топшириқлари;

**2-тур:** интернет ёрдамида берилган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратиш;

1-тур бўйича иштирокчилар 40 та тест топшириқларини баҳарадилар (шундан 20 та топшириқ ўз мутахассислиги бўйича, 20 таси миллий истиқлол foяси ва маънавият асослари, таълим

тизимига тегишли мөнбеттүүлүк хужжатлар асосида). Жами 40 балл билан баҳоланади. Тест учун 1 соат вақт ажратылади.

2-тур: интернет ёрдамида берилган мавзуу бүйича маълумотлар банкини яратиш; Мазкур тур учун 3 тадан 5 тагача мавзулар тавсия этилади. Ушбу турда ҳар бир кутубхоначи берилган мавзулардан бирини танлаб интернет ёрдамида маълумотлар банкини яратади. Ушбу топшириққа ярим соат вақт ажратылади ҳамда 60 балл қўйилади.

Умумий балл – 100.

Ҳар иккала турдан 76 балдан юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллаган кутубхоначи вилоят босқичида иштирок этиш хукуқига эга бўлади.

Биринчи босқич тест топшириқлари ва маълумотлар банкини яратиш бүйича мавзулар туман ҳалқ таълими бўлимлари методистлари томонидан тайёрланиб, маҳфийлиги таъминланади. Ушбу тест топшириқлари ва маълумотлар банклари мавзуси солинган конвертлар кўрик-танлов ўтадиган куни эрталаб соат 8.00 да ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

Кўрик-танловнинг туман босқичида кутубхоначиларнинг тўлиқ иштирок этишлари учун мактаб директорлари масъулдирлар. Номзодлар мактаб педагогик кенгашида муҳокама қилинади ва педагогик кенгаш қарори, тавсия этувчи буйруқ, иштирокчининг аризаси 1 июнгача туман (шаҳар) кўрик-танловини ўтказувчи ташкилий қўмитага тақдим этилади.

Кўрик-танлов натижалари туман(шаҳар) ҳалқ таълими бўлими кенгашида муҳокама қилинади, тумандан ялпи буортма, ҳакамлар ҳайъати қарори билан тасдиқланиб, 1-ўринни эгаллаган ғолибининг ҳужжатлари ижодий ишлари билан бирга 2009 йилнинг 1 августигача вилоят ташкилий қўмитасига топширилади.

**Иккинчи, вилоят босқичи** 2009 йил 1 августдан 10 августгacha ўтказилади.

Кўрик-танловнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳалқ таълими бошқармалари масъулдирлар.

Вилоят босқичи иштирокчилари ташкилий қўмитага қўйидағи ҳужжатларни тақдим этадилар:

- Туман ҳалқ таълими бўлимининг тақдимномаси;
- Иштирок этиш учун ариза;
- Туман ҳакамлар ҳайъатининг қарори;
- Қатнашчининг туман босқичидаги ишларининг асл нусхалари;

- Кутубхоначининг ўз фаолияти юзасидан маълумотномаси;
- Кутубхоначининг болалар билан ишлаш бўйича битта тадбирининг ишланмаси;

Вилоят босқичида қўйидаги шартлар асосида танлов ўтказилади ва баҳоланади:

**1-тур:** Кутубхоначининг ўз касби бўйича танловга (сиртқи) тайёрлаб келган ишларининг тақдимоти.

- кутубхоначининг болалар билан ишлаш бўйича битта тадбирининг ишланмаси;

- кутубхоначи ўз касбини илмий, педагогик, психологик ва методик томондан ривожланишини 5 дақиқада ифодалаб бериши лозим;

- иши юзасидан кўргазмали воситалар; ушбу топшириқقا 6 дақиқа вақт ажратилади ҳамда 20 балл билан баҳоланади.

**2-тур:** Тест топшириқлари.

Кутубхоначилар 40 та тест топшириқларини бажарадилар (20 та мутахассислиги бўйича, 10 таси миллий истиқтолғояси ва маънавият асослари, 10 таси таълим тизимиға тегишли меъёрий хужжатлар асосида) 40 балл билан баҳоланади.

Тест топшириқларини бажариш учун 1 соат вақт ажратилади.

**3-тур:** берилган мавзуу бўйича адабиётлардан 1 мавзуга оид библиографик кўрсаткич тузиш.

Кўрсаткич тузиш учун 45 дақиқа вақт ажратилади. 5 тадан 10 тагача манбадан фойдаланилса — 5 балл; 15 тадан 20 тагача манбадан фойдаланилса 15 балл; 20 тадан 30 тагача манбадан фойдаланилса 20 балл- жами 40 балл тўплаш имконияти мавжуд.

Умумий балл 100.

Белгиланган турлардан 76 дан юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллаган кутубхоначи Республика босқичида иштирок этади.

Иккинчи тур тест топшириқлари ва библиографик кўрсаткич тузиш бўйича мавзулар вилоят халқ таълими бошқармалари методистлари томонидан тайёрланиб, маҳфийлиги таъминланади. Ушбу тест топшириқлари ва библиографик кўрсаткичлар мавзуси солинган конвертлар қўрик-танлов ўтадиган куни эрталаб соат 8.00 да ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

Қўрик-танлов натижалари Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳайъат мажлисида муҳокама қилинади ҳамда ғолиб тўғрисидаги қарор, тавсия этувчи

буйруқ ва туман, вилоят босқичларидаги ҳужжатлари 2009 йил 1 сентябргача Республика қўрик-танловини ўтказувчи ташкилий қўмитага тақдим этилади. Барча ҳужжатлар ва материаллар матни компьютерда терилиб, электрон варианта ҳам топширилиши шарт.

Қўрик-танловнинг якуний, учинчи, Республика босқичи жорий йилнинг сентябрь ойининг учинчи 10 кунлигида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Вилоятларда ғолиб деб топилган бир нафар иштирокчи Республикада маҳсус белгиланган санада беллашади.

Республика босқичида қатнашиш учун ташкилий қўмитага қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Расмий тасдиқланган тақдимнома (ушбу тақдимнома номзод иш фаолиятининг жамият учун аҳамиятини қисқача таърифлаган ҳолда, тавсия этувчи (ВХТБ) томонидан тайёрланади. Тақдимномада иштирокчининг уч йил давомида кутубхона фаолияти сифатини оширишга оид амалга оширган ишлари, китобхонларнинг ўзлаштириш мониторинги, таълим-тарбия бериш жараёнида қўллаб келаётган илғор педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялари, иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги (семинар, конференция, давра суҳбати, синф устаси) кўрсатилиши шарт.

- Ҳакамлар ҳайъати хulosаси, Республика босқичида иштирок этишга тавсия қилинган ғолибларнинг туман ва вилоят босқичидаги ҳужжатлари.

- Ариза.

- Диплом нусхаси.

- Кутубхоначи яратган янгилиги (концепция) ва келажакда амалга оширмоқчи бўлган ишлари режаси (илғор тажрибанинг ўналиши (муаммоси) ва уни амалга ошириш йўлларини кўрсатиши, анъанавий методлардан ўзи фойдаланаётган технологиянинг фарқини қиёслаб, асослаб бериши лозим (ҳажми 4-5 бет).

- Иштирокчи келажакда амалга оширмоқчи бўлган режасида ўзининг иш тажрибаси асосида мактаб яратиши ва бу мактабида амалга оширмоқчи бўлган ишларини аниқ вақти билан кўрсатиб бериши лозим.

- Касбига оид тақдимотни компьютердан фойдаланган ҳолда ўтиши учун слайдлар тайёрлаб келиши лозим.

Изоҳ: Республика босқичида қатнашиш учун тавсия этилган ғолибларнинг ҳужжатлари эксперт гуруҳлари томонидан ўрганиб чиқилади ва эксперт гуруҳлари томонидан берилган хulosалар асосида Республика босқичига тавсия этилади.

**Республика босқичида қўйидаги шартлар асосида танлов ўтказилади ва баҳоланади:**

**1-тур.** Фаолият кўрсатаётган кутубхона ҳақида компьютер ёрдамида тақдимот қилиш.

• Халқ таълими бошқармаси томонидан тақдим этилган иштирокчининг уч йил давомида кутубхона фаолияти сифатини оширишга оид амалга оширган ишлари, китобхонларнинг ўзлаштириш мониторинги, иш жараёнида қўллаб келаётган илғор педагогик технологиялари, ахборот коммуникацион технологиялари, иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги (семинар, конференция, давра сұхбати, синф устаси).

• Кутубхоначи яратган концепция ва келажакда амалга ошироқчи бўлган режаси (илғор тажрибанинг йўналиши (муаммоси) ва уни амалга ошириш йўлларини кўрсатиш, анъанавий методлардан ўзи фойдаланаётган технологиянинг фарқини қиёслаб, асослаб бериши лозим).

Ушбу шартга 10 дақиқа вақт ва максимал 15 балл ажратилади.

**2-тур.** Интернет ёрдамида берилган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратиш.

• Иштирокчи интернет орқали ўзи танлаган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратади.

• 10 тадан 15 тагача маълумот тўпласа — 5 балл.

• 15 тадан 20 тагача маълумот тўпласа — 10 балл.

• 20 тадан 30 тагача маълумот тўпласа — 15 балл.

Жами: 30 балл.

Маълумотлар банкини яратиш учун 25 дақиқа вақт ажратилади.

**3-тур.** Тест топшириқлари.

Кутубхоначилар 50 та тест топшириқларини бажарадилар (30 та мутахассислиги бўйича, 10 таси миллий истиқдол тоғаси ва маънавият асослари, 10 таси таълим тизимиға тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида) 25 балл билан баҳоланади.

Тест топшириқларини бажариш учун 1 соат вақт ажратилади.

Ҳар бир тўғри тест жавобига — 0,5 балл белгиланади.

**4-тур.** Кутубхонада мавжуд адабиётлардан 1 мавзуга оид библиографик кўрсаткич тузиш.

Кўрсаткич тузиш учун 45 дақиқа вақт ажратилади. 5 тадан 10 тагача манбадан фойдаланилса — 5 балл; 15 тадан 20 тагача манбадан фойдаланилса 10 балл; 20 тадан 30 тагача манбадан фойдаланилса 15 балл- жами 30 балл тўплаш имконияти мавжуд.

**Умумий балл 100.**

Белгиланган турлардан 80 балдан юқори балл тұплаб бириңчи үрінни әгаллаган күтубхоначи «Йилнинг эң яхши таълим муассасаси күтубхоначиси» номинациясыга зәғ бўлади.

Тур тест топшириқлари, маълумотлар банкини яратиш бўйича ва библиографик кўрсаткич тузиш бўйича мавзулар Республика илмий педагогика күтубхонаси, Республика Таълим маркази ходимлари томонидан тайёрланиб, махфийлиги таъминланади. Ушбу тест топшириқлари ва библиографик кўрсаткичлар мавзуви солинган конвертлар кўрик-танлов ўтадиган куни эрталаб соат 8.00 да ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

#### **IV. ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ ВА ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ**

Кўрик-танловнинг Ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси таркибиغا Халқ таълими вазирлиги ходимлари, РТМ методистлари, олимлар, матбуот вакиллари, ёзувчилар, туман (шаҳар) методика кабинети методистлари, мактаб раҳбарлари, тажрибали ўқитувчилар, ахборот-ресурс маркази ходимлари, аввалги йилларда «Йилнинг эң яхши таълим муассасаси күтубхоначиси» кўрик-танловларининг голибларидан танлаб олинади ҳамда танлов шартларини баҳолаш учун тақсимланади.

Эксперт гуруҳи вилоят босқичи голибларининг тақдим этилган ҳужжатларини ўрганади, таҳлил қиласи ва баҳолайди.

Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танловининг ташкил этилиш турларига кўра (тақдимот, библиографик кўрсаткич тузиш, маълумотлар банкини яратиш, соҳа бўйича тест саволлари) бир қанча гурухдан иборат тузилади. Ҳар бир тур учун унинг баҳолаш мезонига асосан 1 нафардан иборат ҳакамлар ҳайъати белгиланади, у ўзига бириктирилган тур шартларини умумлаштиради ва холоса тайёрлади.

Ҳайъат аъзолари ҳар бир тур тақдимоти тугагандан сўнг ҳар бир иштирокчининг жавобини таҳлил қилиб беради. Таҳлил тугагандан сўнг қўйилган баҳога эътиrozлар бўлса, ёзма равища Ҳакамлар ҳайъатига мурожаат қиласидилар.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг амалий машғулотларини, саводхонлигини адолатли баҳолайдилар, баҳолаш мезони асосида эксперт гуруҳи холосаларини ва голибларининг якуний босқичда олган баҳоларини умумлаштирган ҳолда кўрик-танлов голибларини аниқлаб берадилар.

## V. САНОҚ КОМИССИЯСИ

Комиссия таркиби уч кишидан иборат бўлиб, унинг таркиби ҳакамлар ҳайъати раиси томонидан белгиланади. Комиссия финал мусобақасида кўрик-танлов шартларини бажариш учун иштирокчиларниң сарфлаган вақтини ҳисоблаб боради. Ортиқча сарфланган вақт юзасидан ҳакамлар ҳайъатини огоҳлантиради. Саноқ комиссияси танлов ўtkазилаётган жойда иштирокчиларниң барча турлар ва шартлар бўйича кўрсаткичларни оммага ёритиб боради.

### Эслатма:

- Финал мусобақаси қатнашчилари кўрик-танлов шартларини белгиланган вақт ичида бажаришлари шарт.
- Кўрик-танлов жараёнига халақит берган, ҳакамлар ҳайъати, экспертлар хуносаларини писанд қилмаган ҳамда ушбу тартибларга амал қилишдан бош тортган иштирокчи кўрик-танловдан четлаштирилади. Бу ҳақда тегишли далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади.
- Кўрик-танловнинг ўтиши юзасидан фақат кўрик-танлов қатнашчиларигина эътиroz билдириш ҳукуқига эга ва уларнинг эътиrozлари жойида ҳамда эътиroz билдирилган вақтнинг ўзида ҳал этилади, кейинги эътиrozлар қабул қилинмайди.

## VI. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

### 1. Кутубхоначи тўғрисида тўлиқ маълумот:

- исми, шарифи;
- иш стажи;
- маълумоти.

### 2. Кутубхона тўғрисида тавсифнома:

- китоб фонди ҳажми;
- китобхонлар сони;
- берилган китоб сони;
- фонднинг нуфузи;
- кутубхона эгаллаган майдон;
- китоб сақлаш жойи, ўқув залининг мавжудлиги;
- кутубхона жиҳозларининг, кутубхона техникаларининг (китоб ва китобхон формуларлари, ҳисобга олиш ҳужжатлари, китоб ажраткичлари ва бошқаларнинг) мавжудлиги.

3. Кутубхона китоб фондини шакллантириш, тўлдириш:

- китоб фондини жамлашнинг асосий қўшимча манбалари;
- даврий нашрларга обуна;
- кутубхона фондида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларининг, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги тавсия рўйхатномасига мос келувчи сиёсий, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар, дарсликлар, ўкув қўлланмаларининг ва синфдан ташқари ўқиш китобларининг, янги адабиётларнинг мавжудлиги;
- кутубхона фонди;
- умумий ҳисоб-китоб, якка ҳисоб, Инвентарь китобларга кирмаган нашрлар ҳисоби. Мактаб кутубхонасида ҳисобга оловучи хужжатлар: Инвентарь китоблар, китобларнинг умумий ҳисоби (книга суммарного учета), китобларни ҳисобга олиш дафтлари;
- ҳисоб хужжатларининг тўғри олиб борилиши ва тўлдирилиши;
- кутубхона фондининг жойлашиши ва сақланиши.

3. Нацр этилган адабиётларга библиографик ишлов берилиши китобларда шифр, индексларнинг мавжудлиги:

- алфавитли, тизимли (систематик) каталогларнинг мавжудлиги: юритилиши, жиҳозланиши ва каталогларнинг таҳрир қилинганилиги.

4. Адабиётларни тарғибот қилиш ва китобхонларга кутубхона-библиографик хизмат қўрсатиши ташкил этиш:

- китобхонларни рўйхатга олиш, китобхонлар сони — ўкувчилар умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида, кутубхонада китобхон формулярларининг мавжудлиги, уларни тўлдирилишининг тўғрилиги, китобхонларни қайта рўйхатдан ўтказишининг бориши;
- китобхонларга хизмат қўрсатиши ишлари ҳисоби, «Кутубхона ишларини ҳисобга олиб бориш кундалиги»нинг юритилиши; кутубхона ишларининг асосий қўрсаткичлари: китобхонлар сони, китоб берилганлиги сони ва бошқа тадбирлар ҳисобининг тўғри олиб борилиши;

— китобхонлар билан олиб борилган якка тартибдаги ишлар, уларнинг шакллари ва методлари;

— мактаб кутубхонасининг жиҳозланиши ва адабиётлар кўргазмаси тарғиботи;

— Республикамиз, давлатимизнинг асосий рамзларининг мавжудлиги;

— китоблар кўргазмасини ташкил этишда, рефератлар, буклетлар, альбомлар ва бошқаларни тайёрлашда давлатимизнинг,

мустақиллигимизнинг энг асосий ва муҳим саналарининг акс эттирилганлиги;

— ўқувчиларнинг кутубхонадан фойдаланишга оммавий раҳбарлик қилишнинг шакллари ва методлари;

— адабиётларнинг мавзули ва ахборотли библиографик обзорини ўтказиш;

— бадиий кечалар, анжуманлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

— кутубхоналарнинг «Маънавият» хоналари билан ҳамкорлиги;

— ўқувчиларнинг китобга меҳр-муҳаббатини, китоб ўқишила-рига раҳбарлик қилишга жалб этиш бўйича маҳалла қўмиталари, бошқа соҳа ва тизим кутубхоналари, болаларнинг оиласлари билан олиб борилаётган тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш;

— кутубхонада «Ёш китобсеварлар», «Фаол китобхон», «Китоб шифохонаси» каби тўгаракларни ташкил этиш.

## VII. АХБОРОТ ВА БИБЛИОГРАФИК ИШЛАР

— китобхонлар сўрови бўйича турли хил библиографик буюртмаларни бажариш;

— «Ахборот куни», «Мутахассис куни», «Маънавият куни» каби тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

— адабиётларнинг мавзули кўргазмаларини ташкил этиш ва библиографик қарааш йўли билан китобхонларнинг ахборот олиш имкониятини кенгайтириш, дунёқарашини ўстириш;

— муҳим, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаш, мавзули картотекани юритиш, мавзули тўпламлар тузиш;

— кутубхона дарсларини ўтказиш, ўқувчиларда кутубхона-библиографик билимларни бойитиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.

## VIII. КЎРИК-ТАНЛОВГА ХУЛОСА

Кўрик-танлов якунига оид ҳисоботларда асосий кўрсаткичларга мос келувчи ҳаққоний маълумотлар акс этиши лозим. Ҳисоботда муассаса директорининг, кутубхона мудирининг исми, шарифи, фамилиясини, муассаса рақамларини ва манзилини кўрсатиш лозим. Ҳисоботга кўргазмали материаллар (альбомлар, китобларни тарғибот қилиш бўйича ўтказилган тадбир тўғрисида фотосуратлар) илова қилинади.

Республика тадбирида олий ҳамда 1,2,3 ўринни эгаллаб ғолиб чиққан кутубхоначиларга Ҳалқ таълими вазирлигининг фахрий ёрликлари ҳамда совғалари топширилади.

*Халқ таълими вазирлигининг  
2009 йил 27 февралдаги  
«45» сонли буйругига 2-илюва*

**РЕСПУБЛИКА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ  
ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН  
«ЖАҲОН ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ БИЛАФОНЛАРИ»  
КҮРИК-ТАНЛОВИННИНГ  
Н И З О М И**

**1. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари**

Яратилиши ва ижодий жараёнида кўпчиликнинг иштироки бўлган халқ оғзаки ижодининг турлари халқ турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражасига мос равища шакллашиб, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, доимий равища мукаммаллашиб, сайқаллашиб, тобора анъанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийлик хусусиятига эга бўлган, жонли ижро шароитлари ва кундалик амалиётда бизгача етиб келган. Афсона, ривоят, лоф, латифа, мақол, топишмоқ, эртак, достон, кўшиқ, асқия, оғзаки драма ва бошқалар халқ оғзаки ижодининг асосий жанрларидир. Халқ оғзаки ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қийматга эга. У халқнинг тарихи, маишати, урф-одатлари, дунёқараси, орзу-умидлари ҳақида кенг билим беради. Унда халқ бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Эстетик сезгилар ривожида, гўзалликни, бадиий сўз қадри ва қўйинни, она тили бойликларини ҳис қилишда унинг аҳамияти бекиёсdir.

**2. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби**

2.1. Тадбир ҳар йили бир марта босқичма-босқич ўтказилади.

2.2. Тадбирнинг биринчи босқичи 1 мартадан 20 мартача мактабларда 4-синфдан 9-синфгacha бўлган ўқувчилар ўртасида ўтказилиб, унга мактаб директорлари масъулдирлар. Мактаб директори томонидан тадбирни ўтказиш вақти, жойи, ҳакамлар ҳайъати белгиланади. Бу ишда мактаб кутубхоначилари асосий шахс саналади. Лекин педагоглар жамоасининг қўллаб-кувватлашисиз уларнинг ўз вазифаларини улдалашлари мушкул. Бунда китоб жамғармаси билан олиб бориладиган ишларнинг шунчаки янги хилма-хил шаклларини ўйлаб

топиши керак бўлмай, балки мактабда муайян кайфият яратиш, болаларга улар китоб билан дўстлашишса, ҳаёт нечоғлик қизиқарли бўлиб қолишини кўрсатиш ҳам керак бўлади.

Байрамни ташкил этиш ва ўтказишида фаол китобхонларнинг етакчилик қилишлари жуда муҳимдир. Юқори синф ўқувчилари куйи синф ўқувчиларига ўқиган китоблари ҳақида сўзлаб бёришлари, турли ўйинлар ўтказишлиари, кутубхоначилар эса даврий газетага мактаб кутубхонасининг энг яхши китобхонлари ҳақида ёзишлиари, уларни мўъжаз совринлар билан мукофотлашлари мумкин.

Байрамда иштирок этиш учун ота-оналар, буви ва боболар – болаларни китоб ўқишига тортишга таъсир эта оладиган барчани жалб этиш зарур.

Сир эмаски, аксарият болалар мактаб кутубхонасида қандай китоблар борлиги, умуман ҳалқ оғзаки ижоди ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар, чунки уларнинг кўпчилиги бу ерга уй вазифасини бажаришида керак бўлсагина, зарурат туфайли келади. Кутубхона жамғармасининг бутун бойлигини ўқувчиларга кўрсатиш учун китоб кўргазмалари кўмак беради. Китоб кўргазмалари ва уларни шарҳлаш чоғида ўқувчиларга ҳалқ оғзаки ижоди вакилларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида, буюк бахшилар тўғрисида ҳикоя қилиш фойдалидир. Болаларда «Бобомнинг севимли китоблари», «Қадимий фольклор қаҳрамонлари», «Қадимий ривоят ва афсоналар» ва бошқа кўргазмалар жуда катта қизиқиши уйғотади.

Мактаб директори томонидан голиб синф ўқувчиларига туман (шаҳар) ХТБ га иккинчи босқичда иштирок этиш учун йўлланма берилади.

2.3. Иккинчи босқич шаҳар ва туман тадбирлари 22 марта 1 апрелгача ўтказилади. Иккинчи босқични ўтказиш учун шаҳар ва туман ХТБ мудирлари масъулдирлар. Тадбирни ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркиби шаҳар, туман ҳалқ таълими бўлими томонидан белгиланади ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими Бош бошқармаси ва вилоятлар ҳалқ таълими бошқармаларига учинчи босқичда иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Кўрик-танловнинг туман, вилоят босқичларида хилма-хил тадбирлардан фойдаланиш мумкин. Уни режалаштиришда, Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан ҳар йили «Саналар, воқеа-ҳодисалар, тақдирлар ва китоблар» номли мактаб кутубхоначилари, ўқитувчилар ва мактабдан ташқари таълим муз

ассасалари ходимлари ишини режалаштиришда ёрдам сифатида тайёрланадиган унтуилмас саналар тақвимидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу саналардан халқ оғзаки ижодига бағышланғани адабий кечә, адабий ўйинлар, китоб юзасидан баҳслар үтказиш учун сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Китобхонларни олға бошлаш, у кўпдан бери биладиган нарсаларни тақорламаслик, аксинча, ижодкор тақдирининг янги қирраларини очиб бериш муҳимдир. Масалан, «Бароқтом», «Шоҳсанам ва Фаріб», «Искандар» каби афсоналар тарихий жой ва тарихий шахслар номи билан боғланган. Уларда воқелик фантастик йўналишда ҳикоя қилинади. Бу хилдаги афсоналар кўпроқ муайян ҳодиса, қабила ёки элат, географик жой-қалъа, мақбара, сарой, минора билан боғлиқ бўлиб, уларнинг юзага келиши ва вайрон бўлиш сабаблари, у ёки бу номнинг пайдо бўлиши тарихидан хабар беради. Болаларга ижодкорларнинг ана шундай тарихий афсоналаридан парчалар келтириб адабий кечा үтказиш мумкин.

Байрам үтказиладиган хоналар, албатта, халқ афсона ва ривоятларидан парчалар, китоблар ҳақидаги фикрлар, мақоллар билан безаб чиқилиши керак.

**Китобхон оила.** Тадбирга тайёргарлик кунларида ота-оналар билан болаларни мактаб кутубхонасига китоб ва китоб ўқиш ҳақида умумий суҳбат қуриш мақсадида таклиф этиш маъкул бўлади. «Китобхон оила» ёки «Эртакчи буви» деган мазмунда олдиндан танлов эълон қилиш мумкин. Танловда ота-оналарнинг болалар адабиётига доир билимлари ўзлари севган китоби тўғрисида қизиқарли сўзлаб бера олиш малакалари, шеъриятга бўлган ўз иштиёқларини болаларга бериш истакларини аниқлаш мумкин.

**Эртаклар билимдонлари.** Столларда ўзбек ёки бошқа халқларнинг эртакларига доир иллюстрациялар бўлади. Мусобақалашиш учун ҳар бир оиласдан бир киши ва бир бола чақирилади. Улар иллюстрацияни қўлларига олиб, унга қараб эртакни таний олишлари, шу эртакдан парча айтишлари ёки мазмунини қисқа баён этишлари лозим.

**Китоб импровизацияси.** Маълумки, болалар тақлидни яхши кўрадилар. Бу хусусиятдан асарга чуқурроқ кириб бориб ва таъсирланиб ўқиш кўнималарини тарбиялашда фойдаланиш катта наф келтирган бўларди. Агар мактаб кутубхоначисига адабий ва драматик тўғарак раҳбарлари ёрдам беришса, севимли китоблар асосида синфлар бўйича импровизация ўйини үтказиш мумкин.

XVI-XVII асрларда ёқ Италияда импровизацион «Комедия дель арте» жанри майдонга келди: артистлар муайян, яхши таниш сюжетлар асосида спектакль қўйишарди. Томошибинлар Пьеро ўзининг Коломбинага бўлган севгисида баҳтсиз бўлишини, Коломбина эса Арлекинони алдашини олдиндан билишарди. Лекин актёрлар ёд оладиган ёзилган матн бўлмас эди: улар импровизация қилишарди – таниш сюжет доирасидан четга чиқмаган ҳолда ижро пайтида ўз лукмаларини яратишарди.

Бутун жамоа, ижрочилар бундай пьесанинг муаллифига айланарди. Актёрлар умумий мувоффақият учун бир-бирларига ёрдам беришарди.

Бинобарин, тадбир кунларида импровизация жанрига мурожаат этилса, бу – болаларнинг актёрлик ва драматурглик қобилиятларини намоён этишлари учун ёрдам берибгина қолмай, уларнинг ахлоқий тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, жамоавий адабий-драматик ижодкорлик ўқувчиларнинг мантиқий қобилиятларини ривожлантиради, сўз бойлигини кенгайтиради.

Импровизация учун кам таниш бўлган китобларни танлаш жоиз эмас. Булар севимли адабий асарлар бўлгани маъқул. «Алломиши», «Гўруғли», «Тулумбий» достонлари, «Ёрилтош», «Алдаркўса», «Икки мулла» эртаклари ёки бошқа машҳур асарлар.

Декорация яратиш бўйича мусаввирлару мусиқа танлайдиган созандалар, костюм тикувчилару реквизиторларга ҳам иш тоғилади.

**Бошқа тадбирлар.** Бундан ташқари, юқорида таклиф этилганидек, тадбир пайтида кўпгина қувноқ ва жиддий танловлар – «энг сўнгти латифалар», «Ёш лофчилар», «мақол-байтбарак», «Эртаклар – яхшиликка етаклар», «Топищмоқлар билағони» ва ҳоказоларни ўтказиш мумкин. Кимдир ёш масҳараబозлар, ёш қаламкашлар, ёш иллюстраторлар беллашувини ташкил эта олар, кимгадир болалар билан «Афсонага бошқача яқун ўйлаб топ» мароқли ўйинини ўйнаш қизиқарли бўлар. Ижод учун эса, кенг майдон.

**2.4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармаларида тадбир 10 апрелдан 15 апрелигача ўтказилади.**

Тадбир ўтказиш жойи, вақти ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркиби Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар, вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

Учинчи босқич голиблари Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаси бўйруқлари билан Республика тадбирида иштирок этиш учун тўрттадан голиб ўқувчини тавсия қиладилар.

2.5. Тўртинчи босқич – Республика тадбири 2009 йил 20 – 21 апрель кунларида ўтказилади. Тадбирнинг ҳакамлар ҳайъати таркибига халқ таълими ва кутубхона ходимлари, вилоят ахборот-ресурс марказлари ходимлари жалб қилинадилар. Тадбирнинг барча босқичларида иштирок этувчилар, ҳакамлар ҳайъати, эксперт комиссияси учун харажатлар иш жойидан тўланади.

### **3. Голибларни тақдирлаш**

Тадбирнинг барча босқичларида олий ҳамда 1,2,3-ўринни эгал-лаб голиб чиққан ўқувчиларга халқ таълими вазирлиги, жойлардаги халқ таълими бошқарув органларининг, хомий ташкилотларнинг фахрий ёрликлари ва маҳсус совфалари топширилади.

### **4.4-босқич танлов шартлари**

1. Саломлашиш ва гуруҳ танишуви. (китоб, китобхонлик ҳақида) жаҳон халқ оғзаки ижоди намуналаридан бирини саҳна кўри-нишида намойиш этиш. (Андижон вилояти – грузин; Бухоро вилояти – рус, Жиззах вилояти – татар; Қорақалпоғистон Республикаси – корейс; Наманган вилояти – хитой; Навоий вилояти – қозоқ; Қашқадарё вилояти – корейс; Самарқанд вилояти – инглиз; Сирдарё вилояти – чех; Сурхондарё вилояти – француз; Тошкент шаҳар – норвег; Тошкент вилояти – япон; Фарғона вилояти – эстон; Хоразм вилояти – ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан бадиий композиция (15 дақиқа).

2. Ўзбекистон тарихи юзасидан шеърхонлик баҳси (баҳрибайт).

3. Гуруҳ сардорлари иштирокида «Кизиқарли марафон» баҳси. (Шарти тадбир вақтида эълон қилинади).

4. Эркин мавзу. Гуруҳ аъзоларидан бири ўз ёзган шеъри ёки ҳикоясидан парча ўқиб беради (5 дақиқа).

5. Сканворд.(5 дақиқа).

*Халқ таълими вазирлигининг  
2009 йил 1 майдаги  
«109» сонли буйругига 2-илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ  
КУТУБХОНАЛАРИ,  
АҲБОРОТ-РЕСУРС МАРҚАЗЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛА-  
ДИГАН «ДАРСЛИККА – УЗОҚ УМР»  
КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ  
Н И З О М И**

Таълим муассасаси кутубхоналари, аҳборот-ресурс марказла-ри ўртасида ўтказиладиган «Дарсликка – узоқ умр» кўрик-танло-ви Республикаларни энг яхши, илфор таълим муассасаси кутубхона-насини, аҳборот-ресурс марказини аниқлашда ва унинг иш таж-рибасини оммалаштиришда, таълим муассасалари жамоалари меҳ-натини муносиб тақдирлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғриси-да» ги ПҚ-362-сонли Қарорида, 2009 йил 23 мартағи Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг 12-сонли баённда кўрсатилган вазифаларни бажаришни таъминлаш, таълим сифати ва самараадорлигини ошириш ва ҳётга татбиқ этишни ташкил этади.

Кўрик-танловнинг барча босқичларини юқори савияда ўтка-зиш, таълим-тарбия ишидаги янги педагогик технологияларни жорий этиш, таълим муассасалари кутубхоналари, аҳбо-рот-ресурс марказларининг адабиётлар ҳамда дарсликлар би-лан ишлашнинг илфор иш услублари ва тажрибаларини омма-лаштириш, кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъ-минлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб-ас-раш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишларни олиб бориши Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таъли-ми бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари-

нинг муҳим вазифасидир. Кўрик-танлов Халқ таълими вазирлиги, бошқарма ва бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ўтказилади.

## I. КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»-ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий Дастири», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги ПҚ-362-сонли Қарори, Давлат таълим стандартлари талаблари асосида янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган, инновацион ишларни кенг тарғиб қилаётган, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш хукуқини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшаётган таълим муассасаси кутубхоналари, ахборот-ресурс марказларини аниқлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг энг илфор, ташаббускор таълим муассасаси кутубхоналарини, ахборот-ресурс марказларини аниқлаш, муассаса раҳбарияти ва ўқувчилар ижодий ташаббускорлиги, изланишларини ўқори савияга кўтариш;

Таълим муассасаларида миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни ва анъаналарини қадрлаш ҳамда таълим-тарбияяда улардан фойдаланишни йўлга кўйишга Эришиш;

Мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини янада кучайтириш;

Таълим муассасаси кутубхоналарида таълим-тарбиявий ишларни бошқариш ва кучайтириш;

Ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш даражасини ошириш ҳамда кутубхона фондига қўшимча дарсликлар олиш бўйича ўқувчилар ва ота-оналар, ҳомийлар ҳамкорлигига тадбирлар ташкил этиш;

Миллий мафкура ва мустақиллик ғоясини кенг тарғиб қилиш йўли билан ўқувчилар билимини ортириш, улар фаоллигини ошириш;

Дарсликларни ва ўқув-методик қўлланмаларни мақсадли ҳамда тизимли ташвиқот қилиш ва бу орқали ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнининг самарадорлигини ошириш, мактабларнинг педагогик жамоалари малакаларини оширишда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

Китобхонларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш, кутубхона заҳира фондларини тезкор ва сифатли тўлдириш йўли билан айrim мактаблар жамоаси дастурини педагогик йўналтириш ва маънавий-маърифий ишларни амалга оширилишини таъминлаш;

Кутубхона фондини сақлаш, уни яроқсиз ҳолга келишидан ва талон-тарож қилинишидан сақлаш учун қулай шароит яратиш, китоб ва дарслеклар фондини тўғри ҳисоботини юритиш, фондни тўғри жойлаштириш, унинг ҳолатига назорат ўрнатиш ҳамда кутубхоналарда мунтазам равишда майда таъмирлаш ишларини олиб бориш, яъни йиртилиб тушиб қолган варақларни ёпиштириш, узилишларни бартараф этиш, муқоваларни ёпиштириш, ўкувчилар билан биргаликда «китобхон-шифокор» тўгаракларини ташкил этиш;

Ўкувчилар ўргасида дарслеклар билан ишлашнинг турли-туман индивидуал ва оммавий шаклларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

Ўкувчиларда кутубхона библиографик саводхонликни шакллантириш, уларда дарслекка меҳр-муҳаббатни, ахборот олиш маданиятини тарбиялаш.

## **II. КЎРИК-ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИ**

Кўрик-танловда барча турдаги умумий ўрта таълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, ахборот-ресурс марказлари, «Меҳрибонлик» уйлари кутубхоналари қатнашади.

Вилоят, Республика тасарруфидаги мактаб кутубхоналари тўғридан-тўғри жойлашган ҳудудлари босқичида (2-3 босқичларда) иштирок этишлари учун ариза беришлари мумкин.

Ушбу кўрик-танловнинг Республика босқичида қатнашган кутубхона беш йилдан сўнг қайта иштирок этиши мумкин.

## **III. КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

### **1. Номзод кўрсатиш тартиби**

3.1. Кўрик-танловда иштирок этишни хоҳлаган мактаб раҳбарияти йилнинг 15 июня га қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Кўрик-танловда қатнашиши ҳақидаги мактаб раҳбариятининг аризаси ва педагогика кенгаши қарори.

Кутубхона ҳақида тўлиқ маълумотнома, унда қўйидаги кўрсатгичлар ёритилган бўлиши керак:

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг, Халқ таълими вазирлигининг кутубхона тизимини ислоҳ қилишга қаратилган барча қарорлари, буйруқлари, жумладан, дарслекларни авайлаб-асраси, китоб фондини тўлдириш, фаолиятни модернизациялашга доир қарорларининг ижроси; кутубхона низоми ва паспорти; кутубхонанинг моддий-техник таъминоти; дарслик, ўкув услугбий ва бадиий адабиётлар билан таъминланганлик дараҷаси; ўқувчиларнинг турли хил тўгараклар, клубларга тортилиш аҳволи (жадвал шаклида); кутубхоначининг мактаб, туман(шаҳар), вилоят, Республика семинар, конференцияларда, «Китобсеварлар», «Йилнинг энг яхши таълим муассасаси кутубхоначиси», «Жаҳон халқ оғзаки ижоди билағонлари», «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирлари ва бошқа кўрик-танловлар, телевизион мусобақалардаги иштироки (З йиллик таҳлили); юксак касб маҳоратига эга, фидойи кутубхоначиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш; ўқувчилар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, терроризм иллатлари ва йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар; мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги; сармоядан ташқари маблағ топиш имкониятлари; кутубхонанинг туман (шаҳар), вилоят миқёсидаги рейтинги.

3.2. Маълумотнома ҳажми аниқ таҳлиллар асосида 10 бетгacha бўлиши мумкин, иловалар бунга кирмайди.

## 2. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби ва муддатлари

3.3. Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади:

1-босқич. Туман (шаҳар) ларда, октябр ойида;

2-босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, ноябр ойида;

3-босқич. Кўрик-танловининг якунловчи Республика босқичи, кейинги йилнинг март ойида ўтказилади.

3.4. Ушбу Низом асосида жойларда туман (шаҳар), вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва Республика миқёсида ташкилий қўмиталар, эксперт комиссияси таъинланади.

3.5. Ташкилий қўмита, эксперт комиссияси таркибига кўрик-танловда иштирок этаётган мактаб ва туман(шаҳар)дан аъзолар киритилмайди.

3.6. Кўрик-танловнинг 1-босқичини ўтказиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари маъсулдирлар.

3.7. Кўрик-танловнинг 1-босқичини ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита ва эксперт комиссияси таркиби туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг бўйруғи билан тасдиқланади.

3.8. Кўрик-танлов натижалари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади, голиб кутубхонанинг тегишли хужжатлари билан бирга 1 ноябрга қадар вилоят ташкилий қўмитасига топширилади.

3.9. Кўрик-танловнинг 2-босқичини ўтказишга Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқарма бошликлари масъулдирлар.

3.10. Кўрик-танловнинг 2-босқичини ўтказиш вақти, жойи, ташкилий қўмита ва эксперт комиссияси таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг бўйруқлари билан тасдиқланади.

3.11. Кўрик-танловнинг 2-босқичи натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг ҳайъат кенгашларида муҳокама қилинади ва «Дарсликка – узоқ умр» кўрик-танлови голиби тўғрисидаги қарор, тавсия этувчи бўйруқ, ўтказилган кўрик-танловнинг 2-босқичи натижаларининг туманлар кесими-даги ахбороти ва бошқа тегишли хужжатлар билан бирга 15 де-кабргача Республика кўрик-танловини ўтказиш ташкилий қўми-тасига тақдим этилади.

3.12. Ҳужжатларни топширишни ушбу Низомда кўрсатилган муддатлардан кечиктирган мактаблар кўрик-танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3.13. Кўрик-танловнинг 3-босқичи ўтказиладиган жойи, вақти ташкилий қўмита ва эксперт комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўйруғи билан тасдиқланади.

3.14. Мазкур Низомнинг барча бандларида кўрсатилган йўналишлар бўйича тақдим этиладиган маълумотлар аниқ ва таҳлилий материаллар асосида ёзилган бўлиши шарт.

3.15. Кўрик-танловни ўтказишда баҳс-мунозарали масалалар

туман (шаҳар), вилоят ва Республика миқёсида эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва якуний хуоса берилади. Кўриктанлов 100 баллик баҳолаш меъёрлари асосида ўлчанади. Белгиланган меъёрлардан 90 баллдан юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллаган кутубхона ёки ахборот-ресурс маркази «Дарсликка – узоқ умр» кўриктанловининг мутлоқ ғолиби ҳисобланади.

### **3. Кўриктанловнинг мазмуни**

**3.16. Кўриктанловнинг барча босқичлари қуйидагилар асосида таҳлил қилинади ва баҳоланади:**

Кутубхона, ахборот-ресурс марказининг асосий ижобий кўрсатичлари.

Ахборот ва библиографик ишлар.

Дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмалар фондини шакллантириш.

Дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмалар фондининг ҳисобга олиниши ва сақланиши.

Дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмалар фондини текшириш.

Дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларнинг кутубхона фондидан чиқарилишини ҳисобга олиш.

Ҳисобдан чиқарилган дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларни утилизация қилиш.

Ўқувчилар орасида дарсликка авайлаб муносабатда бўлиш түйусини ривожлантиришга қаратилган тарбиявий ишларни амалга оширишга доир тадбирлар.

### **4. Кўриктанловни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси**

Кўриктанловнинг якуний Республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш учун Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкилий қўмита тузилади. Ташкилий қўмита раис, раис ўринбосари, котиб ва 4 нафар аъзолардан (жами 7 кишидан) иборат бўлади.

Ташкилий қўмита:

Ташкилий қўмита таркиби Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади;

Ташкилий қўмита оммавий ахборот воситаларида кўриктанлов ўтказилиши ҳақида эълонлар берилishi таъминлайди;

Кўриктанловга тақдим этилаётган ҳужжат ва материалларни расмийлаштиради ва эксперт комиссиясига тақдим этади;

**Кўрик-танловнинг якуний (финал) босқичини ўтказиш тартиби ва муддатини белгилайди;**

**Кўрик-танлов ғолиблари учун номинациялар сони ва мазмунини белгилайди;**

**Кўрик-танловнинг якуний (финал) босқичини ўтказиш учун ҳомийларни жалб этади.**

Ташкилий қўмитанинг қарори аъзоларнинг ярмидан кўпи овоз берганда қабул қилинади. Ташкилий қўмитанинг қарори йигилиш баённомаси билан расмийлаштирилади ва раис (раис бўлмаганида – раис ўринбосари) томонидан имзоланади.

## **6. Эксперт комиссиясининг фаолияти**

**3.17. Кўрик-танловнинг якуний (финал) босқичига тақдим этилган материалларни экспертиза қилиш ва лауреатларни танлаш бўйича ишларни ташкил этиш учун Халқ таълими вазирлиги томонидан эксперт комиссияси тузилади ва тасдиқланади. Эксперт комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва 4 нафар аъзолардан (жами 7 кишидан) иборат бўлади.**

**3.18. Эксперт комиссияси таркибига тажрибали ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, аввалги йилларда «Йилнинг энг яхши мактаб кутубхоначиси» кўрик-танловида ғолиб чиққанлар, жамоат ташкилотлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг тасарруфидаги муассаса ходимлари киритилиши мумкин.**

**3.19. Эксперт комиссияси аъзолари жойларга чиқиб, кўрик-танловга тавсия этилган мактаблар фаолиятини тегишли мутахassisларни жалб қилган ҳолда тўлиқ ўрганади. Бунда мазкур Низом иловасида келтирилган баҳолаш мезонлари асосида мактаб фаолиятини баҳолайдилар.**

**3.20. Эксперт комиссияси мактаб фаолиятини баҳолашда кўрик-танлов талабларига тўлиқ жавоб берилишига, унинг ўзига хослигига, кутубхонанинг жиҳозланишига, кутубхонага оид янгиликларнинг жорий этилишига асосий эътиборини қаратади. Шу билан биргага, ташкилий қўмитага тақдим этилган маълумотларни таҳлил қиласи ҳамда уларни мазкур Низом талабларига мослигини кўриб чиқади.**

**3.21. Эксперт комиссиясининг қарори унинг йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилади. Эксперт комиссиясининг қарори раис (раис бўлмаганда – раис ўринбосари) томонидан имзоланади.**

## I. Кўрик-танловнинг баҳолаш меъёрлари

№	Иш тури	Баллар
1.	Кутубхоначи тўғрисида тўлиқ, маълумот:(исми, шарифи; иш стажи; маълумоти).	
2.	Кутубхона тўғрисида тавсифнома: (китоб фонди ҳажми; китобхонлар сони; берилган китоб сони; фонднинг нуфузи; кутубхона эгаллаган майдон; китоб сақлаш жойи, ўқув залининг мавжудлиги; кутубхона жиҳозларининг, кутубхона техникарарининг (китоб ва китобхон формулярлари, ҳисобга олиш ҳужжатлари, китоб ажраткичлари ва бошқаларнинг) мавжудлиги.	2
3.	Кутубхона китоб фондини шакллантириш, тўлдириш: (китоб фондини жамлашнинг асосий қўшимча манбалари; даврий нашрларга обуна) ва бошқалар. Кутубхона фондида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларининг, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги тавсия рўйхатномасига мос келувчи сиёсий, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг ва синфдан ташқари ўқиш китобларининг, янги адабиётларнинг мавжудлиги; - кутубхона фонди; умумий ҳисоб-китоб, якка ҳисоб, инвентар китобларга кирмаган нашрлар ҳисоби. Мактаб кутубхонасида ҳисобга олувчи ҳужжатлар: инвентар китоблар, китобларнинг умумий ҳисоби (книга суммарного учета), китобларни ҳисобга олиш дафтарлари; ҳисоб ҳужжатларининг тўғри олиб борилиши ва тўлдирилиши; кутубхона фондининг жойлашиши ва сақланиши.	3
4.	Нашр этилган адабиётларга библиографик ишлов берилиши, китобларда шифр, индексларнинг мавжудлиги: алфавитли, тизимли (систематик) каталогларнинг мавжудлиги: юритилиши, жиҳозланиши ва каталогларнинг таҳрир қилинганилиги.	2
5.	Адабиётларни тарғиб қилиш ва китобхонларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишини ташкил этиш: китобхонларни рўйхатта олиш, китобхонлар сони – ўқувчилар умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида, кутубхонада китобхон формулярларининг мавжудлиги, уларни тўлдирилишининг тўғрилиги, китобхонларни қайта рўйхатдан ўтказишнинг бориши.	2

6.	Китобхонларга хизмат кўрсатиш ишлари ҳисоби, "Кутубхона ишларини ҳисобга олиб бориш кундалиги" нинг юритилиши; кутубхона ишларининг асосий кўрсаткичлари: китобхонлар сони, китоб берилганлиги сони ва бошқа тадбирлар ҳисобининг тўғри олиб борилиши.	2
7.	Китобхонлар билан олиб борилган якка тартибдаги ишлар, уларнинг шакллари ва методлари; мактаб кутубхонасининг жиҳозланиши ва адабиётлар кўргазмаси тарғиботи.	1
8.	Республикамиз, давлатимизнинг асосий рамзларининг мавжудлиги.	1
9.	Китоблар кўргазмасини ташкил этища, рефератлар, буклетлар, альбомлар ва бошқаларни тайёрлашда давлатимизнинг, мустақиллитимизнинг энг асосий ва муҳим саналарининг акс эттирилганлиги.	2
10.	Ўқувчиларнинг кутубхонадан фойдаланишга оммавий раҳбарлик қилишининг шакллари ва методлари.	0,5
11.	Адабиётларнинг мавзули ва ахборотли библиографик обзорини ўтказиш.	0,5
12.	Бадиий кечалар, анжуманлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.	0,5
13.	Кутубхоналарнинг "Маънавият" хоналари билан ҳамкорлиги.	1
14.	Ўқувчиларни китобга меҳр-муҳаббатни, китоб ўқишиларига раҳбарлик қилишга жалб этиш бўйича маҳалла қўмиталари, бошқа соҳа ва тизим кутубхоналари, болаларнинг оиласлари билан олиб борилаётган тарбиявий ишларини мувофиқлаштириш.	0,5
15.	Кутубхонада "Ёш китобсеварлар", "Фаол китобхон", "Китоб шифохонаси" каби тўгаракларни ташкил этиш.	1
<b>Жами</b>		20

## II. Ахборот ва библиографик ишлар

№	Иш түри	Баллар
1.	Китобхонлар сўрови бўйича турли хил библиографик буюртмаларни бажариш	1
2.	"Ахборот куни", "Мутахассис куни", "Маънавият куни" каби тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш	1
3.	Адабиётларнинг мавзули кўргазмаларини ташкил этиш ва библиографик қараш йўли билан китобхонларнинг ахборот олиш имкониятини кенгайтириш, дунёқарашини ўстириш	1
4.	Муҳим, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаш, мавзули картотекани юритиш, мавзули тўпламлар тузиш	1
5.	Кутубхона дарсларини ўтказиш, ўқувчиларда кутубхона-библиографик билимларни бойитиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш	1
Жами		5

## III. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар фондини шакллантириш

№	Иш түри	Баллар
1.	Дарсликлар фонди таркибини ўрганиш ва улардан қандай фойдаланилаётганлигини таҳдил қилиш.	0,5
2.	Ўқувчиларнинг дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганигини ташҳислаш,	0,5
3.	Дарсликларнинг сифати ва миқдорий ҳолатини таҳдил қилиш,	0,5
4.	Ўқув фанлари методбирлашмаларида таҳдил натижалари билан сўзга чиқиши,	0,5
5.	Янги ўқув йилида фойдаланиш учун мўлжалланаётган дарсликлар рўйхатини тайёрлаш,	1
6.	Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларга умуммактаб буюртмасини шакллантириш,	1
7.	Дарсликлар буюртмасини таъминлаш,	0,5
8.	-ўқув жараёнини таъминлаш; -дарсликларни бериш; -қарздорлар билан ишлаш; -бошқа таълим муассасалари билан дарсликлар алмашиш; -ота-оналарни ўқув фондларининг комплектланганидан хабардор қилиш.	2,5
9.	Дарсликлар картотекаси билан ишлаш	3
Жами		10

## IV. Дарсликлар ва ўқув-методик күлланмалар фондининг ҳисобга олиниши ва сақланиши

№	Иш түри	
1.	Таркибига күшиб жүнатиладиган ҳужжатлар (счет, накладной, далолатнома, чишта ва бошқалар) кирадиган ўқув ҳужжатлари тизимини юритиш,	1,5
2.	Дарсликлар ва ўқув-методик күлланмаларни қабул қилиб олиш; уларни маркировкалаш,	1,5
3.	Ҳисобга олиш ҳужжатларининг тұлғылғигини ва ишончлайлитетин таъминлаш,	1,5
4.	Фондға келиб тушған ва фонддан чиқарилған ҳар бир ҳужжатни ҳужжатлаштириш, расмийлаштириш,	1,5
5.	Дарсликлар ва ўқув-методик күлланмаларнинг кутубхона фондини ҳисобга олиш номенклатурасининг сұралаёттан статистика күрсаткышларига мослиги,	2
6.	Дарсликлар келиб тушғанда, уларнинг ўрни үзгартылғандың да ҳисобдан чиқарилғанда мектеб дарсликлари кутубхона фондининг жамлама ҳисоб-китоб дафтарида қайдашыннан амалга оширилиши,	1
7.	Кутубхона фондига келиб тушаёттан ва ундан чиқарылғандың да ҳисобдан чиқарилғанда мектеб дарсликлари кутубхона фондининг жамлама ва индивидуал ҳисобга олинишининг амалга оширилиши,	1
8.	Жамлама ва индивидуал ҳисобга олиш шакли саналувчи инвентарь дафтарида, фондни жами ҳисобга олиш дафтарида ўқув-методик күлланмалар қайдаловининг юритилиши,	1
9.	Лавозим вазифаларига биноан фондни ҳисобга олишининг түгри ташкил этилиши устидан жавобгарлықнинг таъминланиси,	1
10.	Кутубхона фондини ҳисобга олишга доир нормалар ва талабларга риоғи этилиши устидан назоратнинг амалга оширилиши,	1,5
11.	Дарсликлар ва ўқув-методик күлланмалар фондини сақлашыннан ташкил этилиши ва фонддан фойдаланиси учун умумтағым мұассасаси мәтмурология билан биргаликта шарт-шароитларни таъминлаш,	1,5
12.	Китоб фондининг түгри сақланишини ташкил этиши учун шароитларнинг таъминланылуғы: дарсликларни сақлаш учун санитар-гигиена талабларига жавоб берадиган, ажратылған, мосланған хона тақдим этилиши, кутубхонанинг мағсус кутубхона жиһозлари, ёнғин хавфсизлиги	1,5

13.	Дарсликлар ва ўқув-методик құлланмаларнинг хонадан олиб чиқилиши, жумладан, кутубхоначилык ишловидан ўтмаган дарсликлар ва ўқув-методик құлланмаларнинг китобхонларга берилиши ман этилғанлығи устидан назоратнинг таъминланышы,	1,5
14.	Дарсликларнинг мунтазам равищда майда жорий таъмирланишини таъминлаш (йиртиған, тушиб кетаёттан варақтарни ёпиштириб қўйиш, тикиш, муқовалаш),	2
	Жами	20

## V. Дарсликлар ва ўқув-методик құлланмалар фондини текшириш

№	Ишлар рүйхати	Баллар
1.	Кутубхонадаги дарсликлар ва ўқув-методик құлланмаларнинг амалда мавжудлігінің дарсликлар фондини ҳисобга олиш ҳужжатлари билан солишириш йўли билан аниқдаш,	1,5
2.	Фондни текшириш ишининг амалга оширилиши: - моддий жавобгар шахс алмашганда; - ўғирлик, суистельмол қилиш ва ҳужжатта шикаст етказиш фактлари аниқланганда; - табиий оғат рўй берганда ёки экстремал вазиятлар билан юзага келган фавқулодда ҳолатларда,	1,5
3.	Дарсликларнинг кутубхона фондини туман, шаҳар халқ, таълими бўлимлари белгилаган муддатларда ..... кам бўлмаган миқдорда текширишнинг амалга оширилганлиги	1,5
4.	Далолатноманинг тушунтириш хати ва келмаганлар рўйхати билан тузилганлиги	0,5
	Жами	5

## VI. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг кутубхона фондидан чиқарилишини ҳисобга олиш

№	Ишлар рўйхати	Баллар
1.	Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг турли сабабларга кўра ҳисобдан ўчирилишини кутубхонанинг иш режасига киритиш.	2
2.	Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг умумтаълим мактаби кутубхонаси фондидан ҳисобдан ўчирилишига доир хужжатларнинг	1
3.	умумтаълим мактаби кутубхонаси фондидан дарсликларни ажратиш ва ҳисобдан ўчириш бўйича комиссия ишида иштирок этиш.	1
4.	Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг турли сабабларга кўра ҳисобдан ўчирилиши ҳақидаги далолатноманинг тузилганлиги: жисмоний едирилиш, нуқсонлар борлиги, мазмунан эскирганлик, соҳага оид эмаслик, йўқотилганлик (йўқотишиб сабабларини кўрсаттан ҳолда - фонддан йўқолганлиги, китобхон йўқотганлиги, ўғирланганлик, табиий ёки техноген оғат натижасидаги йўқотишлар, аниқланмаган сабабларга кўра).	1
5.	Далолатномага илова тарзда ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган конкрет дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг рўйхатини тузиш.	1
6.	Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг умумтаълим мактаби кутубхонаси фондидан ҳисобдан ўчиришга доир далолатноманинг юқорида кўрсатилган муассаса директори томонидан тасдиқланиши.	1
7.	Ҳисобдан ўчириш ҳақидаги тасдиқланган далолатнома олингандан кейин дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни умумтаълим мактаби кутубхонаси фондидан чиқариш ишини амалга ошириш	1
8.	Эскирганлик сабабли, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни умумтаълим мактаби кутубхонаси фондидан икки йилда бир мартадан кам бўлмаган муддатда ҳисобдан ўчиришнинг амалга оширилиши,	1
9.	Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг кутубхона фондидан чиқарилганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳисоб-китоб хужжатларида: "Мактаб дарсликлари кутубхона фондини жамлама ҳисобга олиш дафтари", "Инвентар дафтари, жамлама ҳисобга олиш дафтари"да қайдлаш,	1
Жами		10

## VII. Ҳисобдан чиқарилған дарслерлер ва ўқув-методик құлланмаларни утилизация қилиш

№	Иш тури	Баллар
1.	Дарслерлер ва ўқув-методик құлланмаларнинг эскирган ва титилиб кеттеген нашрларини фондан чиқариш ва уларни мажбурий тартибда иккиламчи хом-аше тайёрловчи маңағый ташкылолтарға ўтказиш ишларини ўтказиши. Уларни ҳисобдан ўчириш ҳақидағы далолатномага чиптани илова қилиш ва ҳужжатларни ҳисоб-китоб бўлимига топшириши.	10
2.	Дарслерлер ва ўқув-методик материалларнинг кутубхона фондидан чиқариш ҳақидағы далолатномани унга илова қилинган рўйхатлар билан бирга сақлаши.	5
3.	Ҳисобдан чиқарилған дарслерлер ва ўқув-методик құлланмалар учун олинган пулларни кутубхоналар бундан кейин янги адабиётларни сотиб олишида фойдаланиши учун молияланадиган тегишли бюджет даромадига ўтказиши.	5
Жами		20

## VIII. Ўқувчилар орасида дарслерлерга авайлаб муносабатда бўлиш туйгусини ривожлантиришига қаратилған тарбиявий ишларни амалга оширишига доир тадбирлар

№	Ишлар рўйхати	Баллар
1.	Дарслерлернинг сақланиши ва уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳақида ўқувчилар билан сұхбатлар, кечалар, кўрик-тандловлар ўтказиши.	3
2.	Дарслерлернинг сақланишини текшириш бўйича рейдлар ўтказиши.	2
3.	Дарслерлернинг синфлар бўйича сақланиш ҳолатини акс эттирувчи стендни жиҳозлаш.	1
4.	"Китоб шифохонаси" бурчагини жиҳозлаш.	1
5.	Дарслерлер ва ўқув-методик құлланмаларнинг сақланиши бўйича ўтказилған текшириш натижаларини акс эттирувчи мактаб радиоси эшиттиришлари.	2
6.	Ота-оналар билан дарслерлерга эҳтиёткорона муносабатда бўлишини тарбиялаш ва уларнинг максимал даражада яхши сақланиши ҳақида сұхбатлар уюштириши; фарзандлари ўқув адабиётларни намунали ҳолатда тутаётган ота-оналарга миннатдорчиллик хатлари ёзиш.	1
Жами		10

Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
бош директорининг биринчи  
ўринбосари

Х. Муҳитдинов

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазири

А. Парпиев

Ўзбекистон Республикаси Халқ  
таълими вазири

\_\_\_\_\_ F. Шоумаров

А. Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси директори

\_\_\_\_\_ А. Умаров

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ МУТАХАССИСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ Н И З О М И

«Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари (АКМ, АРМ) мутахассиси» кўрик-танлови ҳар йили республикадаги энг илгор АКМ ва АРМлари мутахассисини аниқлашда ва иш тажрибасини оммалаштиришда, ахборот-кутубхона ва таълим муассасалари жамоалари меҳнатини муносиб тақдирлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган вазифаларни бажаришни таъминлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва ҳаётга татбиқ этишни ташкил этади.

Кўрик-танловнинг барча босқичларини юқори савияда ўтказиш, таълим-тарбия ишидаги янги кутубхоначилик ва педагогик технологияларни жорий этиш, ахборот-кутубхона ва таълим муассасалари АКМ ва АРМларининг илгор иш услублари ва тажрибаларини оммалаштириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг муҳим вазифасидир. Кўрик-танлов Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг бошқарма ва бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ўтказилади.

## I. КҮРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

АКМ ва АРМларининг ходимларидан илфор, ташаббускор ва ижодкор мутахассисларни аниқлаш, улардаги ижодий қобилиятларнинг касбий маҳоратини рўёбга чиқишига кўмаклашиш ва қўллаб-кувватлаш, рафбатлантириш, аниқланган илфор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, уларнинг ўз методик мактабини (синф-мастер) яратишга йўналтириш мақсадида ташкил этилади.

### Кўрик-танловнинг асосий вазифалари:

- АКМ ва АРМларида кутубхоначилар орасидан юқори касб маҳоратига эга бўлган, ўз касбининг, мутахассислигининг ҳақиқий эгаларини саралаб олиш;
  - кутубхоначиларни долзарб ва истиқболли методларини ҳамда технологияларини аниқлаш;
  - кутубхоначиларнинг ижодий фаоллигини ошириш;
  - фаолияти жараёнида эришилган муваффақиятларни тарғибот қилиш;
  - миллий қадриятлар, анъаналарга таянган ҳолда кутубхоначиликнинг изчиллиги ва узлуксизлигини кенг тарғиб этаётган илфор иш тажрибаларини оммалаштириш;
  - кутубхоначиларнинг юксак маънавияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда ташаббускорлиги ва ижодкорлигини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш;
- «Йилнинг энг яхши АКМ ва АРМлари мутахассиси» кўрик-танловнинг қатнашчилари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим.
- кутубхоначилик соҳасида юқори натижаларга эришган бўлиши;
  - замонавий ва ахборот-коммуникация технологияларидан иш жараёнида самарали фойдалана олиши;
  - кутубхоначиликни ислоҳ этишга доир янги йўналишдаги изланиши ва ўз концепциясига эга бўлиши;
  - ўз мутахассислиги бўйича яратилган дарсликлар, қўлланмаларнинг давлат таълим ва кутубхоначилик стандартларига мослиги ҳақида фикр ва таклифларни бера олиши;
  - ташқи ва ички инвестицияларнинг кутубхоначилик жараёнига киритилиши бўйича фикр, мулоҳазаларини бера олиши;

- мутахассислиги бўйича жаҳон кутубхонашунослиги илғор иш тажрибаларидан хабардор бўлиши;
- иш фаолиятида ўзига хос ютуқларга эриша олиши, замон билан ҳамнафаслиги, мустақиллик мафкураси ва милий истиқ-лол foяси, жамият ҳаётининг иқтисодий ва сиёсий соҳаларидағи ўзгаришлардан иш жараённада фойдалана олиши;
- маънавий янгиланиш жараённада жамият хавфсизлигига таъсир этувчи ташқи ва ички таҳдидлар ҳамда фаразли foяларга қарши кескин кураша оладиган даражада билимга эга бўлиши.

## **II. КЎРИК-ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИ**

Кўрик-танловда АҚМ ва АРМларида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган кутубхоначилар қатнашади.

2-bosқичда иштирок этиш учун туман ҳалқ таълими бўлими тақдимномаси ва якупловчи республика босқичида иштирок этиш учун эса, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар ҳалқ таълими бошқармалари ва ахборот-кутубхона марказлари тақдимномаси асос бўлади.

Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашган кутубхоначи беш йилдан сўнг қайта иштирок этиши мумкин.

## **III. КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги томонидан буйруқ билан тасдиқланган ташкилий қўмита томонидан мувофиқлаштирилади.

**Ташкилий қўмита аъзолари:**

Республика ахборот-кутубхона маркази — кўрик-танловнинг ишчи органи орқали:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетнинг илмий кутубхонаси — олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказлари иштирокчилари учун;

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти — ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ахборот-ресурс марказлари иштирокчилари учун;

Республика илмий педагогика кутубхонаси — умумтаълим ўқув юртлари ахборот-ресурс марказлари иштирокчилари учун масъул ҳисобланадилар.

Ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзолари кўрик-танловда иштирокчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Туман босқичига ҳар бир таълим муассасасидан (педагогик кенгаш қарори, раҳбар буйруғи билан) бир нафардан кутубхоначи тавсия этилади

**Кўрик-танловнинг биринчи босқичи туманда 2009 йил 1 июндан 20 июнгача ўтказилади.** Биринчи босқич ғолиби кўрик-танловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун вилоят ташкилий қўмитасига тавсия қилинади. Ташкилий қўмита юқорида белгиланган масъул ташкилот вакиллари иштирокида тузилгандағи на ҳақиқий ҳисобланади.

Кўрик-танловнинг туман босқичига номзодлар куйидаги хужжатлар асосида қабул қилинади:

Номзод фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси педагогик кенгаш қарори ҳамда ушбу кутубхоначининг ўз касби бўйича ўзлаштириш сифат даражаси мониторингининг 3 йиллик натижалари мактаб директорининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда;

Кутубхоначининг фаолияти ҳақида маълумот;

Иштирокчининг аризаси.

Туман босқичи 2 турда ташкил этилади:

**1-тур:** тест топшириқлари;

**2-тур:** интернет ёрдамида берилган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратиш.

1-тур бўйича иштирокчилар 40 та тест топшириқларини баърадилар (шундан 20 та топшириқ ўз мутахассислиги бўйича, 20 таси миллий истиқбол фояси ва маънавият асослари, таълим тизимига тегишли меъёрий хужжатлар асосида). Жами 40 балл билан баҳоланади. Тест учун 1 соат вақт ажратилади.

2-тур: интернет ёрдамида берилган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратиш; Мазкур тур учун 3 тадан 5 тагача мавзулар тавсия этилади. Ушбу турда ҳар бир кутубхоначи берилган мавзулардан бирини танлаб интернет ёрдамида маълумотлар банкини яратади. Ушбу топшириққа ярим соат вақт ажратилади ҳамда 60 балл кўйилади.

Умумий балл – 100.

Ҳар иккала турдан 76 дан юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллаган кутубхоначи вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Биринчи босқич тест топшириклари ва маълумотлар банкини яратиш бўйича мавзулар туман халқ таълими бўлимлари услубчилари томонидан тайёрланиб, махфийлиги таъминланади. Ушбу тест топшириклари ва маълумотлар банклари мавзуси солинган конвертлар кўрик-танлов ўтадиган куни эрталаб соат 8.00 да ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

Кўрик-танловнинг туман босқичида кутубхоначиларнинг тўлиқ иштирок этишлари учун таълим муассасаси раҳбарлари масъулдирлар. Номзодлар таълим муассасаси педагогик кенгашида муҳокама қилинади ва педагогик кенгаш қарори, тавсия этувчи бўйруқ, иштирокчининг аризаси 1 июнгача туман (шаҳар) кўрик-танловини ўтказувчи ташкилий қўмитага тақдим этилади.

Кўрик-танлов натижалари туман(шаҳар) ташкилий қўмита-сида муҳокама қилинади, ҳакамлар ҳайъати қарори билан тасдиқланиб, 1-ўринни эгаллаган ғолибнинг хужжатлари ижодий ишлари билан бирга 2009 йилнинг 1 августигача вилоят ташкилий қўмитасига топширилади.

**Иккинчи, вилоят босқичи 2009 йил 1 августдан 10 августгача ўтказилади.**

Кўрик-танловнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг жойлардаги бошқарма ходимлари, вилоят ахборот-кутубхона маркази мутахассисларидан иборат ташкилий қўмита тузилади ҳамда ушбу ишчи гурӯҳ аъзолари 2-босқич учун масъулдирлар.

Вилоят босқичи иштирокчилари ташкилий қўмитага қуидаги хужжатларни тақдим этадилар:

- Туман ишчи гурӯхининг тақдимномаси;
- Иштирок этиш учун ариза;
- Туман ҳакамлар ҳайъатининг қарори;
- Қатнашчининг туман босқичидаги ишларининг асл нусхалари;
- Кутубхоначининг ўз фаолияти юзасидан маълумотномаси;
- Кутубхоначининг китобхонлар билан ишлаш бўйича битта тадбиридининг ишланмаси.

Вилоят босқичида қуидаги шартлар асосида танлов ўтказилади ва баҳоланади:

**1-тур:** Кутубхоначининг ўз касби бўйича танловга (сиртқи) тайёрлаб келган ишларининг тақдимоти.

- кутубхоначининг китобхонлар билан ишлаш бўйича битта тадбиридининг ишланмаси;

- кутубхоначи ўз касбини илмий, педагогик, психологик ва методик томондан ривожланишини 5 дақиқада ифодалаб бериши лозим;

- иши юзасидан кўргазмали воситалар; Ушбу топширикқа 6 дақиқа вақт ажратилади ҳамда 20 балл билан баҳоланади.

## 2-тур: Тест топшириқлари.

Кутубхоначилар 40 та тест топшириқларини бажарадилар (20 та мутахассислиги бўйича, 10 таси миллий истиқдол гояси ва маънавият асослари, 10 таси таълим тизимига тегишли меъёрий хужжатлар асосида) 40 балл билан баҳоланади.

Тест топшириқларини бажариш учун 1 соат вақт ажратилади.

3-тур: берилган мавзу бўйича адабиётлардан 1 мавзуга оид библиографик кўрсаткич тузиш.

Кўрсаткич тузиш учун 45 дақиқа вақт ажратилади. 5 тадан 10 тагача манбадан фойдаланилса — 5 балл; 15 тадан 20 тагача манбадан фойдаланилса 15 балл; 20 тадан 30 тагача манбадан фойдаланилса 20 балл — жами 40 балл тўплаш имконияти мавжуд.

Умумий балл 100.

Белгиланган турлардан 76 дан юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллаган кутубхоначи Республика босқичида иштирок этади.

Иккинчи тур тест топшириқлари ва библиографик кўрсаткич тузиш бўйича мавзулар вилоят ишчи гуруҳи томонидан тайёрланниб, маҳфийлиги таъминланади. Ушбу тест топшириқлари ва библиографик кўрсаткичлар мавзуси солинган конвертлар кўриктанлов үтадиган куни эрталаб соат 8.00 да ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

Кўрик-танлов натижалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва йўрта маҳсус таълим вазирлигининг ҳудудий бошқармалари мажлисида муҳокама қилинади ҳамда ғолиб тўғрисидаги қарор, тавсия этувчи буйруқ ва туман, вилоят босқичларидағи хужжатлари 2009 йил 1 сентябргача Республика қўрик-танловини үtkазувчи ташкилий қўмитага тақдим этилади. Барча хужжатлар ва материаллар матни компьютерда терилиб, электрон вариандта ҳам топширилиши шарт.

Кўрик-танловнинг якуний, учинчи, Республика босқичи жорий йилнинг сентябрь ойининг учинчи 10 кунлигига Тошкент шаҳрида үtkазилади.

Вилоятларда ғолиб деб топилган бир нафар иштирокчи Республикада маҳсус белгиланган санада беллашади.

Республика босқичида қатнашиш учун ташкилий құмитага қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Расмий тасдиқланған тақдимнома (ушбу тақдимнома номзод иш фаолиятининг жамият учун аҳамиятини қысқача таърифлаган ҳолда, тавсия этувчи ишчи гурӯҳ томонидан тайёрланади. Тақдимномада иштирокчининг уч йил давомида ахборот-кутубхона муассасаси фаолияти сифатини оширишга оид амалга оширган ишлари, китобхонларнинг ўзлаштириш мониторинги, таълим-тарбия бериш жараёнида құллаб келаётган илфор педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялари, иш тажрибасининг оммалаштирилгандығы (семинар, конференция, давра сұхбати, синф устаси) күрсатилиши шарт.

- Ҳакамлар ҳайъати хulosаси, Республика босқичида иштирок этишга тавсия этилған ғолибларнинг туман ва вилоят босқичидаги ҳужжатлари.

- Ариза.

- Диплом нұсқаси.

- Кутубхоначи яраттан янгилиги (новация) ва келажакда амалга оширмоқчи бұлған ишлари режаси (илфор тажрибанинг йұналиши (муаммоси) ва уни амалга ошириш йұлларини күрсатиши, аңынавий методлардан ўзи фойдаланаётган технологиянинг фарқини қиёслаб, асослаб бериши лозим (ұажми 4-5 бет).

- Иштирокчи келажакда амалга оширмоқчи бұлған режасида ўзининг иш тажрибаси асосида мактаб яратиши ва бу мактабида амалга оширмоқчи бұлған ишларини аниқ вақти билан күрсатиб бериши лозим.

- Касбиға оид тақдимотни компьютердан фойдаланған ҳолда үтиши учун слайдлар тайёрлаб келиши лозим.

Изоҳ: Республика босқичида қатнашиш учун тавсия этилған ғолибларнинг ҳужжатлари эксперт гурӯҳлари томонидан үрганиб чиқылади ва эксперт гурӯҳлари томонидан берилған хуласалар асосида Республика босқичига тавсия этилади.

**Республика босқичида қуйидаги шартлар асосида танлов үтказылади ва баҳоланади:**

**1-тур.** Фаолият күрсатаётган АҚМ ва АРМ ҳақида компьютер ёрдамида тақдимот қилиш.

- Ахборот-кутубхона маркази ва Халқ таълими бошқармаси томонидан тақдим этилған иштирокчининг уч йил давомида АҚМ ва АРМ фаолияти сифатини оширишга оид амалга оширган ишлари, китобхонларнинг ўзлаштириш мониторинги, иш жараёнида

қўллаб келаётган илғор педагогик технологиялари, ахборот коммуникацион технологиялари, иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги (семинар, конференция, давра сұхбати, синф устаси).

• Кутубхоначи яратган концепция ва келажақда амалга ошироқчи бўлган режаси (илғор тажрибанинг йўналиши (муаммоси) ва уни амалга ошириш йўлларини кўрсатиш, анъанавий услублардан ўзи фойдаланаётган технологиянинг фарқини қиёслаб, асослаб бериши лозим).

Ушбу шартта 10 дақиқа вақт ва максимал 15 балл ажратилади.

**2-тур.** Интернет ёрдамида берилган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратиш.

• Иштирокчи интернет орқали ўзи танлаган мавзу бўйича маълумотлар банкини яратади.

• 10 тадан 15 тагача маълумот тўпласа — 5 балл.

• 15 тадан 20 тагача маълумот тўпласа — 10 балл.

• 20 тадан 30 тагача маълумот тўпласа — 15 балл.

Жами: 30 балл.

Маълумотлар банкини яратиш учун 25 дақиқа вақт ажратилади.

**3-тур.** Тест топшириқлари.

Кутубхоначилар 50 та тест топшириқларини бажарадилар (30 та мутахассислиги бўйича, 10 таси миллий истиқдолғояси ва маънавият асослари, 10 таси таълим тизимиға тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида) 25 балл билан баҳоланади.

Тест топшириқларини бажариш учун 1 соат вақт ажратилади.

Ҳар бир тўғри тест жавобига — 0,5 балл белгиланади.

**4-тур.** Кутубхонада мавжуд адабиётлардан 1 мавзуга оид билиографик кўрсаткич тузиш.

Кўрсаткич тузиш учун 45 дақиқа вақт ажратилади. 5 тадан 10 тагача манбадан фойдаланилса — 5 балл; 15 тадан 20 тагача манбадан фойдаланилса 10 балл; 20 тадан 30 тагача манбадан фойдаланилса 15 балл — жами 30 балл тўплаш имконияти мавжуд.

**Умумий балл 100.**

Белгиланган турлардан 80 балдан юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллаган кутубхоначи «Йилнинг энг яхши АҚМ ва АРМ мутахассиси» номинациясига эга бўлади.

Тур тест топшириқлари, маълумотлар банкини яратиш бўйича ва билиографик кўрсаткич тузиш бўйича мавзулар Республика ахборот-кутубхона маркази, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика илмий педагогика кутубхонаси, Республика Таълим маркази ходимлари томонидан тай-

ёрланиб, махфийлиги таъминланади. Ушбу тест топшириклари ва библиографик кўрсаткичлар мавзуси солинган конвертлар кўрик-танлов ўтадиган куни эрталаб соат 8.00 да ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

#### **IV. ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ ВА ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ**

Кўрик-танловнинг Ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси таркибига Республика ахборот-кутубхона маркази, Халқ таълими вазирлиги ходимлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази ходимлари, Навоий номидаги миллий кутубхона мутахассислари, РТМ методистлари, олимлар, матбуот вакиллари, ёзувчилар, туман (шаҳар) методика кабинети методистлари, тажрибали ўқитувчилар, ахборот-ресурс маркази ходимлари, аввалги йилларда «Йил кутубхоначиси» кўрик-танловларининг ғолибларидан танлаб олинади ҳамда танлов шартларини баҳолаш учун тақсимланади.

Эксперт гурӯҳи вилоят босқичи ғолибларининг тақдим этилган хужжатларини ўрганади, таҳлил қиласи ва баҳолайди.

Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танловининг ташкил этилиш турларига кўра (тақдимот, библиографик кўрсаткич тузиш, маълумотлар банкини яратиш, соҳа бўйича тест саволлари) бир қанча гурӯҳдан иборат тузилади. Ҳар бир тур учун унинг баҳолаш мезонига асосан 1 нафардан иборат ҳакамлар ҳайъати белгиланади, у ўзига бириктирилган тур шартларини умумлаштиради ва хulosса тайёрлайди.

Ҳайъат аъзолари ҳар бир тур тақдимоти тугагандан сўнг ҳар бир иштирокчининг жавобини таҳлил қилиб беради. Таҳлил тугагандан сўнг қўйилган баҳога эътиrozлар бўлса, ёзма равишда Ҳакамлар ҳайъатига мурожаат қиласилар.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг амалий машғулотларини, саводхонлигини адолатли баҳолайдилар, баҳолаш мезони асосида эксперт гурӯҳи хulosаларини ва ғолибларнинг якуний босқичида олган баҳоларини умумлаштирган ҳолда, кўрик-танлов ғолибларини аниқлаб берадилар.

#### **V. САНОҚ КОМИССИЯСИ**

Комиссия таркиби уч кишидан иборат бўлиб, унинг таркиби ҳакамлар ҳайъати раиси томонидан белгиланади. Комиссия финал мусобақасида кўрик-танлов шартларини бажариш учун иш-

тирокчиларнинг сарфлаган вақтини ҳисоблаб боради. Ортиқча сарфланган вақт юзасидан ҳакамлар ҳайъатини огоҳлантиради. Саноқ комиссияси танлов үтказилаётган жойда иштирокчиларнинг барча турлар ва шартлар бўйича кўрсаткичларини оммага ёритиб боради.

**Эслатма:**

• Финал мусобақаси қатнашчилари кўрик-танлов шартларини белгиланган вақт ичida бажаришлари шарт.

• Кўрик-танлов жараёнига халақит берган, ҳакамлар ҳайъати, эксперtlар хулосаларини писанд қўлмаган ҳамда ушбу тартибларга амал қилишдан бош тортган иштирокчи кўрик-танловдан четлаштирилади. Бу ҳақда тегишли далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади.

• Кўрик-танловнинг ўтиши юзасидан фақат кўрик-танлов қатнашчиларигина эътиroz билдириш хукуқига эга ва уларнинг эътиrozлари жойида ҳамда эътиroz билдирилган вақтнинг ўзида ҳал этилади, кейинги эътиrozлар қабул қилинмайди.



\* \* \*

Китоб инсонга қанот бағишлайди.

*Ф.В.Гладков*

\* \* \*

Ўсмир ақлида чуқур из қолдиргувчи китоб одатда кўпинча инсон ҳаётида бутун бир даврни ташкил этади.

*C. Смайлс*

\* \* \*

Юракка теккан биринчи китоб – бамисоли биринчи муҳаббат. У келгусида инсоннинг бутун туйғулар оламини беихтиёр ўзида жам этадиган жилвагар кўзгудир.

*О.Д.Форш*

*Гапарова М. Республика илмий  
педагогика кутубхонасининг  
илмий библиография бўлими бошлиги*

## **МАКТАБ КУТУБХОНА-БИБЛИОГРАФИК БИЛИМЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ**

Ўзбекистоннинг ҳалқаро нуфузини ошириш ва жаҳон миқёсига олиб чиқишидаги олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар давридаги ҳамда ушбу ислоҳотларнинг жадал ривожланишига кўмаклашиш ишлари каби керакли мажбурият ва вазифалар албатта, умумтаълим муассасалари зиммасига тушади. Бундай шароитларда мактаб кутубхонасининг миссияси (вазифаси) ўз-ӯзидан ўзгаради ва у таълим беришга кўмаклашиш каби бўлинмадан энди ахборот, медиатаълим базаси, шахснинг ахборот маданиятини шакллантириш кабилар билан таъминловчи мактабнинг структурали марказига айланиши лозим бўлади. Ҳозирги кунда умумтаълим муассасаларида таълим олаётганларга ахборот хизмати кўрсатиш даражаси кўп ҳолларда таълимнинг янги самарали ютуқларига боғлиқ бўлиб қолди.

Республикамиз Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш бўйича замонавий таълим ва унинг келажагига боғлиқ янгича ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда.

Кутубхона ишини ислоҳ қилишдаги самарали ва муҳим стратегик йўналишлардан ҳисобланмиш — компьютер ва ахборот технологияларини кутубхона ҳаётига олиб кириш, кутубхоналарда Интернет тизимини жорий этиш, ҳамда таълим муассасалари қошида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш каби жараёнларни жадал йўлга қўйиш ҳозирги давр талаби бўлиб қолаяпти.

Кутубхона фаолиятида анъанавий усуслардан ташқари, замонавий талабларга жавоб берувчи янги ахборотни электрон тарзда сақловчи — электрон каталоглар, электрон дарсликлар, Интернет тизими, нусха кўчирувчи аппаратлар, медиатекалар каби хизмат кўрсатиш турлари булиши мумкин. Лекин бундай имкониятлар барча мактаб кутубхоналарида ҳам мавжуд дея олмаймиз. Бундай шароитларда, албатта, доимий ва зарур анъанавий усуслардан фойдаланишга тўғри келади.

Ўқувчиларни кутубхоначилик-библиографик билимдонликка, ахборот маданиятига жиддий ўргатиш зарур. Бу иш аслида мактабда

олиб борилиши лозим. Лекин кутубхонага келган бутун синф ўқувчиларига кутубхона каталоги ва картотекалари ёнида сухбат ўтказиши ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Китобхонлар яъни ўқувчи ва ўқитувчилар каталог ва картотекалардан фойдаланишини билмайдилар. Масалан, ҳозирги ўқувчиларга рефератлар ёзиш, мустақил ижодий ишлар қилиш каби оммалашган вазифалар юклатилмоқдаки, бу ишларга ота-оналар «керак маълумотни манбалардан фақат кўчириб олишдан иборат» деб ўйлаб, ўқувчини ижодий ишлашга йўналтира олмаяптилар. Мана шу ўринда энди, малакали мактаб кутубхоначиси керакли маслаҳат билан ёрдамга келиши лозим бўлади ва у, ўқувчини тўғри йўналишга сола олиши керак. Энг аввало, маълум бўлган мавзу бўйича керакли маълумотларни каталоглардан қидириш, уларни саралаш ва керакли режа тузиб, режа бўйича турли маълумотлар тўпланганидан кейингина ишга ижодий ёндашиш ҳамда хулосалар орқали таклиф-мулоҳазалар киритишни унутмаган ҳолда, ишлашни ўргатиш лозим. Бу тарздағи самарали ишлаш учун мактаб кутубхонасининг ўзида керакли каталог ва картотекалар мавжуд бўлиши, албатта, бунда каталог ва картотекалар билан кутубхоначи мунтазам иш олиб бораётган бўлиши назарда тутилмоқдаки, бу китобхонлардан тушаётган сўровлар тўлақонли қондирилишига хизмат қиласи.

Кутубхонанинг маълумот-библиографик хизмати кутубхоначининг самарали аҳборот билан таъминлаш фаолияти ҳисобланади. Таълим муассасаларида маълумотнома-библиографик ва аҳборот ишларини тайёрлаш ва уни китобхонларга етказиш асосан улардан тушган сўровлар асосида хилма-хил маълумотномалар бериш йўли билан қондиришда ўз аксини топади. Бу ишларда биринчى бўлиб маълумотнома-библиографик аппарати ёрдамга келади. Кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппаратини — мавзувий картотекаларни такомиллаштириш, маълумотнома-библиография нашрлари, бажарилган маълумотномалар картотекаси кабиларни яратиш ишлари ташкил этади. Яна мактаб кутубхонасида китобхонларга маълумотнома-библиография хизмати кўрсатиш қуидагилардан ҳам иборат:

- ўқувчи ва ўқитувчиларга янги келган адабиётлар ҳақида уларни қизиқтирган соҳалари бўйича гуруҳли ёки якка тартибда аҳборот беришни ташкил этиш;
- энг яхши илмий ва бадиий асарларни тарғиб қилиш мақсадида библиографик обзорлар ўтказиш;
- айрим ўқув фанлари ёки мактаб дастурлари бўлимлари

бўйича синфдан ташқари ўқиши учун адабиётларнинг тавсиявий рўйхатларини тузиш;

— ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш (сухбатлар, обзорлар, маслаҳатлар бериш, маҳсус кутубхоначилик дарслари ва семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш);

— каталог ва картотекалардан фойдаланиш қоидаларини тушунтирувчи кўргазмали-методик плакат-стендлар ишлаб чиқиши;

— «Ахборот кунлари»ни ташкил этиш ва ўтказиш («Ахборот кунлари» каби тадбирлар ўқувчи ва ўқитувчилар учун алоҳида тартибда ёки биргаликда ҳам ўтказилиши мумкин, бунда янги адабиётлар ёки маълум мавзуга оид адабиётлар кўргазма тарзида тақдим этилиб, кўргазмага қўйилган китоблардан айрим қизиқарли қисмларини ўқиб бериб таништириш ёки кўргазмадаги адабиётлар ҳақидаги савол-жавоб викториналари уюштирилиши ҳам мумкин).

Мактаб кутубхоналарининг маълумотнома-библиографик аппарати I — XI синф ўқувчилари ва ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиши керак. Маълумотнома-библиографик аппаратининг маълумотнома-библиография нашрлари фондси турли хилдаги ва мавзусига кўра бир хил бўлмаган адабиётлардан иборат бўлиб, улар умумий ва маҳсус энциклопедиялар, изоҳли луғатлар, маълумотномалар, статистик тўпламлар ва библиографик қўлланмалардан иборат бўлади.

Кутубхона фондидан тўлиқ фойдаланишини каталог ва картотекаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳатто бу кутубхона очиқ фондли кутубхона бўлса ҳам, каталог ва картотекаларнинг бўлиши муҳим ва зарур.

Кутубхона каталог ва картотекалари — бу кутубхонада мавжуд матбуот нашрларининг кўрсаткичи ҳамдир. У кутубхонадаги мавжуд китоблар, журналлар, газета ва бошқа материаллар ҳақидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган карточкалардан иборат бўлади.

Каталогнинг мақсади — китобхонга керакли китобларни танлашда ва уларни қўлга киритишида ёрдам беришдир. Каталоглардан фойдаланаётган китобхон кутубхона фондининг таркиби билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Айнан шунинг учун ҳам, каталогларни кутубхонанинг ойнаси ва йўлкўрсаткичи ҳам дейишади. Яхши ташкил этилган каталоглар кутубхона фондини фақат тўғри ёритиб берибгина қолмай, балки фан пред-

мети ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради ва ўқишига қизиқишини кучайтира олади ҳам.

Кутубхонада бир неча каталогларнинг мавжудлиги китобхонларга хизмат қилиш ишларини ривожлантиради, китобхоннинг сўровларига жавоб бўлувчи тез мослашувчан аппаратга айланишига, кутубхонанинг китоб бойлиги заҳираси ичидаги эркин ҳаракатланишга имкон яратади. Бироқ китобхон кутубхона каталогларидан тўғри фойдаланиш учун уларнинг тузилиши, вазифаси, мақсади ва ўзига хос хусусиятларини ажратади. Олган ҳолда фойдаланишни ўзлаштирган бўлиши керак. Бу ўринда, албатта, китобхонга биринчи бўлиб кутубхоначи ёрдамга келади. У китобхонни керакли плакат-стендлар орқали каталогдан фойдаланишни тушунтирган ҳолда, кейинги босқичдаги керакли ёрдами беришга ўтади.

Таълим муассасалари фонди ҳақида тўлиқ маълумот бериш ва китоб тарғиботини олиб бориш мақсадларида кутубхоналарда куйидаги каталоглар ташкил этилган бўлиши лозим:

- *Алфавитли каталог;*
- *Системали (тизимли) каталог.*

Барча нашрлар учун ягона бўлган ва бутун кутубхона фондини акс эттирадиган – алфавитли каталог ҳисобланади. Унинг шундай аталишининг сабаби ҳам ундаги карточкалар тасвиридан биринчи сўзлар тартиби бўйича жойлаштирилишидадир. Бундай жойлаштиришда бир муаллифнинг барча китоблари (бир ёки жамоа тарзидаги) бир жода тўпланган бўлади. Ушбу каталогда маълум бир китоб кутубхонада бор ёки йўқлиги (чунки каталогда китобнинг сарлавҳаси билан ҳам қўшимча карточка қатъий алфавит тарзида берилиши шарт) ва маълум бир муаллифнинг қайси китоблари кутубхонада мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар берилади (бунда муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми бўйича қатъий алфавит тарзидаги маълумотлар ёзилган карточка берилади). Бундан ташқари, китобхон китобнинг карточкадаги тасвиридан нашр чиққан йили, нашр жойи, бетларнинг сони ва иллюстрация ҳамда библиографияси ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар олади.

Алфавит каталогидан фойдаланувчи китобхон оддий алфавит тартиби ва каталог қандай тузилганлиги қоидаларини ўзлаштираса, бас, адабиётни қидириб топиш муваффақиятли кечади. Масалан: Карточкалар биринчи сўз бўйича жойлаштирилади, агар биринчи сўз бир хил бўлса, карточкалар иккинчи сўздан кейин,

иккинчи сўз бир хил бўлса, учинчи сўздан кейин ва х.к. жойлаштирилиб кетилаверади:

Абадий биргамиз

Абаева Т.Г.

Абай йўли

Абалиев Р.Н.

Абалкин Л.И.

Аббос Хўжа Аҳмад ҳақида

Муаллифларнинг бир фамилиялари уларнинг қолган инициалига қараб алфавит тартибида қўйилади:

Абдуллаев А.Б.

Абдуллаев А.В.

Абдуллаев А.Н.

Абдуллаев Л.Н.

Агар каталогда инициаллар бўлмаса ёки фақат бир инициал мавжуд бўлса, бунда олдин инициали йўқлар биринчи, бир ва икки инициали борлар иккинчи, сўнгра исми ва отасининг исми бор карточкалар жойлаштирилади:

Абдусаломов

Абдусаломов А.

Абдусаломов Анвар

Абдусаломов Анвар Эргашевич

Абдусаломов Б.

Абдусаломов Б.А. ва х.к.

Агар бир муаллифнинг турли асарлари тўпламлари мавжуд бўлса, алоҳида белгиланган схема бўйича: яъни биринчи бўлиб, тўла асарлар тўплами, кейин асарлар тўплами, кейин эса, асарлар, танланган асарлар тарзида жойлаштирилади:

Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли

Мукаммал асарлар тўплами

Тўла асарлар тўплами

Асарлар

Танланган асарлар

Адабиёт тўғрисида

Бола Алишер

Болалик хотигаларим ва х.к.

Алфавитли каталог кутилари маълум бир ҳарфдан то маълум бир бошқа алфавит бўйича кейинги келаётган ҳарфгача «дан-гача» шакллда маълумотни акс эттирувчи карточкалар билан таъминланади. Алфавитли каталогда фонднинг ҳажмига қараб, каталог-

нинг ҳар 60 та карточкасидан сўнг ажраткичлар ишлатилинади. Алфавитли каталогда ҳисобдан чиқарилган адабиётлар карточкаси олиб ташланиши, қолдирилмаслиги лозим.

**Системали (тизимли) каталог.** 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика илмий педагогика кутубхонаси, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳамкорлигига мактаб кутубхонаси учун «Ўзбекистон Республикасининг кутубхона-библиографик классификацияси» жадвали тайёрланди ва жойларга етказилди. Янги жадвал билан ишлаш, кутубхонада системали каталогни йўлга қўйиш ёхуд уни янгидан таҳрир қилиб тузиб чиқиши каби ишлар осон жараён эмас. Кўп кутубхоначилар янги «Ўзбекистон Республикасининг кутубхона-библиографик классификацияси» жадвалини қўлга киритиб, уни тезгина варақлаб, матнданаги ўзгаришлар билан юзаки, наридан-бери танишиб чиқишида ва шу билан жадвалларни ўрганиб чиқиши жараёни тугади деб ўйлашади. Бироқ бу усул мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки бу жараён системали каталогни олиб борищдаги ижобий натижани ва керакли самарани бермайди.

Янги жадвалларни ўрганиб чиқиши жараёни янги ишларга сафарбарлик руҳида, маҳсус қоидалар мажмуи сифатида ёндошиб, олиб борилиши керак. Биринчи иш сўз боши ва кириш қисми билан танишишдан бошланиб, сўнгра асосий жадваллар матни билан ишни бошлаш тўғри бўлади.

Кутубхона-библиографик классификацияси жадвалининг янги мактаб кутубхоналари учун мўлжалланган янги нашрида:

- фанлар йиғиндинсининг барча ижтимоий-гуманитар бўлимлари сезиларли даражада қайта ишлаб чиқилган;
- тушунчаларга оид маълумотлар қайта кўриб чиқилиб, янгиланган;
- миллий тарихимиз, география ва этнография, иқтисод, маданият ва тилшунослик, хукуқ ва бошқа миллий классификацион тизим учун муҳим бўлган қўпгина фан соҳаларидаги муаммолар ўрганилган ва янгиликлари билан кенг тарзда ёритилган;
- керакли қўшимчалар ва бўлинмаларнинг турларига қараб шакллар бериш қўпайган ва бошқа муҳим ишларга қўл урилган.

Кутубхона-библиографик классификация жадвалининг янги жадвалларини амалий тарзда ишга татбиқ этиш, албатта, қийин иш жараёни ҳисобланади. Тушунарсиз вазиятлардан қўрқиши керак эмас, балки тинимсиз ўқиб, керакли билимни олиш билан бу қийинчиликни енгиш зарур.

Системали каталогдан бошқа ҳеч қайси каталог тизими китобхонга аниқ бўлмаган китобни топишда ёки ноаниқ сўровлар туғилган оғир вазиятларда ёрдамга келолмайди. Системали каталогда фан предметларининг бир-бирига боғлиқ жойлари бўлса, ҳар бир соҳага алоҳида ўша нашр ҳақида керакли маълумотлари бор карточкалар жойлаштирилади. Бу борада кутубхоначи системали каталогнинг резерв ва имкониятлари ҳақида, каталог билан ишлаш маданияти ҳақида китобхонга тушунча бериб, ўргатиб бориши керак.

Системали каталогда нашрлар мантиқий тартибда, яъни мавжуд билимлар тизимига мос равищдаги бўлимлар кетма-кетлигида жойлаштирилади. Агар китоблар турли муаллифларнинг бир хил мавзуга аталган асарлари мавжуд бўлса, улар бир жойда тўпланади. Масалан: Кутубхонадаги барча математикага оид адабиётлар «Математика» ажратгичи ортига муаллифнинг фамилияси ва инициалига ва муаллифи бўлмаса, китобнинг сарлавҳасига қараб, алфавит тартибida жойлаштирилади, физикага оид нашрлар бўлса, — «Физика» ажратгичи ортидан юқоридагидек тартибда жойлаштирилади ва ҳ.к.

Каталогни янги жадвалга ўтказишдан аввал, уни тартибга келтириб олмоқ, яъни олдиндан таҳрир ишлари олиб борилган бўлиши лозим. Бир хил ажратгичлар бўлиб қолмаслигини назорат қилиш, яшик(кути)ларда, албатта, келгусидаги карточкаларни жойлаштириш учун бўш жойларни кўпроқ қолдириш, уларнинг жойлашишидаги хронологик (янги нашрлар чиққан йилига қараб олдинда жойлаштирилади) тарзда, муддатига қараб жойлаштирилиши керак ва каталогдаги индекс китобнинг фонддаги полка индекси билан мос бўлиши зарур. Эскирган ва ёмон ҳолатга келиб қолган китоблар ҳисобдан чиқарилса, унинг карточкалари ҳам алфавит ва системали каталогдан олиб ташланиши лозим.

Мактаб кутубхонасига ёрдам, ўқувчилар билимини кенгайтириш, ўқитувчиларни янгиликлардан тезда боҳабар қилиш мақсадларида ҳукумат органларининг, ёш авлод ривожига бағишлиланган, педагог ходимларининг иш тажрибалари учун асқотадиган, шунингдек таълимга доир газета ва журналлардан («Халқ сўзи», «Маърифат», «Туркистон», «Соғлом авлод», Ўзбекистон адабиёти ва санъати», Учитель Узбекистана», «Таълим тараққиёт», «Халқ таълими», Узлуксиз таълим», «Бошлангич таълим», «Тил ва адабиёт таълими» в.х.к. каби вақтли матбуот нашрлари) мактаб кутубхонасига, албатта, обуна бўлинган бўлиши керак. Бу

вақтли матбуот нашрлари кутубхоначининг керакли мавзуларда адабиётлар рўйхатлари тузишда, керакли педагогиялари ютуқлари мавзусида материалларни тавсия этишда, ҳукумат қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги меъёрий ҳужжатларини тўплашда ва уларни тавсия эта билишда, тури оператив(тезкор), мавзувий картотекалар тузишда, кўлланмалар тайёрлашда, кўргазмалар ташкил этишда ва бошқаларда тайёр материаллар мисолида жуда асқотиши мумкин.

Мактаб кутубхоначиси доимий равишда тезкор картотекаларни режалашибдириб, ҳар йили керакли мавзуларда уларни олиб бориши лозим. Чунки кутубхонада доимий равишда «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари, фармон ва қонунлари», «Янги педагогик технологияларни жорий этиш», «Гаълим методларини такомиллаштириш», «Маънавият ва маърифатга оид», «Ўзбекистон — Ватаним маним», ва х.к. каби картотекалар санасига қараб янгиланиб олиб борилиши керак.

Ўқитувчи ва ўқувчилар билан мақсад сари йўналтирилган ҳолда иш олиб бориш, уларнинг китобхонлик эҳтиёжларини яхшироқ ўрганиш учун доимий ҳаракатдаги қуйидагича мавзувий кўргазмалар уюштириш тавсия қилинади: «Педагогик маҳоратни такомиллаштириш ва уни эгаллаш», «Янги педагогик адабиётлардан янгиликлар», «Ўқитувчи эътиборга лойик», «Сиз учун ёш ўқитувчилар», «Мактаб — тарбиявий ишлар маркази», «Ўқувчиларни тарбиялаш ҳам ўқитувчининг ташвиши бўлмоғи керак», «Ижодкорликка жалб этиш», «Азиз ўқувчим, сенга замон ҳамнафас!», «Билимлар сари оқӣўл», «Янги адабиётлар», «Бадиий адабиётлар» ва ҳ.к.

Ўқитувчи ва ўқувчиларга яқиндан ёрдам бериш, уларнинг сўровларига ҳозиржавоблик билан тайёр материалларни курсатиш мақсадида кутубхонага келиб тушаётган янги адабиётлардан ва газета ҳамда журнал мақолаларидан соҳа ва мавзусига кўра тезкор картотекалар ҳам тузиб боришни тавсия этамиз. Бу ҳам тезкор ахборот билан таъминлаш ҳисобланиб, китобхон ўзига керакли адабиётлар картотекасини тезгина олишга муваффақ бўлади, вақти ҳам тежалади. Куйида биз — мавзувий картотекадан намуна келтирамиз:

### **Ёшлар онгига ғоявий дунёқарашни шакллантириш**

(Ушбу мавзудаги адабиётлар ва мақолалар тўпламини «миллий истиқбол ғояси» фани ўқитувчиларига, «ватан», «миллий ғоя», «маънавият» каби мавзуларда материаллар керак бўлган педагог ходимларга ва ўқувчиларга тавсия этиш мумкин)

Картотека юқоридаги ном билан номланиб, унинг ичида рубрикалар ажратилади ва улар ҳам номланади. Рубрикалар ичида адабиёт ва мақолалар қуидагича жойлаштирилиши мумкин:

## Юксак маънавий фазилатлар фояси

*Юксак маънавият калити билимдонликдир. Инсоннинг куч ва қудрати эндиликда замонавий илмларни забт этиши билан белгиланаёт-тир. Билимдонлик, адолатпарварликни қарор топтириш, кўпроқ китоб мутолаа қилиш, изланиш каби фазилатлар инсонни юксак маънавияти қилиб тарбиялайди. Маънавий баркамолликка етаклайди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг умумий ютуғига айланади.*

### Адабиётлар:

Каримов И.А. «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суюнчи ва таянчи бўлсин.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-48 б.

Бобоев X. ва бошқ. Миллий истиқбол мафкураси ва тараққиёт.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.-211 б.

Бобоев X.,Faurov Z. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.-480 б.

Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол.-Т.: Ўқитувчи,2003.-179 б.

Жумаев Ш. Ҳаёт ва тарғибот: Маънавий-маърифий, мафкуравий тарғибот-ташвиқот барча замонларда, барча давлатларда энг муҳим вазифа бўлиб келган //Маърифат.-2005.-9 июль.

Йўлчиева Б. Маънавият – инсон камолоти: Ёшларнинг маънавий камол топишида таълим муассасаларининг ўрни катта // Тошкент ҳақиқати.-2005.-18 июнь.

Матисаев X. «Диншунослик» курси, уни қандай ўқитамиз: Маънавият ва дин //Маърифат.-2005.-27 июль.

Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асалари асосида).-Т.:Шарқ, 2001.-160 б.

«Миллий истиқбол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ёрдамчи услубий қўлланма.-Т.: Чўлпон, 2004.-128 б.

Миллий истиқбол фоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида.-Т.: Академия, 2002.-279 б.

Нишонова С. Билимлилик — маънавий баркамоллик мезони: Маънавият дарслари //Халқ таълими.-2005.-№4.-Б.28-34.

Олим С., Жумаев Ш. Давлатимиз рамзлари.-Т.: Маънавият.-2002.-40 б.

Салимов С., Давронов З. Жамият, шахс ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-32 б.

Сафарова Р. Ўкувчи шахси маънавиятини шакллантирувчи асосий омиллар: Маънавий тарбия //Узлуксиз таълим.-2004.-№5.-Б.83-86.

Темирова Н. Ёшлар ижтимоийлашувида маънавий мерос ва умумисоний қадриятлар //Халқ таълими.-2004.-№1.-Б.56-58.

Холбоева Г. «Ибратли ҳикоят»ларда миллий қадриятлар талқини //Халқ таълими.-2005.-№4.-Б.48-51.

Хўжаева С.С. Ўз-ўзини тарбиялаш воситалари ва уларнинг таснифи: Маънавий тарбия //Узлуксиз таълим.-2005.-№3.-Б.97-102.

Эрназаров Э. Маънавий тикланиш: Мустақиллик — улуғ неъмат //Тошкент оқшоми.-2005.-21 июль.

Фозиева У. Ином Термизийнинг маънавий-ахлоқий қарашларининг моҳияти //Халқ таълими.-2005.-№4.-Б.42-45.

Фофуров Ж. Ёшлар — юртнинг камоли: Маънавият ва маърифат //Соғлом авлод.-2004.-18-24 ноябрь.

### **Комил инсон гояси**

*Комил инсон гояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун ҳалқларнинг юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган маънавий омилдир. Шу сабабли, миллий истиқлол мафкурасининг устувор гояларидан бўлган Комил инсон гояси мустақил Ўзбекистон ҳалқининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти ва дунёқарааш мезонларини ўзгартиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.*

#### **Адабиётлар:**

Баҳромова М. Миллий мафкура тушунчаларини шакллантиришда ҳалқ ҳикматларининг ўрни //Халқ таълими.-2005.-№1.-Б.28-31.

Жакбаров М. Комил инсон гояси.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-32 б.

Жўраев Н. Гоявий иммунитет ёки маънавий халоскорлик түйғуси.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-64 б.

Зарипова Г.К. Миллий меросимиздаги педагогик технологияга оид гоялардан фойдаланиш //Узлуксиз таълим.-2005.-№1.-Б.35-40.

Исақова Л. Комил инсон тарбиясида миллий қадриятлар //Халқ таълими.-2003.-№1.-Б.16-18.

Маҳкамов У. Мустақиллик тафаккури — қудратли куч: Миллий истиқбол фояси //Маърифат.-2005.-17 сентябрь.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг фоявий асослари .-Т.: Шарқ, 2001.-192 б.

Олимов Ш. Навоий ижодида комил инсон тарбияси: Маънавият //Бошланғич таълим.-2005.-№3.-Б.10-11.

Орипова Р. Мусиқий-бадиий воситалар орқали ўсмир ёшларда миллий истиқбол фояларини шакллантириш //Халқ таълими.-2005.-№4.-Б.110-112.

Салаева М. «Миллий истиқбол фояси ва маънавият асослари» дарсларида узлуксизликни таъминлаш масалалари: Маънавий тарбия //Узлуксиз таълим.-2005.-№3.-Б.91-96.

Тожиева М. Ўқувчилар онгода миллий мустақиллик фоясини шакллантириш: «Миллий истиқбол фояси» фанидан миллий истиқбол мағкурасининг моҳияти ва мазмуни //Халқ таълими.-2005.-№3.-Б.30-34.

Усмонов К., Одилқориев Ҳ. Тарих, фоя ва қонун.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-24 б.

Хожиева М. Тасаввуфда комил инсон тушунчаси ва унинг маънавий илдизлари //Халқ таълими.-2005.-№4.-Б.45-48.

Чориев А., Мансуров А. Фоя, тарих ва миллий тафаккур .-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-24 б.

Эргашев Ш. Демократик фоя ва бошқарув тамойиллари.-Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-16 б.

Эркабоева Н. Миллий истиқбол фояси: Маънавият //Бошланғич таълим.-2005.-№3.-Б.2-3.

Қодирова М. Ёшлар онгода фоявий дунёқарашни шакллантириш.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-32 б.

Ҳасанбоев Ж. Миллий мустақиллик фояси ва мағкурасининг педагогика назариясида қўллаш: фоя — воқеиликни акс эттириш ва илмий билишнинг ўзига хос шаклларидан бири бўлиб, у инсон тафаккури маҳсули ҳамда инсон ва жамиятни маълум мақсадга йўналтирувчидир //Халқ таълими.-2005.-№3.-Б.24-27.

## **Ватан равнақи ва юрт тинчлиги фояси**

*Бой маданий меросга эга бўлган ҳалқимизнинг ўз Ватанига бўлган садоқати, юксак маънавияти, сиёсий маданияти, миллатнинг фоявий ва маънавий етуклиги юрт тинчлигини сақлашининг муҳим омилидир. Ҳалқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу фоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашларга эга бўлган куч ва ҳаракатларни бир-*

*лаштиришига, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбидаги «Мен — Ўзбекистонликман» деган түйғуни сингедириш орқали миллий ҳамжис-ҳатликтин мустаҳкамлашига, Ватан равнақи, юрт тинчлиги каби улуғ умуминсоний гояларга хизмат қилади.*

### **Адабиётлар:**

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.-Т.:Ўзбекистон, 2000.-528 б.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-432 б.

Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.-Т.: Ўзбекистон, 2004.-400 б.

Абдуллаева К., Раҳмонбекова С. Она замин қудрати, у элни севганга тан: Миллий истиқбол гояси //Маърифат.-2004.-3 ноябрь.

Каримова В.ва бошқ. Юрт тақдири — инсон тақдири .-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-24 б.

Реджабоев А. Ватан ҳимояси — муқаддас бурч //Узлуксиз таълим.-2004.-№2.-Б.76-80.

Туроб Ш. «Қўнглимнинг сарвари ўзингсан, Ватан!» //Тошкент ҳақиқати.-2005.-27 июль.

Тўлаганова З. Ватанин соғлом йигитлар қўриқлайди //Соғлом авлод.-2004.-28 октябрь-3 ноябрь.

Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-64 б.

Худойқулова Д. Ўкувчиларни бадиий образлар воситасида ватан-парварлик руҳида тарбиялаш //Халқ таълими.-2004.-№4.-Б.82-85.

Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши.-Т.: Шарқ, 2003.-512 б.

Эргашев И.ва бошқ. Ватан муқаддасдир.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002.-24 б.

Ўзбекистон — жонажон диёр.-Т.:Ёзувчи, 2001.-63 б.

Ўзбекистон — умумий уйимиз.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-238 б.

Гуломов М. Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси.-Т.: Адолат, 2003.-352 б.

Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.-Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-192 б.

Юқоридаги картотека мавзувий тарзда тузилди холос. Картотека келаётган адабиётлар ва вақтли матбуот нашрлари мақола-

ларига қараб соҳаларга ажратилган ҳолда, соҳавий тарзда олиб борилиши ҳам мумкин.

Мактаб кутубхоналари ўқитувчи ва ўқувчиларга хизмат кўрса-тишда ўлкашунослик мавзуларида иш олиб боришни кўзда тутиши, албатта, керак вазифа. Чунки ўқитувчига айрим фанларни ўқитиши, тарбиявий ишларни юритиши учун ўлкашунослик материаллари жуда зарур. Кутубхонада ўлкашуносликка оид адабиётларнинг тезкор, тавсиявий, мавзувий картотекалари, адабиётлар рўйхати, китоб кўргазмаси каби ишларни ташкил этиши, китобхонларнинг ўлкашунослик билимларини кенгайтиришга ёрдам беради. Картотекалар, рўйхатлар, китоб кўргазмалари қуидаги-ча аталиши мумкин: «Ўлка мустақиллик йилларида», «Ўлкам менинг — олтин бешигим», «Ўлкамиз тарихини ўрганамиз», «Ўлкамизнинг машҳур кишилари», «Ўлканинг тарихий жойлари», «Маънавияти ва маданияти гуллаган ўлка», «Ўлка ҳақида нималарни ўқиши керак?» ва х.к.

Мактаб кутубхоначиси билимли, саводхон бўлмоғи, содир бўлаётган ҳодисаларни теран англаб, кенг тарзда мушоҳада этмоғи лозим. Қайси бир соҳанинг мутахассиси бўлманг, талаба ёки ўқувчи бўлсангиз ҳам, агар ижодий изланиш зарур бўлса, албатта, китоб мутолаа қилиш кераклиги бу — табиий ҳол. Қанчалик чукурроқ ижодий изланилса, шунчалик кўп миқдорда китобга мурожаат қилиш ва ундан фойдаланиш керак бўлади. Бундай ҳолларда кутубхона, кутубхоначи ва библиография биринчи қўмакчи бўлиб келади, кутубхонадаги китоблар ичидаги энг керагини тезда топиш, илмий-ижодий изланишлардаги самарали меҳнат ва вақтни тежаш кабиларда, албатта, кутубхонанинг библиографик аппарати ёрдам беради. Таникли олимларнинг фанга қўшган ҳиссалари, ютуқлари замирида бевосита, уларнинг ўз иш фаолиятлари йўналишини ва иш вақтларини тўғри ва билиб тузганлари самарааси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Тўғри йўналган ақлий фаолиятнинг шартларидан бири ҳам кутубхона ва библиографиядан тўғри фойдалана билиш ҳисобланади.

*P.Ратнер, Республика илмий педагогика  
кутубхонасининг илмий методика бўлими  
бошлиғи*

## **ХАЛҚАРО МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ КУНИНИ ЎТКА- ЗИШ БЎЙИЧА БАЙРАМ ТАВСИЯЛАРИ**

**3-октябрь** – Халқаро мактаб кутубхоналари куни. Шу кунни бутун ер юзи мактаб кутубхоначилари билан бирга нишонлаймиз. Лекин қандай қилиб?

Республика илмий педагогика кутубхонаси эътиборингизга 3 октябрни тор соҳа байрами эмас, балки қувончли ҳодисага айлантириш имконини берадиган айрим тадбирларни таклиф этади. Ҳозирча эса – ўқинг, табассум қилинг, маълумот сифатида қабул қилинг. Зотан, маслаҳатларимиз жиддий.

Халқаро мактаб кутубхоналари куни ҳақидаги туманингиз, шаҳрингиз мактаб кутубхоналарида режалаштирилаётган ишлар, аниқ таклифлар ва ўз мактабингиз кутубхонасини ривожлантириш истиқболлари ва йўналишлари тўғрисидаги материаллар асосида маҳсус саҳифа, мавзувий папка яратиш мумкин.

Ушбу ахборотларни мактабингиз кутубхонасида ёки мактабнинг Web-сайтида жойлаштиринг. Бу ишларга ўқувчилар ва ўқитувчиларни жалб этса арзийди.

Агар сиз ўзингиз ўтказган байрам ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчи бўлсангиз, Халқаро мактаб кутубхоналари кунига атаб ўзингиз режалаштираётган тадбирлар ҳақидаги ахборот акс этган хабарни маҳаллий газетага юборинг.

Лекин сизда бу йил ўзингизнинг алоҳида байрамингизни ўтказиш тўғрисида янги ўйлаб топган тадбирларингиз билан ўртоқлашиш истаги туғилиши табиий. Халқаро мактаб кутубхоналари куни ҳақида ҳаммага сўзлаб беринг.

Қани энди, ўқувчилардан энг яхши ва севимли китоблар рўйхатини тузиб беришларини илтимос қиласлий. Бу рўйхатни асар номларини кўрсатиш билан чекланг, бу жараён эса уларни рўйхат тузиш ишига янада ўйлаб ёндашишга ундейди.

Албатта, ўқувчилар ўзлари танлаган китобларни шарҳлашлари керак.

Равшанки, ҳамиша боланинг китоб ўқишини рағбатлантириб туриш даркор. Бу бизнинг ҳам кутубхоначи, ҳам педагог сифатидаги бош вазифамиздир.

Агар сиз ўқувчилар севган асар қаҳрамонларининг либосли парадини ташкил эта олсангиз – бу иш мактаб кутубхоначиси-нинг фаолиятига алоҳида ургу бўлади.

Мактабдан бироз ташқарига чиқиб, касбий алоқаларингизни кенгайтиринг, бошқа тизим ва идораларга қарашли кутубхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилинг. Халқаро мактаб кутубхонала-ри кунини ўтказиш бўйича қўшма тадбирлар тузинг.

Аҳиллик ва ҳамкорликнинг қудратини англаб еting. Бошқа-ларнинг мактаб кутубхонасини ривожлантириш дастурига қўшган ҳиссасига баҳо бериш имконияти сифатида Халқаро мактаб ку-тубхоналари кунидан фойдаланинг.

Кутубхона дўстлари ва байрам иштирокчилари: ўқувчилар ва ўқитувчилар маҳалла қўмиталари вакиллари ва ота-оналар, халқ таълими органлари кўнгиллик ёрдамчилардир.

Талай кутилмаган совғалар тайёрлаш зарур. Хусусан, китоб-хонлар жамоаларининг чиқишилари, кутубхоначилик иши фах-рийлари ва янги иш бошлаётган кутубхоначиларга табриклар.

Китобхонларингизга турли халқларнинг ўйинлари ҳақида би-лиш қизиқарли бўлади. Чунки, бу нарса уларнинг тафаккур дои-расини кенгайтиради.

Бу югуриб келмасдан узунликка, бир оёқдан иккинчисига сак-раш ўйини. Ҳар бир сакраш береста чизири билан белгиланиб, «туос» деб номланади. Ўн битта чизиқ – сакраш дастури бажарил-ган ҳисоб. Сакрашларнинг умумий узунлигини ўлчаш керак. Ҳам-мадан узоққа сакраб борган эса голиб бўлади.

Билингки, ахборот ресурсларининг фойдаланувчилар томон силжишидаги энг оммабоп шакллардан бирининг тарбиявий ва таълимий имкониятларини очиб берувчи «Китобхон сари юзта йўл» китоб кўргазмасини ўтказиш ҳам мумкин.

Келинг, кутубхонада «Очиқ эшиклар куни»ни ташкил этай-лик, ота-оналарни, болалар, олий ўкув юртлари кутубхоналари ва турли хил фонdlар вакилларини таклиф этайлик.

Умид қиласизки, Халқаро мактаб кутубхоналари кунини ўтказишга тайёргарлик кўраётиб, «Мактаб кутубхонаси ҳафта-лиги»ни ташкил этиб, унинг доирасида мавзувий кўргазмалар жиҳозлайсиз, шарҳлар, адабий ўйинлар, «Ахборот куни»ни ўтказасиз.

Турли шериклар билан биргаликда мактаб кутубхонаси фао-лиятини кооперациялаш ва интеграциялаш лозим.

Мумкин бўлган варианtlар:

- мактаб кутубхонаси + педагоглар;
- мактаб кутубхонаси + мактаб кутубхонаси;
- мактаб кутубхонаси + ўзга соҳадаги кутубхона;
- мактаб кутубхонаси + нотижорат уюшма.

Уюшган ўқувчилар жамоаси мактаб кутубхонасини реклама қилувчи фирмаларга хос хатчўплар дизайнини ишлаб чиқиши, истаган фойдаланувчига кутубхона ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларгага жавоб топиш имконини берадиган меҳмонларга аталган китоб эскизини яратиши мумкин.

Бир фурсат топиб туманинг мактаб кутубхоначилари учун семинар-практикум ташкил этинг, замонавий мактабнинг тарбиявий ишларида кутубхонанинг роли ва ўрнини муҳокама қилинг.

Худди шу ниятда мактабдаги кутубхонанинг мақсад ва вазифаларига жиддий баҳо берган ҳолда ўқувчилар ҳам мактаб кутубхонаси логотипини ўйлаб топишлари мумкин.

Олий ўқув юртлари, ўрта-маҳсус қасб-хунар билим юртлари вакиллари билан учрашув ташкил этиб, уни мактаб кутубхонасида юқори синф ўқувчиларининг фаол иштироқида ўтказинг.

Нафақат турли тадбирлар, балки идеал характерли одамлардан уларнинг ҳаётида мактаб кутубхонасининг роли ҳақида олинидиган интервью ҳам мактаб газетаси учун дикқатни ўзига тортувчи материал бўла олади. Кутубхонангиз ҳаётидан олинган янгиликлар мактаб газетасида ёритиб борилиши мумкин. Мактаб кутубхонаси ҳақида бирор материал тайёрлашни ўқувчилардан илтимос қилинг ва энг яхши мақолаларни доимо деворий газетангизда эълон қилиб боринг.

Ахборотлаштириш билан боғлаган ҳолда, мактаб кутубхонаси фаолиятини ташкил этишдаги янгиликларни ёритишга ҳарат қилинг.

Лутфан айтилган «Кутубхона – ҳамма учун» жумласи кутубхонангиз ишидаги шиор бўлиб қолсин. «Мен нима ҳақида ўқишини яхши кўраман?» – байрамига бир неча кун қолганда ўқувчилар орасида шундай сўровнома ўтказиш мумкин. Мақсад – китоб улар ҳаётида қандай ўрин тутишини аниқлаш. Аминмизки, болалар таҳдилий маъруза билан синфга кирган кутубхоначининг сўзларини қизиқиши билан тинглайдилар.

Айни «Менинг севимли китобим» мавзуси бўйича ўқувчилар тайёрлаган қизиқарли ишларни китобхонлар учун тавсиялар бўлиб хизмат қиладиган деворий газета ёки альбом сифатида шакллантириш мумкин.

Рұған соғлом иқтими мактаб кутубхонасида самимий ва хуш-чақчақ, хушмуомала ва саңыаткорона иш тутиш осон. Эңг муҳими, байрамда тантанали бир вазият ҳукм сурмоғи даркор. Ҳаво тұлдирілған шарлар, шеърлар, мусиқа. Байрамингиз ўз янгилиги билан барчани лол қолдирсін. Байрам – бу, ҳаммавақт ҳайратта солмоқ дегани.

Имкониятларга қанот берувчи янгиликларни жорий этишга қаратылған кутубхоначилек-инноватика ўқувчилар ва педагогларнинг билиш фаолияти ҳамда ўз-ўзини ривожлантиришларига барча шароитларни яратып беришга қодир.

«Кроссвордчилар танлови», «Байрамнинг кейинги тадбири нимадан иборат?» – жумбоқни ечиш тезлигига, ҳар бир тушунчани изоҳлаш саводхонлигига ва ҳаттоқи содда кроссвордлар тузишга қаратылған.

Бадийи чиқиши учун байрам тадбирларини ўтказышнинг ранг-барап шакл ва методларидан фойдаланинг, шеър ва мусиқаларни синчиклаб ажратинг, диафильм, аудио ва видео-кассеталарни жалб этинг. Шуларни ёдда тутинг ва атрофингиздагиларнинг барчасини ўз дилраболигингиз ва фаоллигингиз билан бошқаринг.

Ниҳоятда банд бұлсангиз, Халқаро мактаб кутубхоналари куни арафасида сизга мактабнинг педагог-ташкилотчилари құмак беради. Уни ўз байрамингиз билан, албатта, табрикланг.

Иқрор бұлиш керакки, Халқаро мактаб кутубхоналари куни байрамини нишонлашга доир тадбирлар юқоридагилар билан ниҳоясига етди деган гап эмас. Аминмизки, билимларингиз, малакангиз ва тажрибангиз байрамни ўтказышнинг қызықарлы шакларини топишга имкон беради.

*Байрамингиз құттууғ бүлсін,  
аэзиз мактаб кутубхоначилари!*

*Д. Фаниева, Республика илмий педагогика  
кутубхонаси директори,  
педагогика фанлари номзоди*

## **БОЛАЛАРНИНГ КИТОБ ЎҚИШИГА ПЕДАГОГИК РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ**

Ўқувчи шахсини шакллантиришда унда китобхонлик маданиятини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода ахборот (билим) олишнинг бугунги кунида китобнинг ўрни қандай? – деган ҳақли савол туғилади. Зеро, таҳлиллар шуни кўрсатадики, маълум сабабларга кўра ўқувчи-ёшларнинг китобхонлик даражаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Ҳар йили Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан мактаб кутубхоналари ишининг фаолияти рақамли кўрсаткичларда таҳдил қилиб борилади. Бу кўрсаткичлар ичida энг муҳимларидан бири, бу – мактаб ўқувчиларининг «китоб ўқиши» кўрсаткичидир. Бу нима дегани? Китобхонларнинг китобдан фойдаланиш даражасини кўрсатувчи рақам – берилган китоблар сонининг китобхонлар сонига нисбатига тушунилади. 2008 йилда республикамиз мактабларида 5500618 китобхон 49377704 дона китоб олиб фойдаланган, яъни бир ўқувчи йил давомида 8,9 та китоб олиб ўқиган. Бу рақам жуда ҳам паст даражадир. Сир эмаски ҳозир кўп жойларда телевизор, радио, компьютер китобга ўзига хос рақобат бўлмоқда, яъни болалар кўп вақтларини ана шу воситалар олдида ўтказмоқдалар. Бироқ маълумот олишнинг, таъбири жоиз бўлса, маънавий озуқа олиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш борасида бу ҳеч қачон китоб ўрнини боса олмайди. Ҳўш, шундай экан, нима учун болаларимиз кам китоб ўқимоқдалар? Бунга сабаб – китоб нархларининг юқорилигими, ёки жойларда китоб савдосини тўғри ташкил этилмаганилигими? Ёки ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар болаларда китоб ўқиши маданиятини тарбиялай олмаяптими?

Хуллас, болалар китоб ўқимаслигининг сабабларини қанча кўп қидирса, улар шунча кўп чиқиб келаверади. Лекин бу сабабларнинг ҳеч бири болаларни китобхонлик маданиятини пасайишига олиб келувчи омил була олмайди. Болаларимиз китоб ўқишлиари керак ва шарт. Чунки макон ва замонда узатиладиган оммавий ахборотнинг бошқа воситаларидан олиш мумкин бўлган айрим далиллар ва ҳатто назариялар эмас, балки одамларнинг

барча мураккаб, кўпинча қарама-қарши ижтимоий-тариҳий амалиётини ўз ичига оладиган, яъни инсоний муносабатлар тизимиға киритилган ва ўз даврининг ижтимоий ва шахсий баҳосига эга бўлган, китобхонга ўтмиш ва келажакка айнан китоб воситасида дахлдор бўлиш, ўз шахсий кечинмаларини ўзгартирган ҳолда, уни қабул қилиш, рад этиш, ҳисобга олиш имконини берадиган тажриба – китоблар олами томонидан китобхонга бериладиган буюк неъматдир. Айнан шунинг учун ҳам, китоб «инсонни ҳаёт ва инсониятнинг қураш тажрибаси билан қуроллантирилади». Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2003 – 2012 йилларни «саводхонлик ўн йиллиги» деб эълон қилиб, барча мамлакатлар олдига ўсиб келаётган ёш авлодга саводсизликни таг-туғи билан йўқотиш мақсадида бепул, умумтаълим ва сифатли бошланғич ва ўрта маълумот олишга имкон бериш вазифасини қўйди.

Боланинг кўлига китоб олиб ўқиши унчалик оддий иш эмас. Бу ўта тарбиявий жараён, жиддий меҳнат, ҳар бир боланинг ўз китоби бўлиши лозим. Китобни танламай, «бировнинг қўлидан» олиб ўқиши ва миёсига нима келса, шу ҳақида фикрлаб, тушунмасдан ўқиши анча осон. Албатта, биз катталар болалардан кўп китоб ўқиши кераклигини талаб қиласиз. Аммо шунчаки ўқиши учун эмас, балки ўз вақтида ўзини англаб, ўз китобини ўқиши лозимлигини уқтиримаймиз. Бунинг учун бола китоб билан китобни фарқлашга ўрганиши лозим. Зеро китоб ўқиши малакаси ўз-ӯзидан пайдо бўлмайди. Аммо шуни унугмаслик керакки, китоб ўқиши китобнинг сони ва уни тез ўқиб тугатиш одатига айланмаслиги керак. Ундан ташқари бола китоб ўқигандан китоб гоялари, иллюстрациялари, тимсолларининг маъно-мазмунини тушуниши, ҳис этиши, бошидан кечириши, китоб ўқиётганда ўзи ҳақида унтиши, китобдаги воқеа ва ҳодисаларни тұғри идрок этиш ва унга шахсий муносабат билдира олиш, тасавурида қайта тиклаш, шу тариқа ўз хотирасини инсоният тұплаган барча бойликлар билан тұлдириш учун зарур бўлган билимларни олиши даркор. Шуни таъкидлаш жоизки, болалар китоб ўқишига қызықмаётган бўлсалар, демак бу катталарнинг тутган йўли нотўрилиги, ота-оналар, ўқитувчи, мураббийларнинг уларга кераклигича ёрдам бера олмаётганлигидир. Бунинг натижаси ўлароқ ёш китобхон ё китоблар «уммонида» йўқолиб қолади, ёки унда ўзи учун қызықарли китоблар ғоятда кам ёки умуман йўқ, деган барқарор фикр шаклланади.

Шу ўринда китоб ўқиши маданиятини шакллантиришнинг бир

қатор омиллари мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Биринчидан, болалар ҳам, катта ўшдаги китобхонлар ҳам китобни англаған ҳолда, унда бирор фойда олиш учун, китоб ўқишидан кўзланган мақсадни аниқ тасаввур қила олиши, иккинчидан, қўйилган мақсадга мувофиқ китоблар орасидан ўзи учун кераклигини танлай олиши лозим.

Маълумки, китоблар ўз мазмунига кўра бир неча турларга бўлиниади. Ўқувчилар дарсликлардан ташқари кўпроқ илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларга мурожаат этадилар, улар илмий-оммабоп адабиётлардан янги қизиқарли нарсаларни, уларнинг асос ва исботларини, бадиий адабиётлардан ёрқин тимсолларни, жонли манзараларни ва ҳоказоларни олишлари лозим.

Ўқувчиларнинг, манба (китоб) танлашдаги малакалари, йўналишлари босқичма-босқич шаклланади. Мана шу шаклланиш жараёни педагогик жиҳатдан ўта масъулиятли ва муҳимдир. Чунки ўзининг ички дунёси, хоҳиш-истаклари, истиқболи билан боғлиқ бўлган орзу-умидларини мазмун жиҳатидан тўғри ташкил этишда китоб (манба) танлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади, яъни китобхоннинг билим олишга тайёргарлиги ва ёш имкониятларига мувофиқ шаклланади.

Нима учун малакали китобхон китоб ўқишидан кўзланган мақсадини бунчалик жўн ва мустақил белгилаб олади? Шунинг учунки, у кенг китобхонлик иқтидорига, китобларни кўздан кечириш ва ўқиш жараёнида талай китобларни бевосита идрок этиш бўйича муайян тажрибага эта. У китоб мавзулари ҳақида, китобларнинг муаллифлари тўғрисида, адабиётларнинг турлари ва жанрлари хусусида аниқ тасаввургага эга. Шунинг учун ўзи учун китобларга мурожаат этиши ҳамда бунга оз вақт ва куч сарфлаб эришиш мақсадини белгилаб олишга қодирдир. Мактаб кутубхоналари ходимлари, ўқитувчилар, ота-оналар ҳам ўқувчиларда худди шундай малакаларни шакллантиришлари лозим.

Мустақил китоб ўқишининг айрим қоидалари хусусида Н.А.Рубацкий қўйидагиларни тавсия этади. Китоблар билан мумкин қадар кўпроқ ва яқинроқ танишинг. Биринчидан, китобларнинг борлиги ҳақида, иккинчидан, уларнинг сифати тўғрисида, учинчидан, уларда талқин қилинаётган масалалар хусусида тасаввургага эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, дунёда қандай китоблар борлигини билиш даркор.

Болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилишнинг муайян педагогик талаблари мавжуд. Биринчидан, тавсия этиладиган ки-

тоблар уларнинг ёши, мактаб таълимининг, шакллантирилаётган шахсий сифатларнинг мазмунига мос бўлиши керак. Хусусан, бошлангич синфларда ўзбек халқ эртакларидағи асосий ҳодисалар — яхшилик ва ёмонлик (Зумрад ва Қиммат), тадбиркорлик, жасурлик, хушёрлик (Уч оға ини ботирлар) каби хислатлар ўқувчиларда ижобий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Чунки шу ёшда бола одамлардаги меҳрибонлик, ақллилик, фамхўрлик каби фазилатларни фарқлай олади.

Боланинг фикру хаёлларини асар қаҳрамонларидан келиб чиқкан ҳолда, ўзи томон буриб юборишга қуидаги каби саволлар ёрдам беради:

Таниш адабий қаҳрамонлардан қай бири сенда ҳайрат уйғотади? Сени улар нимаси билан мафтун этади? Улар қандай маънавий фазилатларга эга? Улар ҳақида нима дея оласан? Улардан қай бирига ёрдам бергинг келади? Улардан қай бири билан дўстлашмоқ истардинг? Ушбу қаҳрамонларнинг қайси фазилатлари ўзингида бўлишини истардинг? Қаҳрамонлардан қай бири сенги сира ёқмади? Улар қандай одамлар? Уларнинг қандай характеристер белгилари бор? Уларнинг қайси фазилатларини қабул қила олмайсан? Уларнинг қайси жиҳатлари сенда нохуш ҳолат уйғотади?

Бола олдига бу каби саволлар қўйиш орқали уларни одамларнинг характеристери ҳақида ўйлашга ундеймиз.

Шу тариқа ўрга ва катта ёшдаги мактаб ўқувчиларга ҳам китоб танлашни тавсия этиш мумкин.

## **МАКТАБ КУТУБХОНАЧИСИННИГ ИМИДЖИ**

**Ҳурматли китоб хазинаси посбонлари!**

**Кимсиз? Устозларми? Маърифатчиларми? Маслаҳатчиларми?  
Оммавий ишлар ташкилотчисими? Тарбиячиларми? Доноликни  
асрорчиларми?**

**Сизнинг касбий имиджингиз ва кутубхона имиджи тўғрисида  
гаплашайлик.**

Жозибадор образ, имидж яратиш – бу кутубхоначи учун кутубхонанинг ижтимоий институт сифатидаги «авжга чиққан он»ини яқинлаштириш, шунингдек, ўз шахсий «мен»ини кўтариш имкониятидир. Бу шунчаки осон иш эмас, лекин қизиқарли ва зарур иш. Имидж – кенг тушунча бўлиб, таркибий қисмларга бўлинади. Бу касбий этика ҳам, фаолият ва мулоқотнинг индивидуал услуги ҳам, ижодий потенциал ҳамдир, интеллектуал маданият ҳам, ташкилотчилик малакалари ҳам, касбий лаёқат ҳам, киришимлилик, орасталик, юмор ҳисси, артистизм, ақл-заковат ҳамдир.

Кутубхоначининг жозибадор (мафтункор) образини шакллантириш унинг шахсий фазилатлари билан боғлиқ. Шунинг учун:

– чиқишимли бўлинг, яъни, ахборотни шунчаки етказишини эмас, балки фойдаланувчини тинглашни ҳам билинг, унга, амалиётнинг кўрсатишича, катта кишилар учун, айниқса, бола учун таърифлаш ҳамма вақт ҳам осон бўлмаган сўровномани аниқлаб олишда ёрдам беринг. Ҳақиқий касб эгасига келган одамдан одоб доирасида ўқилганлар ҳақида сўрай билиш, керак бўлганда, ўқитувчи тавсия этган китобни алмаштириш ёки тўлдириш хосдир. Шунинг учун ёш китобхонлар ҳам, педагоглар ҳам кутубхоначи билан дўстлашиб, унинг сиймосида ақлли маслаҳатчини кўрадилар;

– касбдошларингиз билан ўзаро оптималь муносабатлар ўрнатинг, турли хил одамлар билан ва турли шароитларда алоқа боғлаш йўлларини изланг, улар билан умумий тил ва тўғри сўзлашиш оҳангини топинг, ўз фикрларингизни аниқ, лўнда, ишончли, образли ва тушунарли қилиб баён этинг.

Бундай кутубхоначилар – интеллектуаллар, ташаббускорлар бўлиб, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан биргаликда китоблар те-

атрини бунёд қиладилар, билимдонлар танловларида қатнашадилар, ранг-баранг мавзуларга бағишиланган адабий- мусиқий кечалар серияларини ташкил этадилар.

Педагоглар, ўқувчилар, уларнинг дўстлари ва ота-оналари, маҳалла ҳамжамияти вакиллари жалб қилинган маърифатпарварлик фаолияти аҳолида энг самимий тасаввурлар ҳосил қилган ҳолда, мактаб доирасидан ташқарига чиқади.

— фаолият ва муомаланинг индивидуал услуби сиз учун хос булиб қолсин. Нотиклик қобилияти, ўз-ўзини тартибга солиш фазилатини шакллантириш учун мулоқот вазиятларида йўл топа билиш малакаларини эгалланг.

— сизнинг умумкасбий ва маҳсус билимлар, кўнишка ва малакаларнинг зарурий заҳирасига асосланган касбий лаёқатингиз, кенг ақл-заковатингиз, атрофлича фикрлашингиз фаолиятингиздаги юксак интеллектуал ва маданий савияни таъминлаб берсин.

— мактаб кутубхонасиининг фаолиятига доир истиқбол режаларини ишлаб чиқиша ўз ижодий имкониятингиз — ижодий қобилиятларингиз, фикрлаш ва тасаввурингиз, ички ҳис этишингиздан фойдаланинг. Китобхонларга хизмат кўрсатиш ва уни ривожлантириш истиқболлари, китобхонларнинг ахборот олиши излаш фаолиятини ташкил этиш бўйича янада рационал фаолият турлари ва самарали иш методларини аниқланг. Китобхонларнинг ўз устида ишлашларини рағбатлантиринг.

— ораста бўлинг, ҳайрон қолдиринг, ўзингизнинг бетакрор қиёфангизни яратинг. Кийимларингиз, юришингиз, қадди-қоматингиз ва имо-ишораларингиз чиройли, жозибали ва табиий бўлсин. Бу борада сизга меъёр ҳисси, аниқ вазият, аёллик ҳисси ёрдам берсин.

— шуни ҳам унутмангки, азиз касбдошлар, юмор — бу ноёб табиат эҳсони. У муаммоларни ечиш, ўз нокулайликларини енгишга ёрдам беради, тинчлантиради ва ҳатто даволайди. Агар ўз вақтида кулиб олишини билмасанг ёки бунга изн бермасанг, одамлар, айниқса, болалар билан ишлаш қийин.

Биз имиджнинг муҳим таркибий қисмларини кўриб чиқдик, лекин бу тушунча, албатта, фоятда кенг тушунча. У ўз ичига китоб ўқиши доирасини ҳам, ўзини шахс сифатида шакллантиришини ҳам, нотиклик санъатини ҳам қамраб олади.

Кутубхоначининг имиджи ҳақида гапирганда, кутубхонанинг қулав имиджидек муҳим мавзуни четлаб ўтиб бўлмайди.

Кутубхона ким учун вужудга келтирилган бўлса, шуларнинг кўз олдида кутубхонанинг мафтункор образини қандай қилиб яратиш

мумкин? Гапни хона тифиз бўлмаслиги лозимлигидан бошлаймиз. Баъзан шундай бўладики, ҳатто кенг хонада ҳам келганларнинг стеллажларга яқин бориши қийинлашган. Оптималь вариантда кичик ёки катта ўшдаги китобхоннинг мавжуд барча китоблар ва даврий нашрларга бемалол қўли етадиган бўлиши даркор.

Шу нарса муҳимки, ўкув залидаги стол ва стуллар мумкин қадар фойдаланувчилар учун кулай жойлаштирилган бўлсин. Ҳаммаси хонанинг катта-кичиклигига, ёритилишига, кутубхоначи-нинг дидига боғлиқ; баъзан «шахмат» шаклида жойлаштиришдан фойдаланадилар ёки бир қанча болаларнинг биргаликда ишлашлари кулай бўлсин деб бир нечта столни бирлаштирадилар.

Кутубхонанинг қулай имиджи мавжуд ресурслар ёрдамида ўкув жараёнига кўмаклашиш, умумий ўрта таълим савиясини кўта-риш, ўкувчиларнинг кўз қараш доирасини, ахлоқий ва интел-лектуал салоҳиятини кенгайтириш йўлидаги сўровларини қано-атлантириш имконини берадиган хизмат кўрсатишнинг қулай шароитларини вужудга келтириш орқали шакллантирилади.

Кутубхонанинг қулай имиджи учун рекламанинг аҳамияти оз эмас. Матбуотда мактаб кутубхонаси ҳақидаги мақоланинг пайдо бўлиши – бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисидами, унинг иш тажрибаси борасидами, бирор-бир тадбирни ўтказиш хусусидами, нима ҳақида гап борса – ҳаммаси унинг учун рекла-ма бўлиб хизмат қиласи, болаларга ва маъмуриятга ўз кутубхона-сидан фаҳраниш учун асос беради.

Бу ерда иш соатлари, асосий хизмат турлари тўғрисида маълу-мот, кутубхонада ташкил этилган китоб-иллюстратив кўргазма ҳақида оператив аҳборот жойлаштирилади. Ўзини кўрсатган «сан-нитарлар», «Китоб касалхонаси», кутубхонага шахсий китобла-рини совфа қилган ўкувчиларнинг исм-шарифларини кўрсатиш унупилмаса яхши бўларди.

Китоблар ёки журнал сонларининг янги партияси келиб туш-ганлиги – улар мазмунининг қисқа обзори; тайёрланаётган эртал-лик ёки кеча тўғрисидаги хабар; кутубхона ишига ёрдам кўрсат-ган болаларга миннатдорчилик билдирилган эълонлар аҳборот учун сабаб бўлиши мумкин.

Мактаб кутубхонасининг қулай имиджини вужудга келтиришга доир барча ишларда бўлганидек, кутубхоначилик рекламаси самара-дорлиги ҳам кутубхоначига аҳборот бериш, тарбиялаш, маърифат тарқатиш миссиясини амалга оширишга ёрдам кўрсатмоғи даркор.

*Д. Фаниева, Республика илмий педагогика  
кутубхонаси директори,  
педагогика фанлари номзоди*

## **БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР КИТОБ ХАФТАЛИГИ**

Бир йилда бир марта ўтказиладиган «Китоб хафталиги»ни оз китоб ўқийдиган болаларда ўқишига ҳавас уйғотадиган ва чинакам китобсеварларга ўзини намоён этиш, зукколиги, ўқилган китоблар ҳақида қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб бера олиш билан тенгдошларининг хурматини қозониш имконини берадиган ҳаяжонли байрамга айлантириш лозим. Бунинг учун, аввало, болалар билан китобнинг, болалар билан ёзувчиларнинг, нашриётлар, кутубхоначиларнинг дўстлик байрамини ташкиллаштириш зарур.

Болалар китоб хафталигининг вазифаси ёш китобхонлар учун нашр қилинган энг қизиқарли китобларни намойиш қилишдаги на эмас, балки болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик масалала-рига ўқитувчилар, ота-оналар, кутубхоначиларнинг диққатини тортиш, шунингдек, мактаблар билан туман ҳамда вилоят кутубхоналари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан иборатdir. Болалар китоб хафталиги – бу мактабда китоб билан ишлаш якунларини чиқариш ҳамдир.

### **Болалар ва ўсмирлар китоб хафталигини тайёрлаш**

Бу ишда мактаб кутубхоначилари ташкилотчи саналади. Лекин педагоглар жамоасининг қўллаб-қувватлашисиз уларнинг ўз вазифаларини уддалашлари мушкул. Ахир китоб жамғармаси билан олиб бориладиган ишларнинг шунчаки янги, хилма-хил шакларини ўйлаб топиш керак бўлмай, балки мактабда муайян кайфият яратиш, болалар китоб билан дўстлашишса, ҳаёт нечоғлик қизиқарли бўлиб қолишини кўрсатиш ҳам даркор.

Байрамни ташкил этиш ва ўтказишда фаол китобхонларнинг етакчилик қилишлари жуда муҳимдир. Юқори синф ўқувчилари кўйи синф ўқувчиларига ўқиган китоблари ҳақида сўзлаб беришлари, турли ўйинлар ўтказишлари, кутубхоначилар эса, деворий газетага мактаб кутубхонасининг энг яхши китобхонлари ҳақида ёзишлари, уларни мўъжаз совринлар билан мукофотлашлари мумкин.

Байрамда иштирок этиш учун ота-оналар, буви ва боболар – болаларни китоб ўқишига тортишга таъсир эта оладиган барчани жалб этиш зарур.

Сир эмаски, аксарият болалар мактаб кутубхонасида қандай китоблар борлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар, чунки кўпчилиги бу ерга уй вазифасини бажаришда керак бўлсагина, зарурат туфайли келади. Кутубхона жамғармасининг бутун бойлигини ўқувчиларга кўрсатиш учун китоб кўргазмалари кўмак беради. Китоб кўргазмалари ва уларни шарҳлаш чоғида ўқувчиларга ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, буюк китобхонлар тўғрисида, китоблар саргузаштлари хусусида ҳикоя қилиш фойдалидир. Болаларда «Бобомнинг севимли китоблари», «Мен китобни қандай расмлар билан тўлдирган бўлар эдим» ва бошқа кўргазмалар жуда катта қизиқиш уйғотади.

Болалар китоб ҳафталиги бошланмасдан бир неча кун олдин ўқувчилар орасида «Мен нима ҳақида ўқишини яхши кўраман?» сўровномасини тарқатиш мумкин. Унинг мақсади болалар ҳаётида китоб қандай ўрин эгаллаётганини аниқлашдан иборат. Саводли тузилган сўровнома болаларнинг китоб ўқиши устидан раҳбарлик қилаётганларга ахборотнинг бошқа манбалари орасида китоб қандай ўрин тутаётганини, адабиётларни олишнинг қайси йўллари ўқувчилар учун устувор эканини, турли ёш ва жинсдаги китобхонларнинг адабий асарларни баҳолаш мезонлари қандайлигини аниқлашга ёрдам беради; болалар китоб ўқишининг структурасини (адабий асарларнинг мавзулари ва жанрлари, бадиий ва ўқув-билув китобларининг нисбати) белгилаш, китобхонлик сўровлари ва қизиқишлигининг ёш динамикасини таҳлил қилиб чиқиши мумкин бўлади. Бу ахборотлар болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилаётганлар учун ҳам, ўқувчиларнинг ўзлари учун ҳам фойда келтиради. Тажриба шуни кўрсатадики, болалар китоб ўқиши ҳақида синфга таҳлилий маъруза билан келган кутубхоначини қизиқиш билан тинглайдилар.

Тилчи-ўқитувчилар болаларга «Мен севган китоб» ёки «Менинг севимли қаҳрамоним» деган мазмунда иншо ёзишни таклиф этишлари, сўнгра қизиқарлироқ ёзилган ишларни деворий газетага ёки альбомда беришлари мумкин. Бу нарса китобхонлар учун тавсиялар бўлиб хизмат қиласди.

## **Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталигининг режаси (вариантлар)**

Байрамни ўтказиш усууллари хилма-хил бўлиши ва уни қуидагича режалаштириш мумкин:

1. Болалар китоб ҳафталигининг очилиши. «Энг яхши китобхон синф», «Йилнинг энг яхши китобхони», «Китобхон формуларини ҳимоя қилиш», «Шеърият ва насрый асар сухандонлари» танловларига якун чиқариш.

2. Янги китоб куни.

3. Туғилган куни нишонланаётган китоб.

4. Қуий синф ўқувчилари учун «Эртаклар даласи», «Она табиат қучоғида», «Болалар эртаклари қирғоги», «Китоб шаҳрига саёҳат» адабий ўйини.

5. «Шод-хуррамлик авжида» – қувноқ ютуқлар, бошқотирмалар, викториналари бўлган китоблар тақдимоти.

6. Адабий ўйинлар куни.

Шунингдек, ҳафталиктини бошқача қилиб ташкил этиш мумкин:

1. Тарихий китоб куни.

2. Билимдонлар куни («Нима, қаерда, қачон?» телевизион ўйини асосида).

3. Саргузаштларни севувчилар куни.

4. Хушчақчақлар куни.

5. «Бутун оила билан кутубхонага».

6. Ёзувчилар – юбилярлар.

7. «Зерикма» – китоблар бўйича ўйин.

Болалар китоб ҳафталигини режалаштиришда Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан ҳар йили «Саналар, воқеа-ҳодисалар, тақдирлар ва китоблар» номли мактаб кутубхоначилари, ўқитувчилар ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари ишини режалаштиришда ёрдам сифатида тайёрланадиган унунтилмас саналар тақвимидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу саналардан исталгани адабий кеча, адабий ўйинлар, китоб юзасидан баҳслар ўтказиш учун сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларни ёзувчи туғилган куни ёки ойда қатъий ўтказиш шарт эмас, бутун 2003 йил учун юбилей йили. Бинобарин, болалар китоб ҳафталиги кунларида юбилей билан боғлиқ бирор иш шаклини бошлаб, йил бўйи давом эттириш мумкин. Масалан,

кутубхона бу йил юбияр ёзувчиларга бағишиланган эртаклар ва кечалар циклини ўтказиши мумкин. Булар ёзувчилар, бинобарин, уларнинг асарлари юзасидан иш шакллари ҳам турличадир. Ушбу ўқув йилида А.Қодирийнинг 115 йиллиги, Ҳ.Олимжоннинг 100 йиллиги, Комил Яшиннинг 100 йиллиги, Абдураҳмон Жомийнинг 595 йиллиги, Д.Харриснинг 160 йиллигига бағишилаб адабий кечалар ўтказишлари мумкин. 2003 йили таваллуди нишонланадиган ёзувчиларгина эмас, балки айрим жуда машхур китоблар ҳам бор: А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарининг 90 йиллиги, С.Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясининг 45 йиллиги, А.Навоийнинг «Хамса» асарининг 650 йиллиги, А.Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асарининг 75 йиллиги, А.Беляевнинг «Одам амфibia» асарининг 80 йиллиги ва ҳ.к.

Бу саналар Болалар китоб ҳафталиги кунларида «Түғилган куни нишонланадиган китоб» кўргазмасини безаш учун ажойиб сабабдир. Бу кўргазмада китобларнинг муаллифларга ёрқин тавсифлар берилса, энг қизиқарли иллюстрациялари бўлган нашрларни жойлаштириш, китоблар бўйича қизиқ саволлар ҳавола этиш имконияти туғилади.

Китобхонларни олға бошлаш, у кўпдан бери биладиган нарсаларни такрорламаслик, аксинча, ёзувчилик тақдирининг янги қирраларини очиб бериш мухимдир. Масалан, А.Сент-Экзепьюрининг «Кичкина шаҳзода» эртаги нашр юзини кўрганлигининг 65 йиллиги нишонланар экан, ўсмирларни ёзувчининг катталар учун ёзган «Одамлар сайёраси», «Жанговор учувчи» деган китоблари билан таништирадиган, нима учун кексайган, жароҳатлар олган, ўлимнинг кўзига тик қараган ёзувчи ўз умрининг охиirlарида дафъатан болалар учун эртак ёзганини тушунтириб берадиган адабий кеча ўтказиш мумкин.

Байрам ўтказиладиган хоналар, албатта, буюк кишиларнинг китоблар ҳақидаги фикрлари, мақоллар билан безаб чиқилиши керак.

### **Китобхон оила**

Болалар китоб ҳафталиги кунларидан бирида ота-оналар билан болаларни мактаб кутубхонасига китоб ва китоб ўқиши ҳақида умумий сұхбат куриш мақса тида таклиф этиш маъқул бўлади. Китоб ўқийдиган энг яхши оила деган мазмунда олдиндан танлов эълон қилиш мумкин. Танловда ота-оналарнинг болалар адабиётига доир билимлари ўзлари севган китоб тўғрисида қизиқарли сўзлаб бера олиш малакалари, шеъриятга бўлган ўз иштиёқларини болаларга бериш истакларини аниқлаш мумкин.

## **«Олттин болалик даврини эслайлик» (ёки «Менга болаликка қайтиш учун чипта беринг»)**

Катта ёшдагилар бир пайтлар үқиган ва ёд олган, эндилиқда ўз фарзандларига «совға қилаётган» шеърларини ёдан айтиб беришлари керак.

### **Эртаклар билимдонлари**

Столларда ўзбек халқ ёки бошқа севимли ёзувчининг эртакларига доир иллюстрациялар бўлади. Мусобақалашиш учун ҳар бир оиласдан бир катта киши ва бир бола чақирилади. Улар иллюстрацияни қўлларига олиб, унга қараб эртакни таний олишлари, шу эртакдан парча айтишлари ёки мазмунини қисқа баён этишлари лозим.

### **Китоб импровизацияси**

Маълумки, бўлалар тақлидни яхши кўрадилар. Бу хусусиятдан асарга чиқурроқ кириб бориб ва таъсирланиб ўқиш кўникмаларини тарбиялашда фойдаланиш катта наф келтирган бўларди. Агар мактаб кутубхоначисига адабий ва драматик тўгарак раҳбарлари ёрдам беришса, севимли китоблар асосида синфлар бўйича импровизация ўйини ўтказиш мумкин.

XVI – XVII асрларда ёки Италияда импровизацион «Комедия дель арте» жанри майдонга келди: артистлар муайян, яхши таниш сюжетлар асосида спектакль қўйишарди. Томошибинлар Пьеро ўзининг Коломбинага бўлган севгисида бахтсиз бўлишини, Коломбина эса Арлекинони алдашини олдиндан билишарди. Лекин актёрлар ёд оладиган ёзилган матн бўлмас эди: улар импровизация қилишарди – таниш сюжет доирасидан четта чиқмаган ҳолда ижро пайтида ўз луқмаларини яратишарди.

Бутун жамоа, ижрочилар бундай пьесанинг муаллифига айланарди. Актёрлар умумий муваффақият ўчун бир-бирларига ёрдам беришарди.

Бинобарин Болалар китоб ҳафталийи кунларида импровизация жанрига мурожаат этилса, бу болаларнинг актёрлик ва драматурглик қобилияtlарини намоён этишлари учун ёрдам берибгини қолмай, уларнинг ахлоқий тарбиясида уам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, жамбовий адабий-драматик ижодкорлик ўқувчиларнинг мантикий қобилияtlарини ривожлантиради, сўз бойлигини кенгайтиради.

Импровизация учун кам таниш бўлган китобларни танлаш жоиз

эмас. Булар севимли адабий асарлар бүлгани маъқул. «Билмасвой», «Уч бақалоқ», «Зумрад ва Қиммат», «Ёрилтош», «Пеппи – узун пайпок», «Шум бола» ёки бошқа машхур асарлар.

Ролларни ёд олиш керак бүлмаса ҳам, спектаклга тайёргарлик күриш осон эмас. Аввало китобни дикқат билан қайта ўқиб чиқиш, у ҳақида фикр алмашиш, қаҳрамонларининг тавсифидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш керак.

Декорация яратиш бўйича мусаввирлару мусиқа танлайдиган созандалар, костюм тикувчилару реквизиторларга ҳам иш топилади.

### Бошқа тадбирлар

Бундан ташқари, юқорида таклиф этилганидек, Болалар китоб ҳафталиги пайтида кўпгина қувноқ ва жиддий танловлар – «Саргузашт адабиётининг энг яхши китобхони», «Муайян жанрдаги энг яхши адабий асар» ва ҳоказоларни ўтказиш мумкин. Кимдир ёш такризчилар, ёш қаламкашлар, ёш иллюстраторлар беллашувини ташкил эта олар, кимгадир болалар билан «Китобга бошқача якун ўйлаб топ» мароқли ўйинини ўйнаш қизиқарли бўлар. Ижод учун эса кенг майдон.

\* \* \*

Гоҳо одам китобни ўқиб тутатганда мутлақо бошқача бўлиб, ўзгариб қолади. Энг мағрур ақл эгалари-ю, ўта назокатли шахслар ҳам, энг содда ва энг валий одамлар ҳам бу жозиба қаршисида бўйин эгадилар.

*B. Гюго*

\* \* \*

Бирор яхши китобни ўқиб ўз ҳаётларида мутлақо янги лавҳа очган кишилар озмунчами!

*G. Торо*

*Д. Фаниева, Республика илмий педагогика  
кутубхонаси директори,  
педагогика фанлари номзоди*

## **РЕСПУБЛИКА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ КУТУБХОНАЛАРИДА ПУЛЛИК ХИЗМАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА**

*(Мактаб дарслеклари кутубхона жамғармаси бўйича методист-  
ларга, мактаблар кутубхона ходимларига ёрдам сифатидаги  
методик тавсиялар)*

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар кутубхонадан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишдаги бозор муносабатларини жорий қилишни, ходимларнинг касбий тафаккурини ўзгартиришни, янги ёндашувлар, иш шакллари ва методларини қидириб топишни талаб этади. Кутубхоналар амалиётига пуллик хизматни киритиш улар фаолиятини яхшилаш воситаларидан бириди.

Пуллик хизмат кутубхонадан фойдаланувчиларнинг қўшимча ноанъянавий сўровларини қондиришга қаратилган ташаббускор хўжалик фаолияти шакли ҳисобланади. Тўловлар кутубхоначилик хизматининг мажбурий шакллари ўринини эгалламаслиги керак. У, юқорида кўрсатилганидек, қўшимча равишда кўрсатиладиган хизматлар учун олинади.

Кутубхона амалга оширадиган пуллик хизматлар унга маълум фойда келтиради, чунки хўжалик фаолияти қўшимча молиявий маблағ олиш ва кескин бўлиб турган муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон кутубхоналарининг пуллик хизмат кўрсатиш юзасидан олиб борадиган фаолияти қўйидаги хужжатлар билан тартибга солинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари молиявий тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 03. 09. 1999 йил 414-сонли қарорига кўра.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 04.01.2000 йил 14-2A сонли қарор билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлилар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби» билан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февраляда 54-сонли қарор билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш сарф-харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Низом.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари бўйича вазирлик томонидан 2000 йил 7 июляда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган «Идорага қарашли бюджет ташкилотлари томонидан фаолият соҳаси бўйича ҳақ тўлаш асосида ишлаб чиқарилиши, кўрсатилиши ва сотилиши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати».

«Бюджетдаги ташкилотлар томонидан товарларни (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби»нинг 1.7. моддасига мувофиқ «Ҳар бир бюджетдаги ташкилот ўзининг аниқ шартномалари ва ўз хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда мазкур «Тартиб» талабларининг бажарилишини таъминлайдиган ҳужжатларни ишлаб чиқади ва ҳаракатга солади. Булар куйидагилар бўлиши мумкин: мактаб бўйича чиқариладиган бўйруқлар, «Мактаб кутубхонаси китобхонларига кўрсатиладиган қўшимча пуллик хизматлар тўғрисида Низом», «Пуллик хизматлар преискуранти» ва бошқалар.

Пуллик хизматларнинг жорий этилиши кутубхонанинг асосий фаолияти бўйича пулсиз кўрсатиладиган хизматларни бажариш ҳажмини пасайтиришга йўл қўймайди. Пуллик хизматлар куйидагиларга бўлинади:

а) мазмунига кўра;

– соҳа бўйича хизматлар, улар кутубхоналарнинг ўз асосий вазифаларини нормативдан ошириб бажариш билан боғлиқ;

– ҳужжатлар бўйича, бу ишлар кутубхоналарга хос бўлмаган иш шакллари ва методлари, фаолият турларидан фойдаланиш билан боғлиқ;

б) бажариш муддати ва иш тартибига кўра: бир маротабалик ва узоқ муддатлиқ.

Ўқувчиларга, уларнинг ота-оналарига мактаб кутубхоналари қандай пуллик хизматлар кўрсатишлари мумкин? Албатта, кўп нарса мактабнинг қаерда – шаҳардами ёки қишлоқда жойлашганига, аҳоли учун яқин орадаги оммавий кутубхона қанчалик қулай эканлиги ва бу кутубхона қандай хизматлар кўрсатишига боғлиқ. Мактаб кутубхонаси қандай техник имкониятларга эга эканлигини ҳам ўйлаш лозим. Бу саволларга ҳар бир мактаб кутубхонаси якка тартибда жавоб ғопади. Лекин йирик шаҳарда ҳам, катта бўлмаган қишлоқда ҳам мактаб кутубхонаси пуллик хизматлар-

нинг маълум бир турларидан фойдаланишлари мумкин. Фақат уни аниқ «ҳисоблаб топиш» ва яхши ташкил қилиш керак. Зеро, пуллик хизматлар ўқувчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқишиларини оширишга, ота-оналар билан яна ҳам мустаҳкам алоқани йўлга қўйишга ёрдам беради.

Мактаб кутубхоналарининг пуллик хизматлари амалиётида энг харидоргирлари куйидагилар:

1. Ҳужжатни брон қилиш.
2. Тунги абонемент.
3. Якшанба куни ишлайдиган абонемент.
4. Шахсий кутубхоналар каталогларини тузиш.
5. Адабиётдан фойдаланиш муддатини бузганлик учун ҳақ тўлаш.
6. Мактаб микрорайони аҳолисига хизмат кўрсатиш.

7. Ўқувчилар ва мактаб ходимлари бўлмаган фойдаланувчилар тоифалари: сиртдан ўқийдиган талабалар, турли хил курслар тингловчиларига хизмат кўрсатиш; ушбу тоифа китобхонлар мактаб кутубхонасида пуллик абонементдан фойдаланиши мумкин. Бу абонементда куйидаги адабиётлар берилади:

- қомусий ва маълумотнома нашрлар;
- ягона нусҳадаги нашрлар;
- юқори сўровга эга бўлган нашрлар.

Пуллик хизмат кўрсатишдан, ҳомийлар ёрдамидан олинган кўшимча даромадлар, яъни бюджетдан ташқари манбалардан келиб тушган кўшимча молиявий маблағлар моддий техниказий ва ижтимоий базани мустаҳкамлаш, кутубхонанинг китоб жамғармаларини тўлдиришга, китоб ва дарсликларни таъмирлашга, даврий нашрларни сотиб олишга, оммавий тадбирларни ўтказишга, шунингдек, ходимларни моддий рафбатлантиришга (кўшимча ҳақ тўлаш, ойлик иш ҳақига қўшиш, мукофотлаш) йўналтирилиши мумкин. Шубҳасиз, кутубхона кўрсатадиган хизматлар ассортименти қанчалик катта бўлса, у шунчалик кўп даромад қиласи. Шундай қилиб, унинг техниказий жиҳозланиши ва фойдаланувчилар доирасини кенгайтириш учун имкониятлари катта бўлади.

Пуллик хизматлар номенклатуроси истеъмолчилар сўровини ҳисобга олиб, айрим кутубхоналар имкониятларидан келиб чиқиб шакллантирилади ҳамда вақти-вақти билан иқтисодий шартшароитларга кўра рўйхатга тузатишлар киритилади.

## **ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАКЛЛАРИ**

1. Пуллик хизматни жорий этиш учун умумий ўрта таълим мактаби Устави асос бўлиб хизмат қилади.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарининг пуллик хизмат кўрсатиш юзасидан олиб бораётган фаолияти «Мактаб кутубхонасининг китобхонларга кўрсатадиган қўшимча пуллик хизматлари тўғрисида Низом», «Умумий ўрта таълим мактаби» кутубхонасидан фойдаланиш қоидалари» билан тартибга солиб турилади.

Пуллик хизмат кўрсатиш юзасидан олиб бориладиган ишларда кутубхона ходимлари иштирок этадилар. Улар қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

- пуллик хизмат рўйхатини режалаштириш;
- пуллик хизматларга буюртмалар қабул қилиш, буюртмаларни бажариш;
- кутубхона томонидан ишлаб топилган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобини юритиш;
- бажарилаётган пуллик хизматлар юзасидан молиявий ҳисоботлар тузиш;
- ишлаб топилган маблағларни тақсимлаш юзасидан директор кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва унга тақдим этиш.

Пул маблағларининг сарф-харажатлари товар чипталари билан тасдиқланади. Мактаб кутубхонасига келиб тушган пул маблағларига ва уларнинг сарф-харажатларига далолатномалар тузилади.

Кутубхона мудири ва бошқа ижрочилар пуллик хизматларнинг ташкил этилиши, амалга оширилиши, бунинг сифати ва тезкорлигига масъулдирлар.

## **ПУЛЛИК ХИЗМАТГА ТЎЛАНДИГАН ХАҚЛАР ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?**

«Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби»нинг 3.1.-моддасига мувофиқ маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблашда бюджет ташкилотлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда 54-сонли қарор билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва

сотиш сарф-харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тұғрисида»ги Низомга амал қиладилар.

Бюджет ташкилотлари шартномавий (эркин) нарх-наволарни ва товарларга (ишлар, хизматлар) бұлған рентабелликни (үз харажатини ұзи қоплаш) мустақил равишида белгилайдилар. Кутубхоналарда пуллик күрсатиладиган хизматларга тұланадиган ҳақлар қуидагиларни ҳисобға олган ҳолда тайин этилади:

- а) ишларнинг таннархи;
- б) режалаشتыраётган рентабеллик;
- в) алоҳида шарт-шароитлар (тез бажарып кераклиги, мураккаблиги ва ҳоказолар).

Пуллик хизматлар рүйхатига мувофиқ амал қилиш муддатларини күрсатған ҳолда тұланадиган ҳақлар преискуранти ишлаб чиқылади.

Башарти, преискурантда күрсатилмаган хизматта сұров түшін пайтда бир марталик калькуляция асосида шартномавий нархлар белгиланади.

Пуллик хизматлар юзасидан ҳисоб-китоб қуидагича амалга оширилади: белгиланған намунадаги квитанция берған ҳолда нақд пул билан шунингдек, нақд пулсиз пул үтказиш йөли билан.

Күрсатилған пуллик хизматлардан түшгап маблағнинг ҳисоб-китоби алоҳида, бюджетдан ташқари, ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

Юқорида барча баён этилғанлар асосида шу нарса келиб чиқадики, республикамиз мактаб кутубхоналарида пуллик күрсатиладиган хизматларни бемалол жорий этиш мүмкін. Боз устінде пуллик хизматлар – мактаб кутубхона ходимлари учун яна бир қизиқарлы фаолият майдони. Бу ерда улар ҳам ташаббускорлик, ҳам ижодий ёндашув, ҳам топағонликни намоён этишлари мүмкін.

*P.Ратнер, Республика илмий педагогика  
кутубхонасининг илмий методика бўлимии  
бошлиғи*

## **УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУТУБХОНАЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРИ**

Кутубхоналарнинг кўргазмалар ташкил этиш фаолияти кутубхоначилик-библиография хизмати кўрсатишнинг муҳим таркибий қисмидир. Кутубхоначилик кўргазмаси – бу кутубхонадан фойдаланувчиларга яқиндан кўриш ва танишиш учун тавсия этилаётган маҳсус танланган ва тизимга солинган матбуот асарлари ва ахборотнинг бошқа ташувчиларини намойиш қилишдир.

Ҳар бир кўргазма ўз аниқ вазифасига ва муайян китобхонлик йўналгандигига эга бўлмоғи лозим. Кўргазма китобларни кўлга олиб кўриш ва шу орқали уларнинг мазмунини идрок этиш мумкин бўлган ҳолатда очиқ турадиган материалларни бевосита кўрсатишдир.

Кўргазма фаолияти кўрсатмалилик принципига таянади. Китобларнинг ўзини ва уларнинг мазмунини яққол очиб бериш орқали кечадиган бошқа ахборот манбаларини бевосита кўрсатиш китобхонларнинг диққатини ўзига тортиш вазифаларига хизмат қиласди, керакли нашрларни қидириш ишларини енгиллаштиради. Кўргазмаларда тавсияларни иллюстрациялар (портретлар, декоратив унсурлар), цитаталар, аннотациялар, графиклар, жадваллар ва ҳоказолар билан қувватлаш имкониятидан фойдаланилади.

Агар барча тилга олинган элементлар яхлит бир бутунликни ташкил этса, кўргазманинг асосий тоғисига бўйсундирилган бўлса, китобларнинг мазмунини очишга ёрдамлашса, шундагина ушбу элементлар ижобий таъсир кўрсатади. Намойиш қилинаётган материал ва уни тақдим этиши усули янгилик, аслиятлилик унсурига эга бўлмоғи даркор. Кўргазмаларни намойиш қилиш учун доимий жой ажратиш, шунингдек, маҳсус жиҳозларни: тагликлар, китоб кўргазмаси витриналари, стендларни қўллаш маъқул бўларди. Кўргазмани бадиий жиҳозлаш усули, унинг техник унсурлари, бунда фойдаланилаётган янги конструктив материаллар ҳам ташриф буюрувчиларнинг китоб-иллюстратив кўргазмага бўлган диққатини тортишга ёрдам беради.

**Тұғри** ва рангдор жиҳозланған күргазма ҳаммавақт китобхоннинг нигоҳини ўзида тұхтатади, уни ижодкорликка таклиф қиласы.

**Намойиш** қилинаёттан адабиётларга йўлни очиб қўйиш кутубхонадаги күргазма фаолиятининг мажбурий шартидир.

**Кутубхоначилик** күргазмаларини бир қатор белгиларига кўра таснифлаш мумкин:

**Мақомига кўра** – мустақил ёки ёндош оммавий тадбир. Бу шуни билдирадики, күргазмалар мустақил фойдаланилиши мумкин бўлган, масалан, янги олингандан китоблар күргазмаси, лекин кўпинча улар гурухли кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатишнинг муҳим унсурига айланади.

**Мазмунига кўра** – универсал, соҳавий, мавзувий, шахсий, бирор мақсад учун мўлжалланғанлигига кўра – қасбий ва таълимий фаолиятга ёрдам учун, маданий савияни ошириш учун ва б.

**Эълон қилинган вақтига** ва уларда тақдим этилган материаларнинг кутубхонага келиб тушган муддатига кўра – янги келган, турли йилларда олингандан адабиётлар, «унутилган нашрлар».

**Намойиш қилиш жойига** кўра – кутубхонада ёки ундан ташқарида ташкил этилаётган күргазмалар.

**Фаолият кўрсатиш муддатларига** кўра – доимий, узоқ муддатли, қисқа муддатли.

**Фондни очицдаги тўлалигига** кўра – кўриб чиқладиган, лоқал, токчага қўйиладиган.

**Нашр турларига** кўра – китоблар, нашрларнинг бошқа турлари (журнал ёки газета ва б.), бир вақтнинг ўзида бир нечта нашр тури (мажмуавий), ахборотнинг янги ташувчилари (CD-ROM, пластинкалар, микрофильмлар, видео-кассеталар ва б.);

**Конструктив хусусиятларига** кўра – витринага қўйиладиган, стеллажлар ичидағи, токчалар ичидағи күргазмалар – столларга «ёйиб ташланган», кўчма, «доиравий» ва б.

**Ўтказиши асосига** кўра – кутубхоначилар ташаббусига кўра, кутубхона китобхонлари таклифиға кўра, муассаса ва корхоналар буюртмасига кўра.

**Олиш мумкинлиги даражасига** кўра – белул ва пуллик.

Умумтағым мусасасалари кутубхоналарида фойдаланилаётган китоб күргазмаларининг қўйидаги анъанавий турлари кўп қўлланадиган, таъсирчан иш шаклларига айланди: долзарб мавзулар ва муаммоларга бағищланған күргазмалар, бирор шахсга аталған

ва бирор жанрдаги күргазмалар, мұхым ва хотира саналарига бағишиләнгән экспозициялар, үкув жараёнига ёрдам тариқасидаги күргазмалар.

Китоб-иллюстратив күргазмани ташкил этиш бүйича туғилған фоя ва мавзуларнинг реал мавжуд китоблар, кутубхона интерьери, шунингдек, телевидение экранлари, оммавий ахборот во-ситалари орқали ҳайтимизга кириб келаётган янги нарсалар билан нисбатлаш жуда мұхимдир.

Кутубхоналарда китоб күргазмаларининг ноанъанавий турлары пайдо бўлгани тасодифий эмас:

**Бир китоб күргазмаси.** Бу ерда қуйидаги варианtlар бўлиши мумкин: шахсан бир китоб күргазмаси – мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва кичик ёшдаги ўкувчилар учун. Уни, албатта, тавсиявий аннотацияли ёрқин плакат асосида ўтказиш керак. Аннотацияга янада дикқат билан ўқиши, мушоҳада юритишга мажбур этувчи, қаҳрамонларни, уларнинг характерларини, хатти-ҳаракатларини қиёслаш, асарни яхлит идрок этишига ундовчи саволларни киритиш мумкин.

**Күргазма-савол:** бундай күргазмани жиҳозлаш учун муайян мавзуларда мұхым саволлар танлаш керак. Күргазмада саволларнинг матнлари ва ушбу саволларга жавоб топиш мумкин бўлган китоблар, даврий нашрлар жойлаштирилади. Масалан: «**Бугун меҳмонимиз бор**» (муомала одоби ҳақида). Күргазманинг ушбу шакли кичик ёшдаги ўкувчилар ва ўсмиirlар учун мос келади.

**Күргазма - вазият:** ўсмиirl-китобхонларга күргазмага китобларни ўзингиз кўйинг деб таклиф қилинади: «Мана бу китобни мен космик саёҳатта олиб кетаман...», «Мана бу китобни ўзим билан саёҳатта олиб бораман...» ва ҳоказо.

**Күргазма – тақриз:** одатда, кичик ва катта ёшдаги ўсмиirlар учун ташкил этилади; китоблар ҳақидаги тақризлардан иборат бўлади: ўқиб чиқ ва қизиқтирилди, таклиф қил, маслаҳат бер.

**Бир портрет күргазмаси:** күргазмада ушбу инсоннинг портрети ёки репродукцияси ва у ҳақидаги адабиётлар бўлиши шарт. Бундай күргазма катта ёшдаги ўсмиirlарга мос келади.

**Күргазма – китобхон бенефиси:** масалан, «**Йилнинг энг яхши китобхони**». Бундай күргазмадан мақсад – тенгдошларининг бир-бирларига яқиндан қизиқишлиари орқали дикқатини китобларга жаётб қилиш. **Мажбурий унсурлар:** китобхон формуляри, фотосурати, китоб ўқиши таҳлили (неча марта қатнагани, се-

**вимли муаллифлари, жанрлари, билимларнинг турли соҳалари бўйича ўқилган китоблар сони), болаларга мурожаати. Кўргазма кичик ёшдаги ўқувчилар учун ҳам, ўсмирлар учун ҳам ташкил этилиши мумкин.**

**Кўргазма – гербариј. Хусусан гербаријининг ва ушбу ўсимликлар тўғрисидаги китоблар, даврий нашрларнинг мавжуд бўлишини кўзда тутади.**

**Кўргазма – викторина.** Бу китоб ўқиш жараёнида болаларнинг ўқув-билиув фаоллигини рағбатлантирувчи кўргазма-танловларнинг бир тури. Ёзма равищда жиҳозланган саволларга жавоблар (масалан, чўнтақ форматидаги ёки алоҳида плакат ҳолидаги китобча), китобхон жавобларни кўргазмада намойиш этилаётган адабиётлардан қидиради.

**Кўргазма – тавсия ва кўргазма – маслаҳат.** Улар орасида катта фарқлар йўқ ҳисоб. Ўсмирларни қизиқтирадиган бирор муаммо бўйича мутахассисларнинг маслаҳатлари берилади, масалан, ўсмирларга: «Хотирани ривожлантириш бўйича» тавсиялар. Фактографик ахборот мазкур масала бўйича ўз устида ишлаш учун тавсия қилинаётган адабиётлар рўйхати билан кўшиб тайёрланади. Кўргазма учун адабиётлар танлаш иши ҳам, рўйхат тузиш иши ҳам кутубхоначи томонидан бажарилади.

**Кўргазма – лугат:** кичик ёшдаги ўқувчилар ва ўсмирларга мўлжалланиб, янги атамалар, тушунчаларни тушунтириш мақсадида ташкил этилади.

**Кўргазма – хобби:** намойиш қилинаётган китоблар билан ёнма-ён ушбу китоблардан олинган рецепслар, чизмалар, бичимлар бўйича тайёрланган буюмлар, шу билан бирга ушбу маҳсулотлар ҳозирланган меҳнат буюмлари ҳам қўйилади. Масалан: «Макраме – бу шунчаки ... эмас», «Қўлларимиз зериккани учун эмас» ва б. Ўйлашимизча, у турли ёш гуруҳидаги болаларга мўлжаллаб яратилиши мумкин, лекин кичик ёшдагилар учун қизиқарлироқ бўлади.

**Жонли кўргазма.** Бу ерда китоблар, журнал ва газеталардан олинган мақолалар, иллюстратив материаллар намойиш қилинибгина қолмай, балки жонли мавжудотларнинг – булар аквариумдаги балиқчалар, олмахон ва бошқаларнинг бўлиши ҳам кўзда тутилади. Кўргазма мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчиларда самимий қизиқиш уйғотади.

**Кўргазма – танишув.** У китобхонларни бирор қизиқарли инсон (маҳаллий арбоб, таниш киши ва б.) билан таништириш учун

ташкыл этилади. Тақлид учун обрұли, ибратли кишиларни излаш үсмир ёшида ёрқин намоён бұла бошлайды. Шунинг учун бундай күргазма ушбу ёшдаги болаларни бефарқ қолдирмайды.

**Күргазма – тақдимот** (реклама, премьера). Бу янги китоб, журнал, газета тақдимоти ёки улар мазмунини реклама қилиш фолияти технологияларини құллаган ҳолда, гайриоддий ёритиш бұлиши мумкин.

**Китобхон томонидан тайёрланған күргазма:** күргазмани үсмир китобхон ўзини қызықтирган мавзуда тайёрлайды. Бинобарин, албатта, у фақат китобларданғина иборат бұлмаслиги мумкин. Китобхон дисклар конвертларини, мақолалар ксеронусхаларини, мактабдош ўртоқларининг ишпө намуналарини, маркалар фотоколлекцияларини, турлы хил значоклар, ҳар хил материаллардан тайёрланған модел-рамзлар ва бошқа күшгина нарсаларни күргазмага күйиши мумкин.

**Күргазма – қайфият:** үсмир китобхонларга күргазмага китобларни ўз құллари билан күйиши ва уларга тақриз бериш тақлиф этилади: «Мен хұрсанд бұлғанимда шу китобни үқийман...», «Мен хафа бұлған пайтларида шу китобни үқийман...» ва ҳоказо.

**Бир муаллиф күргазмасы:** одатда, ёзувчиларнинг юбилей кунларыда ташкыл қилинади, лекин агар кутубхонага ёзувчининг номи қўйилган бўлса, у доимий ҳаракатдаги күргазма бўлиши ҳам мумкин. Албатта, унда китобларгина эмас, балки ёзувчи ҳақидаги материаллар ҳам тақдим этилиши мумкин. Күргазма қайси китобхонларга йўналтирилганлиги, қандай китоблар, қайси муаллифларнинг китблари ва нима мақсадда: ёзувчининг ижоди билан дастлабки танишув ёки ижоди тўғрисидаги билимлар билан чукурроқ танишув мақсадидами, намойиш этилаётганига қараб, хилма-хил бўлиши мумкин.

Ўсмиrlар ва юқори синф ўқувчилари учун күргазма – изланиши: күргазманинг ташкыл этилиши олдиндан амалга ошириладиган ва материалларни жиҳозлаш билан якунланадиган ўлкашунослик, илмий изланишни кўзда тутади. Масалан: «**Қишлоғимизнинг ҳурматли одамлари**».

**Күргазма – почта:** Тавсия этилаётган адабиётлар асосида бола билан алоқа боғлашга ёрдам берувчи алоқа бўлими унсури бўлган күргазма, масалан, болаларга адабий қаҳрамонларга ёки китоб муаллифига хат ёзишни тақлиф этиш мумкин. Хатлар китоблар қатори күргазма экспонатларига айланади. Бундай күргазма кичик ёшдаги ўқувчиларда ижобий акс-садо беради.

**Кўргазма – тақвим:** халқ тўплаган аломатлар тақвими, касбий байрамлар тақвими, адабий саналар тақвими, оламдаги болалар байрамлари тақвими ва бошқаларни жиҳозлаш мумкин. Қайси китобхонларга йўналганлиги кўргазма мавзуси ва унинг материалларига боғлиқ бўлади.

**Эртак кўргазма:** кўргазма китобхонлар – кичик ёшдаги ўқувчилар билан биргаликда тайёрланади. Болалар эртак сюжетига иллюстрация ҳозирлайдилар, пластилиндан эртак қаҳрамонларини ясайдилар, эртакона шаҳар қурадилар. Буларнинг ҳаммаси эртак матни билан биргаликда кўргазманинг ягона композиция сира-сига мос жиҳозланади.

Китоб-иллюстрация экспозициясининг бир бутун тимсолини яратиш мақсадида умумтаълим муассасаларининг кутубхоналарида кўргазма ишларини ташкил этишнинг куйидаги методикаси татбиқ этилиши мумкин.

### **1. Технологик жиҳатлар:**

- Мавзусини, мақсади ва қайси китобхонларга мўлжалланганлигини аниқлаб ҳамда келишиб олиш;
  - Кўргазма мавзуси бўйича методик тавсиялар, библиографик кўрсаткичларни ажратиш;
  - МБА дан (маълумотнома-библиографик аппаратдан) кўргазмани ташкил этиш учун керакли манбаларни аниқлаш;
  - Ажратилган адабиётларни, ёрдамчи материалларни фонддан танлаб олиш;
  - Адабиётларни гурухлаш;
  - Кўргазма структурасини белгилаш;
  - Бўлимлар, сарлавҳаларнинг номларини қўйиш, цитаталар, иллюстрациялар танлаш;
  - Кўргазмани жиҳозлаш;
  - Кўргазмани реклама қилиш;
2. Кўргазма ишларини режалаштириш (дастур).
  3. Кўргазма ишларини якка тартибдаги ва оммавий ишларнинг бошқа шакллари билан қўшиб олиб бориш.
  4. Кўргазмада тақдим этилган адабиётлар бўйича библиографик шарҳлар ўтказиш.

5. Кўргазмани ахборот жиҳатдан тўйинтириш мақсадида аудиовизуал воситалардан, шу жумладан кассеталар, слайдлар, диапозитивлар, шунингдек, иллюстратив материал, библиографик кўлланмалар, даврий нашрлар, Ўнтернет каналлари орқали олинган CD-ROM материалларидан фойдаланиш.

## **6. Кўргазманинг номини аниқлаш;**

Кўргазманинг номи лўнда (йирик ҳарфли сўзлардан иборат бўлмаган); ахборот жиҳатдан сигимли бўлмоғи, кўргазма мавзуси, фоясининг моҳиятини ифода этмоғи лозим;

## **7. Кўргазманинг композициясини аниқлаш:**

- симметрия бўлиш эҳтимоли,
- китоблар, журналлар, иллюстрацияларни кетма-кет алмаштириб қўйиш йўли билан эришиладиган композиция туғаллиги,

- китоблар ва иллюстратив материалнинг оптималь бирлашуви (1 токчага 6 нусхадан кўп бўлмаган китоблар; фақат китобларгина эмас, фақат иллюстратив материалгина ҳам эмас).

## **8. Кўргазманинг рангдорлик жиҳатдан ҳал этилишини аниқлаш;**

- китоблар учун матолар, қоғозлар, деворга ёпиштириладиган қоғозлар ёрдамида фон яратиш;

- умумий фон ва сарлавҳалар, руқнлар, кичик руқнлар, цитаталарнинг икки рангдаги бирлашувидан фойдаланиш.


## **9. Кўргазмаларни турли хил унсурлар: белгилар, буюмлар, конструкциялар (ташқилий техника, тагликлар, хатчўплар, қистирғичлар), декоратив материаллар (драплаш, гуллар, сувенирлар, фотосуратлар, иллюстрациялар, репродукциялар ва б.) билан тўлдириш.**

Таклиф этилаётган умумтаълим мактаблари кутубхоналаридағи кўргазма ишларини олиб бориши методикаси кўргазма экспозицияларининг бир бутун, тугал тимсолини яратиш, уларнинг педагогик, ахборот бериш, ўқув-билув имкониятларини кучайтиришга ёрдам беради.

Умумтаълим мактаблари кутубхоналари учун мўлжалланадиган кўргазма фаолиятини такомиллаштиришнинг қуйидаги каби йўлларини ҳам таклиф этиш мумкин:

- китобхонларнинг қизиқишлирини, китобхонлик эҳтиёжларини ташҳислаш, уларнинг кўргазмаларни ташкил этишдаги фаол иштироқларини рағбатлантириш;
- кўргазма фаолиятида музейлар иш тажрибасини, бошқа ноанъянавий ёндашув ва шаклларни қўллаш;
- кутубхона-ресурсларини унинг миссияси билан мос ҳолга келтириш;
- кутубхоналар ходимларининг ўз фаолиятлари натижаларида шахсий манфаатдорликларини ошириш.

## Күргазмалар типологияси



*P.Ратнер, Республика илмий педагогика  
кутубхонасининг илмий методика бўлими  
бошлиги*

## **КУТУБХОНАЧИЛИКНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ**

*(Мактаб кутубхоначиларининг доимий ҳаракатдаги туман,  
шаҳар семинарлари ишини ташкил этиши бўйича  
методик тавсиялар)*

«Таълим тўғрисида»ги қонунда, «Қадрлар тайёрлаш милий дастури»да, Президентимиз Ислом Каримовнинг маънавий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйишга доир фармонларида халқ таълими тизими ходимлари қаторида мактаб кутубхоначилари олдига ҳам янги муҳим вазифалар қўйилган.

Бугунги кунда мактаб кутубхоначилари олдида турган асосий вазифа мактаб ўқувчиларида янгича тарихий онгни шакллантириш, милий қадриятларни тиклаш бўйича олиб борилаётган тарбиявий ишларни такомиллаштириш, кутубхоначилик-библиографияга доир билимларни, педагогикага оид энг яхши адабиётларни ҳамда маънавият, аҳлоқ-одоб асосларини ўргатувчи, шунингдек ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий билимлар берувчи нащрларни тарғиб этиш, китобхонлар сўрови ва эҳтиёжини тўла қондириш, уларнинг ахборот маданиятини қўтаришдан иборатdir.

Халқ таълимини ислоҳ этиши дастури кутубхоначилик мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишига ҳам муҳим вазифалар қўяди, уларнинг касбий маҳоратларини оширишни, ишнинг янгича усусларини ўзлаштириб олишларини, ўзаро тажриба алмашиш, бой иш усусларини қўллашни кенг йўлга қўйишни ҳам тақозо этади.

Кутубхоначилик касб маҳорати кутубхоначи ходимларнинг ўзўзини касбий тарбиялаш ва малакаларини ошириш билан узвий боғлиқдир. Бунинг учун улар ўз малакалари даражасини ўстиришлари, қобилиятларини такомиллаштиришлари даркор.

Бугунги кунда кутубхона ходимларининг муддатли малака оширишлари усулидан воз кечиб, билимларни узлуксиз ва тезкор тўлдириб бориш ва янгилаш тизимига ўтиш, яъни кутубхона ходимларининг касбий билимларини чукурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида ташкил этилаётган доимий ҳаракатдаги туман, шаҳар семинарларида ўқишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ-

дир. Бундай ўкув семинар машғулотларини туман, шаҳар мактаб кутубхоначилари метод бирлашмаси доирасида ўтказиш мүмкин. Бундай машғулотлар кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, кутубхона ходимлари касбий маҳоратини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

Кутубхона ходимларининг доимий ҳаракатлари туман, шаҳар семинарларини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад:

– етакчи методик марказларнинг меъерий ҳужжатлари ва методик тавсияларни кутубхоналар фаолиятига комплекс равищда сингдириш;

– кутубхоначиларга, айниқса ёш мутахассисларга маслаҳатлар бериш;

– кутубхоналарнинг илфор тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш ва амалиётта татбиқ этиш;

– фаол амалиётта эга бўлган китобхонлар билан мунозара даврасини, амалий машғулотларни, муаммоли семинарларни, «Давра столи» йиғилишларини, лекцион машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Семинар машғулотлари бошқа тизим ва идоралар кутубхоналари иши билан мувофиқлашган ҳолда ўтказилиши лозим. Бу эса вилоят, шунингдек шаҳар ва туман болалар кутубхоналари ходимларини ҳам семинарларга жалб этиш имконини беради.

Семинар қатнашчиларини ўрганилаётган мавзу бўйича кутубхона иши билан танишириш мақсадида машғулотларни мактаб кутубхоналарида ташкил этиш ўринлидир. Машғулот мактаб кутубхонаси ходимлари томонидан ўтказилиб, унга туман, шаҳар, вилоят болалар кутубхоналари мутахассислари ҳам таклиф қилинади. Маърузачилар билан таъминлаш вилоят педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларига юклатилиади.

Семинар-машғулотларининг узлуксизлигини, барча кутубхона ходимларининг машғулотларда тўла иштирокини таъминлаш туман халқ таълими бўлими мактаб дарслклари кутубхона фонди методистлари зиммасида бўлади.

Семинар машғулотларини ҳар ойда камида 2 марта ўтказиш тавсия этилади. Машғулотлар республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан тайёрланган «Мактаб кутубхоналари учун семинар машғулотларининг таҳминий дастури» бўйича ўтказилади.

Малака ошириш – таълим жараёнини фаоллаштиришга хизмат қиласи. Бундан ташқари, мутахассислар дунёқарашини кенгайтириш, касбий маҳорати, маънавий ва ишчанлик жиҳатлари-

ни такомиллаштириш билан бирга уларнинг тафаккурини янгилаш, ўқув материалларига ижодий ёндошув ва олган билимларни амалиётта татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқитишининг анъанавий шакллари – маъруза, семинар, кўчма машғулотларни такомиллаштира бориб, таълимнинг фаол шакллари – маъруза-мунозара дарслари, кутубхона фаолиятининг аниқ вазифаларини ҳал этишга қаратилган семинар машғулотлари ҳам жорий этилмоқда.

Ўқитувчилар, маърузачилар томонидан ташкил этиладиган муаммоли вазиятлар тингловчиларни ўз тушунча ва билимларини қайта идрок этишга, маълумотнома-библиографик ва методик адабиётларга, статистик материалларга мурожаат этишга мажбур қиласди.

Кириш ва чиқиш анкета сўрови орқали ўқув машғулотларининг самарадорлигини назорат қилишни амалиётта татбиқ этиш мумкин. Масалан, «Китобхонлар билан ишлаш» деган туркум маърузалар бўйича ўтказиладиган кириш назорати анкетаси кўйидаги саволлардан иборат бўлиши мумкин:

– сиз ўз фаолиятингизда китобхонлар билан ишлашнинг қайси шакл ва усулларини қўллайсиз?

– сизнинг фикрингизча, оммавий тадбирларнинг қайси бирида кўп китобхон иштирок этади?

– булар ичида қайсиларини самарали деб ҳисоблайсиз?

Чиқиш назорати анкетаси кўйидаги саволлар асосида тузилиши мумкин:

– лекция материали тинглангандан сўнг сиз ўз ишингизда китобхонлар билан ишлашнинг қайсисини қўллашни истайсиз?

– сизнингча, оммавий тадбирларнинг қайси бирида кўп китобхон қатнашади?

### **«Китобхон-ўқувчиларга ахборотлар бўйича қўрсатиладиган хизмат» деган маърузанинг тахминий тузилмаси**

Бунда маърузачи мактаб кутубхонасида болалар билан олиб борилаётган ахборот ишларининг шакл ва усуллари, улар орасида кенг оммалашгандар тўғрисида саволлар беради. Маъруза кўп ҳолларда баҳс-мунозарага айланади. Шунда маърузачи тингловчилар фикр-мулоҳазаларини жамлаб умумлаштиради.

Кутубхона ходимлари малакасини оширишга доир машғулотларни ташкил этишда тематик семинарларга ҳам мурожаат қиласди. Улар мунозара кўринишида бўлиши мумкин. Муҳокама қили-

наётган саволлар тингловчиларда қизиқишиң уйғотаётган, масаланинг илмий ва амалий томонлари ёритилаётган бўлса, ёхуд ўқитувчининг билим ва салоҳияти етарли бўлган ҳолда, бундай саволжавоблар кутилган натижани беради.

Ўқитишининг фаол шакл ва усулларини қўллаш кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш даражасини оширади, уларни ижодий жараённинг фаол иштирокчисига айлантиради.

Масалан, методик фестивални олиб кўрайлик. Фестивални ўтказишдан асосий мақсад янги методик ғоя ва изланишлар асосида тажрибаларни айирбош қилишдан иборат.

Фестивалга кўпчилик китобхон тўпланади. Унда кутубхоначилар энг яхши иш тажрибалари билан танишишади, ўзгача ҳолатларда ўзларини қандай тутишни ўрганадилар. Катта қўргазма ташкил этилиб, бу панорамада методик ғоя ва изланишлар намойиш қилинади. Шулардан бири педагогик аппарат методикасидир. Ушбу методикада мактаб педагогик жамоасининг ёзган реферати, ижодий ҳисоботи, конспекти, сценарийларидан иборат ноанъанавий ахборот материаллари ўз аксини топади. Олиб борилган изланишга доир картотекалар ҳам тақдим этилади.

Ҳар бир мактаб педагогик жамоа аъзоларининг иш тажрибасига доир катта базага эга. Коида бўйича бундай материаллар илмий бўлим мудири, директор ўринбосари хонасида, методика кабинетида сақланади. Методика-педагогик аппаратини тушибдан мақсад ҳам ушбу материалларни системага солиш, уларни китобхонларга тушунали қилиб тақдим этишдан иборат.

Мазкур аппарат ёрдамида асосий фонд тўлдирилиб, ижодий натижаларга эришилади. Аппарат ёрдамида педагогик ходимларга ахборот-библиографик, тавсия-библиографик хизматлар кўрсатиласиди. Мактаб ўқитувчилари педагогик маҳоратини оширишга доир бой тажриба, билимлар ўрганилади.

Ушбу аппарат:

- жамоа учун ахборот хизматини;
- педагогик жамоа материалларини;
- илмий-амалий конференция, семинар-практикум материалларини;
- ўқитувчининг ижодий лабораториясини;
- тарбиячининг ижодий лабораториясини;
- мактаб тарихига доир материалларни;
- жорий йилда олинган материаллар картотекасини ўз ичига олади:

«Ахборот хизмати» папкаси орқали Низом, меҳнатни тақсимлаш тартиби, лавозим инструкцияси, таълимий дастурлар, меъёрий хужжатлар билан ҳам танишиш мумкин.

«Ижодий лаборатория» папкасида эса дарс конспектлари, маъруза материаллари, сўзга чиқиши матнлари сақланади. Шундай қилиб, методика-педагогик аппарат хужжатларидан кутубхона ишларидаги кенг фойдаланиш мумкин, ўқитувчилар учун ташкил этилган китоблар, китоб-иллюстратив қўргазмаларни аппарат материаллари ҳисобидан бойитиб бориш мумкин.

Республика илмий педагогика кутубхонаси доимий ҳаракатдаги туман, шаҳар семинарларини ташкил этиш, ўқувчи ва мутахассисларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида кутубхона ходимларининг доимий ҳаракатдаги туман, шаҳар семинарларини ўтказиши бўйича тахминий резасини ишлаб чиқди. Ушбу режада умумтаълим мактаблари кутубхоналарини меъёрий-методик хужжатлар билан таъминлаш, кутубхона ишларини режалаштириш ва ҳисботини тайёрлаш; китоб фондини шакллантириш, ташкил этиш ва сақлаш; зарур кутубхона хужжатларини киритиш; кутубхоначилик, ахборот, маълумотнома-библиографик хизматни такомиллаштириш, тарбиявий, оммавий ишларни ташкил этиш кўзда тутилган.

## **I. Мактаб кутубхонаси ходимлари учун семинар машғулотларининг тахминий дастури**

Кутубхоначилик иши бўйича асосий материаллар:

1. Кутубхоначилик иши бўйича меъёрий хужжатлар, низомлар, йўриқномалар, мактаб кутубхонаси фаолиятини йўлга қўювчи асосий хужжатлар.
2. Кутубхона ишини ташкил этишнинг асосий муаммолари бўйича мактаб кутубхоналарини методик таъминлаш.

## **II. Умумтаълим мактаблари кутубхоналари ишларини ташкил этиш ва режалаштириш**

1. Мактаб кутубхоналари ишини режалаштиришнинг асосий талаблари: илмий асосланганлик, аниқлик, мувофиқлаштирилганлик ва йўриқномалик.

2. Ўқув иили учун иш вақти бюджетини ҳисобга олиш.

Кутубхонанинг статистик кўрсаткичлари: китобхонлар сони, китоблар сони, кутубхонага келувчилар сони.

**Ҳисобга олиш тартиби:** ўқилганлик, қатнашилганлик, ўқишига берилғанликка доир рақамлар.

**3. Меъерий меҳнат.** Кутубхонада бажарилған ишларга сарфланадиган вақт.

### **III. Мактаб кутубхонаси ишини режалаштириш**

**1.** Кутубхонанинг йиллик иш режасини тузиш методикаси; матнли қисм; статистик қисм, асосий қисм.

**2.** Мактаб кутубхонаси йиллик иш режаси тузилмаси. Режанинг асосий бўлинмалари.

**3.** Мактаб кутубхонаси жорий режаси; йилнинг чораги, ойлик режа, йиллик режада кўрсатилған тадбирлар, тематикалар, тадбирларни ўtkазиш, муддатининг аниқ акс этиши.

### **IV. Мактаб кутубхонаси китоб фондини шакллантириш**

**1.** Кутубхона фондини комплектлаш; китоб фондини комплектлашнинг асосий манбалари; фондни тўлдиришнинг қўшимча шакллари; «Ўқитувчи», «Ёзувчи», «Меҳнат», Fafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат», «Ибн Сино» ва бошқа нашриётларнинг тематик режалари.

**2.** Мактаб кутубхонаси фондининг профили; кутубхона китоб фондининг соҳавий таркиби; китоб нусҳалари тавсияси, синфдан ташқарида ўқиладиган китоблар.

### **V. Умумтаълим мактаблари кутубхоналари фонди ҳисобини юритиш**

**1.** Янги олинган адабиётларни қабул қилиш: илова қилинган хужжатлар (ҳисоби, юк хати, акт); илова қилинмаган хужжатлар сиз олинган адабиётлар.

**2.** Фонд ҳисобининг тури ва шакллари; якка тартибдаги ҳисоб, умумий ҳисоб.

**3.** Якка тартибдаги ҳисоб шакллари. Инвентарь дафтарни тўлдириш қоидаси.

**4.** Умумий ҳисоб: умумий ҳисоб дафтарининг асосий таркибий қисми, умумий ҳисоб дафтарини тўлдириш қоидаси.

### **VI. Кутубхона фонди ҳисобини юритиш (V машгуломнинг давоми)**

**1.** Якка тартибдаги дафтарда қайд этилмаган нашрлар ҳисоби.

**2.** Китобхонлардан йўқолганлари ҳисобига олинган китоблар ҳисоби.

## **VII. Умумтаълим мактаблари кутубхоналари**

### **фондини ташкил этиш**

1. Кутубхона фондини жойлаштириш ва сақлаш. Жойлаштириш усуллари: китоб фондини систематик-алфавит тартибида жойлаштириш; китоб фондини тематик тартибида жойлаштириш; ажратиш турлари.

2. Кутубхона фондининг сақланганлиги; фондни сақлашнинг муқобил шароитини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар; кутубхонада санитария-гигиеник тартиб; китобларнинг стишмаганлиги аниқланганда моддий жавобгарлик; хужжатларни сақлаш.

3. Кутубхонада фондини текшириш: мактаб кутубхонаси китоб фондини текшириш муддатлари; кутубхона фондини текшириш бўйича ташкилий ишлар; китоб фондини текширишни амалга ошириш методлари, фондни текширишнинг тахминий иш ҳажми.

## **VIII. Китобларни кутубхона фонди ҳисобидан чиқариш**

1. Нашрларни ва бошқа хужжатларни кутубхона фонди ҳисобидан чиқариш, сақлаш ва кутубхона ходимларининг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 16 январ қарори, № 1,4; Келишилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 12 январ қарори №02-03; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1996 йил 4 январ қарори № 12-01-30/7, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг 2001 йил 15 октябр қарори №03-257, «Мактаб кутубхонаси фондида адабиётларни сақлаш бўйича тавсиялар».

2. Ҳисобдан чиқарилган китоб, рисолалар, фонддан чиқарилган китоблар актини тузиш ва сақлаш.

## **IX. Матбуот асарларига ишлов бериш**

1. Адабиётларга техник ишлов бериш. Техник ишлов беришнинг асосий жараёни: муҳрлаш, Инвентарь тартибини қўйиш, китоб формулярини тузиш, дубликат нусхалар билан ишлаш.

2. Адабиётларга илмий жиҳатдан ишлов бериш. Матбуот асарлари библиографик таснифини тузиш. Умумий талаблар.

## **X. Кутубхона каталогларини ташкил этиш**

1. Кутубхона каталоглари. Каталогларнинг аҳамияти, улар турлари.
2. Алфавитли каталог, уни тузиш, жиҳозлаш.
3. Систематик каталог. Унинг аҳамияти ва тузилиши. Каталог тузилмаси. Картотекаларни жойлаштириш.
4. Ўқитувчилар учун тузиленган илмий-методик ва педагогик адабиётлар систематик каталоги.

## **XI. Библиографик ва ахборотлаштириш ишлари**

1. Маълумотнома-библиографик хизмат кўрсатиш: турли библиографик (тематик, фактографик, аниқлаштирувчи) маълумотномаларни кўллаш; библиографик маслаҳатлар бериш. Берилган маълумотномалар ҳисоби.

2. Китобхонларни библиографик ахборотлар билан куроллантиришнинг асосий шакллари: оммавий, гуруҳий, якка тартибдаги ахборотлар; ахборотлар беришнинг оммавий шакли: янги олингандай китоблар кўргазмасини ташкил этиш, библиографик шарҳлар уюштириш, ахборотлар кунлари, мутахассислар кунларини ўтказиш;

Гуруҳий ахборотлар бериш: тематик адабиётлар кўргазмаси, тематик подборкалар ташкил этиш, библиографик обзорлар ўтказиш, адабиётларнинг тавсия рўйхатлари тузиш.

Якка тартибда библиографик ахборотлар бериш: китобхонларни янги нашрлар тўғрисида мунтазам хабардор қилиш, библиографик рўйхатлар тузиш.

## **XII. Ўқувчиларнинг кутубхона-библиографик билимлари асосларини шакллантириш**

1. Кутубхонага оид, библиографик билимларни тарғиб қилиш; кутубхона фонди, маълумотнома-библиографик аппаратдан фойдаланиш, маълумотнома нашрлари билан ишлаш, ўқувчиларнинг ахборотга доир билим доирасини кенгайтириш, методикасини ўргатиш.

2. Библиографик дарс. Ахборотлардан мустакил фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш, турли кўринишдаги нашрлардан керакли ахборотларни мустакил танлаш, ўқувчиларнинг илмий, бадиий, энциклопедик адабиётлар билан шуғулланишлари; дарсларда обзорлар, амалий машгулот,

эксперсия, тестлар, мустақил ишларга доир методик усуллардан фойдаланиш.

### **XIII. Кутубхоналарнинг китобхонлар билан ишлаши**

1. Китобхонлар билан ишлашининг асосий йўналишлари: ўкувчиларнинг қироатхонлигига раҳбарлик қилиш; ўкув фаоллигини ўрганиш, буларни таҳлил қилиш.

2. Китобхонлар билан ишлашнинг метод ва шакллари: қироатхонликка индивидуал ёндошишга раҳбарлик қилиш. Китобхонликка оммавий раҳбарлик қилиш методи. Китобхонлар конференциялари, адабий кечалар, адабий эрталиклар ўтказиш методикаси.

### **XIV. Фаол китобхонлар билан ишлаш**

1. Кутубхоналарнинг фаол китобхонлар билан ишлашнинг шакл ва усуллари: китоблар тўғрисида обзорлар, кутубхона плакатини жиҳозлаш, кутубхоначилик иши технологиясига ўргатиш, китобхонлар билан ишлаш методлари.

2. «Ёш кутубхоначи», «Муқовалаш иши» тўгараклари, адабий-ижодий клубларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга кўйиш.

*Ғаниева Д. Республика илмий педагогика  
кутубхонаси директори,  
педагогика фанлари номзоди*

## **МАКТАБ КУТУБХОНАСИ ВА ИНТЕРНЕТ**

«Умумий ўрта таълим мактаб кутубхоналарининг янги моделенини яратиш» лойиҳасига асосан, республикамизнинг 8 та мактаб кутубхонасида компьютер ва интернетдан фойдаланишнинг янги имкониятлари яратилияпти. Бу эса ўз навбатида турли физик ташувчилардан (магнит тасмалар, дисклар, сидеромлар ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжатларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда.

Компьютер ва интернет ёрдамида кутубхоначилар ҳужжатларни каталоглаштириш, ахборот истеъмолчиларининг давомати устидан назорат қилиш, қўшимча адабиётларнинг мавзу бўйича рўйхатларини, ахборот марказида мавжуд бўлган техник воситалар ҳамда интернетдаги таълим ресурсларига аннотация иловаларининг рўйхатларини яратиш; турли хил мавзулар ва йўналишлар, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўқув-тарбиявий фаолият давомида яратиладиган маъruzалар (рефератлар, семинар ва конференциялардаги чиқишилар, мустақил олиб борилган тадқиқотлар) бўйича маълумотларнинг ахборот банкларини яратиши ташкил этиш; педагоглар жамоаси, метод бирлашмалар томонидан мактабнинг дарс ва дарсдан ташқари фаолияти ҳақида (режалаштиришлар, лаборатория ва амалий ишлар баёни, отаоналар учун ахборотлар) яратилаётган материалларни янгилашни ташкил этиш; ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан лойиҳалар юзасидан олиб борилган иш натижалари сифатида Веб-саҳифалар тузиш ва ҳоказоларни бажармоқдалар.

Хўш, Интернетдан дарс жараённида қандай фойдаланиш мумкин? Бунда мактаб кутубхоначисининг ўрни қандай бўлаяпти? Айтиш жоизки, Интернетдан фойдаланиш мактабда дарсларнинг самарадор ва қизиқарли ўтишига ёрдам бермоқда. Ундан ахборот топиб ўқиш ўқувчида билим олишга бўлган иштиёқни оширади. Тадқиқот ишини ёзиш ёки лойиҳа тузиш учун Интернетдан олинган маълумотдан фойдаланиш ўз келажагига ижобий қараш ҳамда ахборотни топиш, уюштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, таққослаш, яратиш ва, ниҳоят, янги foяларни

Эълон қилиш ишлари умр бўйи сақланиб қоладиган билим ва кўнікмаларни вужудга келтиради.

Бугун ўқувчи қайси касб ёки соҳани танламасин, бу компьютерда ишлаш кўнікмаларини эгаллашга эҳтиёж сезади. Компьютерда ишлаш кўнікмалари ўқувчиларга ўзларининг ёзиш-чиши қобилиятларини машқ қўлдириш ва маълумотлар базасини қидириб топишга кўмаклашади.

Мактаб кутубхоначилари ўқитувчиларга маданий ахборот алмашиб ва бугунги кун муаммоларини мұҳокама қилиш учун бошқа мамлакатлар ўқувчилари билан боғланишига ёрдам бера оладилар. Интернет ҳамиша янгиланиш босқичида турадиган воситалар жумласига кирадики, бу айни пайтда ўқитувчиларга ўқув режаларини тузиш, уларни доимий такомиллаштириб бориш имкониятини беради. Интернет мулоқот ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтирган ҳолда, мамлакатлараро алоқани таъминлайди. Мұхими, улар бошқа мамлакатларнинг турмуш тарзи, юрттарихи ва келажаги хусусидаги маълумотларни билиш имкониятига эга бўладилар.

Интернетдан фойдаланиш компьютерда ишлаш кўнікмаларини ўстирибгина қолмай, айрим масалаларни сайёрамизнинг бошқа маданият вакиллари билан биргаликда ҳал этиш давомида танқидий фикрлашга ҳам ўргатади.

Ўқувчилар дунё ижтимоий-сийёсий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар юзасидан чиқарган ўз хулосалари асосида шаклланган қарашларини кенгайтириб борганлари сайин, ўзлари мансуб бўлган этник гуруҳ ҳақида бирламчи ёки иккиласмачи ахборотлар топишга берилиб кетадилар.

Шунинг учун мактаб кутубхоначилари ўқувчилар билан интернет орқали ишлаганларида, ўқитувчилар банкларини ва отоналарнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, тармоқнинг фақат тегишли сайтларида ишлашлари даркор. Бу сайтлар мактаб вебсаҳифаси билан бирлаштирилди, бинобарин, ўқувчилар тўғридан-тўғри интернетга, унинг маҳсус сайтларига кириб бориш имконига эга бўладилар. Мактаб кутубхоначилари ўқитувчилар билан ҳамкорликда кутубхона фондларидан фойдаланишни талаб этадиган топшириқларни шакллантириш устида иш олиб боришлари лозим. Бунинг натижасида кўрсатилган сайтлар максимал даражада кенг қўлланадиган бўлади.

Юқори синф ўқувчиларига мактаб кутубхоначилари интернет ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини беришлари мақ-

садга мувофиқдир. Бу нарса шуни англатадики, улар ўқувчиларга ахборот қидиришнигина ўргатиб қолмай, «Хид» – манбалар миқдорини қандай қилиб чеклаш мумкинлигини, топилган ахборотдан аниқ, муҳим ва фойдалисими қандай қилиб ажратиш кераклигини ҳам ўргатишилари лозим. Пировардида кутубхоначилар ўқувчиларга ахборотдан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунча беришлари даркор. Мактаб кутубхоначилари ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқувчиларда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш юзасидан қўшимча машғулотлар ташкил этишилари лозим.

Хулоса шуки, мактаб кутубхоначилари ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда жамиятнинг бошқа аъзоларига интернет ва унинг ресурслари ўқувчилар учун муқобил ахборот манбаи сифатида катта аҳамиятта эга эканлигини кўрсатиб беришлари керак. Бунда улар шуни ҳисобга олишлари зарур, ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда ўзлаштира олмайдилар. Шунинг учун ўқувчиларнинг ёши ва хусусиятига қараб, янги технологиялар орқали, ахборотни ўзлаштиришда ёрдам бериш учун таълим методикаларини тез-тез ўзгартириб туриши лозим. Зеро, мактаб кутубхоначилари давр билан ҳамнафас бўлишлари керак.

## КУТУБХОНА ВА КУТУБХОНАЧИ

Бола тарбиясида китобнинг ўрни алоҳида. Шу боис юртимиз кутубхоналари фаолиятини такомиллаштиришда хориж кутубхоначилик ишларининг мақсад ва вазифалари, уларнинг болаларни китоб мутоаласига жалб қилишдаги ёндашуви ҳамда кутубхона мутахассисларига кўйиладиган асосий талабларни ўрганиш ва таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда чет эллик мутахассислар асосий эътиборни ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида маҳсус йўналтирилган кутубхоначилик ишларини ташкил этишга қаратган. Шу боис унинг хусусиятлари, мақсадлари ва истиқболини аниқлаш юзасидан кўп қиррали вазифаларни ҳал этмоқдалар. «Болаларга кутубхоначилик хизматини кўрсатиш бўйича тавсиялар» кўлланмасининг (1994 й.) тузувчилари Арене Тейнила (Финландия) ва Анне Писард (Франция) болаларга кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг ҳалқаро талабларига жавоб берадиган умумий мақсадларини белгилаб чиқишига интилганлар. Унда болаларни илм олишга даъват этишда матн, тасвир ёки овоз шаклларида тақдим этилган воситалардан фой-

даланишнинг ижобий жиҳатларига эътибор қаратилган. Л.Теинила ва А.Писард ўз кузатишларига асосланиб болалар кутубхоналарининг таянч мақсадини қуидагича тарифлайдилар: «Бола учун унинг озод ва фаол бўлиб вояга етишига ёрдам берадиган маданий ва таълимий рағбатлар яратиш керак».

Ишчан ва ижодий шахс сифатида ўсиб келаётган инсонни тарбиялашга қаратилган вазифалар кутубхоначиларнинг дикқат марказида бўлиши керак. Шу муносабат билан кутубхоналарнинг вазифаси юксак стандартларга риоя этган ҳолда, материалларни танлаш ва жамлаш, уларнинг сақланиши ҳамда ёш абонентларнинг кўли етадиган бўлишини таъминлашдан иборат. Кутубхона қулай ва имкон қадар китоб ўқишига ундейдиган тарзда бўлиши лозим. Кутубхона ишчилари болаларга ва уларнинг оиласларига ҳам фойда келтириши даркор.

Болалар кутубхоналари ота-оналар билан яқиндан алоқада иш олиб боришлари мухим вазифа ҳисобланади. Чунки айни шу кутубхоналар боланинг маданий ҳордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қиласи. Шу боис мактаблар, тарбиячилар, педагоглар билан ҳамкорлик қилиш ва мавжуд дастурларга таяниш мухимdir.

Кутубхоначилар ўкувчиларнинг ўрта маълумот олишларига мадад беришига таалуқли бўлган иккинчи мақсадга эришиш доирасида ўзларининг қўшадиган асосий ҳиссаларини қуидагиларда кўрадилар: кутубхоналар ўкув фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва имкониятларни кенгайтириш борасида ўқитувчилар, ўкувчилар ва ота-оналарга ўз ресурсларини тақдим этадиган марказлар сифатида майдонга чиқади. Бу ерда аввало кутубхоналарнинг «хатарли гуруҳи»даги (кам китоб ўқийдиган болалар) ўкувчилар билан ишларини, шунингдек, иқтидорли ўкувчиларни уларнинг чукурроқ қизиқишларини жорий этишларини таъминлаш йўлидаги ишларини кўрсатиш мумкин. Хужжатда таъкидланишича, кутубхона жамғармалари миллий жамиятнинг хилма-хил томонларини акс эттиради, шунинг учун турли тиллардаги материаллар аҳолининг маҳсус гуруҳлари олдида турган таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантиради. Бундан ташқари, кутубхоналар кўриш ва эшитища жисмоний нуқсони бўлган ўкувчиларга ихтисослашган кутубхоначилик ва ахборот хизмати кўрсатишини таъминлайди.

Қўйилган учинчи мақсадга мувофиқ истиқболда Америка ўкувчилари бир қатор ўкув фанларидан ўзларининг тўлиқ лаёқатли (компетентли) эканликларини намойиш эта оладилар ва ақлий меҳнат кўнилмаларини эгаллаган барча ўкувчилар масъулият туйғусига эга

бўлган, бундан кейинги ўқишига ҳамда замонавий иқтисодиёт шароитларида маҳсулотдор меҳнатга қодир фуқаролар сифатида етишиш учун тайёр бўладилар. Бу ўринда кутубхоналарнинг асосий ҳиссаси шунда кўринадики, улар ўқувчиларга узлуксиз таълим олиш кўникумаларини ривожлантиришга ёрдам беради ва ахборотдан самарали фойдаланишга кўмаклашади. Бунинг учун кутубхоначиликар ўқувчиларни ахборотни қидириб топиш, баҳолаш ва ундан фойдаланиш кўникумаларига ўргатиш малакаларини эгаллайдилар. Бу кўникумалар ахборот асрида ўзини жорий этиш учун зарур таянч ҳисобланади. Кутубхоналарнинг фондлари барча ўқув фанлари бўйича замонавий материалларни ўз ичига олади. Иқтидорли ва манфаатдор ўқувчилар учун кутубхоналарро алмашув орқали янада ихтинослашган материаллар ва журналларга йўл очилади. Касбий юксалишни танлашга ёрдам умуман мўлжалланган кутубхона ихтиёридаги ахборот ўқувчилар томонидан касбларнинг хилма-хил оламининг ўрганилишини рағбатлантиради.

Таълимнинг миллий ислоҳотида қўйилган тўртинчи мақсадга мувофиқ Америка ўқувчилари истиқболда бошқа мамлакатлардаги ўз тенгдошларидан математика ва табиий фанлар бўйича илгарилаб кетдилар. Бу ерда кутубхоналарнинг асосий ҳиссаси шунда бўладики, ахборот соҳасидаги мутахассислар сифатидаги кутубхоначиликар ўқувчиларнинг ахборотга кириб боришлиарини ва уни қидириб топишларини енгиллаштирадилар. Масалан, ўқувчилар кутубхоналарро алмашув ва кутубхоначилик ахборот тармоқлари орқали жаҳондаги мавжул илмий ва техникавий ахборотга ўз вақтида кира олишлари мумкин. Кутубхоначиликар ўсиб келаётган ёш авлодга компьютер саводхонлигини ўзлаштириш ва турли хил дастурларни ҳамда дастурий таъминотни ўргатишида ёрдам берадилар. Кутубхоналар ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва қидириб топиш имконини берадиган турли хил ахборот технологияларидан фойдаланиш учун имкон беради. Бу мақсадларни амалга ошириш учун барча типдаги кутубхоналар кооперациялашади, ресурслари билан ўзаро алмашади ва ахборот тармоқларидан биргаликда фойдаланади.

Юқорида белгиланган олтинчи мақсад муҳим саналади. Унга кўра Америкада ҳар бир мактаб гиёҳванд моддалар ва зўравонликдан ҳоли бўлиши учун кутубхоналар наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва бошқа салбий одатларнинг ижтимоий муаммолари бўйича энг янги ахборотни тақдим этади. Бундан ташқари, кутубхоналарда ушбу долзарб муаммолар бўйича конфиденциал ахборот оладиган «Нейтрал» муҳит яратилади. Кутубхоначи-

лар ўсмирлар ва ёшларга наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг салбий томонларини англаб этиш имконини берадиган дастурларни таклиф этадилар (шунингдек, жамғармаларни шундай мавзулардаги материаллар билан таъминлайдилар).

Кутубхоналар томонидан ўкувчиларнинг бўш вақтларини ўтказишнинг рекреацион ва таълимий дастурлари ташкил этилади, шу орқали улар ўзларининг бўш вақтларини янада унумлироқ ўтказишга ўрганадилар.

Кутубхоналар жамоаси учун фоятда муҳим яна бир ҳужжатни кўриб чиқамиз. «Келгусида ҳаёт учун зарур эҳтиёжларни қондиришда кутубхоналар ва кутубхоначилар болаларга қандай ёрдам беришлари мумкин?». Ушбу ҳужжат Вилджимент Метиус, Юдит Флум, Карен Витнейлар томонидан тайёрланган. Унда Америкалик мутахассислар болалар эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, кутубхоналарнинг иш йўналишларини белгилаб чиқдилар.

Бугун «Болалар келажакка ишонишлари ва шу келажак учун ўз масъулиятларини ҳис этиш ҳамда унга ҳисса қўша олишларини тушуниб этишга муҳтождирлар» деган долзарб фикр илгари суриласди. Кутубхоналар ўз ресурсларини тақдим этган ҳолда қўргазмалар ташкил этиб, маҳаллий, миллий ва хорижий материалларга эга бўлган дастурлар ишлаб чиқади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг демократиянинг ривожлантириш жараёнинга ва ижтимоий муаммоларнинг ечимларини қидириб топишга бўлган ҳавас ва қизиқишишларини қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларга ўз келажгини белгилашга ёрдам бериш. Уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишларини таъминлашга хизмат қиласди.

Болаларда ўзаро фикр алмашиб, тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш қобилияtlарини ўстиришда ҳам кутубхоналарнинг ўрни ҳам муҳим. Хўш, бунда кутубхоналарнинг фаолияти қандай йўлга қўйилади? Бугунги кунда кутубхона энг кичик ўшдаги болалар билан ҳам ишларни йўлга қўйиши лозим. Бу орқали ўқитувчилар билан биргаликда мактаб доирасидан ташқарига чиқадиган ва ўкувчиларга ўқиш ва сўзлаш малакасини такомиллаштиришга ёрдам берадиган лойиҳаларнинг ташаббускори бўлиш ва уларни мувофиқлаштириш лозим бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, кутубхоналар фаолиятининг муҳим жиҳатлари универсиал тавсифга – таълимни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг ижтимоий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, китоблар ва ахборотнинг бошқа манбалари билан таъминлаш, болалар ва ўсмирларнинг индивидуал ўкув эҳтиёжларига ва

шахсий сўровларига жавоб берадиган хилма-хил материалларни тақдим этишга эга маскан сифатида эътироф этилади. Шу ўринда хорижий мактаб кутубхоналарининг мақсад ва вазифаларига ҳамда мутахассисларига қўйиладиган талабларга эътиборни қаратиш жоиз. Бу ўқув юртларида ушбу йўналишдаги кадрлар тайёрлашни модернизациялаш муҳимдир.

БМТ нинг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти «ЮНЕСКО» ва мактаб кутубхоналари аҳборот хизмати ўзининг маҳсус баёнотида шундай эълон қиласди: «Мактаб кутубхоналарининг аҳборот хизмати барча болалар ва ўсмирларнинг самарали таълим олишида таянч рол ўйнайдики, таълим тинчликни ҳамда ҳалқлар ва давлатлар орасидаги бир-бирини тушунишни мустаҳкамлаш ишида ҳаётий муҳим омилдир» (301, 49-б).

Дарҳақиқат, кутубхона мактаб таълими дастурини рӯёбга чиқаришда ҳам умумий кутубхоначилик тармоғининг таркибий қисми сифатида ҳам зарурдир. Ушбу ҳужжатда мактаб кутубхоналари аҳборот хизматининг қўйидаги вазифалари белгиланган.

— педагогик ва ўқув дастурларини жорий этишда доимий ёрдамни амалга ошириш ва таълим соҳасидаги ўзгаришларни такомиллаштиришга хизмат қилиш;

— аҳборот олиш манбалари ва хизматларининг мумкин қадар кенгроқ майдонига максимал даражада кириб боришини кафолатлаш ва ўқувчиларга аҳборотни қидириш ва истеъмол қилиш соҳасида таянч кўнікмаларини бериш;

— ёш авлоднинг бўш вақтини кутубхоналарда самарали ўтказиш, аҳборот қидириб топиш ва узлуксиз таълим олиш мақсадида фойдаланиш кўнікмаларини шакллантириш.

«Мактаб кутубхоналари тўғрисида Низом» да мактаб кутубхоналарининг функцияларини: аҳборот, таълимий, маданий ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш вазифаси очиб берилади. Чунончи, аҳборот функциясини бажариш — бу ишончли аҳборотни таъминлаш, аҳборотга тез кириб бориш ва уни узатишни кафолатлаштириш. Таълимий функцияларнинг вазифалари — билимларни эгаллаш учун зарур ресурслар ва шарт-шароитларни таъминлаш орқали узлуксиз, бутун умр бўйича давом этадиган таълимга ёрдам кўрсатиш, аҳборот материалларини топиш, танлаш ва улардан фойдаланишда, кўнікмаларини шакллантиришда ёрдам кўрсатишдан иборат.

\* \* \*

Яхши кутубхона коинотнинг китобдаги инъикосидир.

*Н.А.Рубакин*

\* \* \*

Яхши кутубхонада бўлишдан ҳам ортиқроқ завқ борми. Китобларга қарашнинг ўзи баҳт. Кўз ўнгингизда худолар иззатига лойиқ зиёфат; шу зиёфатда иштирок этиб, қадаҳингизни лиммо-лим тўлдириб олишингиз мумкинлигини тасаввур этасиз.

*Ч.Лемб*

\* \* \*

Оммавий кутубхона фикрларнинг истаган киши таклиф этилган очилдастурхондир.

*А.И.Герцен*

\* \* \*

Ўзингизни донолар даврасида ортиқча меҳмон деб ҳисобла-манг. Ўзингизга яраша жойингизни олинг. Ана шундагина барча замон ва ҳалқларнинг шоирлари, олимлари, санъаткорлари, тарихчилари яратган жавоҳирлари билан юзма-юз келиб, сиз ўз иқтидорингизни ҳаққоний баҳолайсиз ва кўз ўнгингизда янги, бемиқёс, номаълум уфқлар юз очади.

*В.Я.Канель*

\* \* \*

Илму устоду китоб ҳурмати –  
Ҳаммасидан зарур бу боб ҳурмати.  
Ким эсдан чиқарса бу уч ҳурматин,  
Чекар ҳаётида камлик зиллатин.  
Ким бу ҳурматларни кераксиз билди,  
Бу йўлда мақсаддага етмай йиқилди.

*Камолиддин Биноий*

## **Мундарижа:**

Сўзбоши.....	3
«Шахснинг ахборот олиш маданияти» тушунчасининг талқини ва ахборот олиш билан боғлиқ билим, кўникумка, малакалар.....	7
Ахборот-ресурс марказларининг ўқитувчи ва ўқувчилар ахборот олиш маданиятини шакллантириш борасидаги фаолиятининг мавжуд ҳолати.....	30
Кутубхоначининг янгиланган касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик адабиётлар фондини тарғиб қилиш соҳасидаги фаолияти.....	46
Ахборот олиш маданиятини эгаллаш ва тарғиб қилишда кутубхоначи ва ўқитувчилар ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни.....	70
Ахборот-ресурс маркази ходимининг ўқув жараёнини методик таъминлаш соҳасидаги фаолиятига оид тажриба-синов ишлари.....	84

## **ИЛОВАЛАР**

Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида.....	98
Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.....	102
Таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази тўғрисида намунавий низом.....	107
Ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш қоидалари.....	114
Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналари фаолия- тини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида низом.....	117
Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот- ресурс марказларининг раҳбар кадрлари ва ходимларини танловдан ўtkазиш Ишчи гуруҳлари учун йўриқнома.....	121
Мактаб АРМ ходимларининг лавозим йўриқномалари...	128
Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириш концепцияси.....	138

Умумий ўрта таълим мактаб кутубхонаси низоми.....	144
Мактаб кутубхона жамғармасини тўлдириш тартиби.....	151
Таълим муассасаси кутубхонасининг китоб фондини ҳисобга олиш ва сақлаш тўғрисида йўриқнома.....	159
✓ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ахборот-ресурс	
марказлари тўғрисида низом.....	180
✓ Мактабдан ташқари таълим муассасаси кутубхоналари тўғрисида низом.....	188
✓ Ахборот-ресурс маркази ва уни ташкил қилишга кўйилган талаблар.....	193
✓ Умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс маркази ишини режалаштириш: анъаналар ва инновациялар.....	199
«Мактаб – кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ўtkазиш бўйича методик тавсиялар.....	221
Ўзбекистон Республикаси «Йилнинг энг яхши таълим муассаси кутубхоначиси» кўрик-танлови низоми.....	227
Республика умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўtkазиладиган «Жаҳон халқ оғзаки ижоди билағонлари» кўрик-танлови низоми.....	238
Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари кутубхоналар, аборот-ресурс марказлари ўртасида ўtkазиладиган «Дарсликка – узоқ умр» кўрик-танлови- нинг низоми.....	243
Ўзбекистон Республикаси «Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона ва аборот-ресурс марказлари мутахассиси» кўрик-танлови низоми.....	259
Мактаб кутубхона-библиографик билимларидан бир шингил.....	269
Халқаро мактаб кунини ўtkазиш бўйича байрам тавсиялари.....	282
✓ Болаларнинг китоб ўқишига педагогик раҳбарлик қилиш.....	286
Мактаб кутубхоначисининг имиджи.....	290
Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги.....	293
Республика умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарида пуллик хизматни жорий этиш имкониятлари ҳақида.....	299

Умумтаълим муассасалари кутубхоналарининг	
кўргазма билан боғлиқ ишлари.....	304
Кутубхоначиликнинг маҳорат мактаби.....	312
Мактаб кутубхонаси ва интернет.....	321
Кутубхона ва кутубхоначи.....	323

# **ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИНИНГ РОЛИ**

Муҳаррир: *Шукур Қурбон*  
Бадий мұхаррир: *A. Жұраев*  
Техник мұхаррир: *И. Ұсаров*  
Сақыфаловчи: *A. Жұраев*

Босишга рухсат этилди 10.12. 2009 йил. Бичими 60x84.<sup>1/16</sup>  
Хажми 20,75 Ш.б.т Адади 1000 нусха.  
Буортма № 211. Шартнома 70/3

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Истиқол кӯчаси, 33 уй.**



ISBN 978-9943-06-256-6

9 789943 062566